

Хайриддин Султонов

БОБУРНИНГ ТУШЛАРИ

ҚИССАЛАР
ҲИКОЯЛАР
ЭССЕЛАР

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1993

83.3Ўз
С96

Китоб Бобур номидаги Халқаро жамоат хайрия жамгармаси ҳомийлигида нашр этилди. Нашриёт ва муаллиф Жамгарма президенти Зокиржон Машраб ўғлига миннатдорчилик билдиради.

Султонов Хайридин.

Бобурнинг тушлари: Қиссалар. Ҳикоялар. Эсселар.—
Ғ. Ғулום номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.—
272 б.

Бобурнинг тушлари... Таҳликали узун кечаларда, беором тушларда қандоқ сирли, илоҳий тушлар кўрган экан бу улуг зот? Ва кароматли, мўъжизакор бу тушлар қандоқ таъбир, рўёб топган экан?

Муҳтарам китобхон!

Мумтоз адибимиз Абдулла Қодирийнинг "Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли дейдилар", деган ҳикматли ўғити ёдингизда бўлса керак.

Қўлингиздаги тўпلام муаллифи ҳам бу сафар сизни олис ва яқин тарихимиз сари саёҳатга чорламоқчи. Бу китоб саҳифаларида сиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳофиз Кўйкий, Муҳаммад Шариф Гулханий, Абдулла Қодирий сингари машҳур аждодларимиз сиймоси билан учрашасиз, хаёлан улар кезган мозий сўқмоқларидан босиб ўтгандек бўласиз.

Йўлингиз ойдин бўлсин!

Султонов, Хайридин. Сновидения Бабура: Повести, рассказы, эссе.

С 4702620201- 15 20 - 93
М 352 (04) - 93

ББК 83.3 Ўз

© Хайридин Султонов

Қиссалар



«КЎНГУЛ ОЗОДАДУР...»

Уша йили куз шундай тиниқ, шундай маънос келган эдики, беихтиёр одамнинг йиғлагиси келарди.

Кечалари шаҳарда хазон ёқиларди.

Ярим тунга қадар равонда ўлтирдим, ўпкам тутун ҳидига тўларди, димоғим ачишиб «Зарбулмасал» ўқирдим ва қор тушгунча оёғимга этик сотиб олишимгаю қонимга ташна қилган диссертацияни ёзиб тугатишимга негадир қаттиқ ишонар эдим. Гарчи бундоқ хомхаёллар билан шу равонда ўзимни алдаб неча кузу неча баҳорни бесамар ўтказиб юборган бўлсам-да, бари бир бу сафар ишончим комилдек туюларди. Дейдиларки, илон-чаёнларни ўрганаётган одам, охир-оқибат шу газандаларга ҳам меҳр қўйиб қолар экан. Шунданмикан ёки ёш умримни бағишлаб ўлтирганим учунми, қай бир замонларда яшаб ўтган Муҳаммад Шариф Гулханий деган ринднафас бир одам ҳам энди менга отамдек азиз бўлиб қолган, узун, совуқ кечаларда уч хонали бўм-бўш ижара уйда ёлғизлик нимадир — билмас эдим. Ой охирларида, шунча пайтдан буён «оғзига сўк солиб олган» телефон туйқусдан тилга кириб, уй бекаси Динора опа малол келтирмайгина ижара ҳақини эслатганида, ғойибга тикилганча пўписа қилиб қўярдим: «Хўш, мавлоно Гулханий, бска ижора истар, оқчадан чиқарсинлар! Кечаю кундуз шунда ҳозир у нозир бўлсангиз, ё ҳалимхона бундаю зикрхона ундами?!» Мавлоно Гулханий ранжиб жавоб қилар эдиларки: «Биз қўй кўрмасак ҳам, қий кўрган эрдук. Қул билан қуймоқ есанг, қустирмай қўймас, чўри билан чалпак есанг, қайтармай қўймас». Сўнг тумтайиб, индамай қолардилар, менинг эса, у киши Ғулом исмига мутоиба қилганига дарҳол фаҳмим етақолмас, англаб етгач, бисёр завқим қўзиб кулиб юборар эдим. Умуман, менинг ғуломлигим унинг муҳаммад шарифлиги аксарият лутфу зарофатларимизнинг қизғин ва туганмас пайровига айланган эди. «Нечукким айтмишлар,— дер эдилар у киши сохта қовоқ уюб,— қум йиғилиб тош бўлмас,

кул йиғилиб бош бўлмас». «Ҳаққаст рост, тақсир, — дер эдим мен, — гуломлигим чин бўлмаса, сизнинг этагингиздан тутармидим? Яхшилар била юрдунг — етдинг муродга, ямон била юрдунг — қолдинг уётга. Бу ўзингиз айтган сўзлар, тонмасиз, тақсир? Мана, китобингизнинг йиғирма учинчи саҳифасига зикр этилибдир. Агар мен аҳмоқ бўлмасам, ана, олмайманми, шоири замон «Офарин Бийроннинг эжодида лирик қаҳрамон эволюцияси» деган мавзуню бўлмайманми шу пайтгача дўхтир наук! Ҳайф сизнинг тарихан чекланган масалингизгаю ҳайф менинг нодон умримга!» Бу иддаоларимга жавобан мавлоно беписанд кулар эдиларки: «Ушбу сўзунг бирла изҳори фазл қилгонингми?! Ҳеч билмас ўхшаюрсанки, юмруқ юкуниб бийк бўлмас, эчку югуруб кийик бўлмас».

Шу зайлда кеч кириб, қоронғилик тушарди. Кечалари эса тушимда гала-гала қуш чарх урарди. Ҳар қушларки, ақлингиз шошади. Бойўғли билан Бойқуш, Япалоққуш билан Турумтой, Кордон билан Кўрқуш хилват бир вайронада базм қуриб тинимсиз чуғурлашар, қизиғи шундаки, мен уларнинг тилига бемалол тушунар, тагимга тўртта гувала қўйиб ўлтирганча офтоб элитиб, ҳар бирига жўяли-жўяли кенгашлар берар эдим. Баъзи тунлар бу маталгўй паррандалар момик патлари билан юз-кўзим, қўл-оёқларимни қитиқлаб уйғотарди, улар мени бедор бўлмоққа, яна «Зарбулмасал» китобини варақламоққа даъват этардилар. Гоҳ эса кўзларимга Ҳўқанди латифнинг кўкнори ҳаёлидек чалкаш жинкўчалари орасида, бўйрадек бир саҳнда кўкка сачраб ёнаётган гулхан кўринарди. Гулхан теграсида ҳаммом гўлаҳхонасини макон тутган мавлоно Гулханий ўзи сингари озодаваш ҳаёл соҳиблари — Маҳзуб, Мажзуб, Мунтазир тахаллусли уч ринд шоир билан суҳбат қуриб ўлтирган бўларди. Олов четида қора қумғон биқирлаб туради, жийда чой ҳиди атрофга таралади. Бу манзара эса мумтоз бир адибнинг ушбу сўзларини кўнглимга стаклаб келади: «Мен мана шундай гулхан ёнида ўлтиришни ва шу ҳолда чой ичишни жуда яхши кўраман. Бу ўлтиришнинг шоирона, дарвешона бир маъноси бор. Шу гулхан ҳаёти қануз менинг эсимдан чиқмайди ва шу ҳаётга ҳамиша кўнглимда бир муҳаббат сақлайман...»¹ Муҳаммад Шариф тўрда, бошини қуйи эгиб ўлтиради, мудом табассум, киноя ва мутоиба жилва қилгувчи озғин, заҳил юзларида қайғу кўланкаси. Ва шунда уни бу чоққа қадар бунингдек қисфада кўрмаганимни эслаб ҳайратга

¹ Абдулла Қодирий. «Меҳробдан чаён».

толардим. Унинг сувратидаги закийлик, дилкаш некбинлик қайга гойиб бўлганини ўйлаб бошим қотарди. Гулхан эса чарсиллаб ёнади, теваракка учқунлар сачраб-сўнади. Шу тобда аланга ёғдуси эмас, толесиз қисмат ёғдуси Муҳаммад Шарифнинг сийратини ёритиб тургандек туюлади. Шу ғариб, файзсиз маконига боқиб ва шу ғариб, файзсиз маконидан юлдузлар қадар юксалиб мавлоно Гулханий кўзларини ярим юмган кўйи байт ўқий бошлайди:

«Кўнгул озодадур,— шивирлайди унинг лаблари,— кўнгул озодадур, дунёга арзи эҳтиёж этмаз...»

Бундай лаҳзаларда Муҳаммад Шариф кўзимга нақ тажас-суми изтироб бўлиб кўринади. Эрталаб, уйқудан уйғониб, кечаси қоралаган қоғозларимни титкилайману «Гулханийнинг қувноқ ҳажвиётида...» деган сатрларга назарим тушиб, ўзимга, оламга нафратим ошиб кетади. Бундай лаҳзалардан сўнг ўлиб-тирилиб тўлдирилган саҳифа-саҳифа қоғознинг ҳузурини сават кўради.

Кўнглим совиб, ишга бораман.

Ишхонадаги буткул фаолиятимни бир оғиз қилиб «озгина» деган сўз билан ифода этиб қўяқолиш мумкин. Лекин бу фақат менинггина фаолиятим десам, ҳақим кетади. Ҳаммамизнинг ҳам ҳаётимиз ишхонадаги шу «озгина» деган сўзда мужассам. Ҳар қалай, мен ўзим кўрган идораларни айтаяпман, бошқаларига кафолат беролмайман. Хуллас, ишдаги кун тартиби тахминан шундай: озгина салом-алик, озгина газетхонлик, озгина кашандалик, озгина гийбат, озгина ҳасад, озгина хушомад, озгина ҳақиқат, озгина овқат, озгина сайр, озгина шахмат. Шу. Кун кеч бўлади. Дарвоқе, бу орада озгина иш ҳам қилиб қўйилади — бошлиқ сўкмаслиги ва виждон қийналмаслиги учун. Илгарилари бу ҳол менга беҳад эриш туюларди, ўзимни худди ишламасдан тишлаётгандек сезардим. Оз-оз ўрганиб доно бўлар экан киши — мана, тақдирга тан бериб, ўрганиб ҳам кетдим.

Кечқурун уй-уйига, тепа тўйига бўлганида биров дўконга жўнайди — гўшт истаб; биров боғчага йўл олади — боласини истаб; бировлар эса шаҳар кезмоққа тушади — май истаб... Ишқилиб, оқшом чоғи ҳар ким ҳам нимадир истаб қолади.

Мен эса имиллаб уйга қайтаман.

Мавлоно Гулханийнинг чиндан ҳам гўлаҳ бўлганига баъзан ишонгим келади: кун бўйи уйда ўлтиради-ю, бирор ивирсиган нарсага қайрилиб қарай демайди. Қайтага, маталгўй паррандаларини елкасига қўндириб, уйнинг тўс-тўполонини чиқариб, маҳмадона қушлари билан бирга бандаи бечораларни гийбат қилиб ўлтирган бўлади: «Муҳаммад Юсуфбой де-

ган содда бир мардум бозордин ўз заифасига кафш олибдур, бир ношинохт ўткинчи кишига кўрсатубдирки: «Бу кафш маним заифамни аёғига лойиқ келурми?» Ул жавоб берибдурким: «Заифангни аёғини кафтимга кўтариб кўрганм йўқ». Бойқуш билан Бойўғли ҳуҳулаб кулади, Турумтой дераза рафидан қандилга сакраб қиҳиллайди, Япалоққуш билан Кордон уйни бошларига кўтариб чаҳ-чаҳ отади. Муҳаммад Шариф ҳам, маталғуй қушлар ҳам гуруннга шунчалар берилиб кетишганки, қўнғироқ тугмасини ҳарчанд боссам ҳамки, бирортаси эшитмайди. Ахийри ўзимнинг калитимни қулфга солиб, эшикни очиб ичкари кираман. Ҳангома қизиган, ҳеч ким менга бош кўтариб қарамайди. Уст-бошимни ечиб, ошхонага ўтаман. Турумтойнинг ҳиқирлаган товуши, шўх қичқириқлари қулоғимга чалинади: «Одамитот орасинда Ёдгор пўстиндўз отлиғ бир одам бор эрди. Гоҳо ўзини ўткур сўфи от қўяр, гоҳо миришкору ҳушёр ва донишманди рўзгор олиб айтур эрдик: «Ўн ёшимда ҳазрати Нуҳ пайгамбар обазобда қолгонларида кемаларин итариб боҳам эрдим». Ва яна айтур эрдик: «Андоғ ҳам эрмас. Ўн беш ёшимда ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломни кофирлар манжинаққа солиб ўтга отарда бир поясинда ҳозир эрдим», дер эрди. Боз айтур эрдик: «Андоғ ҳам эрмас. Йигирма беш ёшимда ҳазрати султони орифин Хожа Аҳмад Яссавий хонақоҳларин обод қилурда лой тепиб, гишт берган ман эрдим», деб айтур эрди. Ул ерда ўлтургон ёр-жўралари айтур эрдик: «Эй, Ёдгор ака, рост нақл қилинг», десалар, айтур эрдик: «Қуд Муҳаммад баҳодирдин бўлагини билсам, худо урсун», дер эрди. Ёдгорнинг пўстин тикканини кўрсангиз, чокидин бармоқ ўтар эрди. Бозорга олиб чиқса, харидорлар бармоғини чокига суқуб айтур эрдик: «Бу на тикиш?» Ул жавоб берурки: «Мушт ўтмаса, ҳўб тикиш», дер эрди...»

Шарақлаб кулги кўтарилди. Маталғуй қушлар патир-путур қанот қоқиб, чағир-чуғур билан қалғоғидан ошган завқу шавқларини изҳор этдилар. Энди ҳангома навбати Кордонга етган эди, у Муҳаммад Шарифнинг тиззасига қўниб олиб, у ён-бу ён шох ташлаб, Бозанда ва Навозанда қиссасини бошлади. Бироқ энди бу қисса қулоғимга кирмас, ошхонадаги курсига омонат чўкканча, Ёдгор пўстиндўз сабаб хаёлим ўзим билган одамитот орасига — ишхонамдаги турли феъл-атворлик кишилар сари оғиб кетган эди.

Ёдгор пўстиндўзни ўйлаб ўлтириб аввало илмий раҳбарим Эшмуҳамедов домла ёдимга тушди ва унинг ақлу заковатига ичимда яна бир карра тасаннолар ўқидим. «Гулханий тарихан чекланган», деб оёқ тираб туриб олганида у, ахир, қан-

чалар ҳақ экан! Мен нодон, нима учун устоз билан бу борада масала талашиб юрибман — ўзим ҳам ҳайронман. Эҳ, мавлоно Гулханий, агар чиндан ҳам тарихан чекланган бўлмаганингизда, Муҳаммад Юсуфбойдек гўл бир кимсаю Ёдгор пўстиндўз каби лоф бандасини шунчалар мазаммат қилмаган бўлур эдингиз! Ахир, булар букунги мен кўрган одамизот орасиндаги турфа зотларга қиёс этилса, арши аълода учиб юрган фаришталар янглиғ покдомон эмасми? Билмайсизки, мен хизмат ва ҳиммат камарини боғлаган мўътабар идорада бир Роҳибар бор эди, лак минг Ёдгор пўстиндўзларингиз ёлгон бобида унинг қаршисида ип эшолмай қоларди. Бир айёми нофаржомда барчамизни машваратга чорладилар, гурас-гурас келиб курсиларни ишғол этдик, беш-ўн сония ўтиб Роҳибар салобат ва зиё тўкиб, анвойи атирлар исини анқитиб ҳузуримизга ташриф буюрдилар, ортларинда сочи барра кўзи терисидек жингалак Муовин, қўлларида ланган, оёқ учинда пилдираб келдилар. Роҳибар барчамизга нимтабассумлар улашиб, бир хушхабар ила бошларимизни фалак тоқига еткурдиларки: «Аё фарзандларим, билмагайман ҳеч, сизларнинг бахтингизми бу ённки менинг, ҳар нечук, Тисншон тоғларининг бағридан корхонамизга ажойиб, хушҳаво чорбоғлар ато бўлди. Айни кунларда барака топкур бинокорлар сизни деб, сизларнинг азиз фарзандларингизни деб бунёд бўлаётган гўзал кўшкларга сўнгги пардоз бераётдилар. Аё ҳамкасбларим, оғаларим, иниларим, барчангизни ана шу хушҳаво чорбоғлар ила муборакбод этаман. Умид қиламанки ва ишончим комилки, яқин кунлар ичинда сизлар ана шу муаззам кўшкларда ўлтириб, корхонамизнинг муҳим ишлари ила машғул бўласизлар, ширин-шакар болажонларингиз ям-яшил ўтлоқларда яйраб-яшнаб капалак қувиб юрадилар, дилбар рафиқаларингиз эса тонги шабнамларни кечиб, мунаққаш кўзаларда муздек қаймоқ келтириб, сизга меҳрларини қўшиб тортиқ этадилар. Корхонамиз билан чорбоғлар орасинда мунтазам автоуловлар қатнаб туради. Аё дўстлар, тасаввур қиялпсизларми, ахир қандоқ саодатли кунларга етиб келдикки, бундан буён бизда уй-жой муаммоси деган муаммонинг ўзи бўлмагай».

Барчамиз азбаройи ҳайроналик ва шоду хуррамликдан ҳушимизни йўқотар даражага етган эдик, тилимиз калимага айланмасди. Бир пайт ёнимга қарасам, Жалолиддин деган ҳамкасабамиз, кўнгли мумдек йигит, дастрўмолини кўзига босиб пиқ-пиқ йиғляпти. Ҳай, телба бўлдингизми, нега обидийда қиласиз, десам, севинчимдан, ука, дейди, севинганимдан, ўзимни туюлмасам, қандоқ қилайин? Боёқишнинг ҳоли

куни менга маълум эди, тўрт болаю касалманд аёли билан қарийб ўн йилнинг нари-бериси кўч-кўронини ортмоқлаб ижарама-ижара саргардон юарди. Илоё, деб пиқилларди Жалолиддин, илоё Роҳибаримизнинг умрлари узун бўлсин, мингга кирсинлар, деб дуо қилардим, унча-мунча ичиб турман, ука, дуом ижобат бўлмасмикан, деб хавотирим бор, қишлоқда саксон учга кирган онам яшайди, шуларга айтман, шулар дуо қиладилар, э, ука, пичоқ суякка бориб етган эди-ку! Мен ҳам беҳад мутаассир бўлдим, кўп қатори ичимда Роҳибарни олқадим. Роҳибар минбарни табаррук қилиб тушишлари билан лип этиб Муовин у жойга кўтарилди ва қўлидаги лаганга Роҳибарнинг муборак исми шарифларини солиб андоғ элай бошладики: «Агар биз шундоғ доно, шундоғ сахий ва шундоғ мурувватли Роҳибар қўл остида ишлаётганимиз учун тақдирга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлсак, бир кеча-кундузда йнгирма тўрт соат шукрона айтсак ҳам қарзимизнинг ўндан бирини узолмаган бўлур эдик...» Кўп сухандон одам эди Муовин! Роҳибарнинг таъриф-тавсифини Одам Ато замонидан бошлаб келиб шу қадар чаптастлик ила Гитлер деган малъуннинг номи билан чамбарчас қилиб боғладики, шундоғам тарихий ҳақиқатлар кашф этдики, биз гумроҳ бандаларнинг қўлимиз ёқа ушлашдан бўшамай қолди ва охир-оқибат, ушлайвери-ушлайвери ёқаларимиз яғир бўлиб кетди. Гўёки шундоғ бўлган эканки, қаттол уруш чоғларинда Роҳибаримиз ҳали қирчиллама йнгит, радиокарнайдан зафар хабарларини ўқиб, ёвга талваса солиб турган кезларида Гитлер деган падаркуш махлуқ оғзидан туфуклар сочиб қасам ичган эканки, Шўролар юртини босиб олган куним, Роҳибарнинг тилидан осиб ўлдираман! Ў, баттол, баччағар Гитлер! «Умр бўйи рост сўздан ўзга сўзни билмаган Роҳибаримизнинг муборак тилларига ҳароми Гитлер шундоқ қасд қилган эдиким, мана, оқибати — ўзи паст бўлди, жаҳаннам қаърига қия бўлиб кетди! Бизлар эса, бахтиёр замондошлар ўлароқ Роҳибаримизнинг булбулкалом тилларидан мана шу хабарни тинглаб турибмиз», дея сўзига нуқта чекди Муовин. Роҳибар камтар одам эди, Муовин тўлиб-тошиб сўзлаган дамларда бошини қуйи эгиб, юзлари лоладек қизариб ўлтирди. Эртаси Жалолиддин ишга хандон-хушон, яшнаб-яшариб келди. Аёли хастахонада экан, хушxabарни айтиб суюнчи олса, муштипарнинг юраги ёрилгудек бўлибди, ортиқ шифтга боқиб ётолмабди, эри билан уйига қайтибди — эрта-индин чорбоққа кўчилса, шошиб қолмайин, деб, ахир, матал борким, камбағал бўлсанг — кўчиб боқ! Ҳаммамиз ҳам ўзимизча тарадуд бошлаб юбордик: ким па-

лос олган, ким ўрин-кўрпасини янгилаган, ким ҳашарга одам айтган... Аммо орадан ҳафта ўтди, ой ўтди, икки ой, уч ой — ҳижратдан дарак йўқ. Роҳибар ҳам, Муовин ҳам пинак бузишмайди — гўё ҳеч қачон бундай гап бўлмагандек. Вақт ўтар, вақт ўтган сари энди биз ўзимиз ҳам иштибоҳ қила бошлаган эдик: ростдан ҳам шундай гап бўлганмиди ёинки бу алоқ-чалоқ, оммавий бир тушмиди? Шунини ҳам бирор ким-са аниқ билмас эди. Роҳибарни ҳатто ёлгон гапирган деб ҳаёл қиларга ҳам ҳеч зотнинг ҳадди сизмасди, бинобарин, бунинг босиринқи бир туш ёки ғанимлар тарқатган овоза экани ҳақиқатга яқинроқ эдиким, ахийри шундоқ хулосаи ҳукмга келинди: бу бўлмағур мишмиш мана шу боши бузуқ Жалолиддиндан чиққан бўлиши мумкин, ўзиям ичиб юради, гапининг ҳам тайини йўқ, миангга шундоқ бедаво ҳаёл келса келгандир, балки кўзингга бир балолар чалингандир, лекин баттар бўлгур, нега энди бунга Роҳибарнинг муборак исми шарифларини аралаштирасан, даъюс?! Эҳ, мавлоно Гулҳаний, замонлар кўп ғаройиб эди, шарҳига юз «Зарбулмасал» ҳам ожиз! Жалолиддин кўч-кўронини кўтариб қишлоғига, саксон уч яшар онасининг дуосини олгани равона бўлди. Корхонамиз эса шу тариқа чорбоғ афсонасини унутди. Жалолиддинни ҳам буткул унутиб юборган эдик, ўтган йили дафъатан, улкан уммон ортидаги тиллоси мўл мамлакатларнинг биридан мункиллаган аллома чол-камбир уни йўқлаб идорамизга келиб қолишди. Даққионусдан қолган бир қўлёзмага шу Жалол махсум ижарама-ижара ҳижрат айлаб юрганида чала-ярим шарҳ тузган эканки, мазкур шарҳ ҳозирча олам аро ягона экан ва ўшал қўлёзмага ҳам жаҳон айвонида шу баттол Жалолиддиндан ўзга кимсанинг тиши ўтмас экан. Ажнабий алломалар келиб, «мистер Д'Жалал-эд-дин»ни топиб бер, деб турибди, ҳаммамиз гаранг, охири Роҳибар томонидан фармони олий бўлдиким, Муовин билан Гулом ўшал баччагарни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келтирсинлар. Ҳайё ҳайт, деб жўнадик, эртаси чошгоҳда аранг Жалол махсумнинг юртини топиб бордик. Топиб бордигу баттолнинг ўзини таниёлмай қолдик: семириб кетибди, юзлари ялтирайди, чатаноғини кериб лапанглаб қадам ташлайди. Биз борганда бола-чақаси билан пиёз юлаётган экан, мана, деди, шукр, бу йил ҳосил чакки эмас, беш-ўн тонна пландан ортирсак, жужуқларнинг ризқи, тагин иккитага кўпайишганмиз, пиёздан ола кетинглар, бўз ерники, дориси камроқ. Роҳибарнинг фармонию ажнабий меҳмон дарагини айтган эдик, парво қилмади, негадир бригадирини мақтаб кетди: ўзи карис, лекин ўзбек бўлиб кетган, жуда ишбилармон, деди.

Келиб, Роҳибарга кўрган-эшитганларимизни баён этдик. Роҳибар тавозе билан жилмайиб, таржимон орқали ажнабий чол-кампирга тушунтирдик, «мистер Д'Жалал-эд-дин» ҳозирги кунда ўлкамизнинг шарқий вилоятларидан бирига илмий сафарга жўнаб кетган ва бениҳоя банд, шу сабабли жаноблардан узр сўраймиз ҳамда илтимос қиламизки, бир пиёла чойимиз бор, шуҳрати стти иқлимга машҳур ўзбек паловига марҳамат қилсалар. Палов — буюк санъат асаридир, оҳ-оҳ!.. Қизталоқ аллома чол ҳам ўзига етгунча қайсар экан, «Но!», деб бош чайқаб туриб олди, тспакалини ялтиратиб, тўтиқушдек яккаш бир гапни такрорлагани такрорлаган: «Мистер Д'Жалал-эд-дин!» Роҳибар унга қандай бас келди — буниси менга қоронғи, мавлоно Гулханий. Сиз эса... топган гапингиз — Ёдгор пўстиндўз. Қани эди, агар шўрлик пўстиндўз тирик бўлса, бошидан сув ўгириб ичар эдим.

Қорним очқаб, бошим ғувиллай бошлаганини сездим, ўрнимдан туриб, чой қўйдим. Дастурхон ёзиб, бўйдоқ бир ғуломни меҳмон қилишга тараддуд кўра бошладим. Ичкари хонада ҳамон қушлар базми авжида, аҳён-аҳён Муҳаммад Шарифнинг қув, беозор овози эшитилиб қолади. Бойўғли бошқаларнинг товушини босиб қичқиради: «Ўқуғонинг йўқму мулла Гулханийнинг «Зарбулмасал» китобини, анда неча аҳмоқларнинг фазл бобини баён қилур».

Бойўғлининг соддалигидан ич-ичимда куламан, у билан оч қоринга баҳс очмоқчи бўламан-у, эринчоқлик голиб келади, қайноқ чой ҳўплаганча, шангиллаб сўйлаётган Турумтойнинг гапига қулоқ тутаман: «Одамизот орасинда Ҳолвоқи мисгар деган одам бор эрди. Намозшом вақтида бировни меҳмонхонасига таом устига меҳмон бўлубдур. Нечанд ҳарифлар иштаҳойи таом бирла суфра атрофини қуршаб ўлтуриб эрдилар. Холвоқи мисгар эшикдан кириши бирла азон овози келди. Анда ўлтургон одамлар айдилар: «Аввал намоз ўқуб, андин сўнг таом тановул қилоли», дедилар. «Ҳар ким намоз ўқумаса, таомдин маҳрум», дедилар. Холвоқи мисгар асло намоз учун пешонаси ер ўпган йўқ эрди. Ура қўлуб, таҳорат қилуб, намоз ўқуб, андин сўнг нафси бирла даржанг бўлуб айтур эрдиким: «Эй тошни сгур нафс, мани кўкнори ҳолимга боқмай кетимга совуқ сувни сазовор этиб, ахир мени намозхон қилдинг, рангимни қаҳрабодек сарғартиб», дер эди...

Кулгининг зўридан ҳўплаган чойим туйилиб, қалқиб кетдим, пиёла қўлимдан тушиб чил-чил бўлишига бир баҳя қолди. Маталгўй, маҳмадона қушлар яна қаҳ-қаҳ отиб кулдилар — одамизот устидан, одамизот орасида!

Йўқ, бари бир, Эшмухамедов домла закий одам, «Гулханий — тарихан чекланган», деб чиндан ҳам тўғри айтади. Мавлоно Гулханий, мени маъзур тутинг-у, лскин андиша деган нарсани сиздан анқонинг уруғига ҳам топиб бўлмайди. Коинот гултожи ва сарвари бўлмиш инсони шарифни аллақайдаги исқирт қушларга мазах қилдириб қўйганингиз учун ҳам ҳар не жазога мустаҳиқсиз. Сизнинг бахтингиз шундаки, тўқсон саккиз фоиз саводсизлик замонида ялло қилиб ўтиб кетгансиз — гулхан ёнида туршак шимиб, қуш ўйнатиб, байти газал битиб! Эҳ, мавлоно Гулханий, биз билан замондош бўлганингизда эди, ҳолингиз не кечарди — мен тасаввур қилолмайман, қўлимдан келмайди. Ҳар қалай, шунини аниқ биламанки, охир-оқибат «Зарбулмасал» ҳам чала қолиб, тириклигини рўян кавламоққа¹ равона бўлув эдингиз. «Бирпасликка² йўлиқди, бечора», дер эдик сўнг ортингиздан бош чайқаб. Мабодо, умр вафо қилиб, «Зарбулмасал»ни битирган чоғингизда ҳам, аҳволингизга маймуну нажжорлар йиғларди. Агар менинг сўзларимга иштибоҳ қилсангиз, масалчининг ҳолини, ана, Зоҳиджон Обиддан сўрангиз. Аввало, миллатнинг бадрашк ўғлонлари наъра тортиб чиқар эрдиларки, ҳайҳот, ўзбек элига бундоғ тавқи маломатлар таққани мулла Гулханийга ким ҳуқуқ берди, нечун минг йиллик урф-одатларимиз устидан бу қадар қабих қаҳқаҳа ила куладир? Баъдаз, бўлак мунаққидлар айтур эрдиларки, ўртоқ Муҳаммад Шариф эскилик сарқити бўлмиш урфу одатларни завқ ила тасвиру тарғиб этмиш, қани, буёққа келтирингизлар уни! Яна бир гуруҳ мунаққидлар айтур эрдиларки, Муҳаммад Шарифнинг эжоди ҳануз анъана ботқоғи ичра қолибдур, кўп таассуф! Ва ниҳоят, баъзи арбоб кимарсалар айтур эрдиларки, умуман, ғалати, қаҳрамонлар номи ҳам... ҳм, ҳалигидак — Бойқуш билан Бойўғли, андин сўнг, минг чалдевор хусусида, ўртоқ Гулханий қасрда кўрди экан бундоғ вайрона мулкни? Коса тагида нимкоса йўқмикан? Ва умуман, ўйлаб кўрмоқ керакким, бу хатолиғ тасодифми, қонуният?

Ана шунда кўрар эдик ҳолингизни, муҳтарам Муҳаммад Шариф!

Маталғўй, маҳмадона қушларингиз ўшал замон сизни тарк айлашарди — пир этиб жанубга, илиқ-иссиқ ўлкаларга учиб кетишарди. Семизликдан ёхуд танбалликдан учолмай

¹ Рўян кавламоқ — қабрга кетмоқ маъносида.

² Бирпаслик — инфаркт.

қолиб кетганлари эса дарҳол жабрдийда оҳангда сайрай бошлардилар: «Муҳаммад Шариф деган золимнинг дастидан дод, йигирма йил менга кун бермади, ҳамма меҳру иноятини Бойўғлига тортиқ этиб, менга фақат жабру ситам ўткарди! Дод, дод устига до-од!»

Одамизот эса, афсуски, сиз кулиб айтганингиздек, хом сут эмган бандадир, умр бўйи тиззангизда ўлтириб, кўзингизнинг сғини ўйиб емоқчи бўлган олчоқ кузгунларнинг ифлос лафзларига яна ишонадир...

Мавлоно Гулханий, наслимиз назаридан пинҳон қолган умрингиз тарихини тадқиқ этмоқ умидида беҳуда уринар эканман, кўпинча фикрим мана шу каби хаёллар, яъни Эшмухамедов домлам айтмоқчи, илмга алоқаси йўқ майда-чуйдалар устида тариқдек сочилиб кетади. Хўп, деб ўйлайман шундай кезларда, борингки, Муҳаммад Шариф Гулханий тарихан чекланган бўлақолсин, ана, дейлик, диалектик материализмни тушуниб етмаган ҳам бўлсин, лекин бугун биз — тушуниб етганлар гўр қиляпмизми? Айтайлик, мен ўзим ёки домла Эшмухамедов? «Гулханий Мадалихон буйруғига кўра қопга солиб, дарёга чўктирилган, деган фикрга қандай қарайсиз, домла?», деб сўрайман гоҳо зерикканда. «Ким билади, дейсиз,— деб елка қисади домла,— тарихчиларнинг баъзилари бунга анча ишонч билан қарайдилар, баъзилари шубҳа билдирадилар. Дарвоқе, қоп деганингизга эсимга тушди, бир-иккита янги қоп топиб қўйишимиз керак, совуқ келяпти, картошка билан сабзини ғамласак, қишга турар-а, сиз нима дейсиз, деҳқон боласисиз-ку, ахир?» «Қайдам,— дейман мен ҳам мужмал қилиб,— ўра-пўрага яхшилаб кўмилса... Сув кирмаса, чиримайди». Эшмухамедов домла гўё оламшумул ҳикмат эшитгандек мени эҳтиром билан йўлаккача кузатиб қўяди. Бечора билмайдики, мен чиндан ҳам деҳқон боласиман ва айна шу тўпори гурур домланинг дарвозасидан қоп орқалаб киришимга йўл қўймайди. Бундан кўра қопга солиниб, дарёга ғарқ бўлганим афзал. Бу гурур чекинмагунча домла ҳам бир қадам чекинмайди. «Гулханий — тарихан чекланган», деб илму урфон остонасида кўкрагимдан итарганча тураверади. Менинг эса боёқиш Муҳаммад Шарифни, очиги, сира ҳам чеклагим келмайди — озгина виждони ва эс-ҳуши бор одам «Зарбулмасал»ни қайта бир мутолаа қилса, бунга минг карра имон келтиради.

Мавлоно Гулханий зикр этмиш ҳар бир мақол ортидан бир тақдир даричаси яққол кўриниб туради.

«Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам қуюлмас». Тўғри, дейсизми? Ўлманг.

«Аслини хатоси бўлмас, нокасни атоси». Кўз ўнгингиздан бепадар нокаслар гурас-гурас саф тортиб ўтаётган бўлса, ажаб эрмас.

«Ҳаромзоданинг қуйруғи бир тутам». Қуйруғини яшириб юрган ҳаромзоданинг кимлигини дарров танидингиз-а? Бора-
* коллоҳ.

«Ики кема тутқонлар қолди гарқоб ичинда». Бу, энди, тан олмоғим керакки, виждони билан домласи ўртасида саргашта кезиб юрган бир ғулом таърифиди — яъни каминна қулингиз хусусида.

«Ота сўраб истарсан эрни ўзи бўлгон сўнг,

Йўл сўраган номардур от устига минган сўнг».

От устида қўр тўкиб ўлтирган бу одам — домлам Эшмухамедов. Бечора, кўп йиллардан буён эгардан тушолмайин қолган бўлса ҳам, баъзи бир йўриқларда қувваи ҳофизаси салобатидан бисёр фарқ қилур. Айниқса, домланинг қишлоқ майшати ва деҳқон меҳнати ҳақидаги тасаввурлари ҳам хийла омонат, ўзи янглиг кўҳна. Ўттиз йиллар муқаддам маталу топишмоқ тўплагали охириги маротаба бориб келгани ҳисобга олинмаса, домла шундан буён қишлоқни фзқат «ойнаи жаҳон»да кўриб энтикади, холос: «Оҳ,— дейди,—оҳ, гўзал маъво! Оҳ, бободеҳқон!» Билмайдики, ҳозир ҳеч қайда деҳқон қолмаган, ҳамма ялписига пахтакор бўлиб кетган. Бинобарин, менинг пахтакор отам ҳам ҳафта сайин автобусда район маркази сари зув-зув қатнайдики, дўкон-пўконга картошка, пиёз-миёз келиб қолармикан! Қарқуноқдек оғзини очиб ўлтирган саккиз болани масал билан боқиб бўлмайди, мавлоно Гулханий!

«Оре, рост айтасиз,— деган гулдурак товушдан чўчиб тушдим. Рўпарамда шамшоддек бўлиб Муҳаммад Шариф турарди.— Машойихлар сўзи будурким, қуруқ қошиқ оғиз йиртар».

«Маъзур тутсинлар, тақсир,— дедим шоша-пиша ўрнимдан қўзғалиб.— Бу мулоҳазани зинҳор сизга эмас, домлам Эшмухамедовга айтмоқчи эдим, хаёлим чалкашиб... Марҳамат, ўлтирсинлар».

Дарҳол мавлоно Гулханийга курси қўйиб бердим. У баҳузур жойлашиб ўлтиргач, ўртадаги дастурхонга боқди, киноя билан бош чайқади:

«Аз керам нест мадхали кардан,
Хон ниҳони таоми худ хўрдан.

Бех аз он суфра суфраи отаи
Ки нашӯд 3-ӯ гуруснаи дил хуш»¹.

Хижолатдан юзларим лов-лов ёнмакка бошладики, вужудимдан кўтарилаётган ҳарорат оташига баҳузур кабоб пишироқ мумкин эрди. Бисёр доврираб, яна узр айтган бўлдим:

«Қушлар базмида беҳад банд экансиз, тақсир, шу вадан...»

«Ҳаққаст рост,— деди Муҳаммад Шариф чой ҳўплаб,— ҳозиргина пашшадан то анқоғача жумла туюрларга фармон юборилдиким, барча паррандалар йиғилсунар, аларнинг мажлисинда Бойўгли қизига маҳр солайин».

«Кўб маъқул, мажлис қайда бўлур?»

«Ушбу гуломгардишда²,— деди мавлоно Гулханий менга маънодор боқиб,— шул ошиёна менинг дидимга хийла ўлтиришди».

«Қулоқларим том битиб, тилим танглайимга ёпишди. Пашшадан то анқоғача... десмак, бу кеча ҳам уйқу ҳаром экан-да. Оқ саҳаргача уйим яна қушлар бозорига айланар экан. «Номи калон, шаҳри вайрон, оти улуг, суфраси қуруқ, уйида чакса уни йўқ, томининг бошида қўш танур, итининг оти — Маржон, эгасининг оти — Калжон», деган ибора менга, фақат менга содиқ келур», деб ўйлайман ғамга ботиб.

«Таом емакда сўзлаб таом емак озода мардумлар шеваси эрмас»,— деди Муҳаммад Шариф таъна қилиб.

Сўзлашмоқдин ўзга чорам қолмади. Зеро гўдак каби беғубор, навқирон йигит янглиғ сезгир, мўйсафид мисол донишманд бу кимсанинги қош-қовоғига қисматим боғланган, қисматдан эса зинҳор қочиб бўлмагай.

Мен унга дилимни ўртаб ётган шубҳаларни сўйладим. Оламнинг норасо ишларидан гапирдим. Не-не аждодларим ақли етмаган саволларга ундан жавоб сўрадим: одам недур, нечун дунёга келур? Келмагидан мурад надур, кетмагидан фарёд надур? Нечун ҳақ мудом таъқибдадур? Разолат ҳануз ғолиб келур? Не боис то ҳамон сув келтирган хордир? Бани башар тоқайгача сабий қолур?..

Мен узоқ сўйладим — бева хотин ҳасратидек узоқ. Умрим бино бўлиб, ўттиз йилдан буён неки ранжу алам тортдим,

¹ Меҳмондан қизғониб таомни ўзи ейиши карамдан эмас. Оч қорин тўймайдиган суфра (дастурхондан) олов суфраси афзалроқдир (форс.).

² Гуломгардиш — қулхона. Бу ерда: гуломнинг уйи маъносиди.

кимдан меҳр ёхуд ҳаҳр кўрдим, қайда вафо бадалига жафо чекдим — барини бир-бир шарҳу баён этдим. Кўпдан бери ҳеч кимсага юрагимни бу қадар очиб дард ошкор айламаган эдим — руҳим тозариб, ғуборлар чскиниб, бемаҳал қариган вужудим ёшариб бораётгандек туюлаверди. Ниҳоят, ҳориб-толиқдим, тек қолиб, қаршимда теран сукутга чўмиб ўлтирган Муҳаммад Шарифни кўрдим. Ҳасратлариму кўзёшларим учун заррача хижолат чекмадим — ахир, икки-миз ҳам сирдош, ҳам қайғудош эдик! Мавлоно Гулханий менга гамгин нигоҳини узоқ тикиб турди, ўзи билан ўзи сўйлашгандек оҳиста: «Сан манга донишварлик кўргузарсан», деди. Сўнг хиёл сукут сақлаб сўрадики: «Айбга буюрма, йигит, нечун қануз ёлғизсан? Мана, эрта оқшом ҳатто Куланкир султон чимилдиққа кирур, наинки сенинг юрагингда ишқ ўтидан йилт этган нишона топилмаса?» Шунда мен бисёр тўлиқиб, саволига савол бердимки: «Аё мавлоно Гулханий, ишқ деганлари надур?» Мавлоно Гулханий табассум ила айтдиларки:

«Ишқдур бир наъшан комилким, андиндур мудом,
Майда ташвири¹ ҳарорат, найда таъсири садо».

Бош ирғаб хомуш ўлтирар эканман, уни яна устма-уст саволга тутгим келарди: э, муҳтарам Муҳаммад Шариф, қай чоғдин ишқ аро маст ўлдингиз? Муҳаббат жоми Сизни фақат сарҳуш этдими ёхуд саодат бағишлаган онлари ҳам бўлдимиз? Саодатманд ошиқ эрсангиз, унда бу маҳзун байтлар боиси недур?

Мавлоно Гулханий, кўнглимда кезган хаёлларни англагандек, сас-садосиз кулиб қўяди-да, тагин чой ила машғул бўлади. Менинг дардманд дилим эса ушбу дамлар бир маҳрами асрор тилайди...

«Эй ҳамрози комил! Мен бу сирни ўзим бирла қаро ер қаърига олиб кетарман, деб ўйлар эдим, шу чоққа қадар кимсага тиш ёрганим йўқ эди, найлайки, шу ҳазин кечада қулфи дилим очилиб кетди, илло, Сизга айтганим — ўзимга айтганим эмасми?»

Бу ҳам бир ишқ қиссаси эди, мавлоно Гулханий. Билмадим, девона кўнглимни Сиз яшаб ўтган замонлар ақидас ила Фарҳод ёхуд Мажнун кўнглига менгзамоқ ақл ва адаюзасидан жоиз бўлурмикан? Ҳар нечук, азтаҳидил шу нарсага иқрорманки, муҳаббат савдосининг катта-кичиги бўлмас,

¹ Т а ш в и р — тўлқин.

ишқ ё чин, ё сохта бўларкан, холос. Аё Муҳаммад Шариф, менинг барча сирру асрорим богиний кўздек ўзингизга аён, ёдингиздадур, бир пайтлар, бундан кўп ойлар муқаддам, саодатли кечаларда мен У билан қандоқ ғойибона суҳбатлар қуриб ўлтирардим! У кезларда Сизга қайрилиб ҳам боқмасдим, зинҳор тонмагайман. Ахир, не қилайки, кўзим Ундан ўзга кимсани кўрмаса, қулоғим Ундан ўзга одамнинг овозини эшитмаса!

Байт:

Балон ишққа учраб телбадурман, англагил, эй шоҳ,
Киши мандек балога мубталолик кўрмасун асло.

У бир гавҳари асл эди. Тақдири азалда эса ғуломлар манглайига ҳеч вақт бундоғ давлат битмаган экан — бу марварид гул менга насиб этмади.

Мен мудом унинг ёнида — кунлар ҳаётида, тунлар хаёлида ҳозир у нозир эдим. Оқшомлари, унутмагандирсиз, шу совуқ симларга дилим пайваст, ярим тунга қадар у билан бирга нафас олардим.

Эҳ, мавлоно Гулханий, нимасини айтайин энди, падарларига лаънат, ўт кетсин бундайин номард дунёгаки, мени бунчалар нотавон этиб яратмаса! Нотавон бўлмасам, кўксимдаги гулимни ҳўкиз пойига ташлаттириб қўярмидим, оғзимдаги ошимни итларга олдиармидим?! Жони ҳақонимдан жудо бўлиб, бир кечада бор будидан айрилган қиморбоздек шипшийдим бўлиб қолармидим?

Уни илк дафъа учратганимнинг ўзиёқ ғаройиб бир масалга ўхшарди.

Сўнгги бор учратганим эса чин марсия бўлди.

То ҳануз ҳозиргидек аниқ эслайман: ёз пайти, ўн олтинчи август эди, кун чошгоҳдан ўтган, эллик биринчи автобусда кетиб борардим ва ўзимча муқояса қилардимки, ҳаммомни ҳам гилдиракка ўрнатиб, одам ташиша бўларкан.

Бундоғ хомхаёлга берилганимнинг боиси шундаки, маошгача етти куну киссамда уч сўм қолган эди. Асли, бундай дамларда миянинг мурватлари ҳам фавқулодда жадал ишлаб кетади. Тезюар автобус ойнасидан ташқарига ланж ва тоқайд термилиб турарканман, бирин-кетин тирбанд бўлиб, Ўхтаб ётган трамвайларга кўзим тушди ва одамзот ақлининг доқислигидан ич-ичимда қаттиқ койиндим. Э, бу қандоқ нодонликки, деб мулоҳаза қилдим ўзимча, шунча улов бир-бирининг кетига тиқилиб ётмаса-ю, автобусга ўхшаб баъзи бирларини тезюар қилиб қўйса бўлмайдами! Кейинроқ шу ажойиб фикрни ишхонамда Жўллибой деган акамизга айтган

эдим, ёмон саросимага тушиб қолди. «Ўка,— деди ачиниб,— бир дўхтирга кўриниб қўйгин, балонинг олдини олган тузук. Гулханийнинг матали деб адои тамом бўлсан-ку». Хуллас, офтоб одамнинг миясини атала қилиб юборадиган жазирама кунларнинг бирида автобусда оламшумул хаёллар суриб келаётган эдим. Ғала-ғовур тўполон ичра тўсатдан ёнгинамда най чалингандек бўлди. Ҳушимни йиғиб, бошимни буриб қарасам, оқ, оппоқ кўйлак кийган бир қиз, шоир айтмоқчи, кўксига соя солгудек узун киприкларини ҳадик билан пир-пиратиб турибди: «Ҳозир тушмайсизми, ака?»

Тамом! Ана шу бир оғизгина сўз — «ака» деган калом тақдиримни ҳал қилган эди.

Ниҳоят тилга кириб, «Йўқ», дея ғўлдирадиму шу заҳоти афсусланиб, тилимга тирсақлар чиқишини тиладим. Энди кўнглимни кучли бир хавотир эгаллаган эдики, бу бечора новдадек нарса экан, бу меш қоринлар, сумрайган башаралар, халтаю тўрвалар орасидан — иссиқда ҳолсизланган, асаби қақшаб, қонга ташна бўлиб турган оломон орасидан қандоқ қилиб ўтиб оларкин? Шу тобда унга зиғирдек бўлса ҳам озор етишига, уст-бошининг бирор ери ғижим бўлишига сира чидаёлмасдим. Истардимки, унинг маъсум чеҳрасига ҳеч қачон, ҳеч вақт на ташвиш, на ғам-койиш кўланка солмаса, оқ, оппоқ кўйлагига ҳеч қачон, ҳеч вақт бир доғ тушмаса...

У ур-йиқит тўполон ичра — одамизот ўрмони ичра ўз манзили сари йўл изларди. Нозик-ниҳол жуссаси, ҳадик тўла кўзлари бу асов ғалаён орасида янада муштипар, янада шафқатга зор кўринар ва бунга сари тобора юрагим эзилиб борарди. Шундоқ ёнгинамдан, кимсага малол етказмасликка тиришиб, шарпадек сирғалиб ўтаркан, бир сония, атиги бир сониягина укпардек тўзғиган сочлари иягимга тегдию бошларим айланиб кетди. Э, худо, дедим ичимда, ўзинг мадад бер, э, худо! У оппоқ либосда, сочлари тўлқин-тўлқин чайқалиб олға бораркан, бейхатиёр мени ҳам ўз ортидан эргаштирди: боя ёнимдан ўтаётганида икки тола сочи кўйлагимнинг тугмасига ўралиб қолган экан...

Юрагим гурсиллаб, автобусни ларзага сола бошлади.

Энди ўйлаб қарасам, ўшанда соч толаси эмас, тақдир риштаси бизни бир-биримизга боғлаган экан.

Апил-тапил қадам ташлаб борарканман, қўрқардимки, ҳозир у илкисроқ бир ҳаракат қилиб юборадия жонига озор етади. Бундан ҳам кўра қаттиқроқ қўрқардимки, сезиб қолиб, сочларини қулик асоратидан қутқарадия қайтиб уни кўрмайман... Шу тариқа унга банди бўлиб, асиру мафтун бўлиб, зулфи занжирини бўйнимга боғлаб, изларини кўзимга

суртиб тоғу тошлару бепоеён водийлар бўйлаб эргашиб кетаверсам, кетаверсам... Майли, у мени сезмасин, мехру марҳаматини инъом этмасин, фақат мени ит каби қувмаса бас, ит каби ортидан узоқ-узоқларга эргашиб кетаверсам, нафасини туйиб турсам, кўзларим ўнгида оқ, оппоқ кўйлаги ҳилпираб, тўлқин-тўлқин сочлари чайқалиб бораверса... шунинг ўзи кифоя. Шунда мен армонсиз ўлардим. Шунинг ўзи менга улуг саодат бўларди.

Бир маҳал кўзимни очсам, Алвастикўприк устида турибмиз. У — оппоқ либосда, озод, ҳур, мағрур, мен эса — кулранг кўйлақда, банди бечора. Йўлимни тополмайман — ҳушим ўзимда эмас, топсам ҳам кетолмайман — измим ўзимда эмас.

Яна уч-тўрт қадам соядек эргашиб бордим.

У соямни кўриб тўхтади.

Мен ҳам индамай туравердим.

— Нима керак сизга? — деди у алламаҳал ўтиб, лекин қайрилиб қарамади. Товуши титраб кетганидан билдимки, чўчиаяпти: ахир, қоқ чошгоҳ чоғи, Алвастикўприк устида турибмиз-да!

— Ҳеч нарса,— дедим кулимсираб,— тугмамни қўйворсангиз бўлар энди...

— Вой! — деди у шундагина нима галлигини фаҳмлаб ва шоша-пиша ортига ўгирилмоқчи бўлганида, тўхтатиб қолдим, сўнг авайлаб тугмамни тутқунликдан халос этдиму бироқ ўзим...— Кечирасиз,— деди у қип-қизариб, яна нима деярини билмай, такрорлади: — Кечирасиз...

— Шунинг учун кестириб ташлаш керак,— дедим ҳазиллашиб.

— Рост айтасиз, ўлсин, рўдапо бўлмай, жонимгаям тегиб кетди ўзи. Бир кунни автобус эшиги қисиб олиб тоза куйдирувди,— деди у ҳасрат қилиб.

— У, ҳали сен эмас, бутун бошли автобусни ҳам эргаштириб кетганман, денг? Одам-подами билан?

У садаф тишларини ярқиратиб кулиб юборди.

Кулги — улуг мўъжиза, бегоналарни таниш, танишларни дўст, дўстларни қилўтмас қадрдон қилади. Мана, мавлоно Гулханий, сиз билан ҳам худди шу боис ошно бўлиб турибмиз, шундоқ эмасми?

Унинг исми Қундуз эди. Исми Қундуз эди-ю, лекин ўзи юлдуз эди. Менинг қўлим етмаган юлдуз. Толеим осмонида бир чақнаб сўнган юлдуз...

Бу тасодиф тақдири илоҳийнинг хайрли нишонаси эканига ишониб, унга сўз қотдим, муҳтарам Муҳаммад Шариф.

У ҳам худди ўзим сингари ҳеч қайси харитада зикр этилмаган овлоқ бир қишлоқдан экан, мен беш йил тупроғини ялаган дорилфунун даргоҳида, фаранг-румо бўлимида таҳсил оларкан. Алвастикўприқдан ўтиб, ном қуриб кетгандек алифбо ҳарфлари билан аталган янги ва чалкаш мавзелар томон аста сўзлашиб кетдик. У истиқомат қиладиган беш қаватли ошиён яқинига етганимизда биз гўё минг йиллик ошноларга айланган эдик.

«Яна шу автобусга чиқармикансиз?», деб илтижо билан сўрадим хайрлашаётиб.

Унинг кўзларида ноёб бир туйғу — ҳаё акс этди, бошини қуйи солди.

Эртаси тушдан кейин телба кўнғил амрига бўйсуниб, дорилфунун сари йўл олдим. Теракзор майдончада кўзим тўрт бўлиб ўлтирдим. Вақтики, дарслар тугаб талабалар гурас-гурас чиқа бошладилар. Нақ Фарангистону Румода туғилиб ўсгандек башанг толибу толибалар, кумуш кулгилар, тилло табассумлар... Аммо, муҳтарам Муҳаммад Шариф, шул тобда Сиз айтган каби, қулогим қозон қулогидек гап эшитмас, кўзим узук кўзидек ҳеч нарса кўрмас эди. Бу ҳолат қаршимда то Қундузнинг гул рухсори пайдо бўлгунига қадар давом этди. У мени узоқдан кўрди, кўргани он, сездимки, юзлари анордек қизариб кетди, кўзларини ерга тикди ва шу кўйи бош кўтармай ёнгинамдан ўтиб кета бошлади. Рўбарў бўлганимизда бор журъатимни жамлаб салом бердим. У оҳистагина жавоб қайтарди, бир лаҳза тўхтаб икки оғиз сўзламоққа доимий ҳамроҳи — ибо йўл қўймади.

Мен эса эртаси ҳам, индинига ҳам, ундан кейин ҳам... яна кўп кунлар дорилфунун остонасида интизор туравердим. Дарахтлар баргини тўкди, ёмғирлар ёғди. Муттасил ёғаверса, ёмғир тошга ҳам қор қиларкан, мавлоно Гулханий. Ниҳоят, мен ҳам ишқ йўлида чеккан азобу заҳматларим эвазига олий мукофотга сазовор бўлдим: Қундуз оқшомлари сим қоқиб турмоғимга розилик билдирди.

Эслайсизми, ўша ўтган кунларни?..

Умрим маъно касб этгандек эди. Ҳаммани, ҳатто домлам Эшмуҳамедову Роҳибарни ҳам яхши кўриб қолгандек эдим, гарчанд муҳаббат дардига гирифтор бўлиб, кўндан буён Сиз билан мулоқотни йиғиштириб қўйган эсам-да, далли девона дилимни англашингизга, бинобарин, Муътамир подшоҳ бечора ошиқ — араб Уяйнага ҳомийлик қилганидек, Сиз ҳам бир қошиқ қонимдан кечиб, лутф кўргазинингизга, саодатли бир соатда совчи ҳам, тўйбоши ҳам ўзингиз бўлишингизга аз-таҳидил инонар эдим. Ахир, умр савдоси бобида Сизга тенг

соҳибтажриба кам, Бойўғли билан Япалоққушдек икки чарс қайсарни қуда-андачилик ришталари ила чамбарчас боғлаганингизни аҳли китобхон яхши билур. Ёдимда, ўша кунлар бир уйда бир ўзингиз, тегрангизда гала-гала қуш, инсон овозига, инсоний ҳароратга зор бўлиб ўлтирардингиз. Надоматки, мен буни сезмас, подшоҳ каби сарҳуш, мағрур юрар эдим, шоҳнинг эса, ҳазрат Навоий айтмоқчи, мунглиғ мушаввашлар билан не нисбати?..

Баъзан Қундуз билан барча ошиқлар сингари хилват хиё-бонларда сайр қилмоқни тилаб қолардик. Минг таассуфки, Тошкентдек пойтахти азимда хилват хиёбоннинг ўзи йўқлиги боис аксарият Алвастикўприк ёқаларида, бузилиб бораётган боғлар атрофида оҳиста кезиб юрар эдик. Қундуз ўқишидан, юмушларидан, олис қишлоқдаги соғинган кекса ота-онасно ёш ука-сингилларидан сўйлаб берарди. Унинг ҳикоялари ўзидек соф, содда, маъноли бўларди. Фаранг-румо бўлимидаги ҳою ҳаваслар, ёлғон ҳашамлар, кибр-ҳаволар унга зиғирдек ҳам юкмаган эди, қиз бола боши билан бу оҳанрабо таъсиридан мусаффо қолгани мени мудом ҳайратга соларди. Унинг кийимлари ҳам бениҳоя одми бўларди, мен буни камтарликка йўйиб қувонардим, бироқ энди ўйлаб қарасам, ўн тўққиз яшар қизга камтарликни ягона зийнат қилиб тақмоқ ҳам инсофдан эмас экан. У шоҳи-ипакларга, дунёнинг анвойи либосларига жуда-жуда муносиб эди. Аммо биз у пайтлар бунга зинҳор эътибор бермасдик, мавлоно Гулханий, мана, нон ҳурмати, чин сўзим шу.

«Уйимизда иккита сигиримиз бор,— дерди Қундуз баъзан туйқусдан маъюсланиб,— энамнинг оёқлари кузда шишиб кетади, соғиб бер, деб кимга ялиниб ўтирган эканлар...» Гоҳ у бирданига ўйга толиб, ўқишини сиртқи бўлимга ўтқазиб кетмоққа қарор қилганини айтиб юрагимга гулгула солар, гоҳ эса хомуш тортиб қолганимни кўриб кулар эдики: «Муҳаббат гулшанига сигир оралаб кетди-ку!»

У «Зарбулмасал» китобини мактабда эл қатори варақлаган эди-ю, бироқ сўзлари ҳаминша зарофатга тўлиқ бўларди, нозик лутфларини тинглаб доимо завқ қилардим.

Зарофатли одамнинг ўзи замонамизда оз қолди, мавлоно Гулханий.

Ўшанда Қундуз, библими-билмай башорат қилган экан: бир қаро кунда биз шунчалар асраб-авайлаган, суқ назарлардан пинҳон тутган озода гулзорни сигир эмас, қутурган ҳўкиз поймол қилди...

Яна куз келди. Чаман-чаман очилган пахталарни қувнаб-қувнаб тергали минг-минглаб шаҳар аҳли сафарбар этилди.

Жамики улов далага жўнатилди. Фақат трамвайни жўнатмоқнинг иложи бўлмади. Рўзномалар саҳифасида андоқ сўзбўронлар бошланиб, кўз очирмай қўйди; саксон яшар момонинг этак тутгани ҳам, тўқсон яшар бобонинг ҳиммат камарини белига боғлагани ҳам, беш яшар гўдакнинг гўзага бўйи етмаса-да, умумхалқ ҳашарига отлангани ҳам, уч кунлик келинчакнинг оқ саҳарни пайкал оғушида қаршилагани ҳам... ҳеч нарса қолмади. Ҳаммамиз учун ҳурматли зотлар эса «ойнаи жаҳон»дан боқиб, «миллион эгатларга сочилган» умумқўшинга амр қилар эдиларки, сўнгги мисқолигача! Жон бериб, қон бериб, шараф-шон бериб бўлса-да!..

Ялли хуруж бошланган куни мен бир ҳафта муқаддам Назарбскдан — ойлик янтоқ ўрмидан қайтиб энди ишга чиққан эдим. Менга бундоқ ҳайроналик билан боқманг, мавлоно Гулханий: гарчи биз илмий-тадқиқот муассасаси деб аталмиш даргоҳда ишласак-да, чопиққа чиқамиз, ягана қиламиз, пиёз ўтаймиз, пичану янтоқ ўрамыз, патинжондан¹ тортиб пахтагача терамиз ва бир мисқолини ҳам қолдирмасдан ҳукуматга тўплаб берамиз. Сўнгра агар шу ишлардан озгина фурсат орттиргудек бўлсак, илму урфон билан ҳам машғул бўламиз. Алқисса, оёғимни қўлимга олиб фаранг-румо бўлимига қараб чопдим. Ҳовлиқиб етиб борсам, афсуски, ватанпарварлик ташаббусига биринчи бўлиб қўшилган фаранг-румолар чидаб туролмай ҳафта бурун жўнаб кетган эканлар. Бўшашиб идорага қайтдим. Роҳибар чақиртирган эканлар, ҳузурларига кириб, эрта тонгда Арнасойда бўлишим керак-лигидан хабар топдим. Назарбскдан келган қопим ҳали оғзи ечилмай турган эди, орқалаб жўнадим. Бениҳоя хурсанд эдим: Арнасой билан Дўстликнинг ораси қочиб кетган эмас-дир, ахир!

Очиғини айтсам, пахта теримига илк марта бунингдек қувонч билан отланмоқда эдим. Мен туғилиб-ўсган юртларда у пайтлар гўза битмасди, шу боис ёшлик чоғларимиздан кун-ботардаги узоқ-узоқ далаларда ётиб терардик. Бешинчи синфда ўқиб юрган кезларимда Кўкоролга борганимни хотирлайман. Об-ҳаво одатдагидек ноқулай келиб, мавсум ўша йили ҳам аччиқичакдек чўзилган, биз учун нақ етмиш икки кун давои этган эди. Париж Коммунасининг умрича. Биз ҳам коммунарлар каби сабот-матонат кўрсатган эдик.

Энди баъзан ўйлаб, ўн икки яшар боланинг қўлидан нимаюм келарди, деб шубҳага бораман. Мозийда-ку мисоллар

¹ Патинжон — помидор.

кўп: Бобур ўн икки ёшида Андижон тахтига ўтирган, Моцарт, дейлик, симфония ёзган, лскин энг буюк даҳо ҳам ўн икки яшарида Кўкорол чўлларида етмиш икки кун пахта теролган эмас — тарихни варақ-варақ ахтариб ҳам бу янглиг ҳодисани ҳеч қайси солномадан тополмайси.

Кўк ёмгири устимизга томади, кўз ёшимиз — ерга, ер лой бўлади — аҳволимиз вой, пайтава қурийди — шўримиз ҳам, қуёш мўлтирайди — биз ҳам мўлтираймиз, макарон шўрва қайнайди — жиглдон қайнайди, маймунлар йиғлайди — биз йиғламаймиз. Кун бўйи қўшиқ айтиб пахта терамиз, хуфтонда этигимизни судраб ётоққа қайтамиз, бир қошиқ оби ёвгон ютмасимиздан уй эгаси — Маммад деган баджаҳл турк эшикни очиб мўралайди: апил-тапил кийиниб жўнаймиз. Туркнинг ўн чақирим нарида томорқаси бор, поёни йўқ, томорқасида ерэнгоқ бор, қазиб олгани вақти йўқ, бироқ уйда ҳашарчи бор, ҳашарчининг тили йўқ, бироқ дили бор, дилида журъати йўқ, аммо алами бор, оининг иссиғи йўқ, ёлғиз шуъласи бор, ишсварга туну куннинг фарқи йўқ, иш бор, иш бор, фақат иш бор!

Орамизда Турсун деган бола бўларди. Энг нимжонимиз шу эди. Бир йил аввал отаси ўлган, доим бурнини тортиб юрарди. Мавлуда деган опачаси мактабда супуриқчи, пахтага ошпаз бўлиб келган эди. Кечқурун овқат сузилган пайти биз бўриваччалардек бечора Турсунни ўртага олиб талар эдикки, Малув апачанг сенга карчкани кўп солибди, мана, меникидан иккита макарон ортиқча, гўштинг ҳам кўпга ўхшайди-ку, аблаҳ?! Ниҳоят, Турсун шўрликнинг емишини заҳар-заққум қилиб, кўнглимиз таскин топар — хусуригимиз қонгандек бўлар эди.

Меҳнат ҳайвонни одамга айлантирганидек, баъзан одамни ҳам ҳайвонга айлантириши ҳеч гап эмаслигига ана шунда имон келтирганман, мавлоно Гулханий.

Бир саҳар уйғониб кўзимизни очсак, бояқиш Турсун кулала бўлиб тиришганча инграб ётибди. Яқинига бориб бўлмайди — бад бўй димоқни ёраман дейди. Кулманглар, деб йиғлайди бечора, кулманглар, оғайнилар, ўрнимдан туролмай қолдим, вой, қорним, ўлиб қоламан, Малувни чақириб беринглар, жон оғайнилар!..

Биз эса қорнимизни ушлаб қотиб-қотиб кулардикки, ана шундоқ бўлади, нафси ёмон ҳайитда ўлар, дейдилар, киннамиз кириб, тешиб чиқибди-ку, ахир!

Оёғимиз олти бўлиб кўчага югурдик — бошқалардан суюнчи олгани. Радиодан айтса ҳам шунчалик тез тарқамас: «Бешинчи «Б»даги Турсун бор-ку, ўша иштонига...»

Минг лаънат! Минг карра лаънат, мавлоно Гулханий! Энди жирканамаман ўзимдан — ўша пайтда Турсун боёқишдан жирканганим учун! Ушанда бошқаларга қўшилиб суюнчига югурганим учун! Бир маҳал шўрлик Малув келди, йиглаб-йиглаб жигарини покиза қилди, кимларнидир қарғади, отасини йўқлаб яна кўзёш тўкди. Биз эса ташқарида, туркнинг айвончасида ҳамон ҳиринглашиб турардик.

Салдан кейин муаллимлар, директор келди, «Тез ёрдам», дўхтирлар келди, лекин улардан аввал қазо элчиси аллақачонлар келиб Турсун бечоранинг қисматини ҳал қилган экан-у, ҳеч кимса буни сезмаган экан.

Турсунни касалхонага олиб кетишди.

Кейин биз уни қайтиб кўрмадик.

Фақат бир ойдан сўнг, мактабда ўқиш бошланган куннинг эртасига ўқитувчимиз Эсон ака бизни Турсуннинг уйига олиб борди.

Эшикни кўк кийган Малув очди.

Шу-шу, Кўкоролни ёмон кўриб қолдим. Дорилфунунда биз билан бениҳоя хушфёъл, одобли, жажмондек бир қиз ўқирди. Исми Барно эди, мен оламда исми жисмига бунчалар мос тушган одамни жуда кам кўрганман. Йигитларнинг бари унга ошиқ, қизларнинг жами унга маҳлиё эди-ю, ёлғиз менгина уни ёқтирмасдим: Барно Кўкоролдан эди. Кўкорол раҳматли Турсунни ёдимга соларди, Турсуннинг хотираси эса менга ўзимни, ўзимнинг ўша пайтдаги жирканч қиёфамни эслатарди.

Нимасини айтайин, мавлоно Гулханий, шундан кейин пахта теримларидан ҳам безиллаб қолдим. Дунёдаги истаган қора юмушга — гўр қазишу гўлаҳликка, ичак-чавоғу молхона тозалашга ҳам тайёр эдим-у, пахтага чиқ, десалар, шайтонлаб қолгудек бўлардим. Билмадим, қай ғаддор кимсанинг касри туфайли безабон, бегуноҳ оқ пахта кўзимга бало-қазодек ёмон кўриниб қолган эди. Мана энди, орадан йиллар ўтиб, илк маротаба пахтага ёруғ юз билан, умид ҳам қувонч билан бормоқда эдим. Ич-ичимда ҳеч нарсадан истиҳола қилмай мени далага жўнатган Роҳибардан миннатдор ҳам эдим. Пахта баҳона — дийдор ғанимат.

Менинг содда, софдил Қундузим, толеим осмонидаги ёруғ юлдузим ишқда тенглик шартини ниҳоятда устун қўярди. Бу кун мен ҳам шу тенглик даражасига кўтарилганимдан беҳад шод эдим: Қундуз ҳашарчи эди, мен ҳам ҳашарчи бўлдим. Йўлда кетиб борарканман, унинг шу хусусда айтган сўзлари беихтиёр ёдимга тушарди. Бир куни нимадир муносабат билан бировни эсладик, унинг бўй етган икки фарзан-

дидан воз ксчиб, тақдирини ёш қиз билан боғлаганини гурунг қилдик. Кимдир кўнгил, деди, кимдир — муҳаббат. Шунда Қундуз хомуш тортиб айтдики, мен шу одамнинг самимиятига ишонмасдим, негаки, жигарининг қонидан бунёд бўлган ўз зурёдига меҳр кўргазолмаган киши қандай қилиб бегона кимсага меҳр пайдо қила олсин? Сўнгра у ўйлиниб айтган эдики, муҳаббатнинг ягона шарты бор, бу — тенгликдир, шу туйғу йўқ жойда ҳар қандай эзгу ният ҳам горат топура, ишқ оламида бировнинг қуллигию иккинчи бировнинг истибдоди бошланур... Кейинчалик мен бу борада кўп фикр қилдим ва ўзимча шундай бир қарорга келдимки, ўртамизда тенглик барқарор бўлмагунча, яъни Қундуз ҳам дорилфунун гувоҳномасини қўлга олмагунича тўй ҳақида оғиз очмаган маъкул. Ўзим ҳам унгача қоққан қозиқдек жойимда қотиб турмаслигим, номзодлик унвонига эришмоғим керак. Демак, ўшандаги хомхаёлларим бўйича икки йилдан сўнг Шаҳрисабз томонларга совчи бўлиб боришингиз лозим эди, мавлоно Гулханий. Насиб этса, албатта. Афсуски, у пайтда бу ҳикматли каломни тилимга ҳам олмаган эканман. Охир-оқибат эса... насиб этса, келар Шому Ироқдин, насиб этмаса, кетар қошу қовоқдин, деганларининг ўзи бўлди...

Арнасойга келиб ўрнашдим у кечқурун Дўстликка қараб йўл олдим. Фаранг-румо бўлими тупканинг тагида жойлашган давлат хўжалигида пахта тераётган экан, ярим кечаси етиб бордим. Муҳтарам Муҳаммад Шариф, «Зарбулмасал»да тасвир этганингиздек муҳташам бир чолдевор (бизлар бунни барак деймиз, лекин бу асло чучвара дегани эмас), олдида ловиллаб гулхан ёниб турибди, дорилфунунда нақ Фарангистону Румода туғилиб ўсгандек кўрингувчи барно толибалару ўктам толибларни асло таниб бўлмайти — бамисоли Қашқадарё чўларию Хоразм даштларидан келган жайдади ўспиринларга ўхшайди. Фақат Қундуз, менинг Қундузимгина асло ўзгармаган эди. Ислиқи кийимларда ҳам юлдуздек чақнаб, барак ёнидаги якка туп садақайрағочга суянганча ловиллаб ёнаётган гулхану зикрсимон рақс тушаётган йигитқизларга маъюс термилиб турарди. Мени кўрдию бирданига алланечук титраб кетди, беихтиёр паришон, афтодаҳол алфозда икки қадам ортига чекингандек туюлди...

«Қундуз! — дедим қўрқиб, энтикиб,— сенга нима бўлди, Қундуз? Тобинг йўқми?»

Ғ. «Ассалом! — деди у куч билан кулмоққа тиришиб.— Менга нима қилибди? Ўзингиз нечуксиз, дарагингиз йўқ?»

«Мендан ранжима, Қундуз»,— дедим кафтларини қўлимга олиб.

«Нега ранжийин? Қўйинг, анавилар қараб турибди. Қачон келдингиз?»

«Ҳозир. Пичандан тўғри буюққа жўнатишди».

«Ҳа-а,— деб бош ирғади Қундуз ва кўзларинда бир лаҳзагина озор акс этди: — Мен эса, мана... юрибман».

«Биз жуда яқиндамиз, Қундуз,— дедим ҳовлиқиб,— энди ҳар куни келиб тураман».

Бунга жавобан Қундуз лом-ним демади.

«Юпун кийинибсиз, Фулом ака,— деди ачиниб,— совуқ ҳам тушиб қолди...»

«Нега ҳайдаяпсан, Қундуз?»

У бошини қуйи эгиб, эшитилар-эшитилмас пичирлади:

«Кеч бўлиб кетди, ноқулай...»

«Нимаси ноқулай? Нимаси ноқулай? Бу фаранг-румола-ринг бари мен учун бир тийин, эшитяпсанми, бир тийин!»

«Майли, Фулом ака, майли, домлаларимиз ҳам...»

«Қундуз! Қийнама мени! Қийнама! Соғиниблар кетдим-ку, Қундуз!»

«Хўп, Фулом ака, фақат эртага, эртага гаплашайлик, хўп, денг, ўзингиз яхшисиз-ку...»

Менинг яна бошим айланиб, зимистон чўлу биёбонлар кўзларинга нурафшон водий бўлиб кўринди. Қундузнинг дийдорнио бир оғиз ширин сўзидан маст, сархуш одамдек чайқалиб, тагин бўйинсундим: «Хўп, Қундуз, айтганинг бўлсин, фақат менга бир кулиб қарагин. Ана шундоқ! Бўпти, хавотир олма, ҳозироқ жўнайман, кўзимга қараб кетаман, ҳеч ким билан ёқалашмайман, йўлда ҳам адашмайман».

Йўловчи машиналарга осилиб, пойи пиёда йўл юриб, йўл юрсам ҳам мўл юриб, саҳарга томон ўз барагимга етиб келдим. Кўзларимга қум тиқилгандек ачишарди, ётиб бирпас мизгимоқчи бўлдим, эплаёлмадим. Қундузни ўйлайвердим, юрагим зирқираб, аллақандай бегона, мавҳум бир хўрлик туйғуси эза бошлади.

Ахир, у ҳеч қачон мен билан бу тахлит муомалада бўлмаган эди-ку! Ҳеч маҳал менга бунчалар паришон боқмаган эди-ку! Нега у бу қадар маҳзун эди-ю, маҳзунлигини яширомоққа бу қадар зўр бериб уринар эди?

Мавлоно Гулханий, фалак одамизотга раво кўрган уқубатлар орасида шубҳа азобидан ҳам кўра оғирроғи бормикан?

Кун ёришиб, одам одамни танийдиган бўлганида судралиб барагимдан чиқдим. Ишбошимиз Жўллибой акага йўлиқиб, ижозат сўрадим. Аҳволимни кўриб, яна кўрқиб кетди: «Ўка,— деди бош чайқаб,— адои тамом бўпсан-ку. Кириб, қимирламай ёт».

Халойиқ ишга тарқаб, оёқ ости босилгач, йўлга тушдим. Икки соат бурун ўтиб келган йўлларимдан телбага ўхшаб ортимга қайтдим.

Қундузни поёни йўқ пахтазорда, ярим этак кўрак устида кечагидек маънос ўлтирган ҳолда топдим. Кунботарга қараб, неларнидир ўйлаб, гапга ботиб ўлтирарди, тепасига етиб борганимни ҳам сезмади. Қўлимда бир сиқим пахта, юрагим увишиб, аста қаршисида тиз чўқдим: «Ҳорма, Қундуз». У ялт этиб бурилиб қаради, қизарган кўзлари, қайрилма киприкларида ёш йилтираб кўринди ва ногоҳ бошини кўксимга қўйиб, унсизгина йиғлаб юборди. «Қасқда эдингиз, Ғулом ака,— деб шивирлади алам билан,— қасқларда эдингиз?!» Мен гумроҳ, табиийки, у пайт бу сўзлар маъносини англаб етмадим, қиз кўнглининг таманнолари деб қабул қилдим унинг юз-кўзларининг силаб гўлдирардим: «Хафа бўлма, юлдузим, мана, келдим-ку». Қундуз бирданига юлқиниб оғушимдан чиқди, укпардек тўзғинган сочларини шоша-пиша тузатиб, дуррасини бошига тортди ва менга андуҳ тўла бир нигоҳ билан шундай тикилдими, мавлоно Гулҳаний, жигарбағрим узилиб кетгандек туюлди. «Нега бундай қарайсан?!», дедим зор қақшаб. «Ўзим,— деди у кўзларини ҳамон кўзларимдан узмай,— ўзим...» «Гапир, Қундуз,— деб илтижо қилдим титраб,— гапирсанг-чи, нима бўлди, ахир?! Нега индамайсан, Қундуз?!» Ниҳоят, у ҳушини йиғиб, ўрнидан турди, уст-бошини қоқди, бўғзига тикилиб келган хўрсиниқни бир киприк қоқиб мардоналик билан ютди-да, нақ юрагимга ханжар ургандек: «Энди бошқа келиб юрманг, Ғулом ака», деди... Шундагина мен унинг сўз оҳангидан бу гаплар қиз қалбининг истиғнолари эмаслигини англадим — ўлтирган жойимда тош каби қотдим. Кўзларимга нур қайтиб, оёқларимга яна мадор ато бўлганида Қундуз пайкал этагида, бошини қуйи солганча уфқ томон кетиб борарди. Уфқ эса яқин эди. Бахтим, саодатим, толе юлдузим лаҳза сайин мендан абадиян узоқлашиб кетмоқда эди. Жўяқларга қоқилиб-суришиб, жонимнинг борича ортидан югурдим. Ўпкам бўғзимга тикилиб қувиб етдим-у, елкаларидан тутиб ўзимга қаратгани журъатим етмади. «Тўхта, Қундуз,— деб ялиндим холос,— мени тириклайин ўлдириб кетма, гуноҳим не, айтиб кет». У қайрилиб тўхтади, маъсум кулгичларида яна зўраки кулги заиф жилва қилди. «Сизда ҳеч бир гуноҳ йўқ, Ғулом ака,— деди аллақайларга қараб,— қанча гуноҳ бўлса, энди менинг бўйнимда. Мен... мен сизга тенг эмасман!»

Бир ўлиб тирилган кимсанинг умри узоқ бўлади, дейдилар, муҳтарам Муҳаммад Шариф. Баъзан ўйлайманки, ме-

нинг ҳам умрим узоқ бўлса керак — ўша лаҳзада бир ўлдиму сўнг не замонлар ўтиб қайта тирилдим.

Ҳаммасини бирданига яққол англадим, кўнглим муздек бўлиб, унда фақат совуқ қаҳр қолди. «Ким у?! — деб сўрадим тишларим такиллаб.— Айт, қайси ҳароми у?! Айт, йўқса, ҳозир сенинг ўзингни... ўлдираман!» Қундуз, кўзлари тўла жиққа ёш, индамай, жаллод кундасига бош қўйгандек, қаршимда бўйин эгди. «Арзимаиди,— деб пи-чирлади бир маҳал,— на у, на мен бунга арзиймиз». Сўзлари ҳам, хоксор, музтар қиёфаси ҳам менга тажассуми риё бўлиб туюлди, ақлимни йўқотдим, юз-кўзлари аралаш устма-уст тарсаки тортдим, кейин яна қўл кўтардим фақат меҳрга, фақат ардоққа муносиб бу нурли чеҳра, бу теран кўзлар чексиз қайғуга фарқ эканини кўриб, инграб юбордим. Қундуз юзларини чангаллаб, базўр ўрнидан тураркан, армон билан бош чайқади: «Нега мени илгарироқ урмадингиз, Фулом ака?!» Шундагина ҳушим ўзимга қайтди. «Қўлим синсин, Қундуз,— дедим ич-ичимдан бўзлаб,— қўлларим синсин...»

Лекин энди на бўзлаш, на қарғишу таъна-надоматдан зарра наф йўқ — бўлар иш бўлган, бўёғи сингган эди. Энди менинг чекимга тушгани аччиқ армон эди, холос, чекка тушгач эса, чеклашмоқдан ўзга чора йўқ.

Ишонган тоғда кийик ётмас, деганлари наҳот шундоқ бўлса, мавлоно Гулханий?

Қундузнинг сўнгги илтижоси шу бўлди: «Фулом ака, билман, мени ҳеч қачон кечирмайсиз. Фақат унутмангки, мен сизга муносиб эмасман деганим — сиз менга муносиб эмасиз, деганим эмас».

Шу жумбоқни айтдию бошини эгиб, этагини судраб, устимдан кулгандек тиржайиб турган пайкал аро бора-бора узоқлашиб кетаверди. Шу палла, шу сонияларда ақлу идроким, кўзим, қўл-оёқларим фақатгина жаҳолатга, жаҳолатнинг қаҳрли тилидан чиққан «Кетдик!» деган ҳукмгагина итоат қилар эди — кетдим. Маккапоя босилган машинага тирик жасадимни ортиб барагимга қайтдим.

Бу тун — йигирманчи октябрь, илиқ куз оқшоми эди, бироқ у менга ялдо кечаси каби бсниҳоя туюлди. Тонг отмади. Балки дунё энди абадиян зулматда қолур, деб ўйлай бошлаганимда, уфқ уф тортиб уйғонди.

Девонавор юриб йўлга чиқдим. Арнасойда ҳали ҳамма ухлаб ётарди. Дўстликка етиб келганимда олди одам энди ўрнидан туриб бет-қўлини ювмоқда эди. Фаранг-румо бўлимининг ётоқхонасида эса бу вақт қиёмат-қойим кўпган

эди: тонг қоронғисида Воҳид деган уйғур ошпаз бола ошхона эшигини очиб қарасаки, шифтда Қундуз...

Шаҳрисабз — яшил шаҳар, мотам либосингни кий!

Қундуз кетди. Ўзи билан бирга бир умрлик армонларимни, то қабрга киргунимга қадар суяк-суякларимни сирқира-тадиган интиқом туйғусини, аламли ва шармисор бир сирни ҳам олиб кетди.

Атрофда — тумонат одам. Ўнг томон боқсам ҳам одами-зотга кўзим тушади, сўл томон боқсам ҳам. Аммо буларнинг қайси бири қотил?! Қайси биридан бахтиқаро Қундузим учун, ўзим учун қонли қасос олайин?! Эҳ, қани эди, лоақал изларининг гардини топсам, ит бўлиб искар эдим, умрим адо бўлгунига қадар излар эдим... Қайда у, қайси бири у?! Қай бурчакка биқиниб олган?.. Нима қилиб қўйдинг, Қундуз? Мен сенга ишонардим-ку? Сен туфайли оламга, одамга ишонардим-ку? Энди кимга ишонайин? Энди қандоқ ишонайин?

Талотўп бўлди, сўроқ-тергов бошланди. Қундуз умр бўйи бирор одамга, одам нима, ҳатто чумолига ҳам озорни раво кўрган эмас эди, фавқулодда фожиасидан ҳам бирор кишига айтарли зиён-заҳмат етмади. Ёстиғи остидан чиққан икки энли хатга бир оғизгина қилиб: «Чарчадим», деб ёзиб қолдирган экан. Мен ҳам эл қатори сўроқ бердим. Кўп гапни қудуқ бўлиб ичимга ютдим. Билардимки, энди уларнинг ҳеч бири Қундузга шараф келтирмагай. Даъво-жанжал йўқ, гувоҳ-исбот йўқ, терговлар тугади. Енгил-елпи ҳайфсанлар, кўз ёшлари, дафн, ҳаёт абадияти... Яна ёлгон айтяпман, тергов тугагани йўқ. Токи мен тирик эканман, у давом этмоғи муқаррар, муҳтарам Муҳаммад Шариф. Ўзимни ҳаргиз кечиролмайман: ўшанда Қундузнинг сабр косаси тўлган экан-у, мен сўнгги томчи бўлган эканман.

Баъзан эса, туриб-туриб, ўзгача хаёлларга ҳам бораман. Ахир, у Лайли эмас, Қундуз эди, мен ҳам Мажнун эмас — бор-йўғи бир Ғулом эдим, бас, шундай экан, ишқимиз қиссасини бу қадар қайғули хотима топдирмоқ шартмиди, деб ҳам ўйлайман. Сўнг ўзимга ўзим жавоб айлаб дейманки, у ҳолда Қундуз Қундуз бўлмас эди, буткул бошқа кимсага, ажаб эмаски, бошқа нарсага айланиб қоларди. Айтайлик, гулбеорга.

Содир бўлмиш бу воқеаларда менинг ҳам гуноҳим бор-миди, деб туну кун баъзан ўзимни тафтиш қиламан. Шунда юрагимнинг туб-тубидан бир неча ўн овоз бараварига нидо бериб ҳайқиради: «Айбдорсан! Айбдор!»

Ўртайдиган жойи шундаки, орадан мана, тўрт йил ўтибди ҳамки, ҳали Қундузни бирор марта туш кўрганим йўқ. Ҳатто баъзан юз-кўзлари қандайлигини ҳам унутиб қўйгандек сезаман ўзимни. Саргайган дафтарлар қатида сақланаётган икки-учта суратни олиб қарашга юрагим дов бермайди. Ва мудом шу бонс ҳайрон бўламанки, нега энди шунча вақт ўтиб, лоақал бирор марта уни тушларимда кўрмасам?

Наҳотки дийдор қиёматга қолгани чин бўлса?

«Ана шундоқ, мавлоно Гулханий,— дедим ниҳоят ҳасратимга яқун ясаб,— нотавон қулингизнинг бошидан мундоқ савдолар ҳам ўтган. Ўтинаман, ўйламангки, юрагида ишқ ўтидан йилт этган нишона йўқ, деб. Йўқ, аксинча! Эҳтимол, то ҳануз юрагимни куйдириб ётган ишқ алангаси сўнганида эди, балки мен ҳам ўзгага кўнгил қўйган бўлурмидим... Ҳозирча эса, бу ўтда ёлғиз ўзимнинг ёнганим ҳам кифоя — бегуноқ бир одамни ҳам бу аланга домига тортмоқ айни нонсофликдир. Имоним комилки, Сиз ҳам буни маъқул топмай, заҳарханда бир киноя билан қайдадир чимдиб ўтур эдингиз». Шундай деб бошимни кўтариб қарасамки, рўпарамда ўлтирган Муҳаммад Шарифдан ном-нишон ҳам йўқ. Ҳайрон бўлиб ўрнимдан турдим. Қўшни хонада қушларнинг чағур-чуғури тагин авжига чиққан, патир-путур қанот қоққан товушлар баралла эшитилиб турар эди.

Аста дераза олдига бориб, иккала тавақасини ҳам ланг очиб юбордим. Димоғимга аччиқ куйинди иси урилди. Яқин атрофда қайдадир хазон ёқиларди. Энтикиб-энтикиб ҳаво симирганча ташқари боқарканман, юз қадамлар нарида, катта йўл адоғида, жўхориси ўриб олинган яйдоқ дала бошида ловиллаб гулхан ёнаётганига кўзим тушиб қолди. Аввалига, хазон шу ерда куйдирилаётган экан, деб ўйладим, бироқ гулханнынг кўкка ўрлаган баланд шиддати, теварак-атрофни кундузидек ёритиб юборган ёруғ шуъласи эътиборимни ўзига тортди. Диққат билан тикилиб қараб, бунинг махсус ёқилган гулхан эканини пайқадим. Унинг атрофида давра қуриб нима ҳақдадир қизгин суҳбатлашиб ўлтирган уч кишининг қиёфаси ғирашира кўзга чалинарди. Шошиб ортимга бурилдим, стол устидан кўзойнагимни олиб тақдим ва дастлаб одми тўнга ўранган Муҳаммад Шарифнинг хиёл букчайган қоматини кўрдим. Ёнидаги одамлар ҳам ниҳоятда таниш кўринарди. Синчиклаб қарадим у кўзларимга ишонмай қолдим; тунги ҳамсуҳбатларнинг бири қирғийбурун, сочлари фатила-фатила бўлиб елкасини тутган, эгнига кигиз чакмон ташлаб

олган киши... ёпирай! Наҳотки Гоголь бўлса?! Ўлай агар, асло адашаётганим йўқ: қувтабассум, хушмўйлов бу кимса поёнсиз хаёллар соҳиби Николай Васильевич Гоголнинг нақ ўзи эди, чарсиллаб ёнаётган гулханга узун, қоқсуяк қўлларини тутганча Диканка қишлоғи оқшомларидан мароқ билан ҳангома қиларди. Унинг қаршисида эса қора або кийган, ранг-рўйи қоронғи тун зулматиди янада оқариб кўринган бошқа бир таниш сиймо кулоҳсимон қалпоғини тиззасига қўйиб аланга шуъласига жимгина тикилиб ўлтирарди. Ханс Христиан Андерсен! Ёруғ ғусса билан йўғрилган сирли қиссалар ижодкори! «Ё тавба! — деб пичирладим ҳайрат бармоғимни тишлаб,— одам чарчагандан сўнг кўзига ҳар балолар кўринаверар экан-да! Наҳотки ўнгим бўлса? Унда... унда булар ярим кечаси қайдан келиб қолишди? Муҳаммад Шариф шу боис ғойиб бўлиб қолган экан-да! Ё, қудратингдан!»

Яна ҳайроналик билан улар томон тикилдим. Уларнинг қандай қилиб тил топишгани менга қоронғи, лекин тил топишгани аниқ эди — суҳбат бснихоя қизгин давом этарди. Гулхандан уч-тўрт қадам нарида шотиси кўтариб қўйилган аллақандай бир араванинг кўлагаси қорайиб кўринар эди. Умуман, ғаройиб манзара эди бу: тепада — юлдуз тўла осмон, тсварақ-атрофда — уфқ қадар чўзилган дала, ўртада — ловиллаб гулхан ёнар, унинг теграсида оламнинг уч зукко донишманди дунёнинг устидан кулиб ўлтирар эди!

Бирданига маънос тортиб қолдим, кўнглим шу гулхан тафтини, унинг ёнидаги суҳбат ҳароратини тилади. Кийиниб, даҳлизга чиқдим, қаршидаги хона эшигига қулоқ тутдим: қушлар бозори авжида, осмон узилиб ерга тушса ҳам бирортаси сезмайди. Аста тирқишдан мўраладим: анқодан тортиб булбулгача, тосқорадан тортиб чурраккача жамики қушлар бунда қарх урар эди-ю, соҳиби салотин Муҳаммад Шарифнинг қораси кўринмасди. Хотиржам бўлиб, секингина ташқари чиқдим.

Куз келгани рост экан. Муздек аёз, оёқ остида дийдираган барги хазон бунга ҳар қадамда таъкидлар эди.

Уйни айланиб ўтиб, ловиллаб гулхан ёнаётган томон йўл олдим. Ана у, кўкка сапчиб турибди! Суҳбат ҳам гулхандек қизиган, бедор ҳамсуҳбатлар гуруннга шу қадар берилган эдиларки, қўл чўзса етгудек жойдан дақиқа сайин шуъла сочиб ғиз-ғиз ўтаётган уловларга пинак ҳам бузмасдилар.

Ўн қадамлар чамаси қолганда бирданига ўйга толдимки, қандай қилиб бораман? Айтмаган жойга йўнмаган таёқдай...

Бир зумдан сўнг кўз ўнгимни тўсган бу андиша пардаси кўтарилиб, яна олдинга боқдим. Ё фалак, кўр бўлайинки, агар қаршимда қоп-қора бўшлиқдан ўзга нарса бўлса! Ҳушим учиб, ён-атрофга саросималаниб қарадим. Ортимда, ҳув узоқда юз бир кўзли деразалари билан ижара уйим гунгурсдек бўлиб қорайиб турибди; рўпарамда — шипшийдам жўхориюя, сал юрсам тоғ бўйи уюлиб ётган ахлат тепасига стаман. Ё қудратингдан! Гулхан қайга ғойиб бўлди?! Андерсен-чи? Гоголь-чи? Муҳаммад Шариф?! Ахир, ҳозиргина уларни ўз кўзим билан, сўқир бўлгур мана шу кўзларим билан кўрган эмасмидим?! Ҳар бирининг ўлтирган жойини ҳозир ҳам аниқ кўрсатиб бермоғим мумкин!

Ақлу ҳуш бошимдан учиб, яна ижара уйимга қайтдим. Хонамга кираётиб қўшни хонага қулоқ тутдим: жимжит. Қушлар ҳам сайраб чарчаб, ниҳоят, тинган бўлсалар керак. Ён-веримда рўй бераётган сирли ҳодисалардан тааж-жуб ва ҳайратим чандон ортиб, аста жойимга чўзилдим. Кўзим илинди, бир маҳал кимдир эшикни оҳиста очиб кираётганини пайқаб, уйғониб кетдим. Ҳовлиқиб, бошим тепасидаги нопармон тунчироқни ёқдим у эшик тирқишидан қалами тўнининг этаklarини ҳилпиратиб ўтаётган Муҳаммад Шарифнинг дароз қоматига кўзим тушиб қолди.

У гулхан ёнидаги тунги базмдан қайтиб келмоқда эди!

Эрталаб ўрнимдан турган заҳоти бориб дўхтирга кўринишга аҳд қилиб, яна мудраб кетдим. Жўллибой акам айтмоқчи, балонинг олдини олган тузук.

Тонгга яқин одатдагидек эринчоқлигим тутиб, аллапайтгача «ана тураман-мана тураман», деб тўшакдан қўзгалмай ётдим — иссиққина ўриндан сира чиққим келмасди. Оқибат, нонуштани нася қилиб, чала-чулпа соқол қиртишладиму ишхонага қараб чопдим. Автобус бекати томон йўртмоқлаб кетарканман, қизиқиш ғолиб келиб, атай йўлни чапга солдим — кечқурун гулхан ёнган жойни кўрмоқчи бўлдим. Бордим. Кўрдим. Кўзимга ишонмадим: йўл четида, шипшийдам пайкал бошида чала ўчган шох-шабба, ҳали ҳовури кўтарилмаган бир уюм кул...

Ишхонада кўрган-кечирганларимни айтиб юрагимни бўшатай десам, оҳким, ҳамдард йўқ. Ёлғиз ишонганим Жўллибой ака, лекин у ҳам пойинтар-сойинтар гап-сўзларимни тинглайвериб, шу даражага бориб қолганки, яна бир карра шу хусусда оғиз очгудек бўлсам, руҳий касалликлар шифохонасига ўзи қўшқўллаб элтиб ташлаши тайин. Шу сабаб ҳеч кимсага дамимни чиқармай қўяқолдим.

Тушликдан кечроқ қайтдим. Хонада тамадди қилиб ўлтирган Жўллибой ака (унинг ошқозони касал, овқатни уйдан олиб келади) нон кавшаганча: «Ўка, Динора опангга сим қоқар экансан»,— деб қолди.

Оббо! Маошга ҳали уч кун бор-ку! Ижара ҳақининг муддатини асли мояна кунига тўғрилаб олсам бўларкан-у, шунга ҳам ҳеч ҳафсала қилмадим-да!

Шошиб беканинг ишхонасига сим қоқдим. Бекамиз бугун ишга чиқмабдилар. Уйларига қўнғироқ қилдим. Ҳеч кимса жавоб бермади. «Тушликдан сўнг истироҳат қилиб ётган бўлсалар ажаб эрмас», деган хаёлга бориб, яна ишга киришдим. Кечга яқин сирли қўнғироқни эслаб, тагин сим қоқдим. Ҳамон жимлик. Шунда Жўллибой акамдан йигирма беш сўм қарз сўрадим. Касаба уюшмасининг ҳазиначиси эди у, ўнг ёнбошидаги темир қутида мудом беш-ўн сўм бўларди, калитни эса иштонбоғига боғлагандек қилиб эҳтиётларди. Жонини чиқариб бераётгандек инқиллаб, аранг бешта беш сўмлик олиб узатаркан, тўтиқушдек тинимсиз бир гапни такрорлар эди: «Сайфулла аканг билмасин, жон ўка!» Қўлёмалар бўлимидаги Сайфулла ака унинг эски ғаними эди, Жўллибой акам ундан Азроилдан қўрққандек қўрқарди.

Қарзни чўнтакка солиб, кечқурун беғам-бепарво бойвачча ниқобини юзимга тортиб, беканинг уйига — Дорилмуаллимин томон йўл олдим. Муҳаммад Шариф букунча бир тирикчилигини қилар. Ана, бижилдоқ, эркатоё қушлари бор, бир оқшом шуларнинг ризқига шерик бўлиб турар!

Дорилмуаллимин ишхонамиздан у қадар узоқ эмасди, дарровда етақолдим. Ҳусну ҳашамнинг олий мақомига кўтарилган обод кўчалар бўйлаб бекамизнинг уйига равона бўлдим. Дорилмуаллимин шаҳар четгидаги озода, сокин мавзелардан бўлиб, дорилфунун биқинида жойлашгани ва аксарият дорилфунун муаллимлари истиқомат қилгани важдан шундай деб аталарди. Аммо уч йилдан буён келиб-кетиб юриб, бу ерда муаллимлар бармоқ билан санарли эканига ишонч ҳосил қилдим. Бунда ҳар турли катта-кичик арбоблар, аҳли тижорат, аҳли чайқов ва турфа хил аҳли бекорчи умргузаронлик ила машғул эди.

Динора опамизнинг ҳовлиси Дорилмуаллиминнинг қоқ ўртасида жойлашган, Қўқон хони дейсизми, Бухоро амири дейсизми, Хева хони дейсизми, истаган ҳукмдорингизнинг ўрдаси билан ҳусн талашадиган муаззам бир мулк эди. Бекамизнинг ўзи ифтихор билан айтишчи, қай бир йили етмиш беш мингга харидор чиққан-у, булар қўнишмаган. «Бу жойни жой қилгунча умрим адо бўлди, наҳот умримнинг

бахоси етмиш беш минг бўлса?!» дерди Динора опамиз ўксиниб. Поччамиз Шерлон ака хандон ташлаб кулар эдики: «Бизнинг умримиз-чи, бизнинг умримиз ҳисобга кирмас экан-да, а, хоним?» «Албатта ҳисобга кирмайди,— деб жил-маярди Динора опамиз,— сизнинг умрингиз бебаҳо-ку, хўжайин, бирор нарса билан ўлчаб бўларканми? Лекин худолигингизни айтинг, агар мен хала қилмаганимда ҳалиям ўша уч хонали каталакка тиқилиб ўтираверардингиз, тўғрими?» Шерлон ака бунга жавобан кулиб қўярди, холос.

Улар дастлаб ҳозир мен истиқомат қилаётган ошнённи сотиб олишган. Ишхоналарига яқинроқ бўлгани учун. Эр-хотин шаҳар ташқарисидаги руҳий касалликлар шифохонасида муқим йигирма етти йил бирга ишлаб келадилар. Расман поччамиз хастахона бошлиғи, лекин мен бунинг аксинча эканини аллақачон сезиб олганман. Бу ошиён учун ўн минг тўлашган. «Ўн минг у пайтлар катта пул эди,— дейди Динора опамиз уҳ тортиб,— қутулгунча ўлиб бўлганмиз. Кейин бу иморатта уннадик. Э, укажон, бу дунёда қийналгандан поччангиз иккаламиз қийналдик. Энди, ишқилиб, болачақамиз роҳатини кўрса — бас. Тирик жонга жой ҳеч ортиқчалик қилмас. Мана, Жаҳонгир укангиз ҳам катта бўлиб қолди».

Ҳа, Жаҳонгир укамнинг ҳам бўйи чўзилиб қолган. Бултур учинчида ўқирди, бу йил тўртинчига ўтибди. «Агар ўнинчини битириб уйланса ҳам олти йил бор экан,— деб аста хомчўт қиламан.— Ўлдими, ахир унгача менга ҳам ишхонамдан уй-пуй тегиб қолар». Гарчи Жўллибой акам шу лаллайиб юришим бўлса, қирқ йил қиёматда ҳам бошпана тегмаслигини айтиб кўнглимга ваҳима солиб турса-да, мен некбин одам, умид билан яшайман. Лекин бари бир унга қадар уй хўжалари билан муносабатни сариёғдек силлиқ олиб бормоқ лозим. Чунки бунингдек соз, қулай ижара уйни мен, мана, ўттиз тўққизтасини алмаштириб энди кўришим. Ижарадан айрилмасликнинг ягона йўли — вақтида ҳисоб-китоб. Ҳисобли дўст айрилмас, деб бежиз айтмаганлар, шундай эмасми, мавлоно Гулханий?

Ёнғоқдан ясалиб, нақшу нигор ўймакорлик ила жило берилган дарвоза қаршисида бир зум нафас ростлаб, аста қўнғироқ тугмасини босдим. Хийла вақтгача бирор шарпа сезилмади. Бир оздан сўнг яна қўнғироқ чалдим. Ҳеч қандай садо бўлмагач, остона ҳатлашга журъат этдим. Дарвозахонада оққушдек солланиб турадиган сутранг «Волга» кўринмасди. Тўрдаги ярқираган кошона сари қадам босмоққа юрагим дов бермай, дарвоза ёнидаги бир уй, бир айвон томон

юрдим. Бу ерда Шерлон акамининг отаси Раҳмон бобо яшайдилар. Ёшларини ўзалари ҳам аниқ билмайдилар. Бир сўрасангиз, саксон олти дейдилар, бир сўрасангиз, бир кам тўқсон. Ана, бобомиз хонтахта устидан ёпилган нимдошгина кўрпани сандал қилиб китоб кўриб ўлтирибдилар. Бошларида гули ўчган тақя, ятакнинг асл рангини кимёвий текширув йўли билан ҳам аниқлаб бўлмаса керак. Оёқ остига тўшалган шолчанинг тусига қараб туриб, киши беихтиёр бу матоҳ Раҳмон бобо дунёга келмасидан беш-ўн йиллар бурун шу жойга солинган бўлса керак, деган хаёлга бориши тайин. Қорасувоқ уйнинг тоқчаларида икки-учта чегаланган чойнак-пиёла, тахмонда ҳам уч-тўртта шапаракдос кўрпача, пой-гакдаги улкан қалача қавуш Раҳмон бобонинг паришон рўзгорини бебаб туради. Қачонки бу хонадонга келсам, ота-боланинг турмушидаги тафовутни кўриб турли ўйларга борар, аммо бирор хулоса чиқармоққа, очиги, ботинмас эдим. Раҳмон бобо мени ғира-шира танирдилар, ҳар гал ўзимни қайта танитишимга тўғри келарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Саломимга алик олдилару бетимга қараб ўйланиб қолдилар.

— Мен Ғуломман, Юнусободдаги уйдан келдим,— дедим у кишининг мушкулларини осон қилиб.— Бардам-бақувват-мисиз, бобо?

Раҳмон бобо мамнуният билан бош ирғадилар.

— Юнусовотда Маҳзар полвон билан тарих экканмиз,— дедилар дафъатан қадим замонларга шўнғиб.— Маҳзар полвоннинг хотини ўшоғда чиллашир бўлиб ўлган. Икки ўғил ўшандан қолган. Кейинги хотинидан уч қиз...

Мен сир бермай кулиб ўлтиравардим.

— Кеннойим қаёқдалар, ота?— дедим бир пайт у кишини хаёл дарёсидан тортиб чиқариб.

Раҳмон бобо кўзларини қисиб, менга норози қарадилар.

— Кетган,— дедилар хийла ўтиб, нохуш кайфиятда.— Ҳаммаси кетган. Шерлон ҳам, неваралар ҳам.

Тагин сўзсиз қолиб, китоб кўрмоққа тутиндилар.

— Қаёққа кетишди, ота?

— Булар базмсиз туролмайди. Бугун божасиникида зиёфат. Қамоқдан қутулиб кепти.— Раҳмон бобо шундай деб аста атрофга алангладилар, сўнг бирданига товушларини пасайтириб, шивирладилар:— Шерлоннинг тоғгани ҳаром. Шунанча. Фитррўза бермайди бадбахт. Бир уйига кирувдим. Юзтача пиёласи бор экан. Ҳаром ҳаммаси. Чой ичиб бўлмайди.

Раҳмон бобога, худди қаршимда мугузли одам ўлтиргандек, ағрайиб тикилдим.

— Кишининг моли,— деб уҳ тортдилар Раҳмон бобо.
Тилимга тушов тушган, нима деяримни билмай гаранг
ўлтирардим.

— Ҳафта сайин қўй сўйиб туради,— деб ҳасратларини да-
вом эттирдилар Раҳмон бобо.— Узича меҳрибон бўлиб менга
ҳам чиқаради. Бирор луқмасини оғзимга солсам кошки экан.
Ҳаромни еб бўлмайди, ўғлим. Кўп бўлди, мен билан гап-
лашмай қўйган. Ёлғиз ўғил эди, худога не ёмонлигим ўтган
экан...

— Хафа бўлманг, ота, ярашиб кетасизлар,— деб тасалли
бергали шошилдим ва шундагина сездимки, Раҳмон бобо ме-
ни аллақачон унутиб, ўзларига ўзлари дардларини айтиб
ўлтирган эканлар.

— Ёлгон гапиреди. Ҳаммаси. Келин-ку ямламай ютади.
Болани ҳам ўргатган. Норасидани-я! Одамнинг фақат лафзи
ҳалол. Агар лафз ҳам булганиб кетса, тамом, одамнинг бо-
шидан оёғигача ҳаром. Яратгандан қўрқаман, эрта бир кун
шу ноқобил фарзанд учун ҳам сўроқ берарман...

Мутаассир бўлиб, бободан ижозат сўрадим. Зеро, менинг
бунда ўлтиришимдан энди ҳеч қандай наф йўқ эди. Ижара
ҳақини унга берсам, баттар ранжитмоғим тайин эди, шу боис
қўшни хотин — Хадича холага қолдирдим.

Уйга қайтдим, Муҳаммад Шариф ҳақ деб йўлимга тер-
милиб ўлтирган экан, норизо тўнғиллаб қўйди. Кулиб, уз-
хоҳликлар қилиб, дарҳол бир қошиқ оби ёвгон пиширмоққа
тугиндим, сўнг икковлон шакаргуфторлик ила таом тановул
этдик. Чой маҳали унга беканинг уйига борганимни, Раҳмон
бободан эшитган ажабтовур ҳангомаларни сўйлаб бердим.
Муҳаммад Шариф бирданига хаёлга толди, ўрнидан туриб
оғир уҳ тортди, хона бўйлаб нари-бери бетоқат одимлар экан:
«Чайнамайин сганлар оғримайин кетарлар», деди.

Эртаси тушга яқин Динора опа қўнғироқ қилди. «Хадича
хола айтдилар келганингизни,— деди у,— сизни фақат шу-
нинг учун йўқламовдим. Бу, сиздан бесўроқ бир иш қилиб
қўйдик, хафа бўлмайсиз-да». «Хўш-хўш?», дедим юрагим но-
хуш тортиб. «Бир уятли одам илтимос қилиб қўймади, ўғлига
тузукроқ жой ахтариб юрган экан, йўқ, деёлмадик. Сиз энди
битта хонага ўтиб турасиз-да, у бола буёққа жойлашар. Бу-
гун-эрта бориб қолишса, ҳайрон бўлманг, деб... Мен унга
ўзимнинг калитимни бердим. Энди, мен сизга ишонаман, си-
нашта бўлиб қолганмиз, кўз-қулоқ бўлиб турасиз-да, май-
лими, Фуломжон?» «Майли,— дедим бўшашиб,— ўзи тузук
бола эканми, ишқилиб?» «Ҳа, кўнглингиз тўқ бўлсин,— де-
дилар бека хотиржам,— таги кўрган одамлар. Ўғлининг оти

Шодиёр экан, иккинчи курсда ўқирмиш. Ака-укадек яшай-верасизлар, қайтага, гангур-гунгур. Ахир, машойихлар айтган-ку, эрга берсанг ошингни — эрлар силар бошингни, итга берсанг ошингни — итлар тортар бошингни, деб... Бўпти, Фуломжон, сизга ишондим-а?»

Оқшом чоғи бу хабардан огоҳ бўлиб, Муҳаммад Шарифнинг капалаклари учиб кетди. Биз сенинг бирла шу умидда аҳду қарор қилибмидик, дегандек таъна билан қараб қўйдилар. Шошиб узр айтдим, хижолат ичра гўлдирадимики, начора, мусофир итнинг думи қисик. Мавлоно Гулханий ўринларидан туриб, елкаларига тўнларини ташладилар: «Авлороқ улдурки, аввал бориб Бойўғлига учрасам, ҳарна ҳижрат тадоригини кўрайлик, тоинки қаҳратон қиш чилласида кўчаларда дарбадар итдек суриймайлик», деб жўнай бердилар. Минг тавалло билан базўр тўхтатиб қолдим, уйимиз тор бўлса ҳам, қўнғлимиз кенг, тақсир, ўзингиз ҳам, жамики туюрларингиз ҳам хонамга сиғасизлар, дея айланиб ўргилиб, аранг кўндирдим. Билардимки, Муҳаммад Шарифдан айру тушсам, ҳаётим бениҳоя бефайз, бениҳоя нурсиз бўлиб қоларди. Мавлоно иккилана-иккилана ризолик билдирдилар, лекин хонамга кўчиб ўтгач ҳам, секингина хўрсиниб: «Тор жойда ош егандан кенг жойда мушт еган афзал», деб қўйдилар.

Эртаси тонгда барвақт туриб, қўшни хонага чиқдим. Мавлоно Гулханий кеча оқшом маталгўй қушларига ижозат бериб юборган, шу сабаб хона кимсасиз эди. Тўрт томонда момиқ патлар, хас-чўп, қуш тезағи сочилиб ётар, кўпдади бери супурги тегмаган бу хонумон харобалик сари юз тутган эди. Ҳар нечук, озода қилиб қўяйин, эман ёғочининг эгилгани — сингани, эр йигитнинг уялгани — ўлгани, деган акдишага бориб, супургию хўл латта кўтариб келдим, қандил тутмасини босиб, не кўз билан кўрайинки, хона ёғ тушса ялагудек ярақлаб, чинни-чироқ бўлиб турибди!

Бошимни қашлаб, ҳайрат бармоғимни тишлаб, дамим ичимда, индамайгина изимга қайтдим. Муҳаммад Шариф ошхонада хўриллатиб чой ичиб ўлтирардилар.

Кечқурун идорамизда қарори уч кун бурун битиб қўйилган навбатдаги машварат бўлди. Гапирмаган бир жон қолмасин, деб ваҳий келгандек, қамирлаган кимса борки, бари сўзга чиқди — фикр эмас, тилнинг намоиши бўлди. Роҳибаримиз машваратни чўзиб, чўзган сари ҳузур қилиб, яйраб-яшнаб ўлтирдилар, амал лаззатидан сарҳушу сармаст, кенгашни моҳир дарғадек бехато бошқариб бордилар. Мансабнинг шоир-да Роҳибаримиз. Йиғин тарқаб, кўчага

чиққаннимизда, зулумот чўккан, киши кишини танимаслик даражасига етган эди. «Оббо,— деб тўнғиллади Жўллийбой акам,— ўғригина болалар, попирис борми, деб сўрайдиган вақт бўпти-ку!» Ичимни итлар тирнаб уйга отландим — сўнги пайтлар устма-уст кеч қолиб, Муҳаммад Шарифни қайта-қайта ранжитмоқда эдим. Ҳар қалай, кўнгли ярим, ҳужрасидан мосуво бўлган... Шундоқ хаёллар оғушида апил-тапил ошиёнамизга етиб келдим, эшик қия очиқ экан, кўнғироқ тугмасини босиб ўлтирмасдан остона ҳатладим ва даҳлизга кирганим он хижолатдан лавлаги бўлиб кетдим: оварликни қарангки, гафлат босиб бировнинг уйига кириб қолибман! Оёқ остида — узун пойандоз ловиллаб ёнар, йўлакдан соф, сарин бир ис уфурар эди, рўпарадаги хонада антиқа хорижий жиҳозлар саф тортган, нимпушти пардалар нафис солланиб турибди... Хайриятки, адашганимни ҳеч кимса сезмади — уй эгалари ошхонада экан шекилли. Шо-ша-пиша ташқарига чиқиб, эшикни ёпарканман, кўзим бе-ихтиёр тепадаги сўлкавойдек ту누кага зарб этилган рақамларга тушди: 114. Гангиб, девордаги ёзувга қарадим: 8. Ақлим баттар шошди. Афтидан, ўзимнинг ижара ошиё-нимга ўхшайди, лекин... Агар шу вақт ичкаридан гулдуреган йўғон товуш эшитилмаганда, билмадим, қай пайтгача эшик ортида бссар турар эканман. «Шадяр!— деб қичқирди алла-ким.— Мана буни қаерга қўяйлик?» Шундагина миямга фикр юритмоқ иқтидори қайтадан ато бўлди. Шодиёр! Де-мак, кўчиб келибди-да.

«Алвидо, Бойқуш! Алвидо, Кордон! Алвидо, Алвидо, базми ту-юр!»— дея хаёлан шивирлаганча кўнғироқ тугмасини босдим. Эшик шу заҳоти шаҳд билан очилдию ярим яланғоч, хуш-сурат бир йигит мушакларини ўйнатиб, таҳдидомуз сўради: «На керак?» «Салом, Шодиёр, — дедим кулимсираб, — ҳорманг!» «Мен Шадяр эмас,— деди у хўмрайиб.— Шадяр керакми?» Аста бош ирғадим, таклифни кутмай ичкари кир-дим ва йигитнинг баттар нафратига сазовор бўлдим. «Ким?— деган янгроқ овоз келди ошхонадан, сўнг хитойи чийдухо-бадан бежирим камзул-шим кийган, бояги йигитдан-да кўркамроқ ўспирин рўпарамда қадди-қоматини намоеън этди. «Мен Фуломман,— дедим қўл узатиб ва шундагина исми-нинг бу қадар ғариб эканлигини алам билан ҳис қилдим. Чиндан ҳам, Шодиёр ёки Шадяр деган қарсиллаган ном қаёқдаю айтганимга писиллаб чиқадиган Фулом деган исм қаёқда!— Яхши келдингизми?»— деб қўшимча қилдим азба-ройи такаллуф юзасидан. Шодиёр бир зум менга ҳайрон ти-килиб турди, кейин нимадир ёдига тушгандек, бош ирғаб

қўл чўзди. «Зўр,— деди у гўлдираб (кейин билсам, оғзида елим сақич бор экан),— келдик. Қаерда ишлайсиз?» Шодиёр ишхонамизнинг номини умрида эшитмаган шекилли, елка учириб қайдалигини сўради. «Фалон магазин ёнида»,— деб тушунтирдим унга. «А-а,— деб бош ирғади у,— зўр магазин. У ерда бир қиз бор. Флора. Классний товар». Сўнг шу заҳоти мени унутдию шиппагини судраганча шипиллаб ошхонага кириб кетди, ичкарида уймалашаётган ўртоқларига нимадир қизикроқ гап айтди чамаси, жўровоз қаҳқаҳа янгради.

Уст-бошимни ечиб, мен ҳам аста хонамга кирдим. Муҳаммад Шариф бурчакдаги лиқилдоқ курсида қунишибгина ўлтирар, куни билан қўш ҳайдаган чоракордек ҳорғин кўринар ва бу ҳолат унга сира-сира ярашмас эди. «Ҳа, тақсир?— дедим ясама хушҳоллик билан.— Таслим бўлган қўрғонбегидек хомушсиз?» Мавлоно Гулханий кўзларию қўлларининг имоси билан мени товуш чиқармасликка ундаб, шарпадек сассиз юриб ёнимга келди. Қўшни хона томон бош ирғаб шивирладики: «Менинг бунда макон тутганимни зинҳор кимса билмасин». «Нега энди, мавлоно Гулханий?— дедим таважжуҳ билан.— Яширишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Чумчуқдан қўрққан тариқ экмас. Мен ҳозироқ чиқиб уларни огоҳ этиб қўюрман, токи бирортаси сизга ношоён сўз айтиб юрмасин...» «Асло, асло ундай қилмагайсан,— дея бетоқат пичирлади Муҳаммад Шариф,— агар менга ором тиласанг, бунда мавжудлигим пинҳон тутгил». «Демак, ёлгон сўйлашим лозим?»— деб сохта қовоқ уйдим. «Ёлгон айтса бўлур,— деб уҳ тортди мавлоно,— айтгучи доно бўлса...» «Майли, лскин сиримиз икки кунда фош бўлур, ахир уларнинг ҳам кўз-қулоғи бор». «Ажаб содда Гуломсан,— деб кулди Муҳаммад Шариф,— шунча вақтдан бери ҳамошиёну ҳамтовоқ бўлиб, шу нарсага ҳануз фаҳминг етмайдулки, мени фақат қалб кўзи билан кўрмоқ, дил қулоғи билан эшитмоқ мумкин. Ўзга хатти-ҳаракатлар бари бекордур». «Бас, шундай экан,— дея бўш келмадим мен ҳам,— унда, бу қадар эҳтиёткорликка на ҳожат? Сурма ютган хўроздек бўгилмай, товушингизни қўйиб гапираверинг». Мавлоно бош чайқадиларки, ўзинга эҳтиёт бўл-у, қўшнингни ўғри тутма...

Таом маҳали этиб, қоринлар сурнай навосини бошлади. Мен эса, азбаройи гуломлигимга бориб, шу кунгача қарийб хўжайин бўлиб келган уйимда ошхонага чиқиб, бирор оби ёвгон пиширмоққа истиҳола қилиб турардим ва бу ҳақда ўйлаганим сари тобора ғам босар эдики, бойвачча болаларга ўхшайди, гўштсиз қозон оссам, не хаёлга боришаркин? Пиёз

қолганмиди-йўқми? Идиш-оёқ улардан бўшамаган бўлса, қандоқ қиламан?

Бошим қотиб, Муҳаммад Шарифга юзланган кўйи айтдимки, шу уй ҳам жонимга тегди, ишхонамга узоқ, ҳар куни ит азобида бориб-келаман, исимаиди, совуқлигини қаранг, катта кўчанинг оғзи, шовқин-сурони-чи... Мавлоно Гулханий дийдиёмни тинглаб, мийиғида кулди: сани сўзунг анга ўхшарки, бир одам яхши кўрган дўпписини тез сувга оқизиб, ҳарчанд тараддуд билан ололмади, маҳрум бўлиб айтур эрдик: «йўқолгани ҳам хўб бўлди, бошимга ҳам тор келур эрди», деб...

Ўзимни тутолмайин кулиб юбордим ва лаҳза ўтмай қайғу ариди: Муҳаммад Шариф яна бир ғаройиб ҳангома сўйламоққа бошлади.

Вақтики, эшигим туйқусдан такаллуфсиз очилиб, Шо-диёр кириб келди.

— Зўрмисиз?— деб жилмайди у, сўнг хонамга бир қур назар ташлаб, стол устида ётган китобни нима учундир қўлига олди, орқа-ўнгини айлантриб, варақлаган бўлди.— «Зар-бул-ма-сал»,— деб ажнабий бир сўзни ўқигандек ҳижжалаб ўқиди-да, лабларини чўччайтириб:— На дегани бу?— деб сўради. Жавобимни ҳам кутиб ўлтирмай, дераза рафидаги бошқа китобларга нигоҳини югуртирди.— Кўп-ку!— деди бош чайқаб.— Барини ўқиганмисиз?— Қизиқ бола экан бу: савол бераркан-у, жавобингизни кутмас экан. Эҳтимол, одати шудир, эҳтимол, жавоб бериб эмас, сўраб ўргангандир. Эски имлодаги бир рисола диққатини тортди, аввал китобга, кейин менга синчиклаб тикилди.— Қуръон ўқишни биласизми?— деди, дедию тўшагимнинг бош томонида ётган пластинкаларни кўриб қолди.— Ортиқ йўқми?— дея уларга қўл чўзди ва тагин оғиз очишимга имкон бермай:— Зира борми? Ош қиляпмиз,— деди-да, хонадан чиқди.

Бу ғаройиб мулоқотдан чандон ҳайратланиб, мен ҳам ортидан эргашдим.

Ошхонада боя остонада кўрганым яримянгангоч йигитдан бошқа яна бири мўйловли, бири мўйловсиз иккита дароз ўспирин бор эди. Ичкари кирдиму ағрайиб қолдим: ошхонани танимадим. Ё тавба, қачон рўй берди бу мўъжиза: ошхонамизнинг деворларига қордек оппоқ ҳар турли катта-кичик жавонлар ўрнатилибди, ярқироқ столу курсилар пайдо бўлибди. Домлам Эшмухамедовнинг ошхонасида кўрган эдим бундоқ олмоний жиҳозларни. Домлам бечора шуларга эришаман, деб аллақайси дўкондорнинг қизи билан бирга беш йил қайта ўқиб чиққан эди...

Йигитлар менинг паришон аҳволимга парво ҳам қилмай қўл бериб кўришдилар. Танишдик. Иккитаси — Ҳўтам билан Қадамбой, бўлғуси дўхтирлар, Шодиёрнинг синфдош жўралари экан, Сафар эса Шодиёр билан бирга терговчиликка ўқиркан. Ҳашарни ош билан ниҳоясига етказмоққа аҳд қилибдилар-у, лекин бирортаси ҳам палов дамлашни билмас экан. Бу иш менинг кўлимдан келишини билиб, беҳад суюниб кетишди. «Яшанг-э, оға! — деди боядан бери хўмрайиб ўлтирган мушакдор Сафарбой ва ўрнидан туриб столдаги «заҳри қотил»дан пиёлага тўлдириб узатди.— Олинг эса, Шадяр билан қўшни экансиз!» Олдик. Гангур-гунгур гаплашиб, ош қилишга тутиндик. Оч қоринга симирилган шароб таъсиридами, ҳар нечук, ўспиринлар энди кўзимга ниҳоятда содда, мард, ёқимтой кўрина бошлади, уларни қишлоқдаги бўш-баёв иниларимдек суйгим келди, гап-сўзларини тинглаб, завқим ошди.

Таом тайёр бўлди. Катта хонада танаввул қилмоққа келишилди. Бир косага сузиб (ўзи кечирсин), қўшниларимнинг кўзини шамғалат қилиб Муҳаммад Шарифга олиб кириб бердим. Дераза қаршида хануз ғамга ботиб ўлтирган экан, аста ўгирилиб қаради, таомни олдига қўйиб ҳарчанд ундасам ҳамки, чурқ этмади. Шодиёр йўлакдан бетоқат бақирди: «Келсангиз-чи, ахир, ош совиди!» Мавлоно Гулханийдан узр сўраб, лекин кўнглим бир хил бўлиб, катта хонага чиқдим. Худди келин тушадиган хонадек ясатилибди. Тўрда кўзгусига қулоч етмайдиган рангли «ойнаи жаҳон», оромижон юмшоқ курсилар, оёқ остида майин патгилам, биллур қадаҳлар... Оғзим ланг очилиб ошга тикилиб қолдим. Бир тилак икки-уч марта такрорландики, энг ёмон кунимиз шундай бўлсин! Таомдан сўнг Қадамбой бурчакдаги магнитофон тугмасини босди, элсевар хонанда ашула бошлади. Бир нафас ашула айтиб тин олди-да: «Бу йилги пахта планларимиз ҳам тўлсин», деди. Гувв этиб қийқириқ, чапак, ҳўштак янгради. Хонанда жазава бўрони босилишини бир оз кутиб тургач: «Биз санъаткорлар хизматимизни сизга манзур қилолсак, ўзимизни бахтли деб ҳисоблаймиз», деди. Яна шаршарадек қийқириқ, яна оломон ер тепган... Сафарбой ҳам азбаройи завқи жўшганидан ўлтирган жойида ҳўштак чалиб юборди.

Шу тариқа базми жамшид давом этаркан, мен секин узр сўраб хонамга чиқдим. Чой дамлаб, мудроқ элитган Муҳаммад Шарифга ичирдим. «Жавр бўлганда сизга жавр бўлди,— дедим ачиниб,— қўшларингиз дийдоридан бенасиб қолдингиз. Қачонки, лозим бўлса, баҳузур менинг хонамга чорлайверинг, ҳеч бир истиҳола қилманг». «Сен бунинг таш-

вишини тортма,— деди Муҳаммад Шариф,— жамики аҳли туюрга фармон берилдиким, бундан буён кенгашга тунда эмас, кундуз ҳозир бўлғайлар. Ўзингнинг ҳолинг нечук, мутаассир кўринурсан?» «Кўнглим ғаш, тақсир,— дедим ростига кўчиб,— қўшниларимиз баланд охурдан сув ичган кимсалар кўринади, ҳайронман... Она сути оғзидан кетмаган гўдакка бунча асыасо дабдаба, билмадим, на ҳожат экан». Мавлоно Гулханий истеҳзо билан кулдики: «Гапларингдин суқ ҳиди келур. Унутмаки, суқ ҳасаднинг қариндоши бўлур». «Қўйсангиз-чи, мавлоно,— дедим астойдил ранжиб,— келиб-келиб, шу сўтакка ҳасад қиламанми? Ҳасад қилганим ёлгон, лекин алам қилгани... рост». «Сабр қил,— деб таскин берди Муҳаммад Шариф,— сабр санинг дардингга дармон бўлур». «Токайгача?!— деб шивирладим надомат билан,— токайгача, мавлоно Гулханий?!»

Саволимнинг жавоби сукут бўлди.

Қўшни хонада ертепар базм ярим тунга қадар давом этди. Меҳмонлар гоҳ йўлакка югургилашиб чиқар, гоҳ ичкаридан шайтоний қаҳқаҳа эшитилар, уларнинг толмас чақаклари тинганда магнитофоннинг темир жағи ишга тушар эди.

Соат учдан ошганда қўноқларнинг бирортаси ҳам умрида андиша кўчасидан ўтмаганига қаноат ҳосил қилдим, сабр косам тўлиб-тошдию ирғиб турдим, қаҳр билан эшикни очиб кирдим. Кўрсамки, тўрт баҳодир тўрт томонда тиррайиб қолган, темир қути ўзи ўчиб, ўзи айтиб ётган экан! Ҳайроналигим баттар ортиб уни ўчирдим, тириклайн кабоб бўлмоқ хавфидан халос этгани учун ич-ичимдан фалакка шукроналар ўқиб, қайтиб чиқдим. Юз берган ҳодисани тасодифга йўйиб, шаробнинг касофати билан боғлаб, тонгга яқин, ниҳоят, мизғиб кетибман.

Кечқурун ишдан келсам, уй жимжит, Шодиёрнинг қораси ҳам кўринмайди.

Муҳаммад Шариф билан аллапайтгача чақчақлашиб ўлтирдик ҳамки, дараги бўлмади.

Шодиёр шу бўйи уч кечаю уч кундуз бадар кетди. Тўртинчи куни қора хуфтонда бурнидан тортса йиқилгудек бир аҳволда сўлжайиб кириб келди, эгнидаги узун чарм ёмғирлўшини ечиб бир бурчакка ташлади-да, менга қараб илжайди: «Зўрмисиз?» Сўнг одатдагидек жавоб кутмай, пой-абзалини ҳам ечмасдан телефонга ёпишди, кимгадир сим қоқиб, ниманидир суриштирди, тагин менга юзланиб: «Сафар келмадими?», дедию конасига кириб кетди. Ярим соатлардан сўнг бутунлай ўзга либосларда жавлон уриб чиқди, ошхона

йўлагида турганимни кўриб, қўл силкиб қўйди: «Биз кетдик эса».

Эрталаб уст-бошимни олай деб, даҳлиздаги жавонни очсам, михда осиеглиқ чарм ёмғирпўшига кўзим тушди. Қачон келди экан — сезмабман ҳам.

Намозшомда уйга қайтиб, уни онадан туғилгандек бир қиёфатда кўрдим: авратини ёпиб турган бир парча лунгидек ола-чипор иштончани айтмаса, қарийб ширяланғоч эди. Борлигимда газаб ўти иштиғолланиб, азбаройи энсам қотганидан чурқ этмай хонамга қамалиб олдим.

Бу оламда мудом ўз хаёллари билан танҳо қолган инсон бахтлидир. Мен бунингдек саодатни дунёнинг ҳеч қайси лаззатига алмашмаган бўлурдим. Лекин ўлим ёмонгаким, ҳеч вақт ёлғиз қолмоққа имкон бермагай! Эшигим очилиб, саватдек сочлари тўзғиган Шодиёр бояги қиёфатида бостириб кирди. «Қорин очиб кетди-ку, оқсоқол,— деди ишшайиб, ёлдор кўкрагини қашиганча,— ё бир нима пиширайлик, ё юринг, бирор жойдан тамадди қилиб келайлик». Қажрим қўзиб, бир заҳримни сочмоққа ҳам чоғландим-у, тагин шайтонга ҳай бердим. «Ўка,— дедим Жўллибой акамга тақлид қилиб,— аввал бир одамга ўхшаб кийиниб олинг-чи, кейин гаплашармиз». «Кўйсангиз-э, оқсоқол,— деди у пинак бузмай,— қиз борми бунда? Бўлса, кўрсатинг, гаплашайлик. Иссиқни қаранг, ҳаммом-ку. Гўшт келтирганман, нима қилай?» «Майли, аввал кийиниб олинг»,— деб такрорладим қатъият билан. Шодиёр билинар-билинемас қизаргандек бўлди-ю, эгнига энги калта кўйлак, жинси шимини кийиб чиқди.

Биргалашиб таом тайёрламоққа киришдик. Умуман, мен унга тушунолмай қолган эдим. Бир қарасанг, кўнгли очиқ, танги йигитга ўхшайди, бир қарасанг, дордан қочган қаззобнинг ўзи. Айтишича, бу ўқишга қизиқмас экан, отаси қўймай киритибди, ўзига қолса ё футболчи, ё артист бўлмоқчи экан. «Менга калла ишлатмайдиган ўқиш бўлса»,— деди у орзуланиб. Дунёда иккита нарсани — рок-музыкаю машина ҳайдашни яхши кўраркан. «Квин», «Ливин-блүиз»,— деди у кўзлари қисилиб,— кайф! Шошманг, ҳозир қўйиб келаман». Музыка садолари остида мени қалб бисоти билан таништиришда давом этди. Уйларида ўзининг «Жигули»си бор экан, «ноль олти», ўнинчини битирар йили туғилган кунига совға этилган, яп-янги турган эмиш, отаси, қарзларингдан қутулиб, учинчи курсга ўтсанг, Тошкентга олиб келиб бераман, деб ваъда қилган эмиш. Оилада икки ўғил, бир қиз эканлар, у тўнғич эмиш. Ёшлигида ўладиган касалга йўлиқибди,

дўхтирлар Масковнинг касалхоналарига ётқизиб аранг асраб қолган экан. Шу кунларда отаси Тошкентга, сессияга келиши керакмиш. Мен меров, гуломлигимга бориб сўрадимки: «Нима, отангиз ҳам сиртқи бўлимда ўқийдиларми?» «Қанақа сиртқи бўлим?— деди Шодиёр ажабланиб.— Анов, катта сессияга келади». Сўнг нимадир эсига тушиб: «Эй, мен рўйхат тайёрлаб қўяйин»,— деди-да, чўнтагидан қоғоз-қалам олиб, ишга киришди. Рўйхати нима экан, деб ҳайрон бўлдим. Эрталаб холодильник устида ётган бир варақ қоғозга кўзим тушиб, гапнинг маънисига етдим. Шодиёр қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан битган рўйхат ушбу турур:

Сиёсий иқтисод — 50 с.

Логика — 40 с.

Диамат — Сафарбой қўйдиради (50 с.)

Воснка — коньяк (1 та, Казанцев)

Дав. ҳуқ.— ?

Атеизм — Худойберди Олланазаровичга тел.

Англадимки, Шодиёр қишки имтиҳонга қаттиқ тайёргарлик бошлаб юборибди.

Таомдан сўнг ошхонада чой ичиб ўлтирар эканмиз, у туйқусдан сўраб қолди: «Мамашокиров деган домлани танимайсизми, фалсафадан?» «Йўқ,— дедим ҳар эҳтимолга қарши, ҳадиксираб.— Нима эди?» «Э, аблаҳ экан, қўймаяпти,— деди у бошини қашлаб,— декан айтса ҳам қўймаяпти». «Нега қўймас экан, қўяди,— дедим далда бериб,— яхшироқ тайёрланинг-да». «Э!— деб қўл силтади Шодиёр,— юз эллик, деса ҳам қўймади. Ҳай, ўзига қийин. Шундай қилаверса, яқинда ҳайдалиб кетади».

Шодиёр бу гапларни ишонч билан сўзлар ва шу ишончидан қўрққулик эди.

Чиздаб туrolмадим, уни инсофу диёнатга чорлаб кўрдим. «Касбингиз беннҳоя нозик, Шодиёржон,— дедим салмоқлаб,— бунақа чала-ярим ўқисангиз, эрта бир кун қийнаиб қолмасмикансиз? Ҳар қалай, инсон тақдири деган гаплар бор». «Эй, қизиқ экансиз,— деди Шодиёр тамаки бурқситиб,— битириб олсам, ишнинг энасини кўрсатиб қўярдим. Отам...» «Ота-онага суянган тузук, лекин мавлоно Гулханийдан қолган бир гап борки, ўз ақлинг билан кенгаш». «Қанақа гулхан?»— деб сўради Шодиёр. «Гулхан эмас, Гулханий. Шоир ўтган шунақа». «Ҳа,— деди Шодиёр,— мен «Гулхан» журналими деб ўйлабман». «Шу кишининг доно бир ҳикмати борки,— дедим унинг ҳафсаласи сўнганига эътибор бермай,— ўйнашга ишониб, эрсиз қолма, деган... Ёш йигитсиз, ҳали истиқболингиз олдинда, бир мартагина бериладиган умрни

ҳаром-ҳариш йўлларга сарф қилсангиз, билмадим, охири қандоқ бўларкин?» «Нима ҳаром-ҳариш?— деди Шодиёр елка қисиб,— ҳамма қатори, кўпчилик нима бўлса, биз ҳам шу. Ўзингиз айтдингиз, умр бир марта берилади, ўйнаб-кулган қолади, бошқаси — бир тийин». «Тўғри айтасиз,— дедим мулоимлик билан,— шунинг учун ҳам ҳаётнинг қадрига етиш керак». «Мана, қадрига етяпман-ку,— деди Шодиёр кулиб ва ҳомуза тортди.— Ў, соат ўн икки-ю. Ҳай, ётайлик эса, эрталаб вақтлироқ уйғонсангиз, мени ҳам уйғотиб қўярсиз». Сўнг эринибгина керишди-да, ўрнидан қўзғалди.

Мавлоно Гулханий ухламай мени кутиб ўлтирган экан, чой дамлаб кирдим. «Болага озроқ амри маъруф қилдим,— дедим,— одам ачинади, яхши йигит, ҳайфки, бузулгон-да». Муҳаммад Шариф бетимга киноя билан боқиб, бош чайқадик: «Сўзни айтгил уққонга, жонни жонга суққонга, айтиб натарсан онадин бемаҳал туққонга...» Мен эътироз билдириб дедимки: «Бу бир ёш ниҳол, тарбияси чатоқ бўлган, холос, ҳали йўлга солса бўлур. Кўрасиз, мен уни шундай мулла қилайки...» Мавлоно Гулханий ишончсиз кулди: «Бемаҳал ниҳолни ўзга ерга ўрнатсалар, ул ҳам кўкармас».

Муҳаммад Шарифнинг бу сўзларини эшитиб, унинг чиндан ҳам тарихан чекланганига яна бир карра ишонч ҳосил этдим ва шу вайдан у билан баҳслашиб ўлтирмай, чарчоқни баҳона қилиб, уйқуга ҳозирлик кўра бошладим. Шубҳасиз, мулла Гулханий эски замонлар — киши кишига ўртоқ, дўст ва биродар эмас, бир-бирига бўри бўлган давр фарзанди, бинобарин, ҳаётий ақидаси ҳам шунга яраша бўлуви табиийдир. Кўз ўнгимда ёш бир вужуднинг ҳалокат сари кетаётганини кўра туриб, наҳотки тинчгина ухламоққа менинг виждоним йўл қўйса?! Йўқ, Шодиёрни нотўғри тарбия таъсиридан қутқариб, адлу инсоф сари бошламоқ лозим. Ишонмананки, унинг мудроқ кўзларини очиб, рост кўчаларга олиб кирсам, мендан ўла-ўлгунча миннатдор бўлади. Ахир, бу бечора ҳам бировларнинг азиз фарзанди, тўқликка шўхлик қилиб адашиб юрибди, холос.

Шу пайт кўнглимдан кечган хаёлларни англагандек Муҳаммад Шариф дераза олдида ўлтирган жойидан овоз берди: «Шул бола уч хислатдин ташқари эмас: аввало, кўзи бежо — уятни унутгандир; иккинчи, вужудидан тарёк иси келур — афюнга рағбати зўрдур; учинчи, бошдин-оёқ зино ботқоғига ботгандур, охир-оқибат эл андин нафрат қилур». «Тақсир, меҳрингизга ҳам, қаҳрингизга ҳам тараф йўқ,— дедим қизишганимни сездирмасликка тиришиб,— лекин бу сафар назаримда, хийла ошириб юбордингиз. Муштдек

ўспиринга бунча маломат тошини отмайлик-да, яхшиси, унинг ҳам дил асроридан бохабар бўлайлик. Не бало, ё мени рашк қиляпсизми?» Шундай деб бошимни кўтариб қарасам-ки, мавлоно Гулханий аллақачон пинакка кетибди...

Шодиёрнинг хонасида ҳабаш хонандалар авж пардада куйлай бошлади. Ўрнимдан туриб, эшикни чертдим. Шодиёр ола-чипор лунгисида чиқиб келди. «Илтимос, товушини па-сайтирсангиз»,— дедим аста. У ҳайроналик ила елка қисди: «Нега? Яхши-ку?» «Мен ҳам ёмон деяётганим йўқ, лекин атрофда биздан бошқа одамлар ҳам бор». «Қисинманг-э!»— деб кулди Шодиёр ва хонасига кириб кетди, бироқ орадан сал фурсат ўтиб, ҳар тугул, музика товуши пасайди.

Эрталаб юз-қўлимни ювиб, унинг эшигидан оҳиста мўраладим: Шодиёр тош қотиб ётарди. Секин елкасидан туртдим: «Туринг, граф, сизни буюк ишлар кутяпти!» Шодиёр бестоқат тўлганиб, ёнбошига ағдарилиб олди. «Турмай-сизми?»— дедим кулгим қистаб. «Э!— деб норизо тўнгиллади у.— Соат неча бўлди?» «Саккиз». «Вақтли экан-ку, озгина ётайлик». «Биринчи соат дарсингиз йўқми?» «Ким билади дейсиз,— деб эснади Шодиёр,— бўлганда нима...» Бари бир ҳол-жонига қўймадим, кечқурун Авлонийдан кейинги «муаллим ус-сонийлик»ни бўйнимга олганим учун Шодиёрни қайта тарбиялаш ишига иштиёқ билан киришдим.

Нари-бери чой ичиб кўчага чиқдик. Сезиб турибманки, Шодиёр бўйнидан боғлагандек аранг бораётир. Қарасам, йўлни ҳам автобус бекатига эмас, чапга қараб солмоқчи. «Ҳа?», десам, «Юринг, таксида кстамиз», дейди. «Ҳали эрта, бемалол улгураимиз». «Эй, сизга на бўлган ўзи, шу автобусга чиқиб бўладими?!» «Нега чиқиб бўлмас экан? Мен ҳар куни бориб келаман-ку». Шодиёр менга бснихоя ачиниб тикилди. «Юринг,— деди сўнг қатъий қилиб,— мен сизни ташлаб ўтаман». Такси тутиб, жойлашиб ўлтирганимиздан кейин у айтдики, отаси, машинангни опкелиб берганимча таксида юратурасан-да, деб узр сўраган экан. Индамай кулиб қўяқолдим. Ўзга олам, ўзга одатлар...

Шодиёр йўлда, ўқишхонаси ёнида тушиб қолди. Унга сабру матонат, инсофу диёнат тилаб, мен идорамга раво-на бўлдим. Бориб, Жўллибой акамга маслаҳат солдим. Тақдир мени умр чорраҳасида тарбияси қийин бир ўспирин билан рўбарў келтирганини айтиб, энди уни тўғри йўлга бошламоқ учун қандоқ сабъ-ҳаракатлар қилишим лозимлиги хусусида ундан кенгаш сўрадим. Жўллибой акам, эринмаган одам, кўзойнагини олиб қўйиб, Шодиёрнинг насл-насаби, феъл-атворини синчик-

лаб ўбдон сурштирди, охири ғамгин бош чайқаб уҳ торти-
ди-да, Навоийнинг назми билан жавоб берди:

Байт:

«Ким кучук бирла хўтикка қанча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, эшшак бўлур, бўлмаслар асло одами».

Дунёда ўзи нискин одам қолмабди. Шу аччиқ хулосага келдим-у, аммо қароримдан қайтмадим: Шодиёрни қутқараман! У бир нозик новда, қай тарафга эгсанг шу томонга эгилаверади. Майли, хизмату заҳматларим пинҳон қолақолсин, лекин бари бир яхшилик қиламан-у, дарёга соламан — холиқ билмаса, балиқ билур.

Оқшом шу кайфиятда иштиёқманд бўлиб уйга отландим. Келиб кўрсамки, хонадонимизда байрам, байрамки, ит эгасини, мушук бекасини танимайди! Шодиёр ва Сафарбой иккита қиз билан ошиёнимизни буткул забт этган, еру кўкни зириллатган оҳанглар оғушида сармаст, «зикр тушиб» ётибди!

Билмадим, бундоғ вазиятда бошқа одам нима қилган бўлурди, лекин мен гангиб ссрайиб туравердим, ниҳоят, оёқ учида юриб хонамга ўтдим. Бирорта курси йўқ, китобу қоғозларим гўё бир даста мирғазаб келиб тинтув қилгандек ағдар-тўнтар...

Бу ҳолни кўриб, фиғоним фалакка чиқиб кетди. Мени урсалар-сўксалар, тилимни кессалар чурқ этмай чидашим мумкин, бироқ қоғоз-қаламларимга дахл қилгудек бўлсалар, жоним нақ бўғзимга келарди, илло уларни мулки маҳрам деб, инсон ҳуқуқлари мажмуасининг илк бандларига дохил деб билардим. Шунча йиллардан буён одамизот исини хуш кўрмай ижарама-ижара танҳо яшаб юришимнинг ҳам бонси аслида шу эди. Не кўз билан кўрайинки...

Вужудимга жаҳолат ўти туташиб, бир бурчакда қисилиб-қимтинибгина ўлтирган Муҳаммад Шарифга найзамни санчдим: «Тақсир, ишонмагил дўстингга, деганлари шу экан-да?! Бурнингизнинг тагида нобакорлар хонамизни ғорат қилсалар ҳам бир оғиз «қўй», деб айтишга ярамабсиз-да?! Сиздан умидимиз бу эмас эди, бораколлоҳ!» Мавлоно Гулханий қўшни хона томон бир қараб олиб, ҳазин пичирладики: «Бу феълингдан қайт, эй содда Фулом! Ёмоннинг кучи япалоққа етибди бўлмасин тагин! Бу гапинг бирла манга кўп озор бердинг, алфозларингга борман!» Бирданига сўзларимдан ўзим уялиб, тақсиримга кетма-кет узрхоҳликлар айтдим. «Сан бу гапингдан,— дея

ҳамон ўпкалаб давом этди мавлоно Гулханий.— Тевани бўтаси онаси бирла мунозот қилғонидин беҳабар ўхшарсан». «Нечук беҳабар бўлайин?» — дедим хижолатдан нам тортиб. «Тева зор йиғлаб айтганидек, манда агар зарра каби ихтиёр бўлса эди, бу янглиғ забун бўлмас эдим». «Ахир, бу касофатни эрталаб, кўрдингиз, стаклаб кетган эдим, инсофга энар, деб хаёл қилган эдим,— дедим бўғилиб,— қачон галасини бошлаб келақолди?» «Чошгоҳдин сўнг,— деб уҳ тортиди Муҳаммад Шариф,— эндигина туюрларни тўплаб, Кўрқуш била Куйканакдан аҳвол сўраб туриб эдимки, қарсиллаб эшик очилди, келдилар кириб, қўлларинда шишалар, бошладилар базм! Темир қутиларининг қулоқларини бурадилар, Исрофил сур чалгандек бадҳазм нағмалар янгради. Ва бириков ду жўба бирла қоҳили намозни муҳтасиб тутиб ургандек дангур-дунгурга ура бердилар ва бир-иков даф орқасини, ўгрининг орқасини ўтга тоблагандек, тоблай бердилар. Алқисса, нағма навосини фалак-фалакдаги малоикаларга еткура бошладилар...— Ғазабдан бир тутам бўлиб, жизгинакка етган эрсам-да, мулла Гулханийнинг рок-музикага берган бу гаройиб таърифидан завқ қилиб, беихтиёр кулиб юбордим.— Сўнг ўшал кўзи бежо бача жўраси бирла бу ён кирди, минг шукур оллоҳгаким, мени кўрмади, курсиларни кўтариб жўнай берди, жўраси тўхтаб, китоб-қоғозларингни кавлаштирмоққа тутинди. Ҳар бало бўлса — ана шунда бўлгандур...» Мурдор панжа теккан китоб-дафтарларимга ҳайрон тикилдим ва ичичимда Шодиёрни ҳам, ювуқсиз жўраларини ҳам лаънатлаганча аҳд қилдимки, эртагаёқ бу нохуш аҳволни Динора опага етказмоқ керак! Акс ҳолда бу бадбахт ҳаммамизни шарманда қилмоғи тайин. Лекин аввал бир танобини тортиб қўййин! Ҳали мўйчинак тишламаган-да, нонни «нанна» деб юрибди! Кўзларинг бир мошдай очилса, ана, ундан кейин кўраминиз!

Қаҳрнинг қудрати билан шахдам юриб йўлакка чиқдим, эшикни қарсиллатиб очган кўйи Шодиёрнинг хонасига бостириб кирдим. Тўрдаги диванда Шодиёр чордана қурган, нақ биқинида сочлари қоп-қора, ёшгина бир қиз мушук боладек унинг елкаларига суйканиб ўлтирарди. Мени кўриб, ёввойи бир қараш қилди-да, кафтини Шодиёрнинг тиззасига қўйди. «Салют! — деб ишшайди Шодиёр,— сўнг қўл силкиб, деди:— Зўрмисиз? Тортасизми?» Дафъатан унинг гапини англаёлмай: «Нима?!» — деб сўрадим. Шодиёр ияги билан пастак курси устидаги қулдонга, тутаб турган бир жуфт папиросга ишора қилди: «Бир кайф қилайлик ахир!» Шундагина унинг хира, маъносиз кўзларига, қиз-

нинг шармисор қиёфасига қараб, нима гаплигини тушундим, юрагим орқамга тортиб кетди: Муҳаммад Шариф кечаги ба- шоратида қанчалар ҳақ экан!

Қўшни хонадан эса Сафарбойнинг бўғиқ товуши, қиз бо- ланинг қиқир-қиқир кулгиси, «Қўлингизни олинг... қўйворинг...» деган, эйтироздан кўра рағбатга мойил овози баралла эшитилиб турарди.

Э фалак, кимларга ошно этдинг мени?!

Булар билан ҳозир ҳар қандай мулоқот бориб турган бе- маънилик бўлур эди, шу боис аламим бўғзимда, индамай эшикни ёпиб, хонамга қайтдим.

Тамом! Эртагаёқ Динора опани бошлаб келаман! Ўз кўзи билан кўрсин! Мабодо бу баттолнинг отаси ҳам келиб қолса, беканинг орзидан эшитсин! Мен аҳмоқ, мен хом сут эмган банд, кимни паноҳимга олиб, кимни қайта тарбияламоқ бўлиб юрибман?! Етти иқлимда менингдек нодон гулом бор- микан? Мен дунёдан орқада қолибман, шундай орқада қолиб- манки, энди умримнинг охирига қадар минг жаҳду жадал қилсам ҳамки, яқин бормоғим гумон — ахир, у мени кутиб турмайди, шитоб ила ўз шаҳду шиддатида давом этади. Аён, аён бўлдики, мулла Гулханийга қўшилиб мен ҳам ўз қобиғимга ўралиб, тарихан чекланиб қолибман. Мен билган одамизот фарзандлари ҳам ўзгарибди, ўзга кўчаларда ўзга ақидалар жилва қилиб юрибди.

Изтироб ичра бўғилиб ётарканман, хаёлимдан турли-ту- ман ўйлар кечди: шартта ўрнимдан турсам тўғри бориб те- гишли жойдан одам бошлаб келсам, тилсиз гувоҳ бўлиб турганим бу шармисор ҳолатдан огоҳ этсам!.. Бироқ бунинг ортидан бир талай нохуш ғавғолар тизилиб келмоғи муқар- рарки, оқибати, энг енгил кўчса, ижара хонамдан айрил- моғим тайин. Кейин терговхонага танда қўйиб қоламанми: хўш, нашани ким келтирди? Қайдан келтирди? Нега илга- рироқ хабар қилмадингиз? Сизнинг хонангизни ҳам бир кўрсак... Мулки маҳрамимга яна даҳл қилинса... Йўқ-йўқ, ҳар нечук, Динора опадан бемаслаҳат бундоғ иш тутмаган маъқул. Уй кимники, деган савол ҳам чиқиб қолса, тилимга кўндаланг калтак келмайдими?

Лекин нега тонг отақолмайди? Кишига бу қандоғ азобки, нақ қулоғим тагида ҳамон шаҳвоний қийқириқлар, кайфу сафо, рахнагар мусиқа... Гўё бир боғ янтоқ устида ётгандек бетоқат тўлганар эдим. Мен бу ошиёнимга Қундузни бор- йўғи икки марта таклиф этган эдим — ортиқ ҳаддим сизмаган. У келиб, қўймасдан кир-чиримни ювиб, тансиқ таомлар билан мени сийлаган, сўнг чой ичиб бўлмасимиздан

кетмоқ тараддудига тушган эди. Энди ўйласам, ўшанда ик-кимиз ҳам чўчирдикки, холи қолсак, ким билсин, туйғуларимизга эрк бериб юборармидик... Бу чўчиш замирида мавлоно Гулханийдан истихола ҳисси ҳам мужассам эди. Қолаверса, иккимиз ҳам ич-ичимизда истар эдикки, ишқнинг пинҳон мавжлари минг йиллар бурун ота-бобо-ларимиз бошидан қандоқ кечган бўлса, бизнинг бошимиздан ҳам худди шундоқ сирли ва махфий кечсин — тўю томошалардан сўнг, бир-биримизга нондек ҳалол бўлганимиздан сўнг. Зеро биз инсон, инсон фарзандлари эдик, бинобарин, инсонийлик тилар эдик...

Муҳаммад Шариф ҳам бардош беролмади, уҳ тортиб, ўрнидан қўзғалди. Тун узоғи ва уқубатидин ҳазин овоз билан шиква қилиб дедик:

«Бу нечук тунки ани тошги йўқ,
Ё муаззинларини бонги йўқ,
Ё муаззин минора миңдимуккин?
Йиқилиб буйни они синдимуккин?!
Ё хўрозни тамоғидин тулки —
Тутди маҳкам ва ё ер ютди».

Агар мавлоно Гулханий билан ҳамхона бўлмаганимда, бу ғурбатларга чидаёлмай ақлу ҳуш мени аллақачонлар тарк этарди. Мана, ҳозир ҳам дилимдаги қайғу булутларини икки оғиз лутф билан тарқатиб юборди-қўйди.

Ёмонларга инсоф тилаб, ниҳоят, тонгга яқин уйқуга кетдик.

Эртаси ишхонага етиб келганимда ҳамон жаҳл отидан тушмаган эдим, ғувиллаб турган бошимда ҳар турли аламзада режалар ғужғон ўйнарди. Чиндан ҳам, энди масалани кўндаланг қўймоқ лозим. Мен-ку, майли, бўлари бўлган бир ғуломман, лекин мулла Гулханийдек покдомон бир одамни наҳс босган бу ошиёнда мажбуран тутиб турмоқ... Ё улар чиқиб кетсин, ё биз!

Бекага сим қоқдим. Ишхонасидан «Бетоб», деган жавоб бўлди. Кечга томон арзи ҳол қилгани уйларига ўтиб бордим. Борсам, бекамиз, дарҳақиқат, қаттиқ учиниб ётган эканлар. Эгниларида парча гулли халат, бошларини зангори дурра билан маҳкам танғиб олибдилар, бугун упа-элик сурилмаганиданми ёки бетоблик таъсирими, кўринишлари ҳам ҳорғин, ҳам паришон эди. «Яхши бўлди келганингиз,— дедилар инқир-синқир қилиб,— энди кимни чақирсам экан, деб бошим қотиб турувди». Сўнг камбағалнинг чорбоғидек келадиган муҳташам равонга бошлаб кирдилар. Равоннинг қоқ ўртасида йиғма пиллапоя турарди. «Мана шу қандилини, ке-

йин анави исқот қолгур пардаларни олиш керак,— дедилар уҳ тортиб,— кучим етмай...» «Мана, ҳозир-да,— дедим чаққонлик билан пиллапояга тирмашиб ва бирин-кетин пардаларни қисқичидан бўшатиб, бекага узата бошладим. Хийла уриниб, чанг босиб кетган залварли, кунгирадор биллур қандилни ҳам бир амаллаб олишга муваффақ бўлдим. «Тинчликми?— деб сўрадим пиллапоядан тушаётиб,— уста чақирганмисиз?» «Йўғ-э,— дедилар бека,— ўтган йили ремонт қилдирдик-ку. Шу, ўзи...» Кейин бирданига кўзлари ғилтиллаб, атрофга олазарак аланглаб, шивирладилар: Шерлон акамиз қамалиб қолибди! Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, қуруқ туҳматга учраб... Илоё қасд қилганлар паст бўлсин. Танангизга ўйланг, ука, ахир, наҳот жиннихонада ўғирлайдиган бир нарса бўлса?! Жиннинг ризқини егунча тош еган афзал эмасми?! Бу ҳаммаси бир-икита ғаламиснинг иши эмиш, бекамиз кимлигини жуда яхши биларканлар, майли, уларга ҳам боққан бало бордир. У киши мени ўзига укасидек яқин олгани учун бу гапни айтаётган эмиш, аслида ҳеч овоза қилишнинг ҳожати йўқмиш... Турган жойимда бўшашиб, ғўлдирадимики, майли, хафа бўлманг, туҳмат бўлса, таги чиқиб қолар... Бека тасаллига қулоқ ҳам солмай, гапда давом этдиларки, шу қандил ўлгурни ҳам яхши ният билан икки ярим мингга олишган экан, узоқроқ бир қариндошлариникига элтиб қўйишармиш. Бирдан юзлари ёришиб айтдилар: ақлимнинг ишлаганини қарангки, хайрият, машинани укамнинг номига олганимиз, композитор у, биров шубҳаланмайди. Сўнг лаблари лабларига тегмай менга қаттиқ тайинладиларки, укажон, энди эҳтиёт бўлинг, бирортаси бориб суриштира, уйдагилар йўқ, командировкада денг, мен жиянлариман, бир ойга ўқишга келганман, ўзалари шу ерда туришади, денг! Мен унғача бу ишларни бир ёқли қилсам, ўзим ҳам ўтиб қоларман. Асли, тузукроқ харидор чиқса, шу уйни сотиб қутулар эдим... Шундай деб сирли равишда пичирлаб қўйдилар: терговчи ўлгурнинг ҳам нафси жаҳаннам экан, ўнта сўраяпти.

Бу гапларни эшитиб, ҳолим бисёр фаромуш бўлди, тагин ғулумлигимга бордим — оғзимдаги гапим оғзимда қолиб, бека билан нари-бери хайрлашдим: андиша қилдимки, ўлганнинг устига чиқиб тепган бўлмасин.

Имиллаб ортимга қайтарканман, Раҳмон бобонинг қия очик даричасига назарим тушди. Бобо шилпиқ кўзлари ёш-ланиб дераза олдида кўк ятакларини ямаб ўлтирардилар. Аста ўзимни панага тортдим.

Демак, ҳижрат муқаррар. Яна қайдин ижара топдим? Қандай бўлар экан қирқинчи ошиёним?

Уйимизда эса ҳануз байрам давом этарди! Чўпоннинг айрони кўп, бойваччанинг байрами. Бу оқшом Шодиёрнинг отаси билан тоғаси келибди. Катта хонадаги дастурхонга одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса тоғ қилиб уйилган, ота билга тоға тўрда, Шодиёр Сафарбой жўраси билан елиб-югуриб хизматда!

«Айтаман!», деб қарор қилдим остона ҳатлашим билан.

Шодиёрнинг отаси жудаям ёш экан, билмаган одам уларни ака-ука деб ўйлаши ҳам мумкин. Аксинча, тоғасининг ёши отасидан кичик экан-у, лекин у анча қаримсиқ кўринарди: сочлари сийрак, кўз остлари салқиб тушган, харакатлари ланж ва суст. Айтишича, ошқозони касал, даволатгани Кавказга кетаётган экан, йўл-йўлакай жиянини кўриб ўтишга аҳд қилибди. Мени дарҳол иззат-икром кўрғазиб тўрға тортишди, Шодиёр бир оғиз сўз билан таърифимни келтирди: «Ғулом ака — зўр!» Ота менга юзланиб ҳол-аҳволимни сўради, бугун бекамиз билан кўришганини, у мени мақтаганини айтди, бироқ бечора бекамизнинг бошига тушган савдолар ҳақида оғиз очиб ўлтирмади, мен ҳам чурқ этмадим. Бағоят хушчақчақ, улфат одам экан, бирпасда ўзига ром қилди-қўйди. Тоға билан Самарқандда бирга ўқиган эканлар, талабалик кезлари бошларидан ўтган ғаройиб ва кулгили ҳангомаларни галма-гал сўйламоққа тутиндилар. Ҳар замонда ота ёнида ўлтирган Шодиёрнинг сочларини тўзғитиб, бағрига босар, суйгувчи, соғинган падарнинг бу изҳори дили ғоят мутаассир кўринар эди. Бир маҳал тоға анор сўймоқ бўлиб пичоқ сўради. Сафарбой ошхонадан елим дастали пичоғимизни келтирди. Тоға унга синчиклаб назар ташлади, кўнгли тортмади шекилли, дастурхон четига қўйди-да: «Ўтмас экан. Шадяр, дипломатимни очсанг, пичоқ бор, бирини ол-чи», деди. Шодиёр дик этиб ўрнидан турди. Тоға гулдор қинга солинган пичоқни авайлаб суғурди, олма кесиб, анор сўйди, сўнг пичоқни сочиқ билан артиб Шодиёрга узатди: «Ма, тутиб юрарсан. Эсдалик. Мен иккита олиб эдим». «Э, зўрсиз, тоға!», деди Шодиёр ва тоғасини ўпиб қўйди. Пичоқни бир-бир қўлга олиб, томоша қилдик. Нафис нақшлар ила зийнатланган сопидан сал пастроқда «Чустдан совға» деб араби имлога тақлидан қийшайтириб битилган ёзув кўзга чалинарди. Бирдан ота хушxabар айтди: эрта-индин гараж муаммосини ҳал қилиб кетар экан, кейин Шодиёрнинг машинасини шофёри олиб келиб бераркан. «Ўзим ҳайдаб келай?», деб ялинди Шодиёр, бироқ ота мулойимгина қилиб, лекин қатъий жавоб бердики, йўқ, сен ўқишининг пайдан бўл. Шундай деган одам, бутун суҳбат

давомида бир оғиз ўглининг ўқишини суриштирмади. Ким билсин, балки ота-бола бу хусусда мен келгунимга қадар сўйлашиб олишгандир?

Ҳануз қароримдан қайтмаган эдим, бироқ одамнинг юзи иссиқ, Шодиёрнинг дастурхонида ўлтириб, уни отасига ёмонлагани тилим бормас эди. Эҳтимол, эрталаб мавридани топиб айтарман.

Талабалик қангомалари тугаб, май таъсиридами ёки аввалдан ўзи шундай бетакаллуф эканларми, қайноға-куёв энди «анов мавзулар»да ҳам бир-бирларига ошкора сўйлай бошладилар. Тоға сийрак сочларини сийпаганча, ўша йиллари бирга даврон сургани Гавҳархон билан кечмиш ишқий саргузаштларини батафсил сўйлар, Шодиёр билан Сафарбой бир-бирларига кўз қисиб, завққа ботиб тинглар эдилар. Ошқозони касал одамнинг бу қадар кўп ичиши ва ичиб маст бўлмаслиги мени қаттиқ ҳайратга солмоқда эди. Ота ҳам четда тургиси келмади шекилли, тоға билан бир кеча «жононга борганлари»ни кула-кула ҳикоя қилмоққа тутинди. Қотиб-қотиб кулдилар. Қизиги шундаки, ўшанда армия байрами экан, хотини унга эрталаб хорижий майка совға қилган экан, борган жойида майкасини унутиб қолдирибди, тонгта яқин уйга қайтиб, ётоқхонасида счинаётганида хотини «Майкангиз қани?», деб сўраганида кўп мушкул аҳволга тушган экан... Бу воқеа уларнинг талабалик йилларида эмас, яқинда, яъни-ким қайноға-куёв бўлганларидан сўнг содир бўлган, бироқ иккови ҳам бу ҳодисада ҳеч қандай ғайритабиийлик кўрмас, аксинча, «йигитчилик» дея мамнуният билан изоҳ бериб ўлтирар эдилар.

Эҳ, Шодиёр, шўрлик қушим, уянгда кўрганинг қурсин!

Энди мен яна нима дейин?!

Охири замон бўлди, десам, биров ишонадимми?!

Мени жиннига чиқармайдими?!

Негаки...

охири замонда ҳам мундоқ ишлар бўлмагай!

Ахир, қайси замонда қайси инсон кўрибдики, ота ўғлига даста-даста пул тутқазиб: «Бунинг бари ҳаромдан келган, ҳаромга кетиши керак. Ма, ўғлим, е, ич, ўйна-кул, энг зўрларини сур», деса! Қайси замонда қайси инсон кўрибдики, тоға жиянини бағрига босиб: «Кавказга опкетай, онаси ўпмаганлари ўзи қўйнингга киради», деб айтса!

Алҳазар, алҳазар! Булардан қочмоқ керак! Фақат қочиб кутулмоқ керак!

Лекин қайга?

Қайдасиз, Муҳаммад Шариф? Менинг ақлим шошди, энди ўзингиз мадад беринг, не қилайин: дастурхонига туфуриб туриб кетайкинми ёки бетимни сидириб, шулар қатори тубан тушиб, дилимда борини айттайинми? Нега бош чайқайсиз, мавлоно Гулханий? Эшакнинг қулоғига танбур чертмакдан наф йўқлигини ўзим ҳам яхши билурман, аммо...

Вақтики бемаҳал, ота билан тоға чайқала-чайқала ўринларидан турдилар. Меҳмонхонага қайтажакларини айтиб, такрор-такрор хўшлашдилар. Ота қўлимни маҳкам қисаркан, амирона оҳангда деди: «Мартнинг бошида кутаман, Шодиёр олиб боради. Баррага тўйиб келасиз». Бир-бирларини сургашиб, йўлакдан пастга тушиб кетдилар. Қадам товушлари тинди. Эшик-деразаларни ланг очиб, барча хоналарни шамоллатдим. Қамалган губорларни қувдим қўноқлардан қолган бадгўй хаёлларни қува олмадим.

Бу тун хонада ёлғиз эдим. Муҳаммад Шариф мени огоҳ этмай, қайгадир ғойиб бўлибди. Сезиб юрибман, сўнгги пайтлар у ана шундай кишибилмас кўздан йўқоладиган одатлар чиқарди. Чурқ этиб оғиз очолмайман. Эҳтимол, бу ошиёнда қайнаса қони қўшилмас кишилар билан ҳамнафас бўлгандан кўра яйдоқ далада базўр милтиллаб турган гулхан ёнида озода кўнгил билан дилдираб ўлтирмоқни афзал билар? Эҳ, қани эди, имконим бўлсаю мен ҳам бошимни олиб бир сари оёқ етгунча кетсам! Дунёнинг туганмас ташвишларидан халос бўлиб, дилим фақат ҳур хаёлларга тўлиб!

Шу ўй билан қандай қилиб кийинганимни билмай қолибман. Ён-веримга боқсамки, катта кўчанинг қоқ ўртасида турибман. Пойи пиёда йўлга тушдим. Бир пайтлар, умримнинг масъуд онларида Қундуз билан беармон кезган йўлларим бўйлаб аста юриб кетдим. Борар манзилимнинг тайини йўқ, лекин бундан юрагимда асло қайгу йўқ, ўзим ўзимга бек, ўзим ўзимга хон, кўнглим истаганча кетабердим. Кўча-кўйлар жимжит, ҳар замон-ҳар замон олисларда дайди итлар ҳуради, кеч қолган машиналар чироғи милтиллаб кўзга чалинади. Алвастикўприк томонларда, телеминора пойгакларидан шамол ҳуштак чалиб, қадимги бир куйни хиргойи қилади. Шу лаҳзада шамолга бениҳоя ҳавас қилардимки, қани эди, мен ҳам шундоқ эркин бўлсам... Ариқларда йилтираб кўринган сувларга боқиб хаёл сурардимки, қани эди, мен ҳам мана шундоқ ўз ҳолимча оқиб ётсам... Бошимда бошпана ташвиши, ёмонлар қутқуси бўлмаса... Не учундир, кўнглимнинг бурчида бир умид пинҳон эдики, мана ҳозир мавлоно Гулханий ёқиб ўлтирган гулхан қаршисидан чиқурман!

Бироқ гирдо-гирдим қуюқ зимистон, ҳеч қайда гулхан шуъласидан асар ҳам кўринмас эди.

Фалак кўк тоқида қуёшдан гулхан ёққунига қадар бедор кезиб юравердим. Хайриятки, тонг отди, йўқса, шу кетишда қишлоғимга довур пиёда бориб қолардим. Боя паришон кезиб юрган чоғим юрагимда шундоқ бир енгиб бўлмас истак уйғонган эдики... Чиндан ҳам, мен ўзи бу ерларда нима қилиб саргардон тентирайман? Бу шаҳри эсимда итим адашганмиди? Шу кунгача нима топдим? Бундан кейин нима топаман? Топаманми ўзи ёки фақат йўқотаманми?!

Қадрдоним офтоб момо тилло сочларини тараб, мулойим жилвалар қилганча менга тасалли бермоққа бошлади. Қўй, ўғлон, деб табассум қиларди у, хаёлингни бузма, оғир тошни қўйнингга сол, қара, атроф қандоқ гўзал, ўзинг қандоқ навқиронсан! Идорангга бор, юмушларинг бошини қўйиб сени кутиб ётибди, Жўллибой оғанг ҳам мунтазирдир. Тушингни сувга айтиб юргандан кўра, иложини топсанг, ошиёнингдан хабар олиб ўт, боёқиш Муҳаммад Шарифнинг ҳоли не кечди экан, у бечоранинг сендан бошқа кими бор?.. Эзгу ўғитлари учун момо қуёшга миннатдор боқдим, юзқўлимни анҳорнинг муздек суввида ювиб, ишхонамга равона бўлдим.

Жўллибой акам ранги рўйимни кўриб, дарҳол ташвишга тушди. Кўрган-кечирганларимни ипга мунчоқ тергандек бир-бир тизиб баён қилдим. У сўз қўшмай тинглаб турди-да, кейин мендан ранжиди: «Одам бўлмайсан, ўка, шунча кундан бери ёрилиб кетмаганингни қара!» Сўнг бош чайқаб, афтини бужмайтирди, хўрсиниб: «Ҳай, ажалга омон берса, бир иложини қилармиз. Мен маҳалламдан суриштириб кўрай-чи, жой-пой чиқиб қолар,— деди.— Унгача, уйингга бораверасанми ёки бизникида ётиб турасанми?» Жўллибой акамга ташаккур айтиб, ҳали биров мушугимни пишт демганини, демоққа ҳадди ҳам сизмаслигини писанда қилиб, тугроқ жой чиқса, ўйлаб кўришимни ёгардан тушмай билдириб ҳам қўйдим. Жўллибой акам сохта навозишларимга пинак ҳам бузмай, ишига шўнғиди.

Кечқурун юрагим тагин така-пука бўлиб қайтдим-у, ҳар тугул, бу сафар уйимизни осуда топдим. Кутилмаган ҳолки, Шодиёр катта хонада қоғоз-китобга кўмилиб ўлтирарди. Мени кўриб, кўзлари равшан чарақлаб кетди. «Келдингизми, оқсоқол,— деди қувончини яширмай,— зўрмисиз? Бир палов қилайлик. Гап бор». Шундай деб кўзларини маънили қисиб қўйди. Оббо, дедим яна безиллаб, тагин бир балони бошласа керак. Вақтим йўқлигини баҳона қилиб қутулмоқчи эдим,

лекин, бунни қаранги, Шодиёр ҳозиргина айтган гапи шу ондаёқ эсидан чиқиб, хонамга дафтар-китобини кўтариб кирди. «Бир кўмак бериб юборинг-э,— деди тирсагимдан тутиб,— бошим ишламай ётир. Сизга чўт эмас-ку бундай нарсалар, қотириб ташлайсиз. Ҳа, партия тарихидан, мана, темаси, саволлари ана бу ёнда. Кўп эмас, ўн-ўн беш бет бўлсин. — Самимий жилмайиб, бўйнига олди: — Мени ўлдирсангиз ҳам эллаб ёзолмайман. Гонорар олдиндан.— Киссасини бамайлихотир кавлаб, учта ўн сўмлик чиқариб, дафтар устига ташлади.— Хўп эса, мен бир ерга бориб келаман».

Турган жойимда ҳангу манг қотиб қолдим. Қачон бу қадар сир бериб улгурдим, қачон?!

«Менга қара, бола,— дедим ҳансираб, тишларим қисирлаб сингудек бўлди,— мени ким деб ўйлаясан, мараз?!» Шодиёр ҳеч нарсага тушунмай, соддалик билан кўзларини пирпиратди: «Ҳа, озми? Кафедрада доим шунчага тўғрилаб беради-ку?» «Йўқол кўзимдан!..— дедиму шайтоннинг сўзига кириб, унга қўл кўтардим, сўнги лаҳзада аранг ўзимни босиб, шақшақ қалтираб қичқирдим:— Иблис, йўқол дейман, одамни диндан чиқарма!» «Иби, нега қичқирасиз?— деб астаҳидил ҳайрон бўларди Шодиёр.— Мен, нима, бир ёмон гап айтдимми сизга?!»

Йўқ, бекор, бари бекор!

Тўнғиллаб сўкинганча, эшикни қарсиллатиб ёпди.

Муҳаммад Шарифдан ҳануз дарак йўқ.

Уст-бошимни ечмаёқ, ўзимни каравотга ташладим. Юрагим аламдан ёрилмоқ даражасига етган, «Ур! Ур!», дея гиж-гижлаб гурсиллар эди.

Наҳот бу кеча ҳам Алвастикўприк бўйида тонг оттирсам?

Қачонки, дунё кўзимга игнанинг учидек тор кўринса, поёни йўқ олам ичра ўзимни қўйгали бир қарич жой тополмай қолсам, ягона овунчим — «Зарбулмасал» китобини жимгина варақлар эдим. Бу сафар ҳам жамики хўрлик-ҳақоратларни қулт этиб ютдим уганиб, мудом бошим устида, столимнинг ўнг томонида хизматга шай турадиган «Зарбулмасал» китобига қўл чўздим. Умидим ул эдики, зора дунёи кўтирни унутсам, соҳиби фаросат ва хушчақчақ қушлар суҳбатига қулоқ тутиб, гавҳару марваридларга бергисиз ҳикмат маъниларини терсам...

Афсус, само тангрилари бу оқшом қатлим сари қасд қилган эканларми, китоб жойида йўқ эди. Кўнглим куз япроғидек увишиб, бир зумда ҳаммаёқни тит-пит қилиб ташладим. Тумшугимни суқмаган бирор тешик қолмади. Ҳеч

қайда йўқ, гўё умуман, мавжуд бўлмагандек. Дарвоқе, кеча бормиди?.. Аниқ эслайман, ишхонага олиб борганим йўқ, бировга бермаганман. Магар зилзила-пилзила бўлиб, ер ютмаган бўлса... Ер ютадиган бўлса, аввало анави бставфиқни ютмасмиди?

Бисотимда бу китобнинг бир неча нашри бор эди-ю, бироқ пиёз пўстидек юпқагина, кафтим ичра бемалол жо бўладиган шу мўъжаз рисола мен учун айрича қадр, айрича қимматга эга эди: Рейх деган беназир иқтидорли яҳудий мусаввир ажиб бир маҳорат ила тортган ғаройиб сувратлар муқовани безаб турарди. Мен соатлаб шу сувратларга термилиб ўлтирар ва инсон хаёлининг чексизлигига қайта-қайта таҳсин ўқир эдим. Мусаввир «Зарбулмасал»да зикр қилинмиш жамики жонзотларни тирик одам қиёфатида тасвир этган, нозик, закий бир услуб воситасида ҳар бир чизги замирига пинҳоний маънолар яширган эди. Мана, зарбоф тўн кийиб, ёстиқдек келадиган китобни қўлтиқлаб олган айёр тулки қув табассум-ла боқиб турибди; нортуя, эғнида олача тўн, тумшугини осмонга кўтарганча наъра тортган каби қаҳ-қаҳ отиб кулаётир, баланд, нақшинкор равонда тақя кийган тақводор Тўтиқуш билан саллани кибр ила қўндирган букри Япа-лоққуш истеҳзо ичра уни кузатишмоқда. Бир бурчакда эса — қулоқларида қашқари балдоқлар ярқираган нозпарвар Кунушбону эшикни қия ёпмоқ баҳонасида маҳалланинг шу аломат намоишига мўралайди... Орқа томонда маҳобатли гумбаз, ингичка минораю мезаналар шарпаси, пахса девор айрисига занжирбанд тошфонус осилган, кўкда синган қиличдек ҳилол... Бу тасвирга боққаним сари дилимда шундоқ таассурот сезардимки, гўё мен бағрига беадад сирлар кўмилган шу эгри-бугри кўчаларда жуда кўп бор кезганман, гўё буткул умрим шунда кечган, ҳар бир ғишт, ҳар қарич тупроқ гарди болалик чоғларимдан таниш, юрагимда оғриқ каби соғинч уйғотгудек қадрдон...

Йўқ, ҳарчанд тиришганим билан бу сувратга тикилиб туйган завқу ҳайратларимни айтиб битиролмайман. Фақат бу эмас: бу китоб неча йиллардан буён бедор тунларимнинг, ошуфтаҳол кечган кунларимнинг ёлғиз ёдгори эди, сарғайган саҳифаларини қайта-қайта варақлаб Муҳаммад Шарифнинг дийдорига тўяр, унинг сийратисидаги гўзал сифатларга ошино бўлиб ўлтирар эдим. Қатларида танҳо ўзимгагина аён ўнларча, юзларча қайдларим бор эди, улар одамизот фарзандларининг турфа феъл-атворида аксарият лол қолганимни ифода қиларди. Фақат бу эмас: уни менга Қундуз Шаҳрисабдан олиб келиб берган эди. Саҳифаларида

Қундузимнинг қўл излари, кўз нурлари, қайтмас нафасла-ри...

Наҳот энди шуларнинг баридан жудо бўлсам?!

Ва бирданига хаёлимда барча кўргиликларим сабабкори тулкитабассум билан илжайиб қад ростлади: «Зўрмисиз?»

«Шодиёр! Аблаҳ Шодиёр!— дедим ичимда қалтираб, сир-тимда эса, тегирмон тошини слкамга ортгандек вазминлик билан сўрадим:— Китоб қани?»

Шодиёр ҳафсала билан тирноғини тозалаб ўлтирарди, нишдан бош кўтармай саволимга савол билан жавоб қайтар-ди: «Қандай китоб?» «Менинг китобим. «Зарбулмасал»,— дедим таъкидлаб. «Мен не билай?!— деб тўнғиллади у ва ярим ўғирилиб, кафтидаги тирноқ остидан қидириб топган кирини бир четга пуфлаб юборди.— Мен не билай?— деб так-рорлади яна,— ўзимнинг китобимни очиб кўришга эринаман, сизникини бошимга ураманми...» «Қани бўлмаса?!»— дедим қичқиргудек бир алфозда. Шодиёр лабини жийриб, менга илжайиб қаради. Одатда, кўча-кўйда юрадиган беозор тентак ҳангоматалаб кишининг жонига текканда мана шундоқ ир-ганиб қараб кўядилар. Бунга яққол сезиб турсам-да, парво қилмай қасди-басдига олавердим: «Сиз кўрмаган бўлсангиз, жўраларингиз теккандир, меҳмонларингиз». «Э! — деб қўл силтади бетоқат Шодиёр ва этагини қоқиб ўрнидан турди-да, варанглатиб магнитофон қўйди, жойига узала тушиб, шифтга тикилиб ётаверди. Хона ўртасида серрайиб қолдим. Кўнглимга иштибоҳ тушди. Чиндан ҳам, бу китобга қайри-либ қарайдиган бандасиз эмас. Фақат битта китобни кечаю кун-дуз бошига ёстиқ қилиб ётганини кўрардим: «Декамерон». «Зўр!»— дерди кўзлари чарақлаб. Бу олмагандан кейин жўраси ҳам... «Сафарбой китобларимни кўрган экан...», де-дим куппа-кундузи бировга тухмат қилаётган кимсадек бўшашиб. Шодиёр узоқ эснаб, ёнбошига ағдарилди: «Йўқол-ган пичоқнинг сопи олтин бўлар экан-да? Ҳов, ана Сафарга телефон қилинг». Сўнг эринибгина рақам айтди. Шундан маълум бўлдики, Сафарбой ҳам эл қатори ётоқхонада эмас, телефони бор алоҳида бир жойда яшар экан. Ким билсин, у ҳам бировни мана шундай қақшатиб турар?

Телефон бетоқат Сафарбойни чорлар, аммо нариги то-монда, чамаси унинг арвоҳи ҳам йўқ эди. Эшик тирқишидан кузатиб ўлтирган Шодиёр ҳиринглаб кулди: «Қайси гўрда бирортасининг бутига тикилиб ётгандир...»

Умидим билан бирга юрагим ҳам узилгудек бўлиб, хо-намга чиқдим. Тўрт девор исканжага олиб сиқа бошлади. Хона бўйлаб асабий танобчилик қилар эканман, англадимки,

тўрт дсвор ичра бўғилмоқ учун албатта фсодал ўтмишда туғилмоқ шарт эмас экан.

Муҳаммад Шарифдан ҳануз дарак йўқ.

Дераздан ташқарига боқаман. Яна ҳазон иси димоқларимга урилади. Қайдадир аниқ гулхан ёнаётир. Теграсида мавлоно Гулханий, шубҳасиз, ринднафас улфатлари билан давра қуриб ўлтирибди. Менинг бунда чеккан изтиробларим, йўлига интизор термилганларим — ҳамма-ҳаммаси ёдидан кўтарилган. Эҳ, муҳтарам Муҳаммад Шариф, ошинолик қондаси ҳам шундоқ бўлурми?

Ярим кечаси заҳар танг қилиб, ҳожатхонага кирдим. Уйқусизликдан қизарган кўзларим кўрасаки, «Зарбулмасал» китобим саккиз бўлакка бўлиниб, елим тутқичга қистириб қўйилди!..

Вақт бемаҳал бўлгани боис, ўнг елкамдаги раҳмон қаттиқ ухлаб ётарди. Чап елкамдаги қутқуталаб шайтоннинг жони кириб, вужудимни жаҳолат бўронида пирпиракдек учириб, нақ Шодиёрнинг олдига элтиб ташлади. Эс-ҳушимни унутиб, устидаги кўрпасини юлқиб очдим: «Бу энангнинг маҳрига тушганмиди, нега йиртдинг, ит?!» Шодиёр талмовсираб, қути ўчиб, сапчиб турди. «Нима?! Нима бу?! Ким бу?!» дея ўлкаси бўғзига тиқилиб беўхшов қичқирди. Шартта чироқни ёқиб, қалт-қалт титраганча китоб парчаларини тумшугига ниқтадим: «Нега йиртдинг, дейман, газанда!» Шодиёр ниҳоят гапнинг тагига етиб, бесаранжом юзлари алам билан буришиб кетди: «Э, китобинг бошингни есин,— деб сўкинди,— уйқуни ҳаром этиб...— Сўнг ерда судралиб ётган кўрпасини оларкан, гудраниб:— Аҳмоқ Сафар, эшшак...— деб жўрасининг онасини «ишлади». Тўсатдан менга ўгирилиб қўлини паҳса қилди: — Настоящий псих экансан! Мениям псих қилмоқчимисан?! Сафар сволочь йиртган бўлса, мен нима қилай?! Бор, ўзига бориб додла!» Беихтиёр икки қадам ортимга тисарилдим — жаҳл устида шу қаро тунда бир кори ҳол қилиб қўйишдан чўчирдим... Шодиёр буни ўзича тушуниб, пича руҳланди, устимга бостириб келиб, тишининг орасидан чиққан бир овоз билан сўради: «Хўш, қанча туради шу матоҳинг? Ўн баравар тўласам, қутуламанми? Юз баравар тўласам, тинч қўясанми?» «Сенсирара, аблаҳ!»— дедим яна бир қадам чекиниб ва шу заҳоти ортимда эшик борлигини, бундан ортиқ чекиниб бўлмаслигини сездим. Шодиёр шиддат билан қўлимдан китоб бўлақларини юлқиб олди, орқа-ўнгини ағдариб, баҳоси битилган жойини ахтариб топди, ёруқча солиб кўрди ва адоқсиз бир заҳарханда билан тантана қилиб:— Тўққиз тийин!— деб қичқирди, сўнг шодлигига чидаёлмай

қақ-қақ отиб кулди:— Тўққиз тийин! Аҳ, ўламан, тўққиз тийинга ҳали... Мана, мана сенга ўн тийин, бир тийини сийлов — сув олиб ичасан! Вох-ха, тўққиз тийин, тўқ...»

Ана шунда шунча пайтдан буён қўрқиб турганим воқеа содир бўлди — мен икки қўлидан маҳкам тутиб турган шайтон чангалимдан отилиб чиқиб кетди, бурчакдаги курсини олиб, Шодиёрнинг бошига қараб отди...

Шодиёр сўнгги лаҳзада бошини олиб қочишга улгурди, курси қарсиллаб елкасига тегди ва оғриқнинг зўридан қичқириб юборганча букчайиб қолди. «Ўлдираман!— деб қутурадди шайтон менга бўй бермай,— ўлдираман сени!» Курси иккинчи бор отилганда Шодиёр бор кучи билан иягимни мўлжаллаб калла қўйиб юборди. Кўзларимда мушак порлаб, бошим деворга гумбурлаб урилди. Урилди-ю, ёрилмади. Ёрилгани тузук эди. Фақат, оғзим шўртаъм бўлиб қолди, пастки лабим музлаб, курак тишим синиб кетганини пайқадим.

Иккимиз ҳам одамлик суратидан чиқиб, ҳайвонлик қиёфасига кирган эдик, ҳансираб-ириллашиб бир-биримизнинг кекирдагимизни узишга интилардик. Ниҳоят, ўнг елкамда ухлаб ётган раҳмон ҳам чўчиб уйғониб кетди. «Одам эмас экансан!— деб шивирлади қути ўчиб.— Ўлдириб қўясанку! Ўлдириб қўясан! Бас қил! Ҳозироқ бас қил!» Шайтон эса бош-кўзимни айлантирганча думи билан газабимни қўзғаб айтар эдики: «Ўлдир бунни, ўлдири! Шундай хумордан чиқасанки...» Раҳмон, бунга сари капалаги учиб, кўзларини ваҳима билан катта-катта очиб пичирлар эди: «Қамоқда чирийдсан! Қамоқларда чириб кетасан...»

Андишанинг раҳнамоси — раҳмон бу сафар ҳам ғолиб чиқди: чангалимда мушук боладек биғиллаб ётган Шодиёрни қўйиб юбордим-да, ҳамон титраган кўйи хонамга чиқдим. «Энангни кўрасан ҳали!— деб тўлганганча хирилларди Шодиёр.— Каллангни уздираман, кўркаламаш!»

Ошхонага кирдим, қалтираётган қўлларим билан тўкиб-сочиб бир пиёла сув ичдим, кейин яна... Соат энди уч ярим бўлибди.

Бир оздан сўнг Шодиёрнинг инграгани эшитила бошлади. Инграш туриб-туриб кучаяр эди. Юрагимга ваҳима оралади: ўлиб-нетиб қолса-я? Ким билади, қалтисроқ зарб еган бўлса...

Энди нима қилдим?

Дўхтир чақирсам, дўхтир мелиса ҳам чақирса... Йўқ, ҳар бало бўлса ҳам бу ишга бегонани аралаштирмаган маъқул. Аммо бир кор-ҳол бўлиб қолмаса эди!

Кўнглимда пушаймонлик уйғонган, лаҳза ўтгани сайин у виждон азобига айланиб, юрагимнинг туб-тубларига игна санчар эди. Шартмиди шунча жаҳолат? Ухлаб ётган одамга қўл кўтардим-а! Ахир, уйқу — ўлим билан тенг, дейдилар! Йўқ, эгилган бошни қилич кесмас, ҳарна бўлса-да, кириб, ҳолидан хабар олайин — ҳар ҳолда, тирик жон...

Шодиёр бет-бошини сочиқ билан танғиб, қон туфуриб ётарди. Менга кўзи тушди-ю, бссаранжом типирчилаб, ён-веридан қўлга илинғудек бирор нарса қидирди. Ёстиғи тагига биллур кулдон яширган экан, олиб жон-жаҳди билан кўтарди. «Бас!— дедим ҳам қўлини, ҳам шаҳдини қайириб.— Бўлди дейман! Нега инқиллаясан? Қани, кўзингни кўрсатчи!» «Йўқол! — деб бақирди Шодиёр қизариб-бўзариб ва юлқинганча бетимга туфурди, бошимни олиб қочиншга улғурдим, туфуги кўрпасига тушди.— Кўзимга кўринма, аблаҳ!» Мардлик қилиб, шундай деб қичқиришга қичқирдию шу заҳоти оғриқнинг зўридан иҳраб, жойига гурс этиб қулади. Индамай, ўрнимдан турдим, сочиқни ҳўллаб кслиб, қўлларини панжара қилиб юзини бекитиб ётган Шодиёрнинг пешонасига босдим, иягидаги, ёноқларидаги қотиб қолган қон изларини артдим. У энди негадир кўзларини юмганча чурқ этмай ётарди. Аъзойи баданини синчиклаб кўздан кечириб, пича снгил тортдим: хайрият, ҳеч ери синиб-нетмабди. Чап қовоғи салгина ёрилибди, холос. Ошхонага чиқиб, бир пиёла илиқ чой билан дори келтириб, оғзига тутдим: «Ич бун!» Шодиёр қутурган йўлбарснинг кўзлари билан менга ўқрайди: «Нима бу?» «Уйқудори. Оғриқни ҳам қолдиради». Лом-мим демай дорини ичиб юборди, сочиқни пешонасига босганча терс ўгирилиб олди. «Биринчи ёрдам» бўрсатилган, энди хотиржам пинакка кетаверсам бўларди, бироқ бунинг ўрнига ўнғайсиз бир вазиятда қолиб, қозикдай қотиб туравердим. Сўнг унинг кўрпасини тузатиб, оёқ томонидаги курсига чўкдим. «Ҳушингни йиғиб ол, бола,— дедим ниҳоят, товушимга бардам тус беришга тиришиб,— бунақада бир кунмас-бир кун бировнинг қўлида ўлиб кетасан. Бунга шаҳри азим деб қўйибдилар, бедарвоза эмас». «Кўраимиз!— шу хириллади Шодиёр ётган жойидан.— Бировга ўлим тилагунча ўзингга умр тила!» Албатта, Шодиёр бу гапни айтгани йўқ, ичида шундай деб ўйлаётгандир, деб гумон қилдим мен. «Ҳали ёшсан, кўзингни оч,— дея насиҳатда давом этдим,— деб кетишда охири шундай афсус қиласанки, лекин унда кеч бўлади. Билмадим, муштдай бошингдан бунча бузғунчилик, бунча фитна, ахир, мен сенга яхшилик қилмоқчи эдим, наҳот, яхшиликка ёмонлик қайтаверса?» Шодиёр сачраб ўрнидан тур-

ди: «Ҳа, яхшиликка ёмонлик экан!— деди лаблари гезариб.— Мен сенга яхшилик қилиб, уйимга қўйиб ўтирибман! Нимага бақраясан? Мен бу уйни сотиб олганман! Ичидаги ҳамма нарсаси билан! Сени ҳам қўшиб! Йигирма мингга, билдингми! Хоҳласам, уйга қўяман, хоҳласам, кетингга тспаман! Тушундингми?!»

Чўчиб-сапчиб ўрнимдан турдим: Шодиёр бу гал менинг хаёлимда эмас, рўпарамда рўй-рост сўзламоқда эди!

Қайдасиз, Муҳаммад Шариф? Қадрингизга энди стаётирман. Мени мудом «ажаб содда Фуломсан», деб суяр эдингиз. Энди билдим, сиз мени азбаройи аяганингиздан шундоқ деб атар экансиз. Аслида мен ажаб лақма, ажаб аҳмоқ гулом эканман.

Бирданига миям ажабтовур равишда ишлаб кетди: тунов кунги Динора опанинг ҳасратлари, отанинг тўсатдан ташрифи... Ахир, ўша кун ўз оғзи билан айтди-ку, опангизни кўрдим, деб! Уҳ, сотқин бека, сотқин дунё! Энди мен нима деган одам бўлдим? Устимдан ўзгалар бир буюмдек савдо қилгач, мен чинакам гулом бўлмай, кимман? Лекин нега бу чаёнвачча шунча кундан буён чурқ этиб оғиз очмади?

«Нега менга айтмадинг?» деб алам билан вишилладим.

Шодиёр хира пашшадан безор бўлган кимсадек қўлларини ҳафсаласиз тўлгади: отасининг гапини икки қилолмабди. Отаси тайинлаган эканки, бу кўркаламушни қўлдан чиқарма, калласи ишлайдиган кўринади, ўқниш-пўқшингга ёрдами тегар, ош-овқатингга қараб, хизмат-пизматингни қилиб юрар, дебди. Ҳали мен қон қусишим тайин экан. Ҳали Шодиёрнинг оёқларини ўпар эканман — у титраб-қақшаганча оғзидан кўпиклар сочиб, истиқболимни ана шундоқ башорат қилар эди.

«Майли, Шодиёр, сен ҳам шошма! Биз энди курашга кирдик. Биласанми, курашда фақат қуллар ҳеч нарсадан тоймаслар — зеро уларнинг кишандан ўзга йўқотадиган нарсалари йўқтур! Сен энди ўзингга эҳтиёт бўл, Шодиёр ука!»

Хаёлан ана шундоқ ўтли нутқ ирод қилиб, аслида эса тору мор бўлиб хонамга чиқдим. Ҳа, энди минг оташзабонликдан фойда йўқ — ёв кетгандан сўнг қиличнинг срга чоп.

Судралиб кийиндим, судралиб йнгиштириндим. Бир сидра уст-бошимни, энг зарур китоб-қоғозларимни олдим, қолганини пухта саранжомладим. Эшигимнинг қулф-калитсиз эканига афсусланиб, бир парча қоғозни слимлаб ёпиштирдим-да, хонани «муҳрладим». Сўнг моли дунёмни Шодиёрга, Шодиёрни жаҳолат тангрисига топшириб, уйдан чиқиб кетдим.

Ишқилиб, Шодиёрга инсоф берсину абгор рўзгоримни дера-
задан улоқтирмасин!

Алвастикўприк ёқасига етганда бирданига юрагим увиш-
ди: Муҳаммад Шарифнинг ҳоли не кечади? Ахир, у ҳориб-
толиб мени излаб келса-ю, арвоҳимни ҳам тополмай...
Нобакор Шодиёр зиён-заҳмат стказмасмикан?

Аmmo ҳозир оламда ҳеч куч йўқ эдики, мени ортга қайта-
ролса.

Бошим қотиб, хийла вақт кўприк устида иккиланиб тур-
дим. Ахийри, тақдир иноятига умид боғлаб, таваккал билан
олга кетавердим. Ҳали сўфи обдастани қўлига олмасидан иш-
хонага стиб келдим. Ойнаванд дарвозани чертиб, йўлакдаги
кўҳна диванда тамшаниб ухлаб ётган қоровулимиз Охун бу-
вани уйғотдим. У кўзларини ишқай-ишқай тўнғиллаб эшик-
ни очди, лекин сал ўтмай келганимга хурсанд бўлиб кетди:
биргалашиб чой ичдик.

Бугун Жўллибой акамнинг уйда ишлайдиган кунни эди,
кечқурун «семиз» журналга ёзаётган мақоламни мас-
лаҳатлашиш баҳонасида ҳовлисига ўтиб бордим. Ош еб,
ғийбат аралаш суҳбатга берилиб кетганимиздан мақола
паққос ёдимиздан кўтарилибди, бемаҳал бўлгани учун ётиб
ухладик ва эрталаб нонушта пайти унга дардимни айтдим,
Жўллибой акам хотинини чақириб деди: «Мана шу
Ғуломни ижарага қўйсак, нима дейсан? Бир бўлмағур жой-
га ҳам бекорга ой сари йиғирма бешдан тўлаб ётган экан».
«Ғанингиз қурсин,— деди янга хижолат бўлиб,— жойгаям
пул оладими одам? Ғуломжон, ҳеч тортинмай, ўз уйингиз-
дагидек тураверинг. Маҳалламизда яхши қизлар кўп, зора
шу баҳона бошингиз иккита бўлиб қолса». «Ҳа-я, ажабмас,
иккита бўлгандан кейин бошинг ишлаб кетса», деди
Жўллибой акам пичинг қилиб ва биргалашиб идорага
жўнадик.

Жўллибой акам билан Ойпора янгамнинг иккита ўгли бор
эди. Шу кундан эътиборан мен «учинчи ўғил» бўлиб, шу
срда истиқомат қила бошладим.

Чоршанба кунни кечқурун менга ажратиб берилган кунжак
хонада юрагим сиқилиб, паришон китоб варақлар эдим.
Қачон бир бошпана топилади-ю, қачон яна ўз хаёлларимга
кўмилиб ўлтирар эканман, деб ўйлардим. Жой топсам, Шо-
диқўрғонда қолган кўч-кўронимни олиб келар эдим.
Жўллибой акам билан хотини чандон меҳрибонликлар
кўрсатгани сари мен баттар хижолатга тушар эдим. Кўнглим
ҳарчанд кенг бўлгани билан каталакдек ҳовлию пастак бу
хоналар...

Туйқусдан эшик очилиб, китобдан кўзимни уздим. Жўллибой акамнинг тўнғич ўғли Кунтуғмиш одатан шу пайтларда таомга айтиб чиқарди. Лекин, таажжубки, эшик очилди-ю, ҳеч кимса кирмади. Ҳайрон бўлиб ўлтирганимда елкамга кимдир аста қўлини қўйганини сездим ва шошиб ўғирилдиму жилмайиб турган Муҳаммад Шарифни кўрдим! Ҳам ҳайрат, ҳам севинчдан тилим калимага келмай қолди. Кейин, ўзимни пича босиб, қўрқоқ олдин мушт кўтарар қабилида дўқ қилмоққа бошладим: «Ҳа, тақсир, қаёқлардан сўраймиз?» Мавлоно Гулханий, юзларида ҳануз ўша таниш табассум балқиб, бош чайқади: «Билмадим, ҳар ким ўз бошини қуруққа олиб қочаверса, оламнинг аҳволи не кечар экан...» «Қочган ким, ахир?» дедим бўш келмай. «Йўқ, хотиринг жам бўлсин,— деди Муҳаммад Шариф ва кўзларини ерга олди,— сенга таъна-маломат тақмоқ ниятида эмасман. Имон қочаётир, имон». Бир муддат сўзсиз қолдик. «Ҳай, қайларда эдингиз, одамни хавотир қилиб,— деди мулла Гулханий,— аввал — Ургут, сониян — Янгиқўрғон, Работ, Пушоғар, Эски сабот, Мўғулчикин, Фируз, Шаҳристон, Бешсарой, Манғит, Кенағас, Янгиариқ, Бекобод, Хайробоод... Кунушбону ойимнинг маҳрларини битирдим. Ва шу тариқа «Зарбулмасал» китобим ҳам адоғига етди. Қиссамнинг интиҳосида беҳад маъюс бўлиб қолдимки, ҳар нечук содда Ғулом бўлсанг ҳам, сенга ўрганиб қолгон эканман. Ҳузурингга ошиқдим: бедарак экансан. Излай-излай, мана, охир, топдим...» Бешхитёр кўзларимдан ёш чиқиб кетди: «Юрагим шундоқ ғаш эди,— дедим шивирлаб,— шундоқ ғаш эдики, бу оқшом сизни кўрмасам, билмадим, ҳолим не кечарди. Шукр тақдиргаким, лоақал Сиз мени йўқлаб келдингиз...» «Ғалат сўйлайсан, йигит,— деди Муҳаммад Шариф,— бошингдан кечмиш жамики савдо менга аён. Хотирингда бўлса, мен ўшандаёқ огоҳ этган эдимки, ҳар кимки ножингдин мурувват тилар, гўё тол ёғочидан зардолу тилайдур. Бошингни кўтар, кўнглинг озодадур. Рубъи маскунда бундан-да буюк саодат йўқтур. Сен энди бундоқ хонанишин бўлма, дунё кез, кўрасанки, олам бепоеън, яхшилик ҳам, яхшилар ҳам олам ичра беҳисоб. Ёмонлар ҳам улардан оз эмас, аммо шуларни деб ўз ёғига жаҳонни қовурмоқ оқиллар иши эмас. Дунё кезсанг англагайсанки, инсон беҳудуд борлиқ қаршисида бир заррадир. Шунда сен дилингни ўртаган қабоҳатларни унутгайсан. Яхшилик — оламнинг устуни эканига имон келтиргайсан. На чораки, зару зўр ҳамма замонларда ҳам бўлган. Бу офатнинг давоси надур? Ожиз ақлим бунга етмайдур. Аммо сочим оқариб, тубига етганим ҳикмат

шул: инсон экансан, инсон қалбига яхшилик уруғини сочгину уни меҳр чашмаси билан суғоргил. Энди эса, эй содда Ғулом, агар ижозат этсанг, тун яримдан ўтганда кулбангга аҳли тюрни чорласам. Ажаб эмаски, сен ҳам уларни соғинган бўлсанг?»

Шу тун яна бағрим тўлиб қолди.

Тонгласи Жўллибой акам суюнчи сўраб чиқди: икки маҳалла наридан менга бир жой топибдилар. Ён-атрофи бузилаётган экан, лекин ҳали икки-уч йил дахлсиз турармиш, унгача эса — ё эшак, ё подшо, ё Афанди. Энг муҳими, ҳовли эгасиз экан. Чой ҳам ичмасдан, ҳовлиқиб кўргани бордик. Эғнидаги мошранг камзулига ГТО, ДОСААФ нишонларини қаторлаштириб тақиб, кўзларига сурма қўйган бир соқолсиз оқсоқол бизни кутиб олди, индамай эшикни очиб, ҳовлига бошлаб кирди. Аён бўлдики, бу жой маҳалла қўмитасининг собиқ идораси экан, қўмита чойхона ёнидаги янги бинога кўчиб ўтганидан сўнг бу ер бўшаб қолибди. Бир уй, бир айвон, томи шифер билан ёпилган. Иморат анча путурдан кетган, лекин бундан тузукроғини менга ҳозир амманнинг эри ҳам топиб беролмайди. Бирор йил амал-тақал қилиб турарман. Тунука, қоғоз, картон билан наридан-бери ўралган девор ортида кета-кетгунча чалдевор, узоқда саф тортиб қад ростлаб келаётган осмонўпар бинолар. Чалдеворни кўриб, юзим ёришди: Муҳаммад Шариф қушлари билан яйрайдиган бўлди-да! «Маткул», деб юбордим шу хаёл таъсирида. «Яхшилаб супуриб-сидирилса, бинойидек жой», — деди бизни бошлаб келган Сиддиқхўжа ака. У маҳалла қўмитасининг раиси экан. «Хўп, ижара ҳақи қандай бўлади?», деб сўрадим тарадудланиб. Оқсоқол бу гапни эшитмагандек қўл силтади. Кейин Жўллибой акамдан билсам, бир тийини ҳам керакмас, дебди, фақат шу қўмитага шиор-пиор керак бўлганда, қарашиб юборса бас. Чамаси, Жўллибой акам шунақа ҳунариям бор, деб нархимни оширган бўлса керак.

Оқсоқолнинг бу хусусда шарт қўйгани бежиз эмас экан — бўлғуси ошиёнимни синчиклаб кўздан кечиргач, бунга ишонч ҳосил қилдим. Айвоннинг бурчагига қор-ёмғирда ивиб путурдан кетган беш-олтита қулочга сиғмас алвон-тахталар тахлаб қўйилган экан. Бирини ағдариб, ранги ўчган ёзувларига назар ташладим: «Чорвачилик — зарбдор фронт!» Иккинчисида: «Ишламаган — тишламайди!» Хонанинг исбосган деворлари ҳам ҳар турли ташвиқот қоғозлари билан зийнатланган эди. Уларнинг бирида филдек келадиган пашша тасвири бўлиб, тагида қатъий буйруқ зикр этилган эди: «Соғлиқ душмани — пашшаларни қиринг!» Чап томондаги

деворнинг қарийб ярмини эгаллаган афишасимон қоғоз эса аҳли фуқарони жамғармаларини омонат кассаларда сақлашга даъват қиларди. Оёқ остидаги полнинг чириган ёғочлари қадам босганим сари гижжакдек нолавор бир мусиқа чаларди.

Табиийки, бу Юнусободдаги ордона қолган муҳташам ошиёна эмас, бироқ ўзига яраша фазилатларга эга эди. Энг муҳими, ерга яқин, бўйрадек бўлса-да, саҳни бор. Гирдогирдидаги чалдевори айтмайсизми!

Ишдан барвақтроқ қайтдимۇ бошимни маҳкам танғиб, кулбаи вайронани обод қилмоққа киришдим. Мавлоно Гулханийнинг хурсандчилиги чексиз эди. Унинг елкасида мудом тумшайиб ўлтирадиган Бойўғлининг ҳам чиройи пича очилгандек. «Мен қизимни жамолига яраша қалин солурман,— дерди у.— Минг чалдевори токчабанд бўлса, янги ганж-хок қилгон бўлса, ҳеч Бойўғлини сояси тушмаган бўлса, унарман ва илло мундин бири кам бўлса, унамасман». Муҳаммад Шариф менга секин кўз қисиб, баттол Бойўғлининг қайсарлигидан унсизгина куларди.

Алқисса, икки кеча вақтимни сарфлаб, бошпанани одам кирса бўлгулик бир аҳволга келтирдим. Эшигимнинг оғзини маҳалла аҳли култепа қилиб олган экан, базўр тозалаб, узоқ ўйловлардан сўнг деворга илк шиор битдим: «Ахлат ташлаган ахлатдай хор бўлсин!» Сўзнинг қудратини қарангки, эртаси ҳам, индини ҳам ҳеч кимса бу ерга чўп ташлашга ҳам журъат этолмади! Ҳолбуки, деворга ўқлоғидай-ўқлоғидай ҳарфлар билан битилиб, култепа тагида кўмилиб ётган бошқа бир ёзув ҳам бор экан: «Ахлат ташлаганга — 50 сўм жарима!!!» Жарима олмайдиган бўлганим учун уни оҳак билан оқлаб кўяқолдим.

Оқсоқолга бу ишим бениҳоя маъқул тушибди. Лекин шиорнавислигим бошимга битган бало бўлади шекилли: Жўллибой акамнинг айтишича, оқсоқол шу шиордан йигирма-ўттизта ёзиб беришини илтимос қилибди. Эшитиб, елка қисдим. Начора, аравасига тушгандан кейин ашуласини ҳам айтишга тўғри келади.

Кунни бўйи қўш ҳайдаган чоракордек ҳориб-чарчаб, намозшомдаёқ ухлаб қолдимۇ кечаси тўрт йил мобайнида биринчи маротаба Қундузни тушимда кўрдим! Ўша илк дафъа учратганимдек оқ, оппоқ кўйлақда, сочлари тўлқин-тўлқин чайқалиб осмони фалақда, парқу булутлар устида қайгадир оҳиста учиб кетаётган эмиш. Ҳарчанд зўр бериб чорласам ҳамки, овозим етмасмиш. Бир маҳал нақ қулоғим остида унинг: «Шаҳрисабзга келинг, Фулом ака,— деган қадрдон товушини аниқ-таниқ эшитдим, ҳароратли нафасини яққол

туйиб, аъзойи баданим бир тотли жимирлаб кетди.— Шаҳрисабзга келинг,— деб такрорларди у,— кўкламда, майлими? Албатта келасиз-а?» У бениҳоя юксакда, қўл етмас, кўз етмас само бағрида оққушдек сузиб юрарди-ю, мен унинг маъсум чеҳрасини шундоққина равшан кўриб турардим...

Кўнглим бир хил бўлиб уйғондим. Талай вақт шифтга термилиб ётганча тушимга таъбир изладим. Қундуз, Қундуз... Энди мен Шаҳрисабзга қандоқ борайин? Нима деб, қайси юз билан борайин? Сен бўлмаганингдан кейин Шаҳрисабз тугул, шу сабзаи олам менга татирмиди? Лекин нега менга бу қадар илтижо билан ўтиндинг? Ким билсин, ҳузурингга элгар йўлларни ўт-ўлан кўмиб юбордимикан? Кўклам кезлари, эҳтимол, қабринг пойида бир калима сўз билан ёд этмоғимга интизордирсан? Билмайман, билмайман, бироқ, ҳар қалай бу бежиз аломат эмас. Шаҳрисабз бормоғим керак. Зудлик билан!

Юрагим шошиб, ўрнимдан турдим.

Ҳарамма нарса тахт бўлиб, шанба куни кечқурун кўчкўронимни олиб келмоққа аҳд қилдим. Тушдан сўнг секин чиқиб жўнаётган эдим, Жўллибой акам тўхтатиб айтдики, сен бориб лаш-лушингни йиғиштириб туравер, мен Шокирни олиб бораман, икки соатда ишдан қайтиб келади. Овора бўлманг, дедим, такси-пакси қилиб келарман. Жиннимисан, мен қўшнимга айтиб қўйганман, деди Жўллибой акам ранжиб. Э, ағдарма мошинга ортадиган бунча мол-дунёни қайдан оламан, дедим бошимни қашиб. Бир четда жимгина кузатиб турган Муҳаммад Шариф мийиғида кулимсираб сўз қўшди: камбағал бўлсанг, кўчиб боқ.

Борар жойни Жўллибой акамга яхшилаб тушунтириб, Юнусободга равона бўлдим. Борсам, Шодиқўргон тақа-тақ берк, деразалар зимистон. Ўша куни жаҳл устида чўнтагидаги калитни улоқтириб келган нодон Ғулумни сўкканча бўғилиб кута бошладим. На Шодиёрдан, на Жўллибой акамдан дарак бўлди. Тажанглигим тутиб, тева-рак-атрофни айланиб келишга қарор қилдим. Автобус бека-тигача бордим, ундан бозорга ўтиб, қўлимни чўнтагимга суққанча нарх-наво билан қизикдим, тўрва-халта кўтарган кампирларга қўшилиб, картошканинг баҳоси осмон баравар сапчиганидан дарғазаб бўлдим, Ганжа Қорабоғдан келиб пўртаҳол сотиб ўлтирган қоши қора, кўзи қора боғбонлардан битта қизил пулга бир кило пўртаҳол олдим. Жўллибой акамнинг ўғиллари Кунтуғмиш билан Алпомиш ҳар оқшом пўртаҳол деб хархаша қилар, отасининг эса ҳар оқшом эси-дан чиқиб қолар эди. Эсидан чиқмай нима ҳам қилсин:

пўртақолнинг килоси ўн сўм, маошгача ҳали олти кун бўлса... Изимга қайтиб қарасам, собиқ маконимнинг дерзаларида чироқ кўринди. Ҳовлиқиб, саккизинчи қаватга кўтарилдим. Бир вақтлар қадрдон бўлган, энди эса буткул бегона эшик ортида бир зум нафасимни ростлаб, қўнгироқ тугмасини босдим. Қўнгироқ булбул бўлиб сайради, лекин ичкаридан қилт этган шарпа сезилмади. Яна устма-уст қўнгироқ босдим. Анчадан кейин Шодиёрнинг уйқу ва зарда аралаш бўғиқ товуши эшитилди: «Ким?!» «Очинг. Нарсаларимга келдим», дедим босиқлик билан. Эшик шарақ-шуруқ қилиб очилди, Шодиёр, кўзлари қизарган, сочлари тўзғиган, доимгидек қарийб яланғоч қиёфада йўлакда турарди, бетимга қайрилиб ҳам қарамади — тўғри хонасига кириб кетди. Тан олиб айтишми керакки, терговчилик ўқишига тоби тоқати бўлмаса-да, қонун-қоидадан бирмунча хабардор экан — бир пайтлар мен истиқомат қилган, энди эса унинг хусусий мулкига айланган хона эшигидаги сўрғичланган «муҳр» дахлсиз турарди. Ичкари кириб, димиқиб кетаёзим. Супурги тегмаган хонумон хароб, деб бежиз айтмайдилар, гард-ғуборга тўлган собиқ маконимда нафас олиб бўлмасди. Дарҳол дерзани ланг очиб юбордим, сўнг шоша-пиша нарсаларимни йиғиштиромоққа бошладим. Ҳозир Жўллибой акам ҳам келиб қолса керак. Шодиёрнинг хонасидан ҳамон ўша раҳнагар мусиқа эшитилиб турар, чамаси, бу оқшом ҳам ёлғиз эмас эди.

Бир маҳал телефон жиринглади. Хўжайин шипиллаб чиқиб келди-да, дастакни қулогига тутди, кейин турган жойидан менга қараб ўқрайди: «Телефон!» Жўллибой акам экан. «Бир оз кутасан-да, ўка,— деди,— Шокир энди келди. Овқат еб олай, жўнаймиз, деяпти. Фақат йўлда бир жойга кириб ўтсам, дейди. Бирпасга». «Э, майли,— дедим суюниб,— бемалол, мен ҳам ҳали тайёр бўлганим йўқ». «Ҳа, бўпти», деди Жўллибой акам хотиржам тортиб.

Шодиёрнинг хонасидан қичиқ нағмаю аёл товуши билан бирга таралаётган ўткир бир ҳид бутун йўлакни тутиб кетган эди. Нима экан-а бу? Э, менга нима! Улиблар кетмайдими!

Китобларни ўраб-боғлаб, ўрин-кўрпамни йиғиштираётганимда тўсатдан бошимда қаттиқ оғриқ ҳис этдим. Гўё мана ҳозир ёрилиб кетадигандек туюларди. Едимга тушди: бир сафар суваракларни қираман, деб, ҳаддан зиёд дори сепиб юбориб, икки-уч кун мана шундоқ бошимнинг оғриғига чидаёлмай юрган эдим. Рўби рўзгоримни йиғиштириб тахт қилгач, бениҳоя чанқаганимни сездим. Қани энди, бир пиёлагина қайноқ чой бўлса! Чойнак-пиёлани жойлаб қўйганимдан қайта очишга эриндим-да, ошхонага чиқиб,

муздек сув ичиб келдим, сўнг хона ўртасида, курсига суянганча қўнгироқ кута бошладим.

Шодиёр икки марта шиша кўтариб ўтди.

Жўллибой акам негадир ҳаяллаб қолди. Ўрнимдан туриб, дераза олдига яқинлашдим. Кўзим етганича узоқларга тикилдим. Куз кунни ҳам бир тутам, соат саккиз бўлмасидан ҳаммаёқ зимистон, нақ ярим кечага ўхшайди. Ҳавода аччиқ куйинди иси кезади. Чамаси, ҳануз яқин-атрофда хазон ёқилмоқда. Хазон бўлган япроқ ҳам кўп экан-да, ҳали-ҳамон ёқиб адо қилишолмайди. Ия, анави нима? Гулханми? Ҳа-ҳа, гулхан, ловиллаб, кўк тоқига чирмашиб, атрофни кундуздек ёритиб ёнаётган гулхан! Худди ўша эски жойида — бир маҳаллар мени нақ эс-ҳушдан айиргудек ҳайратга солган яйдоқ жўхорию адоғида гуриллаб ёнмоқда! Теграсида уч-тўрт киши давра қуриб ўлтирибди. Қиёфатлари танишдек. Бор қувватимни кўзимга тўплаб, мижжаларимни қисиб ўша томонга тикилдим ва оҳиста гурунг бериб ўлтирган Муҳаммад Шарифни кўрдим. Тинмагур одам экан-да бу мулла Гулханий! Қачон бу ерга етиб келмоққа улгурди экан? Юрагимда яна ҳавас кўзгалди. Ҳамсуҳбатлари кимлар бўлди экан? Ривнафас шоирлар — Маҳзуб, Мажзуб, Мунтазирми? Поёнсиз хаёллар соҳиби Гоголми? Андуҳга йўғрилган сирли қиссалар ижодкори Андерсенми? Нималарни сўйламоқда экан улар? Шу гулхан теграсида давра қурганларда ҳам армон бормикан?

Ёнгинамда нимадир гумбурлаб қулади, кейин кимдир жонининг борича қичқирдию шу заҳоти унинг фарёдини қасира-қусур мусиқа садолари босиб кетди. Илкис қайрилиб қарадим: Шодиёрнинг хонасида отўйин бошланган эди. Аёл жон-жаҳди билан ер тепар, йиғи аралаш алланималар деб қичқирар, Шодиёр гўлдираб таҳдид қилар, ҳабаш хонандалар эса уйни бошларига кўтариб уларнинг иккаласидан ҳам баланд келмоққа тиришар эди. Билмаган одамга бу маконда қиёмат қўпгандек туюлиши мумкин, аммо бундаги сирру асрордан бохабар кимса пинак бузмаслиги табиий, зеро бу Шодиёрнинг одатий кунларидан бири эди, холос. Шу боис эшикни зичлаб ёпдим-да, қўлимга илинган китобни варақлашга тутиндим. Беш-ўн дақиқа ўтди, аёлнинг жазаваси баттар кучайди, у энди ёлғиз ўзи тўртга забардаст занжининг наъравор нағмаларини босиб уввос тортар эди: «Қўйвор! Қўйво-о-р! А-а-а! Онажон, вой, онажон! Қутқарингла-ар!»

У «онажон»лаб бежиз додламас — қутурган Шодиёр ҳозир онажонини кўрсатаётгани аниқ эди. Яна нимадир қарсиллаб синди, нимадир гумбурлаб кетди, Шодиёр болохонадор қилиб

сўкинди, темир карнайлар қулоқни қоматга келтириб ҳайқира бошлади. Ортиқ бу машмашага чидаб туролмай, пастга тушиб кутмоқчи бўлдим, энди ўрнимдан турган ҳам эдимки, қаршимдаги эшик шарақлаб очилдию қип-яланғоч бир аёл жон талвасада ўзини менинг хонамга қараб отди. Бу воқеа кўз очиб-юмгунча рўй берганидан илон авраган бақадек қотиб қолдим. Аёл ичкари кирасолиб, қўлидаги синган курси оёғини эшик тутқичига тикиди, шу заҳоти Шодиёр бир ҳўкиз кучи билан эшикни итариб-тепишга тушди: «Оч, қанжиқ!— деб ваҳшат соларди у ҳансираб,— очмасанг, нақ онангни...» жойимда ҳамон қимир этмай ўлтирардим, зеро бу можарода мен тилсиз гувоҳликдан ўзга ишга ярамас эдим. Бейхитёр аёлга кўз қирим билан назар солдим ва унинг бу қадар ёш, бу қадар чиройли эканини кўриб, алам билан юзимни четга бурдим. «Баттар бўл!— деб қаҳр ила пичирладим ўзимча.— Сенларнинг жазоингни Шоди айғирлар берсин!» Терс ўгирилиб ўлтирарканман, нима қиларимни билмас эдим. Ҳозир Жўллибой акам Шокирни бошлаб келса, бу не шармандалик? Емаган сомсага пул тўлаб... Йўқ, ҳозир чиқиб кетаман, менга деса бир-бирини пишириб есин!

Шартта ўрнимдан турдим. Қиз дераза раҳида ётган йиртиқ газетани парда қилиб, ўрин-кўрпаларим ортида биқиниб ётар, елкалари дир-дир титрар эди. Бунни кўриб, жон-поним чиқиб кетди: тўшагимни наҳс бостиради! «Тур ўрнингдан!— деб бақирдим.— Бир нарсамга қўлингни теккизсанг!...» Қиз, кўзлари саросима ичра телбаланиб, қалтираб-қақшаб, бурчакка тўрт оёқлаб сургалди, ваҳший ҳайвондек бўйнини ичига тортиб, уввос солди. Юз-кўзи моматалоқ, қон-қус, сочлари кирпитикан бўлиб ҳурпайган... Шодиёр эшикни қасира-қусур урганча энди иккаламизни қўшиб сўка бошлади: «Очларинг! Оч, деяпман, ўлдираман икковингния!» Эшик олдига яқинлашганимни кўрдию қиз жонҳолатда ит каби эмаклаб келиб, оёқларимга ёпишди, ғайришуурий бир тарзда қичқирди: «Очманг! Очманг! Жон ака, қутқаринг мени! Ўлдиради, очманг!» Ирганиб, шартта оёғимни тортиб олдим. «Опкелган акажонинг қутқарсин сени,— дедим нафратимни босолмай,— келишга келволиб, нега энди биғиллайсан?!» «Алдади мени, алдади,— деб ҳўнгиллаб йиғларди қиз,— билмай қолдим, алдаб...» «Алдади?!— деб сўрадим истеҳзо билан,— алдаса, бу ерга ҳолва егани келиб-мидинг?! Баттар бўл!» Эшик тутқичига қўл чўздим. Шунда қиз кутилмаган бир абжирлик ила сапчиб ўрнимдан турди, жонжаҳди билан мени итариб юборди. Кўзларида мода арслоннинг даҳшати ёнарди! Ҳозир ҳеч балодан қайтмас эди у, ҳайиқиб, дераза олдига чекиндим. Шу пайт эшикнинг ўртасидан

муштдек жой ўпирилиб тушди — Шодиёр болгами, болта билан гурсиллатиб урмоқда эди. Қиз қўллари билан кўксини чала-ярим бекитганча, авратини ҳам яширмоқни унутиб, Шодиёрга ҳам аталган қаҳру газабини қўшиб, менга мислсиз нафрат билан тикиларди. Шу тариқа қанча ўтди — билмайман. «Урди-ми?», деб сўрадим бир маҳал аста. Қиз эшикка суяганча тиз чўкди, юз-кўзларини чангаллаб, эшитилар-эшитилмас шивирлади: «Урса, уриб ўлдирса ҳам майли эди... Айтолмайман, айтолмайман... А-а-а!» — У шундай деб ўкириб юборди, ажал фарғараси тутгандек, устма-уст ўқчиб, беҳол букчайиб қолди.

Бошимдан оёғимга қадар живирлаб, вужудимга титроқ кирди. Шунчалар тубан кетдинг-а, инсон фарзанди!..

Шодиёр қўшқўллаб эшикни урар, тепар, гумбурлаган товуш кетма-кет сўроқ бўлиб миямга қадалмоқда эди: эй, бахтиқаро, бадбахт қиз! Отанг ўлганми сенинг? Отанг ўлган бўлса, онанг ҳам ўлганми? Ота-онанг ўлган бўлса, ака-уканг ҳам ўлганми? Ака-уканг ҳам ўлган бўлса, ор-номусинг ҳам ўлганми? Озод аёл бўлиб, қишлоғингдан шу умидда келибмидинг? Худобежабар онанг, гўл, ландавур отанг, эҳтимол, ўлмагандир, қизим отин бўлиб келади, деб шишиниб юргандир! Шубҳасиз, бир кун отин бўлурсан — қариганингда! Эй аблаҳ Шодиёр, нега ўшанда сени ўлдириб қўяқолмаган эканман?! Савобга қолардим — яна бир манглайи қорани жувонмарг қилмас эдинг!

Қачон одам бўласан, эй одамизот?!

Шу лаҳза эшик қарсиллаб қизнинг устига қулади. У додлаб, эшик тагидан аранг ўрмалаб чиқди-да, менга ёпишиб олди. Шодиёр, кўзлари қонга тўлган, бир қўлида гўшт қиймалайдиган болта, бир қўлида пичоқ, остонада шипдек бўлиб турарди. «Тегма! — деб қичқирди менга қараб. — Меники у! Эшитяпсанми, меники! Пулини мен тўлаганман! Ўлдираман, қўйвор!» Қизнинг чангалидан силтаниб чиқиб, Шодиёр томон икки қадам юрдим. Қиз бурчакка тиқилиб, гужанак бўлиб олди, қинидан чиқаёзган кўзлари гоҳ менга, гоҳ Шодиёрга телбаланиб боқар, озги бир томонга қийшайиб борар эди. «Ташла қўлингдагиларни! — деб амр қилдим ва товушимнинг титрамай чиққанига ўзим ҳам ҳайрон қолдим. — Ташла, мен ҳозир кетаман». «Йўқ-о-ол!» деб қичқирди Шодиёр ва болтасини боши узра баланд кўтариб, тикка бостириб кела бошлади. Шундагина ҳушим учиб кетди: у мутлақо ўзини билмас эди. Боягина бутун уйни тутиб ётган бурқираган иснинг нималигини энди англадим юрагим орқамга тортди. То мен уйимни ўйлағунимча болта ёнгинамдан шип этиб ҳавони сермаб ўтди, базўр чап бериб қолдим. Шодиёр бир сакрашда қизнинг тепасига етиб борди, сочидан чангаллаб, эшик сари судради. Қиз илондек

тўлганиб, ўзини кўтариб отар, бошини тарс-тарс деворларга урар эди. Кўзларим тиниб, нафасим бўғзимга тиқилди. Дафъатан, Шодиёр мен умримда биринчи маротаба кўриб турган, етти ёт бегона, насл-насаби бетайин бир қизни эмас... Қундузни судраб кетаётгандек туюлди!

Балки Қундуз ҳам ўшанда, ўша машъум соатда мана шундоқ ваҳший малъун чангалига тушгандир? Бундан баттар қийноқларга дучор бўлгандир? Ўшанда ҳам мадад қўлини чўзгали бирор кимса топилмагандир? Қундуз, шўрлик, бахтиқаро Қундуз...

Сесканиб тушдим. Шодиёрнинг орқасидан бориб, қўлига жон-жаҳдим билан урдим. Болта учиб кетди. Елкасига чанг солдиму қизга қараб қичқирдим: «Қоч! Жонинг борича югур! Тез!» Қиз орқа-ўнгига қарамай, йўлак томон эмаклади. Шодиёр, туман босган кўзларида мисли кўрилмаган бир олов чақнаб, ортига ўгирилди, худди бўғизланган одамдек хириллаб: «Ўлдираман сени!» деб пишқирди. Таъқибдан қочиб, орқага чекинар эканман, туйқус хона ўртасига етганда ер билан битта бўлиб сочилиб ётган, Кунтуғмиш ва Алпомишга аталган пўртақолнинг бирини босиб олиб тойиб кетдиму нақ кўз ўнгимда ярақлаган пичоқ сопидаги «Чустдан совға» деган ёзувга кўзим тушди, Шодиёр кўксимга миниб, нафасидан ўт сочиб яқинлашганида том битиб бораётган қулоқларимга ёввойи бир қичқириқ чалингандек бўлди ва шунда билдимки...

...анда Бойўғли билдики, тақдирни тадбир енги билан яшириб бўлмас экан...

Сўнг нигоҳи қаршисида ловиллаб ёнаётган гулхан пайдо бўлди. Гулхан атрофида ўлтирган Муҳаммад Шариф худди шу лаҳза юраги безовта санчиб, ирғиб ўрнидан турди, қўлларини у томон чўзиб, фарёд солганча югуриб кела бошлади. Афсус, минг афсуски, у ҳарчанд югургани билан ҳаргиз бу содда Ғуломга кўмакка етиб келолмасди — ахир, ораларида икки асрдан зиёдроқ масофа бор эди-да...

Гулхан эса ҳамон гуриллаб ёнар, денгиздаги маёқ каби тобора ўзига чорлар, Ғулом ўзидан, ўзлигидан буткул кечиб, шу порлоқ аланга томон кетиб борар эди. Вужуди пардек енгил бўлиб қолган, лаблари маҳкам қимтилган, гўё ҳозир бир ҳимо бўладию осмони фалакларга учиб кетади. Парвозга чоғланган озод қуш янглиғ оҳиста қанот қоқар экан, «Кўнгул озодадур, — деб шивирлар эди у, — кўнгул озодадур, дунёга арзи эҳтиёж этмаз...»

САОДАТ СОҲИЛИ

— Уста Биноқул, қани туринг, шом тушмай ҳув довонга етиб олайлик! Ўша довонга етайлик, уёғи — ё раззоқ!

— Уҳ, тақсир, оёқ босгулик ҳолим қолмади. Юролмайман, тақсир, юролмайман!

— Андак бардош қилинг, уста Биноқул! Чеккан машаққатларимиз, иншооллоҳ, бесамар кетмас! Ажаб эмаски, довон ортида бирор кўналга бўлса... Шу манзилга етиб олсак бас, жароҳатингизга ҳам бир даво топармиз. Қани, кўлингизни беринг, уста Биноқул!

— Эҳ-ҳ, тақсир...

Уч кундан буён аҳвол шу: уста Биноқул шишиб кетган оёқларини судраб босганча зорланиб инқиллайди, ҳар қадамни минг бир азоб билан кўяди. Ҳофиз Кўйкий эса лабларини маҳкам қимтиганча кўпроқ ўз юрагидаги ваҳми энгиш учун унга тинимсиз таскин-тасалли беради, сабр-бардош сари даъват этади. Биноқул инграйди, оғриққа чидаёлмай йиғлагудек ёлворади, Ҳофиз Кўйкий гўдакни алдаган каби уни юпатмоққа тиришади, «кўпи кетиб, ози қолгани»ни айтиб ишонтирмоқчи, ишонмоқчи бўлади, лекин бундан на йўл қисқаради, на йўл азоби камаяди.

Улар ўн етти кун азият нима, машаққат нима билмай, вақтичоғлик билан йўл босдилар. Тағларида ўйноқлаган дулдулдек отлар, хуржунларнинг кўзига тўлдирилган лаззатли озуқалар белга қувват, дилга мадор бўлиб келди. Карвондаги дунё кезган савдогарларнинг вазмин, мароқли гурунглари йўл танобини тортар, ҳувиллаган, файзсиз чўлнинг ўлик манзарасига бир қадар жонланиш бағишлагандек бўлар эди.

Ўн саккизинчи куни саҳар чоғи кимсасиз биёбонда ҳали маст уйқуда ётган карвонни қароқчи босди.

Улар олатасир тўполонда тоғ унгури ёқалаб қочишга муваффақ бўлдилар. Биноқул қўлига илинган кичкина бир тугунчагини олишга улгурди, холос.

— Тақси-ир,— деди Биноқул йиғламсираб,— ҳеч вақомиз қолмади-ку, тақсир?!

— Биноқул,— деди Ҳофиз Кўйкий,— жон қолди, жон!

У — дунёнинг қарийб ярмини кезган жаҳонгашта одам эди, ҳаёт қадрини, тирикликнинг нечоғли улугъ неъмат эканини теран англади, кечагина сафар-саёҳат завқи, сирли, номаълум манзиллар иштиёқи билан сармаст Биноқулнинг мусичадек жавдираб турганини кўриб кулгиси қистади, соддадил йигитнинг юрагита мадор бўладиган бирор оғиз сўз айтгиси келди. Ҳали олдинда жазирама иссиқ, очлик, ташналик, тушкунлик сингари мислсиз уқубатлар кутаётган, истиқболда ажал совуқ қучоғини очиб турган бир пайтда бу сўзнинг маъзун кўнгилига нақадар улкан қувонч ва қувват бағишлашини у яхши биларди.

— Куюнманг, Биноқул,— деди у жилмайиб,— падари бузрукворингиз Ҳинд сори айни шу йўлдан ўтган бўлса, не ажаб!

Биноқулнинг юзи ёришди. Ҳофиз Кўйкий йигитнинг дилида пинҳон муқаддас сирдан воқиф: Биноқул ҳали гўдак экан, Бобур Мирзо Фаркатда бир муддат тўхтаган кезлар отаси черикка кирган, амирзода Ҳиндистонга отланганда бирга жўнаган.

Биноқул отасини энасининг сўзларидан таниб улғайди. Дом-дараксиз кетган отасининг йўлига кўз тика-тика энаси бултур оламдан ўтди.

Биноқул — қадди-қомати келишган, пишиқ-пухта, чайир йигит, кулганда кулдиргичли юзларида ажиб бир жозиба пайдо бўлади — чин дилдан яйраб кулади. У ҳар ишга тиришқоқ, ҳавасманд, узун қиш кечалари кулбасида этик, маҳси тикади, ёзда икки таноб ерида тер тўкади, китобга, илмга чексиз ихлос қўйганидан ҳаммаҳалласи — Мозори Ҳожи масжидининг имоми Ҳофиз Кўйкийни ўзига устоз деб билади, унинг кечмиш воқеалар, айниқса, жангномаю жаҳонгирлар тарихига доир дилкаш суҳбатларини соатлаб жон қулоғи билан тинглайди. Ҳофиз Кўйкий сафарга кетган пайтларда Биноқул уни интизор кутади.

Устози сўққабош, вораства¹ кўнгил одам бўлиб, умри мутгасил сафарларда ўтарди. У баъзан икки-уч йиллаб беному нишон кетар, сафардан қайтгач, масжид хонақосига туташ ҳужрасида мутолаадан бош кўтармай, алланарсалар ёзгани ёзган эди. Биноқул бу битикларнинг нималигини билмас,

¹ В о р а с т а — о з о д, э р к и н.

сўрагани ботинолмас, аммо устозининг ёш бўлса-да, улуг одам эканини сезарди: масжид эшигига Тошканд, Самарқанд ва бошқа шаҳру кентлардан отличлар, ҳашаматли соябон аравалар тез-тез келиб турар — зарбоф тўн кийиб, симобий салла ўраган турли-туман басавлат кишилар Ҳофиз Кўйкийни зиёрат қилиб чиқар эдилар...

Бир ой муқаддам у устозининг Ҳиндистон сафарига ҳозирланаётганини эшитиб қолди. Эшитдию юрагига гулгула тушди, оромидан айрилди.

Отаси бундан йигирма етти йил аввал — йигирма ёшида хонадонини тарк этган экан. Ушанда Биноқул уч яшар гўдак бўлган. У отасининг тириклигига, қирғинбарот жанглардан омон чиққанига, ёт элларда соғ-саломат юрганига сўнмас ишонч билан инонар, назарида, падари бузруквори она юртда қолган мурғак зурёдининг дийдорини интиқлик билан кутаётгандек туюлар эди.

Биноқул чидаб туrolмади, устозининг оёғига бош уриб, бирга олиб кетишини сўради.

Ҳофиз Кўйкий рози бўлди.

Улар ўн етти кун азият нима, машаққат нима билмай, вақтичоғлик билан йўл юрдилар...

Карвонни қароқчи босган ўша машғум жума оқшомида улар яна бир фалокатга йўлиқдилар: тошдан тошга сакраб, тоғ ёнбағридан писиб борарканлар, Биноқул оёғи тойиб, етти-саккиз газ пастдаги хандақсимон унгурга — қиррадор харсанг устига йиқилиб тушди. Бели шилиниб моматалоқ бўлди, тўпиғи ҳандалакдек шишиб, қадам босолмай қолди. Ҳофиз Кўйкий йигитнинг белини, болдирини силаб, чиққан суякни солган бўлди, бироқ эртаси оғриқ баттар зўрайиб, Биноқулнинг ўрнидан қўзғалишга ҳам мажоли келмади...

Ҳофиз Кўйкий Биноқулнинг умуртқаси қаттиқ шикаст еганини пайқади, лабини тишлади-ю, индамади. У ҳамроҳини гоҳ опичиб, гоҳ суяб, шу куни ярим йиғоч ҳам йўл юролмади. Эртаси куни очлик ва оғриқдан силласи қуриган Биноқул устозидан ўтиниб илтижо қилди:

— Тақсир, энди менга озор берманг! Сезиб турибман, куним битган кўринади. Ўзингизни ҳам, мени ҳам қийнаманг. Мени шунда қўйиб, йўлингиздан қолманг, тақсир, уҳ-ҳ...

— Ундай деманг, Биноқул, айб эмасми? Қани, менга маҳкамроқ суянинг, ҳа!

Тоғ йўли, соқов харсанглар. Яланғоч товонларнинг қони томган чағир тошлар. Уфқ қадар чўзилган кимсасиз йўл.

— Уҳ, тақсир, энди мадорим қолмади... Оҳ, сув, бир қултумгина сув беринг!

— Биноқул...— Ҳофиз Кўйкий атрофга ночор аланглади.— Биноқул, бир оз сабр қилинг, ҳув кўкаламзорни кўряписизми? Шояд ўша ялангликдан сув топилса...

— Сув... Су-у-в... Тақсиржон, бир қултумгина сув, умримни берай, тақсиржон, бу азобдан қутқарим!

— Э оллоҳ! Ўзингдан бўлак мадаккорим йўқ, шафқат қилгайсен!

Сел босиб келмоқда, сел — олов сели. Ҳўл-қуруққа баробар ўт қўйиб қуёш ёнаётир, қуёш!

— Оҳ... Мени ерга қўйинг, тақсир, оҳ-ҳ! Тақсир, мен ўламан. Эй оллои бераҳм, муродимга етказмадинг-а!

— Биноқул, тавба денг, куфрга ботманг!

— Э, яратган эгам, майли, бу кўрсатган кунингга ҳам шукур. Армоним нчимда қолди, тақсир. Падаримнинг дароғини билсам эди. Бобур шоҳни бир кўрсам...— Биноқул жим бўлиб қолди, сўнг мажолсиз бармоқлари билан тугунчагини еча бошлади.— Тақсир, мана шу китобни мен унга ихлос билан тортиқ этмоқчи эдим. Ўзим китобат қилиб эдим... Билмайсиз, тақсир, ўзим ҳам билмайман, лекин нечундир худо менинг меҳримни ул зотга туширган...

— Кўнгилни бузманг, Биноқул...— Ҳофиз Кўйкий титраб кетди.— Ҳали тортиғингизни, иншооллоҳ, ўз қўлингиз билан топширурсиз. Фақат ниятни бардам қилмоқ керак.

— Йўқ, тақсир, ҳол-куним аён-ку...— Биноқул унга қараб маънос бош чайқади.— Сўнги тилагим ҳам, васиятим ҳам шу: бу китобни Бобур ҳазратларига элтиб, дуои саломини етказгайсиз.

— Биноқул, иним...

— Айтгайсизки: «Ғариб дунёда оллоҳнинг Биноқул деган ғариб бир қули бор эди, отаси навкарингиз эди, у ҳам сизга дилдан ихлос қўйиб, хизматингизга ўзини чоғлаган эди. Етиб келолмади — йўлда тангри раҳматига борди», дегайсиз.

— Қўйинг, Биноқул...— Ҳофиз Кўйкий унинг чўғ каби ёнаётган юз-кўзларини, пешонасини силади.— Кўнгилни эзмоқ нечун? Қўйинг...

— Мана, тақсир... Оҳ-ҳ!— Биноқул тугунчагидан китобни олиб узатди, мижжаларида ёш йилтиради.

— «Насойим ул-муҳаббат»?

— Ҳа, тақсир.

— Шошманг, ахир бу... Навоий ҳазратларининг...

— Ўзим китобат қилиб эдим. Бу энди сизга қиёматлиг қарз, тақсир.

— Иншооллоҳ...

— Уҳ-! Тақсир, сўнгги ўтинчим: имкон топсангиз, отамнинг дарагини сўроқлаб кўрарсиз. Ёдингизда бўлсин, тақсир, отамнинг исми Бобоқул, отасининг оти Ўринқул. Хотирингиздан чиқмас, тақсир?

— Биноқул...

— Ҳа-аҳ! Тақсир, рози... мендан рози бўлинг...

— Мингдан-минг розиман, иним, сиз ҳам рози бўлинг...
Биноқул! Биноқул!.. Э, оллоҳ, во дариг!

* * *

Уч кундан сўнг тоғдан ўтин териб қайтаётган ўтинчилар беҳуш ётган Ҳофиз Кўйкийни дара этагидаги нураган қоя тагидан топиб олдилар...

* * *

Агра бозорининг этак томонида жойлашган, одатда йўловчилар кўпда бош суқавермайдиган пасқам карвонсарой бу оқшом ҳар қачонгидан кўра сершовқин: турли ўлкалардан келган ажнабий савдогарлар, туя, филларга ортилган юкларни бақириб-чақириб тушираётган ярим яланғоч ҳаммоллар, тиланчилар, саёқ созандалар...

Ҳофиз Кўйкий икки кундан буён шу карвонсаройда муқим эди. Бу кун эрта тонгдан шаҳарни кезиб, қош қорайганда қўналғасига қайтаркан, дарвоза олдида ўтирган турқтаровати ғалати бир кимса туйқусдан эътиборини тортди. Пахмоқ соч-соқоли патила-патила бўлиб елкасию кўксини қоплаган, эгнидаги жулдур ридосига сон-саноқсиз тумор-кўзмунчоқлар тақилган қария чарм тасмали пешонабоғини кўлида тутамлаганча девор тагидаги туятошда мудраб ўтирарди. У аҳён-аҳён қисиқ, чағир кўзларини ярим очарди-да, телба бир ҳайқириқ билан бақириб қўяр эди:

Моли вофир-р¹, эли кофир-р, йўл ёвуқ...²

Сўнг дунёни унутгандек, яна кўзларини юмиб пинакка кетарди.

Ҳофиз Кўйкий уни бир дам кузатиб турди, ниҳоят, қизиқиши ғолиб чиқиб, аста яқин борди. Чолнинг яланғоч, қоқсуяк ўнг елкасида аллақандай эски жароҳат изи бўлиб,

¹ Вофир — кўп, мўл.

² Ёвуқ — яқин.

чап қоши узра бадбуруш чандиқ қорайиб кўринар эди. У шундоққина олдида ҳайкалдек қотиб турган одамга парво ҳам қилмай:

— Шарқ сори гар йироқтур, ул ёвуқ!— дея оғзидан туфук сочиб вишиллади-да, бирдан жимиб қолди.

Олаговур шовқин ичида туйқусдан янраган бу туркий калом Ҳофиз Кўйкийнинг қулоғига иссиқ чалиниб, дарҳол сергакланди, эҳтиёткорлик билан салом берди. Чолдан садо чиқмагач, бир оз тараддуланиб:

— Маъзур тутгайсиз, сиз турк эмасми?— деб сўради.

Чол чурқ этмади, гўё бўшлиққа тикилган каби маъносиз кўзларини бақрайтирганча чайқалиб ўтираверди. Хиёл ўтгач, зерикди шекилли, ридосининг ёқасидан учбурчак туморини узиб олиб ўйнай бошлади.

Ҳофиз Кўйкий секин изига қайтди. Тўрдаги супада чилим чскиб ўтирган қизил юзли, улугсифат савдогар оҳиста сўз қотди:

— Ў як одами девона. Ҳамо ўро Бахшитурк меномиданд.¹

Ҳофиз Кўйкий савдогардан форсчалаб сўради:

— Шу ерда истиқомат қиладими?

— Йўқ, унинг маконини ҳеч кимса билмайди. Бу ерга баъзан боши оғиб келиб қолади. Ўзи бсозор, ҳеч кимсага зиёни йўқ. Фақат гоҳ-гоҳ жазаваси кўзийди, холос. Ана, ана, тагин бошланди!

Бахшитурк уйқудан чўчиб уйғонгандек, сапчиб ўрнидан турди, қўлларини тўрт томонга тўлғаганча тасавуридаги ғанимга ваҳшат билан ўшқира кетди:

— Бари бир охири вой бўлур, ҳа! Билиб қўй, ҳа, охири вой! Умринг ўтиб кетар, тонгла маҳшарда юзинг қаро, ҳа! Мана, бу ой жумадул аввал, сўгин жумадул охир, сўгин ражаб, сўгин шаъбон, ундан сўгин рамазон, ундан сўгин шаввол! Ҳа, бари бир охири вой! Валлоҳу аълам биссабоб; тўқсон тўрт кундан сўгин рамазон ийди, бир юзу элик тўрт кундан сўгин кичик ийд, ҳа! Яна олтмиш уч кунда рўза келур, ҳа! Закот бердингми? Закот бермадингми? Бари бир охири вой! Яна саккиз ҳафтадан сўгин қиш, яна ўн уч ҳафтадан сўгин кўклам, йигирма етти ҳафтадан сўгин тагин ёз! Э гофил банда, умринг ҳам ўтар, совуқ гўрга кирарсан, илон-чаёнга емиш бўлиб, туфроққа қоришгайсан! Кулма, кулма, бир пул сўгин! Бир пул, ҳа, бари бир охири вой!.. Йўқол, дейман, йўқол, нега закот бердинг?!

¹ Бу бир девона одам. Ҳамма уни Бахшитурк дейди.

Чол бақира-бақира дарвозадан узоқлашди. Хирқироқ ово-зи энди олислардан эшитилар эди.

Ҳофиз Кўйкий девонанинг пойинтар-сойинтар сўзлари замиридаги оддий, аммо шафқатсиз ҳақиқатдан бениҳоя ҳайратга тушган эди. Унинг ҳисоб-китобларини хаёлан текшириб кўраркан, бу қадар аниқлигидан ғоят таажжубланди.

«Девона эмас,— деб ўйлади у.— Ҳаққа етган, холос...»

Бахшитурк саройдан анча узоқлаб кетди. Кетди-ю, ажаб-товур сўзлари, галати байтининг акс садоси Ҳофиз Кўйкий қулоғида қолди:

Моли вофир, эли кофир, йўл ёвуқ,
Шарқ сори гар йироқтур, ул ёвуқ...

* * *

Девони Бузург эрталабдан гавжум эди. Йўлакларда ясовул ва чопарлар, турли-туман арзгўйлар уймалашар, мулозимлар, мирзолар найча қилиб ўралган қоғозларни кўтарганча уёқдан-буёққа савлат тўкиб ўтишар эди.

Боғи Нурафшоннинг яшил қўйнида ярқираб турган оқ мрамар саройда Афғон, Ҳинд ва Бангола ўлкаларининг мутлақ ҳукмдори — кейинчалик европалик муаррихларнинг «фаромуш-хотирлиги» тўфайли тарих саҳифаларига «Буюк Мўғул империяси» деган мубҳам ном билан битилгувчи улкан салтанат соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо аркони давлат билан эрталабки машварат ўтказмоқда. У вилоятлардан келган турли номаларни кўздан кечириб, аъёнларга тегишли фармойишлар бериб бўлгач, мажлис аҳлидан мамлакатнинг ички аҳволига тааллуқли хабарларни тингламоққа киришди, сўнг Кобулдан келган чопар билан бир неча арзгўйларни қабул қилди.

Машварат ниҳоясига етай деб қолганда зарбоф тўни ёқасига заррин уқа тутилган барваста эшик оғаси кириб таъзим қилди:

— Олампаноҳ, Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий отлиғ бир зот ҳусни таважжуҳингизга мунтазир!

Бобур сергак тортиб, эшик оғасига қаради:

— Ким ул? Қайдин келибдир?

— Тошканддин, олампаноҳ. Сиз зоти шарифларини зиёрат этмоқ орзусида келибдир!

«Тошканддин?...»

Энди фақат тушларида кўрадиган, олисларда армон бўлиб қолган юртидан Бобурни кўпдан буён бирор кимса йўқлаб келмаган эди. Кўнгли алланечук тўлиб:

— Айтинг, кирсин!— деди. Сўнг Кўҳистон ва ҳинд жа-воҳирлари, асл афғон ёқутлари билан зийнатланган тахтдан туриб, ўз мавқеларига кўра тизилишиб жой олган аркони давлатга бир-бир разм солди. Йўғон гавдали, сийрак мўй Абулвоҳид Фориғийга кўзи тушгач:— Мавлоно Фориғий,— деди оҳиста,— бу зот ким бўлса экан? Сизнинг ҳеч эшитганингиз борми?

Абулвоҳид Фориғий дамқисма касалига мубтало эди, ўрнидан қўзғалиб, ҳансираганча сўз бошлади:

— Олампаноҳ, сизни йўқлагувчи бу зот Мовароун-наҳрнинг машҳур алломаларидан бўлур. «Кўйкий» тахаллус қилибдур, деб эшитганим бор. Тошкандда эканимда бир китобатини мутолаа қилиб эдим. «Рисола фи фани аттафсир ва-л усул ва-л фуруъ ва-л мантиқ ва-л калом»¹ деб ном бермишлар экан, шоён таҳсинга сазовор эди. Яна бир нима таснифлари ҳам бор, алалхусус, илми тарихда бееназирдур.

— Сиз Тошкандда суҳбат қурибми эдингиз?

— Йўқ, олампаноҳ, мен бисёр орзуманд бўлиб эдим, лекин, таассуфки, ҳамсуҳбатлиқ насиб этмаган эди. Сабабки, ул зот Тошканддин ўн йиғоч нарида, Фаркат отлиг бир кентда истиқомат тутган эканлар, фурсатим зиқ эди, мен у ерга боролмадим.

— Фаркатда?

— Ҳа, олампаноҳ, тоғнинг остидаги бир кент у. Бу зот асли жаннатосо Али Қушчининг набираси Камолиддиннинг ўғли бўлур, алар азалдан шу манзилда муқим бўлиб келурлар.

Абулвоҳид Фориғий яна алланарсаларни гапирар, аммо Бобур энди эшитмас — теран хаёлга чўмган эди. «Фаркат» деган сўз унга совуқ ёмғир савалаб турган изғиринли кунларни, кузак осмонида фавқулудда чақнаган чақмоқларни эслатди, умрининг рутубатли, ҳазин онларини ёдига солди. Ўша воқеаларга қанча бўлди экан? Ё раббий, йиғирма етти йил! Қарчиғайдек бир йигит умри! Ўшанда ёнида ҳамроҳу ҳамкор бўлганлардан кимлар бор? У турли-туман номларни эшлашга уринаркан, уларнинг бари бармоқ орасидан шувиллаб тўкилган қум сингари хотираси қатларидан бир-бир сирғалиб тушаётганини сездим. Нўён кўкалтош, Ғулда Қосимбек, Холдор, Миршоҳ қавчин, Қўчбек... Эвоҳ, қайда улар? Қаерларда? Барчаси энди «раҳматли»! Баъзилари шиддатли жангларда бошидан айрилди, баъзилари ғаним найран-

¹ «Тафсир, дин асослари, фикҳ, мантиқ ва дин ақидалари илми ҳақида рисола».

гига дучор бўлди, айримларининг умри қисқа экан, айримлари эса... хиёнат қилди... Оқибат, ўша кунлардан бу кун фақат аччиқ, маҳзуун хотиралар ёдгор, холос.

Бобур аламли ўйлардан эгилган бошини оҳиста кўтарди. Абулвоҳид Фориғий жимгина қўл қовуштириб турарди.

Эшик оғасининг ортидан адл, тик қоматли, одми тўн кийган, бодомқовоқ, юзлари шипинқираган, малла соқолли кўҳлиқ бир киши ичкари кириб, таъзим қилди:

— Етти иқлимнинг шамси анвори, зарофатлиқ подишоҳимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳазрати олийларига дуою эҳтиромларимиз бўлғай! Ассалом алайкум, олампаноҳ!

— Ваалайкум ассалом, хуш келибсиз,— деди Бобур илтифот билан меҳмонга жой кўрсатаркан.— Марҳамат, ўлтиринг. Зиёратингиз оллоҳ даргоҳида қабул бўлғай!

— Қуллуқ, олампаноҳ.

Бобурнинг илми ҳикмат устоди Шайх Зайн Садр фотиҳага қўл очди:

— Илоҳи омин, олампаноҳимизнинг умрларини узун, давлатларини зиёда қилсин, жумлаи мўминнинг кўнгиллари шод, охиратлари обод бўлсин!

Машварат аҳли «Омин!» дея гуриллаб фотиҳага қўшилди.

— Менинг бетакаллуф ташрифим олампаноҳга ғалати туюлар,— дея сўз бошлади Ҳофиз Кўйкий.— Мен бир оллоҳ қули, ишим йўл юрмоқ, дунё кезмоқ. Кўп мамлакатларда бўлдим. Турк, Миср, Бағдод, Лубнон, Дамашқ, Қашқар диёрларини кўрдим, ундаги эл-элат, юрт-улуснинг турмуш-юмушлари ила ошно ўлдим. Бу сафар эса она ватанингиздан, кўз очиб кўрган вилоятларингиздан сизларга кўпдан-кўп дуои саломлар келтирдим. Ота юртимизнинг табаррук ёди муборак хотирларидан кўтарилмаган бўлса керак...

— Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутгай?— деди Бобур оҳиста. Овози титрар эди.— Унутган кишининг кўзларига тириклайин туфроқ тўлмасми?

Аҳли мажлис мутаассир бўлиб, ўртага хийла вақт сукут чўкди.

— Ҳақ сўзни айтдингиз, олампаноҳ,— деди Ҳофиз Кўйкий.— Комил инсон киндик қони тўкилмиш юртни ҳаргиз унута олмас. Хотирингиз жам бўлсин, олампаноҳ, ул диёрларда муборак номингизни ҳануз ёд этурлар. Инчунин, сизга аталмиш бир омонатни топширмоқ менга қиёматлиғ қарз эди.— У қўйнидан нафис сахтиён муқовали китобини олиб, Бобурга авайлаб узатди.

Бобур андак таажжубланиб ўрнидан турди, китобни олиб, илк саҳифасини очди.

— «Насойим ул-муҳаббат»!— Бобурнинг кўзлари чақнаб кетди.— Мир Алишербекнинг табаррук битиклари-ку!

— Ҳа, олампаноҳ.

— Не чоғ гўзал санъат!— Бобур китобни завқ ва ардоқ билан кўздан кечирарди.— Ўзингиз китобат этдингизми, мавлоно? Хатлари бу қадар равшан, нафис...

— Йўқ, олампаноҳ. Мен билан бирга оллоҳнинг ғариб бир қули ҳам дийдорингизга орзуманд бўлиб йўлга отланиб эди. Минг бор таассуфки, етиб келмоқлик насиб этмади — йўлда шикаст топиб қазо қилди. Шул тортиқни сизга ҳада этмоқ умидида ихлос билан китобат қилган экан, етказмоқни мендан ўтиниб сўради.

— Э, оллои карим! Ким экан ул дўсти содиқ?— Бобур Мирзо олимнинг бу сўзларидан ғоят таъсирланган эди.

— Олампаноҳ, у йигитнинг номи Биноқул эди, диёнат ва идрокли бир муслим эди. Асли косиблик қиларди, каминадан бирмунча хат-савод ўрганиб эди. Балки хотирингизда бордир, отаси бир пайтлар черикингизга навкар бўлиб кирган экан?

Бобурнинг қошлари чимирилди:

— Қай вақт? Қайда?

— Бир муддат Фаркатда муқим турган экансиз, ўша кезлари чамаси.

— Ҳа-а... Ул кентда кўп мардона йигитлар черикка қўшилиб эди. Исми ким бўлса экан?

— Олампаноҳ, ҳамроҳим жон таслим қилаётиб отасининг исмини айтган эди: Бобоқул отлиғ бир одам экан, отасини Ўринқул дер эканлар.

— Эҳ-ҳа, Бобоқулми?— Бобур жонланиб бош ирғади.— Нечун хотиримда бўлмасин? Жасорати мумтоз навкарларимиздан эди. Ҳамроҳингиз шунинг зурёди эканми?

— Ҳа, олампаноҳ.

— Тангри раҳмат қилсин, падарига тортган экан-да, Бобоқул улуғ юракли йигит эди.

— Олампаноҳ, у... қазо этганми?

— Йўқ.— Бобур ғамгин бош чайқади.— Биз Ҳиндни олганда Бобоқул кўп мардликлар кўрсатиб эди. Уч-тўрт йил чамаси ўтгач, юртига қайтмоқ бўлиб биздан изн сўради. Тилагини ўринлатдик, бироқ тонгласи Понипатда Иброҳим Лўдий юз минг қўшин билан бош кўтарди. Бизнинг навкар ўнг мингнинг нари-берисида эди. Бизни бундоқ мушкул аҳволда қолдиргали кўзи қиймади чоғи, Бобоқул қанотимизга кириб Понипат сари юрди. Ўша чопқинда бошидан зарб еб,

хаёли хилий паришон бўлиб қолди. Не муолажа, дори-дармон бўлса, барини қилдирдик, ҳеч бир наф кўрмади. Сўнг саройдан бир ҳужра бериб, истиқоматидан хабардор бўлиб турадиган киши тайин этдик. Йўқ, бунда туролмади, бир оқшом эшитдимки, чиқиб кетган эмиш. Эндиликда кўча-кўйларда ҳамду сано айтиб юрадир, деб қулоғимга чалинадир...

— Шу кунлар яна Ограда пайдо бўлган эмиш,— дея сўз кўшди пойгақда ўтирган Бобурнинг хос мулозими Юсуфий.

«Яратган эгам ярлақаган экан сени, боёқиш Биноқул!» деб надомат билан кўнглидан ўтказди Ҳофиз Кўйкий.

— Хайр, майли, оллоҳнинг иродаси...— деди Бобур суҳбатга яқун ясагандек.— Бизга эҳтироми шу қадар устувор экан, энди биздан-ку қайтмас, халлоқи оламдан қайтсин. Мавлоно Абулбақо!

Кўркам соқолли, нуроний мўйсафид — шайхулислом Мавлоно Абулбақо ўрнидан турди:

— Лаббай, олампаноҳ?

— Эртан жума намозига фатво берингким, салтанатдаги барча масжидларда бандаи мўмин Биноқулнинг ҳақиқа хатм бағишлансин. Биз ҳам, иншооллоҳ, ғойибона садоқати учун арвоҳи покига беш вақт намоз узра тиловат қилурмиз.

— Бош устига, олампаноҳ!

Аъёнлар китобни навбатма-навбат ҳайрат ва завқ билан томоша қилиб бўлгач, Абулвоҳид Фориғий уни Бобурга узатди.

— «Насойим ул-муҳаббат!»— Бобур ҳамон китобга термилиб тўймас эди,— Муҳаббат насими келган юртга жон садқа бўлсин...

* * *

Ҳофиз Кўйкийни Боғи Нурафшоннинг кунчиқар тарафидаги хос ҳужралардан бирига жойлаштирдилар. Жазирама иссиқ ва қабул ташвишлари уни қаттиқ чарчатган эди, тушгача донг қотиб ухлади. Пешин намозидан сўнг, умрида илк дафъа кўриб тургани — нотаниш анвойи гуллар ял-ял ёнган салқин хиёбонда жаннатотиён қушларнинг ҳур наволарини завқ-шавққа тўлиб тинглаганча оҳиста кезиб юрди.

Оқшом тушиб, осмонда илк юлдузлар чарақлаган палла Юсуфий ҳужрага келиб, олампаноҳ уни йўқлаётганини хабар қилди.

Ҳофиз Кўйкий юз шамли муҳташам тилла қандиллар ёғдусига чўмган бўм-бўш саломхонага кириб борганда Бобур

тўрдаги кумуш лавҳ ортида барқут болишларга ёнбошлаганча мутолаага берилган эди. У Ҳофиз Кўйкийни хуш кайфият билан қарши олди. Олим лавҳ устидаги китобга аста разм соларкан, ўзи топширган тортиқни таниди. Бу фавқулудда ҳада туфайли Бобурнинг дилида қўзғалган ўша ботиний ҳаяжон, ўша ўтли таассурот ҳануз сўнмаган эди. У дўстона жилмайиб, сассиз бир ҳаракат билан меҳмонга жой кўрсатди, сўнг яна «Насойим ул-муҳаббат»нинг очиқ турган саҳифасига тикилди. Зум ўтмай, жимжит саломхонада шоҳнинг ўйчан, тиниқ овози янгради.

— «Биров алардин савол қилдиким, дарвишлик сизга маврусдир¹ ёки муктасаб?² Алар дедилар: тангри ҳукми била бу саодатқа мушарраф бўлдук,— дея кўнглига беҳад марғуб бўлган парчани ҳафти қироатнинг инжа товланишлари билан таъкидлади Бобур.— Дерларки, аларга ҳаргиз қул ва додак³ бўлмас эрмиш. Алардин бу маънида сўрабтурлар. Алар деб-турларки, қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!»

У китобдан нигоҳини узиб, қад ростлаб ўтирди, кунгираддор қандилга, унинг порлоқ ёғдусида зар сочиб ёнган нақшларга илк бор кўраётгандек хийла вақт термилиб қолди, ниҳоят, толгин бир товуш билан хаёлчан такрорлади:

— «Қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!»

Ва ўз саволига жавоб ахтарган каби, нигоҳи яна чароғон саҳифалар узра кеза кетди.

Ҳофиз Кўйкий ҳануз мунтазир қўл қовуштириб ўтираркан, ҳамсуҳбатининг улуғвор чеҳрасида лаҳза сайин тажассум топаётган турфа ҳисларнинг оний жилваларини, фикрнинг тутқич бермас шиддатини зўр диққат билан кузатар, улардан ўзича маъно топмоққа тиришар эди.

— Алишербек беназир зот эрди,— деди Бобур китобдан бош кўтариб. Қийиқ кўзларида ҳорғин қувонч учқунлари чақнар эди.— Ҳар дафъа ўқиб ҳайрат қиламенки, туркий тилда ҳеч ким ашъорни ул ҳазратдек кўп ва хўб айтқон эмас.

— Яхши китоб — киши руҳининг жон озиғи,— деди Ҳофиз Кўйкий уни қувватлаб.

— Ҳар қандай кишининг ҳам эмас,— дея бирдан эътироз билдирди Бобур.

— Албатта, олампаноҳ. Лекин яхши китобни ўқиган кишига ҳам яхшилик шарофати юқмоғи шубҳасиздир.

¹ М а в р у с — мерос.

² М у к т а с а б — касб.

³ Д о д а к — чўри.

— Ўқиганга юқмайди, мавлоно!— Бобур Мирзонинг қайсар қошлари мардона чимирилди.— Уққанга юқадир.

— Ҳақ сўз, олампаноҳ.

Орага оғир дам жимлик кирди.

— Олампаноҳ...— Ҳофиз Кўйкий шоҳга қимтинибгина мурожаат қилди.— Менинг қутлуғ ҳузурингизга келмоқдан мақсадим, аввало, сиз зоти шарифларини зиёрат этмоқ бўлса, сўнг шухрати етти иқлимга машҳур алломаларингиз билан танишмоқ, кутубхонангиздаги ноёб дурдоналардан баҳраманд бўлмоқлик умиди ҳамдир. Камина қулингиз не вақтлардан буён илми тарихга доир бир рисола битмак орзусида юра-дирман. Кутубхонангизда тиллога топилмас мўтабар китоблар бисёр, деб эшитаман. Агар зоти муборақлари ижозат этсалар...

Бобурнинг чеҳрасига таажжуб ифодаси қалқиди:

— Мавлоно Абулвоҳид Форигий сизни кўп улуг аллома деб таърифлаб эди, таассуф...

Ҳофиз Кўйкий кутилмаган бу гапдан гангиди, каловланиб бошини кўтарди:

— Олампаноҳ...

— Ниятингиз холис эканига шубҳа йўқ, мавлоно, бироқ...— Бобур суҳбатдошини аягандек, бир зум тараддуланиб қолди,— бироқ илм кўйида ўзларини бозордан олиб бозорга солгувчи алломаларнинг алломаликлари менга ҳар вақт кулгили ва қалбаки туюлур!

Олим дув қизарди, ўрнидан оғир қўзғалиб қўйди: ер ёрилса киргудек ҳоли бор эди, аммо ер ёрилмади!

У сўнгги журъатини тўплаб, ҳаяжон ичра изоҳга оғиз чоғлади:

— Олампаноҳ менинг тилагимни янглиш англадилар чоғи...

— Сизни ранжитмоқ мақсадим йўқ эди,— деди Бобур кулимсираб.— Фақат сўз ўрни учун айтдим, холос. Зеро умрим мобайнида қалбаки тангалардан кўра қалбаки алломаларни кўпроқ учратдим. Аларнинг ҳақ ва маърифат номидан сўйлаган ёлғонлари мени муттасил ғазабга солди, имконим етган чоғларда ундай бетавфиқларнинг барчасини оғир жазоларга мустаҳиқ этдим. Имоним комилки, бу қилмишим қодири ламязалга ҳам хуш келгай!— Бобур, товушининг алланечук кескин пардаларда янграб кетганини сизди шекилли, хиёл тин олиб, вазмин оҳангда сўзлай бошлади.— Раҳматли падари бузургворим айтур эдилар: жаннатмакон имом Муҳаммад Ғаззолий ҳазратлари Бағдод мадрасасида таҳсилни тугаллаб, карвон билан ўз юртларига қайтар эканлар. Йўлда

қарвонни қароқчи босибдир. Қароқчилар савдогарларнинг мол-мулкларини тортиб олибдилар. Ҳазрати имом қароқчи-бошига рўбарў бўлиб арз этибдилар: «Мен бир толиби илм-ман, на олтин, на кумушим бор. Бор буд-шудим икки сандиқ китоб эрди, одамларинг тортиб олдилар. Эй марҳаматлиг сардор, амр этким, китобларимни қайтариб берсинлар. Бари бир аларнинг сенга ҳам, йигитларингга ҳам ҳеч нафи йўқдир». Қароқчибоши қаҳрга миниб сўроққа тутибдир: «Хўш, алардин сенга не наф бор?» Имом ҳазратлари бениҳоя таажжубга қолиб: «Нечун наф етмасин?— деб жавоб берибдилар.— Ахир, бу менинг ўн йил мусофирликда риёзат чекиб ортирган илмларим-ку!» «Сен ўзингни олим санайсанми?» дебди қароқчибоши. «Оллоҳнинг инояти билан...» дебдилар имом ҳазратлари. «Йўқ, сен олим эмассан!— дебди қароқчибоши.— Чиндан ҳам фозил бир кимса бўлсанг эрди, китобларинг буткул йўқолса-да, парвойингга келтирмаган бўлур эдинг. Чин олим кишининг илми сандиқда эмас, юрагида бўлур, уқдингми?» Қароқчибоши шундай дея имом ҳазратларига марҳамат кўрсатиб, сандиқларини қайтариб беришни амр этибдир. Ул зоти шарифга ваҳший бир қароқчининг бу янглиғ маломат-миннатлари ғоят оғир ботибдир. Йўлнинг қоқ ўртасидан ортга — Бағдодга қараб қайтибдилар. Қайтадан мадрасага кириб, ўшал икки сандиқ китобни хатми кутуб қилиб чиқибдилар ва барча эгаллаган илмларини юрак ва кўнгилнинг қатларига жо қилиб олгунларига қадар мадраса остонасини тарк этмабдилар. Шундан сўнг имом ҳазратлари ҳаргиз китобга қарамабдилар: илм ул зоти бобаракотнинг қалб чаманида яшнай бошлабдир.

Ҳофиз Кўйкий бутун вужуди қулоқ бўлиб тингларди.

— Оқибатда имом ҳазратлари илмда шундоғ улуғ мартабага етибдиларким, кишилар: «Агар бу ёруғ оламдан Қуръони шариф йўқолгудек бўлса, имом Муҳаммад Ғаззолий қайта тиклаб берадир», дейдиган бўлибдилар,— дея сўзини тугатди Бобур ва олимга синовчан тикилди.

Олим ич-ичидан эътироф чекар, унинг сўзлари ҳақ эканини чин дилдан эътироф этса-да, ўзга бир фикр хаёлидан кетмас эди: «Қилич сиққан қинга қалам сиғмас экан-да...» Юрагининг тубидан эътироз ғалаёни тошиб келса ҳамки, бошини қуйи солиб, тасдиқ аломати билан чекланмоққа тиришди:

— Кўп ибратомуз ривоят экан, олампаноҳ.

Бобур шаҳодат бармоғи билан кумуш лавҳни аста чертанганча ҳамон саволомуз тикилиб турарди:

— Хўш, мавлоно?

— Олампаноҳ...— Ҳофиз Кўйкийнинг манглайдаги чиқиқлар янада чуқур тортиди, мулоҳаза юки елкаларидан харсангтош бўлиб босди, андиша тиғи тилига кўндаланг келди — қийналди, аммо бари бир... чидаёлмади:— Шаккок қулингизни маъзур тутинг, олампаноҳ, бироқ, таассуфки, сизни ҳам кўп донишпарвар зот, илм-маърифатнинг чин ҳомийси, деб таърифлаб эдилар!

Олимнинг кўксини тўлдирган безовта оғриқ бирдан тинди, сўнг ўртага чўмган қалтис сукунат ичра, бутун вужудини ларзага солиб гурсиллаётган юрагининг дупури яққол эшитила бошлади.

Ва баногоҳ... даргазаб фармон ўрнига момақалдироқдек қаққақа янгради. Ҳофиз Кўйкий қулоқларига ишонмай бошини базўр кўтарди-ю, кўзларига ҳам ишонмай қолди: шоҳнинг юзиде табассум балқирди!

— Боракалло, мавлоно!— деди Бобур кўзларига қалққан ёш томчиларини артиб.— Дов юракли кимса экансиз! Асли бу истеҳзоларни сизни бир синаб кўрмоқ йўлига айтиб эдик. Эътиқодингиз шаъни учун, анинг поклиги учун бизнинг на савлатимизни, на давлатимизни истиҳола этдингиз! Билсангиз, шу чоққа қадар камдан-кам одам бизнинг бу йўсин даъволаримизга эътироз айтган. Аксинча, бундай дамлар аксарият киши йўқ гуноҳларига ҳам иқроор бўлиб, тавба-тазарруга зўр берадур. Тасанно, журъатингизга, мавлоно! Чин фозил инсон асли шундай бўлмоғи лозим. Зеро, одамизот иймонининг барқарорлиги аввало унинг не чоғ мард ва ҳақгўй экани билан ўлчанур. Бизни қора тортиб шундоғ жойлардан заҳмат чекиб келибсиз, наинки, муруватимизни дариг тутсак!

Ҳофиз Кўйкий бори-борлиги ҳаяжондан титраб, қуллуқ қилди.

— Бизнинг ҳузуримизга не-не муҳтарам зотлар ганжу давлат тилаб, рутбаю унвон тилаб қадамранжида қилдилар,— дея сўзида давом этди Бобур.— Лекин шу вақтгача китоб излаб, маърифат истаб келган бир кимсани кўрганимиз йўқ эди. Шукур тангригаким, алҳол иноят айлаб, зориқиб кўз тутган кишимизнинг дийдорига етиштирди. Ҳар қандоғ ноёб китобимиз бўлса, сиздан айлансин... Дарвоқе, рисолангиз нима хусусда?

— Олампаноҳ, не вақтларки Чингизхон ва унинг оли¹ ҳақида бир рисола битмак орзуси кўнглимга ором бермай

¹ Оли —авлоди.

келадир. Маълумингизким, бу улуг-салтанат эди, анинг такомил ва тараққиёти ҳам, таназзулу инқирузи ҳам мени бирдек ҳаяжонга соладир. Алалхусус, Чингизхон зурёдларининг тақдири, жорий этган тартиб ва қонунлари, давлатни идора этмак усуллари... Муқояса ибратига сизнинг мамлакатдорлик сиёсатингизни ҳам бир сидра назардан кечирмоқ умидидамен.

Бобур унинг сўзларини диққат бериб эшитди.

— Ғоят мушкул юмушга қўл урибсиз, мавлоно,— деди у.— Хайр, оллоқ мадад берсин, йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин. Илло бу бебақо дунёда фақат ҳақ сўз боқий қолур. Қасрлар емирилур, салтанатлар тўзар, асьасаю даб-дабалар йитар... Ёруғ жаҳонда қирқ саккиз йил умргузаронлик қилиб англаган ягона ҳақиқатим шу, мавлоно. Шундай машаққатли бир ишни уҳдангизга олган экансиз, имконимиз етган кўмакни бермоқ биз учун фарзул вожибдур. Марҳамат, хонадонимизнинг ҳам, кутубхонамизнинг ҳам тўри сизники. Фаҳми ожизимча, мутолаани Баҳоваддин Муҳаммад Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгушой»¹ китобидан бошласангиз чакки бўлмас.

Ҳофиз Кўйкийнинг кўзлари чақнаб кетди:

— Мен ул муборак зотнинг бу табаррук асарини не вақтлардан буён излайман, олампаноҳ!

— Хайр, неки излаганингиз бўлса, топмоққа биз балогардон,— дея кулимсиради Бобур.— Валекин, бизнинг салтанат хусусида бирор нима демоқдан ожизман. Мавлоно, бу сиз ҳавас қилгудек барқарор салтанат бўлмоғига кўзим етмайди. Бу зарурат туфайлидан пароканда элатларининг боши қовуштирилган бир вилоят, холос. Умид қиламенки, сўзларимни камтарликка йўймагайсиз. Зеро, зукко муаррихсиз, барчага эрса-да, сизга махфий эмаским, қон дарёси узра қурилган салтанатнинг замини ҳамиша омонат бўлур!..

Улкан сарой сув қуйгандек жимжит эди.

— Сизни менга худо еткурди,— деди Бобур.— Мен ҳам бошимдан кечмиш воқеаларни қоғозга тушириб, тартиб бермак орзусида эдим. Баъзи ниҳояга етган саҳифалар бор, на-сиб этса, ўқиб кенгашурмиз.

— Бош устига, олампаноҳ. Бу азиматингизни тангри тало муборак қилсин!

— Иншооллоҳ.

¹ «Жаҳонгирлар тарихи».

— Шул олижаноб мақсадингиз кўнгилдагидек ўринланса, кўп улуг иш бўлур эди. Қандоқ ном билан агамоққа қарор бердингиз, олампаноҳ?

— Номи?— Бобур икки-уч дақиқа ўйланиб қолди, сўнг узил-кесил бир тарзда:— Номи «Воқеоти Бобур» бўлур,— деди.

— Маъқул, олампаноҳ.

— Сиз йўлдан ҳориб келгансиз,— деди Бобур,— толиқмадингизми?

— Йўқ, йўқ, олампаноҳ.

— Ҳа-а... Тошканддан қачон чиқиб эдингиз? Эл-улус, раиятнинг кайфияти нечук? — Бобур кутилмаганда суҳбат мавзуини ўзгартирди. — Фаркатда истиқомат қилурми эдингиз?

— Ҳа, олампаноҳ.

— Самарқанддан қувилиб, Андижондан айрилган саргардон кунларим ул манзилда бир муддат туриб эдим,— дея Бобур хаёлчан сўзларкан, туйқусдан товуши ҳайратомуз оҳанг касб этди.— Ёдимда, бир оқшом бир юзу ўн олтига қирган кампирнинг кулбасида ёмғирдан жон сақлаб эдим. Кўп умр топқон табаррук кампир эди. Бир оғаси соҳибқирон Темурбек замонасида черикка қўшилган экан, муттасил шунни айтиб сўйлар эди. Оғасини «Ҳиндистонда ўлган», деб эди. Манглайимга битмиш ғаройиб савдони кўрингким, бу кун ўшал кўҳна кампирнинг тилидан тушмаган етти ёт юртда ўлтириб уни эслаётирман... Ҳа-а... Сиз бунга қай йўл билан келдингиз? Хўрмузданми?

— Йўқ, олампаноҳ. Олой ва Қоратегиндан ошиб, Масчоҳ кентига ўтдик, андин Обигарм ёқалаб, Ҳисор водийсига тушдик.

Бобур сергак торғди:

— Масчоҳ?! Ғалат! Йўқса, Обибурдондан ҳам ўтган чиқарсиз?

— Ҳа, олампаноҳ.

— Ё қудратингдан!— дея хитоб қилди Бобур.— Ахир, биз бир пайтлар Кобил сари отланганда худди шундоғ йўл тутмиш эдик! Сиз эса, букун гўё билгандек, ортимиздан изма-из юриб келибсиз. Во ажаб! Обибурдондан ошган чоғимиз бир чашма лабида тўхтаб эдик. Шу чашма ёқасида бир тошга байт ҳам ёздириб эдим. Баногоҳ кўзингиз тушгани йўқми?

Олим афсусланиб бош чайқади:

— Ҳеч, олампаноҳ... Не байт эди ўзи?

— Ҳануз хотиримдан ўчган эмас,— деди Бобур.— Жонфизо байтлар эди:

Шунидам ки, Жамшиди фаррух сиришт,
Ба сарчашмае бар санге навишт:
«Бар ин чашма чун мо бaсе дам задаңд,
Бирафтанд чун чашм бархам задаңд...»

Бобур мирзо қаттиқ ҳайратга тушган эди. Аммо чинакам ҳайратангиз ишлар кейинчалик — орадан асрлар ўтгач содир бўлиб, орадан асрлар ўтгач ошкор бўлажagini у мутлақо билмас эди.

...Минг тўққиз юз эллик учинчи йили археологик экспедиция Обибурдон қишлоғидан Бобур байт ёздирган ўша харсангтошни топади. «Бобурнома»да қайд этилган тафсилот далили шу йўсин қўлга киритилади. Лекин энг ҳайратланарли нуқта шундаки, қиссамиз қаҳрамонидан уч аср муқаддам яшаб ўтган шоирлар шоҳи — Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг жонбаста каломидан вужудга келган ва хушнаво шоир Мирзо Бобур, кўнглигагина эмас, балки чўнг харсангга ҳам нақш эттириб абадиёт бағишлашга интилган бу байтлар, орадан уч аср ўтгач, яна бир буюк оташнафас шоир — «рус шеърятининг кўёши» Александр Пушкиннинг ҳам юрагига титратма солади: «Боқчасарой фаввораси»га айнан шу байтлар эпиграф қилиб олинади!

Бир-бирига ғойибона талпинган буюк қалблар ана шундай ғойибона дийдор кўришадилар. Бир-биридан асрлар оша, миллатлар, тил ва мазҳаблар оша айри яшаган уч даҳо шоирнинг сўнмас нафаси бу байтларнинг мўъжизакор қудрати туфайли шу тариха улуғвор сир, тенгсиз сеҳр касб этади. Вақтнинг қаттол, бешафқат еллари турфа замонлар қаърига совурган уларнинг жисму жони Шеърят диёрининг боқий бағрида ягона ватан топади...

Бу ҳаёт чашмаси қошига биз каби жуда кўп кишилар келдилар, тириклик нашъасига гарқ бўлиб, ўлтирдилар, сўнг бир-бир абадий йўқлик сари кетдилар.

Букун чашма лабида биз завқу сафога тўлиб ўлтирибмиз.

Биздан аввал ўтганларнинг барчаси кетди.

Биздан кейин келгувчиларнинг ҳам барчаси кетажак.

Бизнинг ҳам азалий қисматимиз шу.

Ҳаммамиз кетурмиз — истисносиз, истигносиз. Бу чашма қошида на жисмимиз, на руҳимиз собит қолур. Фақат, қачондир, қайдадир ўртанган юракнинг ўртанган тили билан

¹ Эшитдимки, қутлуғ табиатли Жамшид бир булоқ бошида тошга шундай деб ёздирибди: «Бу чашма қошига кўплар биз каби келиб ўлтирдилар, биз каби кетдилар ва йўқ бўлдилар».

бир ҳақ сўз айта олган бўлсак, ёлғиз шу сўзгина замонлар суронига бўй бермай, асрлар оша, миллатлар, тил ва мазҳаблар оша ҳаққа ташна, ўртанган бир юракка етиб бормоғи эҳтимол...

Қайда у — ўша Ўлмас сўз?..

* * *

Ҳофиз Кўйкий Бобурнинг рағбати туфайли зўр ҳавас ва иштиёқ билан ишга киришди. Олимнинг бошдан кечирмиш уқубатлари шоҳ кутубхонасининг остонасидан ичкари ҳатлаши биланоқ буткул унут бўлди. У кўҳна қўлёзмаларнинг сарғайган саҳифаларини кўз нури ва юрак қони билан мунаввар этиб, тарихнинг унутилган, чалкаш сўқмоқлари орасидан Ҳақиқат водийси сари элтувчи чағир тошли ягона йўлни излашга тушди...

Бобур илк учрашувдаёқ мусофир аллома сиймосида ота юртдан дуои салом келтирган меҳмонни эмас, балки улкан тафаккур соҳибини кўрди, аҳли дониш билан суҳбатни ҳар қандай вақтичоғлиқдан афзал билгани сабабли, уни ҳар оқшом ҳузурига чорлаб, дўстона иззат-икром ва лутф-карамлар кўрсата бошлади. Ҳофиз Кўйкий суҳбат асноси буюк ҳукмдор қаршисида ўтирганини деярли унутиб қўярди: Бобур Мирзонинг теран салоҳияти, фавқулодда тиниқ ҳофизаси, фикридаги мантиқ қудрати унга умрини ёлғиз илму фанга бахш этган, мубоҳасада беназир нуроний алломани эслатар эди...

* * *

Тун. Олам фароғат оғушига чўмган. Сарой этагидаги қатор хос ҳужралардан бирининг даричасида милтиллаётган танҳо чироқ шуъласигина поёнсиз зулмат салтанатига таҳдид солади.

Елкасига енгсиз жубба ташлаган Ҳофиз Кўйкий мутолаадан толган кўзларини бир зум қоғоздан узиб, аста деворга суянди. Манглайини сийпаганча даричадан ташқарига тикилди. Осмоннинг кафтдек бурчи оқариб кўринарди.

Кеча оқшом суҳбат боқеъ бўлгач, Бобур унга бир жуъз қоғоз узатиб, секин кулимсиради.

— «Воқеот»ми, олампаноҳ?

— «Воқеот».

«Воқеот»нинг қудратли сеҳри Ҳофиз Кўйкийнинг ақлу ҳушини тамоман мафтун этган эди. Бобурнинг улугвор, шав-

катли сиймоси олимнинг кўз ўнгида сатрма-сатр юксалиб борарди.

Унинг нигоҳи яна қоғоз бетида кезишга тушди.

«Фаргонанинг жануби тарафидаги қасабалардан бири Андижондурким, васатга воқеъ бўлубтур,— деб ёзарди Бобур соғинчдан ўртаниб.— Андижон эли турктур. Шаҳр ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Анинг учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирийда нашъу намо топибдур, бу тил биладур...»

Осуда, оромбахш тун. Бесар ой кўкдан маъюс термилади. Боғда мастона ҳидлар гуркирайди. Юрак аллақандай исмсиз туйғулардан оҳиста орзиқади. Олим мижжаларини юмган кўйи ана шу исмсиз туйғуга исм топмоққа тиришади: нима бу — соғинчми, андуҳми, ҳасратми? Балки ушбу гўзал лаҳзаларнинг энди асло такрор бўлмаслигини, дақиқалар ҳосиласи — умрнинг бебақолигини яна бир карра англагани туфайли кўнгил пинҳоний изтиробда сирқираётгандир?

Олим хўрсиниб қўйди, қалам оқ қоғоз узра шодон югура бошлади:

«...Кўп вақт ҳазратнинг файзиёб суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, ушмундоқ ғариб ҳолни фаҳм этдимки, ҳазрат соҳибқирон Амир Темура Кўрагоний ва жаннатмакон Мир Алишерга бирдек улугъ эътиمود боғлагон эдилар, аларнинг қутлуғ номларини ҳаргиз тилдан қўймасдилар. Ҳазрати Мир ҳаётлигида дийдор насиб этмаганини муттасил таассуф била сўйлар эдилар...»

У қаламни лавҳнинг бир четига қўйиб, ўйга толди. Сурунли замонларнинг шиддатвор тўлқинларида саросар сурунган, ўз дилига беҳад яқин бу икки буюк зот — Мир Алишер Навоий ва Заҳрийддин Муҳаммад Бобур ҳақида ўйлаб кетди.

...Ҳаёт уларнинг дийдор кўришувини хуш кўрмаган эди. Улар то тирик эканлар, бир-бирлари сари мислсиз ихлос ва иштиёқ билан талпиндилар. Иккисининг ҳам қалбида бир-бирига айтилиши шарт ва муқаррар бўлган жуда кўп гаплар пинҳон қолди.

Ва фақат ўлим, шафқатсиз, одил ўлимгина уларни дафъатан яқинлаштиради — улар ягона бир замин тупроғида, бир-бирларидан бор-йўғи юз эллик чақирим масофа нарида, бир-бирларидан буткул беҳабар мангу маскан ва фароғат топадилар, уларнинг боқий ва мардона руҳи юлдузларга тўлган ягона осмон остида беором кеза бошлайди.

Юз эллик чақирим!.. Ёвқур, ўктам чавандоз бу масофани учқур тулпорда икки кечаю кундузда босиб ўтмоғи тайин.

Аммо орадан асрлар ўтса ҳамки, улар шу манзилга абадиян мутеъ бўлиб қолаверадилар, бир-бирларининг истиқболларига ҳеч вақт пешвоз чиқа олмайдилар ва қалбларидаги бир-бирларига айтилиши шарт ва муқаррар бўлган жуда кўп гапларни ҳеч қачон айта олмайдилар...

Бироқ Ҳофиз Кўйкий — Мовароуннаҳрнинг зукко аллома-си, қисматнинг бу турфа савдоларидан ҳали мутлақ беҳабар эди. Ногаҳоний, нотаниш бир ғалаён олимнинг кўксини туйқусдан ҳаяжонга тўлдирди. Шу лаҳза Бобурни кўргиси, дилидаги ғаройиб туйғулар ҳақида унга сўзлагиси келди, қалбини чуллаган ва ўзи ҳам англаб етмаган бу ғалати ҳисларни фақат шу закий зотгина тушуна олишига чин юракдан ишонди.

Аммо бу айни пайтда рўёбга чиқмоғи мушкул бир истак эди. Бу вақтда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо улкан салтанатнинг улкан ташвишлари билан мамлакатнинг жанубий вилоятларида икки кундирки, беҳаловат кезиб юрарди.

Олим ўрнидан енгил қўзғалиб ташқари чиқди, айвоннинг нақшинкор устунига суянганча нимтатир оқиш тусга кира бошлаган машриқ томон тикилган кўйи сас-садосиз туриб қолди.

Тонг яқин эди. Ҳофиз Кўйкий Ҳиндистон тупроғида бедор қарши олаётган ўн иккинчи тонг ёришиб келарди.

* * *

Боғи Нурафшон — ер юзининг жаннати — сирли фароғат ва шукуҳга тўлиб шовиллайди.

Ҳофиз Кўйкий бу дилкаш масканга биринчи кунданоқ қизғин меҳр қўйди. У кун бўйи гоҳ кутубхонада, гоҳ ҳужрасида мутолаадан бош кўтармай ўтиради, оқшом тушиб, қош қорая бошлагач, адоқсиз боғ саҳнида хаёлкаш кезиб, ҳорғинликни буткул унутади.

Шундай оқшомларнинг бирида у Бобур Мирзога дуч келиб қолди.

Боғ этагида, азим шамшод ва дафна дарахтлари орасида қад кўтарган муаззам тоқи равоқда Бобур ёлғиз ўлтирар эди. Умрининг сўнгги йилларида у саройдаги хушчақчақ сурон билан тўла базму томошалардан совиган, жон олгувчи ҳинд раққосаларнинг ситамкор ишвалари ҳам, булбулигўё шоирларнинг шон-шухрат кўйида ўртаниб айтгувчи дилрабо байтлари ҳам энди кўнглига завқ бағишламас эди. У кўп вақтини кўздан йироқ, хилват шу тоқи равоқда танҳо ўтказар, аҳён-аҳён, ҳуши келган чоғлардагина Юсуфийни чақириб, чоғир

бююар эди. Бундай пайтларда Боғи Нурафшонга теран сукунат чўқар, олампаноҳнинг дардманд, мискин кайфиятини сезган сарой аҳли, мулозимлар ун чиқармасликка тиришар эдилар.

Ҳофиз Кўйкий Бобурни қаттиқ хаёл оғушида кўриб, секин изига қайтмоқчи бўлди. У қизғиш қум сепилган йўлқадан мўъжаз хиёбонга бурилганида, ортидан Бобурнинг:

— Мавлоно, марҳамат қилгайлар!— деган сархуш овози эшитилди.

Тоқи равоқда, қизил сандал оғочидан ишланган пастак хонтахта устидаги олгин баркашда мунаққаш кўзачалар, нафис чинни пиёлалар тизилиб турар эди. Ҳофиз Кўйкий оҳишта таъзим қилиб, пойгакка тиз чўқди.

— Истироҳатму?— Бобур кўзларини қисганча кулимсираб унга қаради.

— Ҳа, олампаноҳ, бу кун оқшом гоят латиф....

— Ҳа-ҳа...— Бобур бош ирғади.— Латиф, латиф...

Хийла вақт сўзсиз-садосиз қолдилар. Қуёш боғ ортида жимирлаб оқаётган Жамна сувига зар кокилларини ювмоқда эди. Ниҳоят, Бобур интиҳосиздек туюлган жимликни бузиб:

— Ўшнинг оқшомлари ҳам кўп сўлим, тароватли бўлур,— деди.

Ҳофиз Кўйкий бош ирғаб қўйди.

— Бу оламда мен кезмаган юрт кам қолди,— деб давом этди Бобур ўйчан оҳангда.— Не-не гўзал масканларни забт этмадим! Лекин ҳеч қайда Ўшдек латофатлиг бир вилоятни кўрмадим...

У хаёлга чўмганча тагин жим бўлиб қолди.

— У ерда бир устувор тоғ бор, Бароққўҳ дерлар. Мен Ўшни олганимда — тарих тўққиз юз иккида — тангри таоло инояти билан ушбу тоғнинг тумшугида бир айвонлиқ ҳужра солдим... Тамом шаҳр ва маҳаллот оёқ остида эди. Ҳануз ўша ҳужра кўз ўнгимдан кетмайдир. Айниқса, шу кунлар... Қани эди, инон-ихтиёрим ўзимда бўлсаю беш кунлик гуноҳкор умрнинг қолганини ўша ҳужрада ўтқарсам!— дея туйқусдан шивирлади Бобур.

Ҳофиз Кўйкий унга ҳайроналик билан қаради. Бобур гўё суҳбатдошини унутгандек паришон ўлтирар эди.

— Минг таассуфки, дард бор, дармон йўқ.— У оғир тин олди.— Салтанат шундай бир тилсим эканки, мавлоно, уни қўлда тутмоқ учун киши аввало қўлидаги инон-ихтиёридан халос бўлмоғи лозим экан...

Ҳофиз Кўйкий нима деярини билмай қолди.

— Мени «соҳибқирон», «етти иқлимнинг шамси анвори», «шаҳаншоҳи олам», деб кўкларга кўтардилар,— дея ҳасратли товуш билан сўзларди Бобур.— Лекин бирор кимса билмайдики, мен ҳам асли шу ёғоч тахтга қарамман, мана шу ялтироқ тожга қулман... Илло, ҳар бир банда фақат оллоҳгагина қул эмас.

Олим бирдан қизаринди. Ахир, у ҳам Бобурни неча дафъа такрор ва такрор айни ўша сўзлар билан мадҳ этмаганмиди? Лекин азал-абад шундай бўлгач, унда не ихтиёр? Чиндан-да, мушкул муаммо бу: ахир ҳукмдорни инсон инсонни атаганидек, «биродар» ёхуд «оға», ёхуд «ини» деб атаб бўлмаса!..

Демак, бу сўзларни у ҳар сафар ботиний истехзо ва ижирганиш билан тинглар экан-да...

Ҳофиз Кўйкий ҳиндлар Бобурга «қаландар шоҳ» дея ном берганликлари бежиз эмаслигини дафъатан англади.

— У юртлар энди бизга ҳаром...— Бобур қўлидаги пиёладан пайдар-пай бода сипқарарди.— Олманинг сархилини қурт ермиш. Юрт бузғувчи, бадфеъл, бойқуш шоҳларга қолди у вилоятлар... Аларнинг ақли бошидаги тожидан ҳаргиз ташқари чиқмағай. Йўқса, бирининг этини бири еб, юртини ганимга берармиди?

Олимнинг вужудига симобдек титроқ югурди. «Аларнинг ақли бошидаги тожидан ҳаргиз ташқари чиқмағай...» Бобурнинг сармаст, аммо маънодор бу сўзлари унинг юрагида илҳом ўтини ёқди — шу бир жумла не вақтдан буён тўхтаб ётган асарига нажотбахш кўприк бўлиб тушуви муқаррар эди...

У олампаноҳдан тезроқ ижозат олиб қўзғалиш истагида ўртана бошлади.

Яна сукунат чўқди. Ҳофиз Кўйкий на бу осойишта, дилбар сукунатни, на ўйга толган Бобурнинг хаёлини бузишга журъат этарди.

Бобур ботиб бораётган қуёшдан кўз узмай ўтираркан, бир пайт алланарса ёдига тушган каби эшитилар-эшитилмас шивирлади:

— Моли вофир, эли кофир, йўл ёвуқ...

Ҳофиз Кўйкий бирдан сергак тортиб, Бобурга ялт этиб боқди.

— Шарқ сори гар йироқтур, ул ёвуқ,— дея бош чайқади Бобур ва жимиб қолди.

Ҳофиз Кўйкий лол қотган эди: карвонсарой, Бахшитурк, чоғир...

У фикрини йиғиб, нимадир дейишга оғиз чоғлади-ю, богинолмади: суҳбатдошининг қиёфасидаги ҳоргин изтиробни кўриб, ҳозир ҳар қандай сўз ортиқча эканини пайқади.

— Мавлоно...— Бобур туйқусдан унга ўтирилди.— Сиз кўп мушкулотларни кечирган соҳиби ақлсиз. Мен сиздан яна бир сўроқ сўрасам майлими?

— Бош устига...— Олимнинг бирдан тили тутилди, сўнг журъатсизгина:— Бош устига, олампаҳоқ,— деди.

— Мана, сиз... Йўқ, оллоҳнинг ҳар бандаси гоҳ худ, гоҳ беҳуд тушлар кўрур. Тушда кишига кўп биликсиз нарсалар аён бўлгусидир. Шундай эмасми, мавлоно? Аммо менинг... Не вақтларким, мен муттасил бир туш кўриб мазмунини англамоқдин ожизман. Тунлар баъзан яккаш бир йўсин манзара намоеън бўлур, ўша Фаркатда кўрганим — тошқин сой ҳудудсиз бир денгиз каби айқириб ётади. Сув бетини юпқа муз босган. Қўлимда асо, муз узра шитоб ила қайгадир елиб бораман. Ҳар қадам қўйганимда оёғим остида муз қирс-қирс ушалар, муз ҳар қисирлаганда юрагим қалқиб-қалқиб кетар... На денгизнинг поёни бор, на йўлимнинг, ваҳм ичра қаро терга ботиб тентиб юраман. Саҳар чоғи ҳушим бошимдан учиб, не вақт ҳайронуну паришон ўлтираман. Сўнг аркони давлат, мунажжимлардан таъбир сўрайман. «Олампаҳоқ, муборак назарингиз тушган ул канора, иншооллоҳ, саодат соҳили бўлур», дейдилар...

Мағрибдан шамол турди. Гулларнинг боши эгилди. Қуёшнинг сўнги жилваси тоқи равоқнинг гулгун нақшларини яллиғлантирди.

— Саодат соҳили!— Бобур ёниқ бир хўрсиниш билан хитоб қилди.— Қайда у? Қай бахтиёр кимса унга етибдир?

Ҳофиз Кўйкий ҳануз сомеъ бўлиб ўтираркан, лаблари беихтиёр шивирлади: «Дарҳақиқат, қайда у? Бу рубий маскунда саодат истаган банда ҳеч вақт унинг чин дийдорига эришурмикан? Дунёни зир титратган жаҳонгирки унга етмаган экан...»

— Кўп алломалардан, уламои киромлардан сўроқладим: «Қайда у?» Кўнгил тингудек бир жавоб топмадим,— дея давом этди Бобур.— Гоҳ айтдиларки, у чоғир денгизининг қирғоғида, гоҳ дедиларки, маърифат дарёсининг канорасида... Гоҳ эса уқтирдиларки, савоб уммонининг сарҳадларида...

Ҳофиз Кўйкий дилидаги гап тилига қай йўсин қалқиб чиққанини билмай қолди:

— Саодат соҳили — ватанда, олампаҳоқ...

Бобур бирдан ялт этиб қаради. Шоҳнинг сарҳуш кўзларида ногоҳ ўкинч кўланкаси пайдо бўлганини кўриб, Ҳофиз Кўйкий гайришуурий тарзда унинг дилидаги битмас жароҳатга тиг торганини пайқади-ю, хижолат чскиб, ерга тикилди.

Уфқ қуёшни ўз бағрига дафн этди. Булутларнинг кўкси қонга тўлди. Олисдаги тоғлар унсиз фарёд чскди.

Ёруғ оламда бу фарёдни муаззам тоқи равоқда ўз хаёл-ларига ғарқ бўлиб ўтирган икки кишидан бўлак бирор кимса эшитмади...

* * *

Эртаси оқшом Бобур уни одатдагидек яна ҳузурига чорлади. Бу кун унинг кайфи чоғ кўринар, кечаги маҳзун ўйларидан асар ҳам сезилмас эди. У фикҳнинг баъзи бир масалалари юзасидан олимдан фикр сўради, сўнг «Воқсоти Бобур»нинг янги саҳифалари хусусида сўз очди.

Вақт шомга яқинлашганда, йирик лашкарбошиларидан бири — амир Султон Муҳаммад Дўлдой кириб бош эгди:

— Олампаноҳ, шаҳнатун нажаф Ҳумоюн Мирзодин чопар келди!

— Хўш?— Бобур ўткир кўзларини амирга қадади.

— Ҳумоюн Мирзо кеча оқшом муборак ҳузурингиз сари отланган экан. Бироқ тонгласи Жунпурда боши бузуғ ҳиндилар яна исён кўтармишлар. Ҳумоюн Мирзо зудлик билан мадад тилайдир.

Бобур бир зум ўйланиб қолди:

— Ҳа... Хожа Калон қайда?

— Хожа Калон ҳали Банголадан қайтгани йўқ эди. Олампаноҳ ижозат этсалар, туркман навкарини олиб, ҳозироқ йўлга чиқур эдим.

Бобур бош ирғади:

— Маъқул. Отланинг. Фақат Гиёсиддин кўрчига етказинг: Қандаҳор йўлига киши чиқарсин. Ҳасан Алининг бир тўп йигитларини андин олиб Лоҳурга юбормоқ даркор.

— Лоҳурга?

— Жунпур рожаси Лоҳур бегининг қайниси бўлур. Мақол борким, ўзингта эҳтиёт бўл-у, қўшинингни ўғри тутма. Бас, эҳтиёткорлик ҳеч кимсага зиён келтирган эмас.

— Бошим билан, олампаноҳ!

— Оллоҳ ёр бўлсин.— Бобур кафтларини фотиҳага очди.— Омин ё раббил оламин!

Султон Муҳаммад Дўлдой юзига фотиҳа тортди-да, эшикка йўналди. У бўсагага етганда Бобур:

— Амир Султон Муҳаммад!— деб чақирди янгроқ товуш билан.— Бир лаҳза сабр этинг! Ҳумоюн Мирзога амримизни етказингким, токи фақат ақл ва тадбир билан иш кўргай. Уқдингизми? Сиздек соҳибтажриба кишига ҳеч бир ўргатгулик ери йўқтур.

Султон Муҳаммад Дўлдой таажжуб билан остонада қотиб қолди.

— Нечун тағофилланасиз? Англамадингизму? Бу сафар ҳам Балодардагидек қиргин-қисмат кўпмасин, дейман!

Амирнинг силлиқ мийиқлари асабий пирпиради:

— Амрингиз вожиб, олампаноҳ, аммо бу содиқ қулингизнинг фикри ожизига ҳам қулоқ берсангиз: бузуқбошларнинг давоси — ёлғиз қилич!

Бобур кескин бош чайқади:

— Галат сўйлайсиз, амир Дўлдой! Мамлакатдорликда ҳар бир ишнинг ўз мавриди бордир. Сиз бу юрда бугун бир бошни узсангиз, эрта сизга қарши иккиси бош кўтаради. Сўнг унутмангким...— У бир лаҳза тин олиб таъкидлади:— «Муруват ва марди пеши холиқ ва халойиқ маҳмуд аст»¹. Бу ҳикматни ким лутф этган, билурмисиз?

— Олампаноҳ...

— Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний!— деди Бобур ўктам бир ғурур билан ва суҳбатга якун ясагандек, ўрнидан турди.— Хўп, ижозат, боринг. Сўзларим қулоғингизда бўлсин!

* * *

Орадан уч ҳафта ўтди. Ҳумоюн Жунпурдан зафар қозониб қайтди. Агра шавкатли бир руҳга чулғанди.

Бир тонг Ҳофиз Кўйкий дилғаш бўлиб уйғонди. Бомдод намозидан сўнг ҳам кўнгли ёришмади. Тунда кўрган аллақандай алоқ-чалоқ тушини эслади, жойнамоз устида ўлтирган кўйи таъбир излади.

Тушига раҳматли Биноқул кирибди: қўлларини фотиҳага очиб турган эмиш.

«Арвоҳи чирқиллаб юрибдимкиин?— дея эзилди Ҳофиз Кўйкий.— Балки ҳақиқа дуои фотиҳа лозимдир... Умидворумсинганлар озмиди, ахир?»

Шу ўй баробари қалбида соғинч туйди, салдан кейин соғинч туйғуси айбдорлик ҳисси билан алмашди.

¹ «Инсонпарварлик ва мардликни оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди». (форс.)

Биноқулнинг бевақт ўлимига у ҳам беихтиёр сабабкор эмасми? Нега худонинг бир мўмин бандасини йўлдан оздирди? Ахир, ўшанда йигитни бу хатарли орзусидан қайтарса бўлмасмиди? Ўшанда бир муслимнинг падари билан дийдор топишувига кўмаклашай, ҳарна савоб деб, ўйлаган эди. Энди батафсилроқ мулоҳаза қилиб қараса, ота дийдори Биноқулга бир баҳона экан, холос. Ахир, у бедарак отасидан кўра кўпроқ Бобуршоҳ ҳақида ёниб сўзламасмиди? Бобур Мирзонинг жонбаста ғазалларидан кўра кўпроқ жангу жадаллари тарихию музаффар жаҳонгирлик таърифини сўраб-суриштирмасмиди? Нега ўшанда манглайи қора бу ғофил йигитни ўзининг уқубатли йўлига ҳамроҳ, чигал қисматига ҳамдам этди? Чин саодат олис тоғу тошлар ортидаги бегона юртда эмас, балки илгидаги икки таноб ериу косиблик дўқонида эканини у гумроҳ кимсага уқтирмади? Не боиским, Биноқул Бобуршоҳга бу қадар ихлос қўйган эди?..

Нонушта чоғи ҳам шу андишалар хаёлидан нари кетмади. У ҳужрасидан чиқиб, аста кундалик машгулотларига отланганида, мулозим келиб ҳузури муборакка — шоҳ қабулига таклиф этди.

Бобур уни шу пайтгача ҳали бирор марта эрталабдан йўқламаган — оқшомларигина суҳбатга чорлар эди. Олим кутилмаган таклифдан таажжубланиб, сарой сари йўл олди.

Девонда Бобур негадир ёлғиз, аркони давлатдан ҳеч бир кимса кўринмас эди, Ҳофиз Кўйкий таъзим адо қилиб, кўрсатилган жойга ўлтираркан, Бобур унга синчков назар солиб:

— Устингиздан шикоятлар бор, мавлоно,— деди.

Ҳофиз Кўйкий азбаройи гангиганидан талай вақт тили калимага келмай қолди.

«Ё раббано! Қуруқ туҳматдан ўзинг асра!»

Ниҳоят, юрак ютиб, бўғиқ овоз чиқарди:

— Ғофил қулингиздан не гуноҳ содир бўлибдир, олампа-ноҳ?

— Гуноҳ шулким,— деди Бобур қатъий оҳангда,— баковулларимиз сиздан қаттиқ ранжибдирлар: торган таомларидан лоақал бир луқма танаввул этмас эмишсиз. Шу гап чинми, мавлоно?

Ҳофиз Кўйкийнинг вужуди зириллаб бўшапти.

«Хайрият!»

— Ҳа, олампааноҳ,— деди у бош ирғаб.

— Сабаб?— деб сўради Бобур чимирилиб.

— Сабаб... Олампааноҳ, хотирингизга бад гумонлар келмасин, баковулларингизда ҳам, таомларда ҳам ҳеч бир айб

йўқтур,— деди олим оҳишта тин олиб.— Алардин танаввул этмаслигимнинг боиси шундаким, мен тутмиш тарихат йўли бунга имкон бермайдир. Маълумингизким, мақомати нақшбандияга биноан, ўзганинг миннатисиз, ўзганинг меҳнатисиз, ўз меҳнати билан топилган нарсагина кишига ҳалол саналур...

Бобур бирдан сўзсиз қолди, сукутга чўмди.

— Хўп, бу узрингизни инобатга олайлик,— деди у ниҳоят, ҳамдардона бир йўсинда.— Лекин сизнинг кўча-кўйларда сув ташиб, ер супуриб юришингиз ўз шаънингизга ҳам, бизнинг шаънимизга ҳам ярашмас. Оғзига кучи етмаган мардум айтмасмики, мусофир меҳмонини сиғдирмабдир, деў?

Ҳофиз Кўйкий хижолат чекиб кулимсиради:

— Кўнгил тўғри бўлгач, мардумнинг ҳар не гап-сўзи ҳеч эмасми, олампаҳо?

Бобур яна узоқ ўйга толди.

— Хайр, майли, бироқ хизматингизга берилган мулозимларни жўнатиб юбормоқ на ҳожат эрди?

— Олампаҳо...— деди олим қўлини кўксига қўйиб.— Ўтиниб сўрайдирмен, бу ҳаракатларим зинҳор ношукурлик деб баҳоланмаса... Начора, бу нотавон банда мулозим сақламоққа қодир эмас. Мен — бир оллоҳ қули, бас, ўзим қул бўлганим ҳолда, яна қай йўсин қул сақламоққа ҳаддим сиғсин?

— Нечук хотиримдан фаромуш бўлубтур?— дея бош тебратди Бобур.— Ахир: «Қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!» Шундай эмасми, мавлоно?

— Ҳаққаси рост, олампаҳо.

Гап-сўз тугагандек, ҳар ким ўз фикр-ўйларига гарқ бўлгандек эди. Бир пайт Ҳофиз Кўйкийнинг қулоғига аллақандай ҳасратли, шиквакор шивир чалинди:

— Унда бизнинг аҳволимиз не кечур, мавлоно?

Олим бошини кўтариб, Бобурнинг мубҳам изтироб чўккан кўзларини кўрди, кўрди-ю, ботиниб қараёлмади.

— Лаббай, олампаҳо?

— Бизнинг аҳволимиз не кечур?— Шоҳнинг сезилар-сезилмас таассуф оҳанги зоҳир овози аста титраб кетди.

Ҳофиз Кўйкий шошиб:

— Сизнинг йўриғингиз бўлак, олампаҳо,— деди.

— Нечун, мавлоно? Ёинким, тангрига бандаликни бизга раво кўрмайсизми?!

Яна эзгин жимлик, яна безовта сукут...

— Гоҳи дамлар озодаваш дарвиш бўлгим келади,— дея ногоҳ тилга кирди Бобур.— Барчасига этак силкиб, «Ҳайё

хуйт!» деб оёқ етгунча кетсам, дейман... Мундин икки йил муқаддам Чандара отлиғ бир вилоятда бўлгон қаттиқ чопқиндан сўнг шу хаёл хотиримга бот-бот келадиган бўлиб қолди. Ул қаттол бир жанг эдиким, тўкилган қон дарё бўлиб, мурдалар эса ўшал дарёда хас-чўп бўлиб оққан эдилар. Тангри бизга яна бир бор иноят қилиб, қўлимиз баланд келган эди. Чопқиндан сўнг барча беқлар базмга йиғилиб, зафар нашъасидан тўлиб-тошиб сўйладилар: ким филлар подасини талотўп этган, ким зарбзан палақмонларни ганимнинг ўзига қараб ўқ отмоққа мажбур қилган... Мен эса бир сўз демай ўлтирдим, паришон, афтодаҳол. Кўз ўнгимда содир бўлмиш қўрқинч бир жасорат ақлу ҳушдан тамом айирган эди: жувонғор қуршовида қолган қалъа девори остида ҳинди аскарлари навкарларимиз зарбидан бир-бир қирилиб битдилар, ахири, ўн беш нафар ёв аскарлари муқаррар бандилик хавфида қолди. Шу чоғ алардин бири ағдарилиб ётган ароба узра чиқиб, қилич яланғочлади, бошқа ўн тўрт нафари бир-бир келиб қилич тигига бошларини тутиб бердилар... Ниҳоят, қилич тутқон навкар қўйнидан дудама ханжар чиқариб, ўз кўксига санчди... Аларнинг жасоратиға сидқидилдан тонг қолдим. Ва сўнгроқ гуноҳкор дилимга ситам кирди.

Ҳофиз Кўйкий, қаршисида кўнгил ёриб истиғфор келтираётган музтариб бу кимсага ич-ичида оллоҳдан шафқат ва мурувват тилар эди.

— Англадимки, бу ўлкада аларнинг ёлғиз жисмларини бўйсундира олур эканман, руҳларини итоат эттирмакка ҳаргиз қудратим етмас экан... Ва яна англадимки, алар ўз юртларидан тириклайин жудо бўлмоқдин кўра ўлимни афзал кўрдилар. Мен эса, не юз қаролиғким, ўзга юртни ўз юртимдан афзал билдим...

Бобурнинг мискин кайфияти олимга ҳам юқди. Тўсатдан олис тоғ этагидаги қишлоғини, китобларга тўла ҳужрасини бениҳоя соғинганини ҳис этди, ҳозироқ йўлга отлангиси келди.

— Қайтгим келадир, мавлоно!— деди Бобур тўлиқиб.— Аммо имкон қайда?.. Сиз билан кўришганимдан буён ғариб бир хаёл туну кун тиним бермайдир: ул вилоятларни энди зўру зарб билан ола билмасмен. Хайр, олайин ҳам. Лекин дастимдан шунча ситам кўрган она юртимга яна ситам ўтказаманми?.. Йўқ, балки ўзга чора излаб кўрмоқ даркордир. Розимен, киндик қоним тўкилмиш юртга шоҳлик миннатидан халос бўлиб, қаландар либосида қайтай...

Яна дилгир сукунат ҳукм сурди. Бобур туйқусдан қуйи эгилиб, сирли товуш билан шивирлади:

— Мавлоно... Йўлга бирга отлансак, не дейсиз?

Ҳофиз Кўйкий Бобурдан ҳар не сўз кутса кутган, бироқ унинг бундай ногаҳоний кенгаш тилашини ҳаргиз хаёлига келтирмаган эди — эс-ҳушидан айрилгандек анграйиб қолди.

— Нечун жимсиз, мавлоно?— деди Бобур ўртаниб.— Сўйланг, бир сўз денг!

— Олампаноҳ...— Олим ночор тин олди.— Салтанат не бўлур?

Бобур паришон қўл силтади:

— Эҳ, салтанат... Не бўлса — оллоҳдан! Шу салтанат миннати умр бўйи оёғимга кишан бўлди, муродимга — ғов. Лекин...— У кучланиб, ўрнидан қўзғалиб қўйди.— Лекин энди бир зўр билан жаҳд қилурмену бу кишани тилка-тилка этурмен!

Шу пайт хосхонага нафис шоҳи кўйлак устидан ёқутранг зарбоф камзул кийган етти-саккиз ёшлар чамалиг дуркун қизалоқ — Гулбаданбегим югурганча кириб келди. Отаси ҳузурида бегона киши борлигини кўриб, пойгакда бир дам тўхтади, сўнг бошидаги нимпушти ҳарир рўмолини тузатиб, таъзим билан салом берди.

— Ваалайкум ассалом, она қизим,— деди Бобур чеҳраси ёришиб.— Келинг?

— Бегимлар канизлар билан байт айтаётирлар, падари муборак,— деди Гулбаданбегим туйгун кўзлари чақнаб.— Соз чалиб ўйин қилаётирлар. Мен тинглаб ўтириб эдим, ногоҳ бир рубойини ёд олдим.

— Боракалло зеҳнингизга, она қизим!— деди Бобур жилмайиб ва Ҳофиз Кўйкийга қараб қўйди.— Қани, йўқса эшитайлик, не рубойини ёд олдингиз экан?

— Сиз битмиш рубойини, падари муборак.

— Қани?

Гулбаданбегим бийрон тил билан бурро-бурро ўқий кетди:

Туз оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобур,
Сирриштаи айшдин кўнгулни зинҳор
Уз оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобур.

Бобур, кўнгли эриб, қизини бағрига босди, манглайдан, юз-кўзларидан суйиб ўпди.

— Илоҳим, тангри ўз паноҳида асрасин сизни,— деди.— Ҳофизангиз дуруст, она қизим. *Ҷаҳат музъий бир сажр қилдингиз*, майли, ҳеч бокиси йўқтур.

Гулбаданбегим лоладек қизариб, отасига ҳайрон боқди:

— Қай нуктада, падари муборак?

— «Сирриштаи айш», деб ўқидингиз. Бу маъни форсийда асли «сарриштаи айш» бўлур, яъниким, «калаванинг учи» демакдир,— деди Бобур кулимсираб.

— Бегимлар ҳам, нозималар ҳам ҳали мен айтгандек ўқиб эдилар,— деди Гулбаданбегим хиёл таратдудланиб.

— Бегимлар ҳам, нозималар ҳам шундоғ ўқиган бўлсалар,— деб кулди Бобур,— у ҳолда, калаванинг учи ҳўб чувалган экан!

Ҳофиз Кўйкий беихтиёр кулгига қўшилди. Гулбаданбегим ҳам қўнғироқдек товуш билан кулиб юборди.

— Йўқ, мен бориб айтай, калаванинг учини топиб олсинлар,— деди у ва югурганча чиқиб кетди.

Бобур унинг ортидан термилиб қоларкан, лаҳза ўтмай, кўзларидаги меҳр ўрнини андуҳ эгаллади.

— Мана, мавлоно,— дея хўрсинди у олимга юзланиб,— ҳол-кунимни кўриб турибсиз. Дарвиш бўлиб ватанга қайтмоқ орзусини қилурман-у, бироқ... бу донадек фарзандларимдан қандоқ кўнгил узармен? Йўқ, мавлоно, менинг имконим етмас мушкул савдо кўринадир бу... Дарвиш шоҳ бўлмоғи мумкиндир, аммо шоҳнинг дарвиш бўлмоғи...

Остона ортида бетоқат қадам шарпаси, ивир-шивир товушлар эшитилди. Бобур сергак тортиб, эшик томон қаради. Ранг-қути қум ўчган, фавқулодда бссар-безовта сарой муҳрдори Кичик Хожа эшик оғасининг ортидан шошиб ичари кирди.

— Не гап?— Бобур унинг бежо авзойини кўриб, илкис ўрнидан қўзғалди.

— Нохуш хабар, олампаноҳ!— деди муҳрдор нафаси тиқилиб.— Афғон амирлари Бибан ва Боязид Қануждан қочиб, Шамсиобод қалъасини ишғол этмишлар, Абул Муҳаммад найзадор ожиз қолибдур. Фитнакорлар Гангдан ўтиб, Сарвар сари жадал босиб келмоқда эмишлар. Фотиҳхон Сарбоний ҳам аларнинг ҳимоятига таяниб, қайта бош кўтармиш. Банорасдан ҳам чопар келди: Шерхон Сурнинг чериги шаҳарни тамом қуршов тутмишдир. Бангола ҳукмдори Нусратшоҳ ҳам алар билан иттифоқ тузган эмиш!..

Кичик Хожа, келтирган бу хабарлари учун ёлғиз ўзи айбдордек, бошини қуйи солган кўйи тош қотди.

Бобурнинг маҳкам қимтилган юпқа лаблари сезилар-сезилмас пириллаб уча бошлади, бодом қовоқлари остидаги қийиқ кўзларида Ҳофиз Кўйкийга бегона бир шиддат ва қаҳр алангаси ёнди.

— Уҳ, малъунлар!— деди у тишларини қисиб.— Қасам кўр қилгур муртадлар! Неча дафъа аларнинг сулҳ ва итоат бобида берган пуч ваъдаларига инондим, бироқ ҳар сафар ҳам мана шундоғ ғофил қолдим. Бу хаёли бузуғлар салтанатни эгасиз деб, Бобур Мирзони ўлган деб гумон қиладилар, чамаси. Хайр, майли, ўзларидан ўтди — ўзларидан кўрсинлар! Лафзни унутқонларга шафқатни унутмоқ керак!

У кескин юриб эшик олдига борди, ҳануз музтар турган Кичик Хожага шижоатли нигоҳини тикди:

— Хўш, Кичик Хожа?

— Лаббай, олампаҳоқ?— Кичик Хожа кўзлари жавдираб унга юзланди.

— Ранг-рўйингиз бир ҳолат?

— Олампаҳоқ...

— Нечун абдирайсиз? Бундоғ қаро кунларни ҳеч кўрмабмидингиз? Сиздек суянган тоғимизки шумхабар шабадасига тебранса, хўб бўлгон экан! Тагин ўзгалардан не гина қилайлик!

— Олампаҳоқ...— Кичик Хожа бемажол титраб, тилга кирди:— Камина қулингизнинг садоқати ҳам, жасорати ҳам зоти муборақларига кундек равшандур. Давлатингиз соясида кўп марҳаматлар кўрдим, шавкатли кунларингиз саодатига шерик бўлдим, энди жаҳаннам комиға йўлласангиз ҳам бош тортмай бормоқ мен учун фарздур. Фақат, кўнглингизга келмасин, паришонлигим боиси бўлак: мундин ярим соат бурун Шамсибод қалъасидан фарзанди аржумандим Малик Хожанинг ўлигини келтирдилар...

Тош қотмоқ навбати энди Бобур Мирзога етган эди. У бир сўз дея олмай, жойида туриб қолди.

Барлос бекларидек алпкелбат, мутаассир чеҳрали Малик Хожага уч ҳафта муқаддам ўз қўли билан исфаҳоний қилич тортиқ этган, мўилаби эндигина сабза ура бошлаган бу баҳодир йигитни юзбошилиқ мартабаси билан қутлаб, лутфу карамлар кўрсатган эди. Мана, букун энди у йўқ. Унинг ўша лутфу карамларини деб шаҳид бўлибди!

«Ё раб! Қандоғ навқирон эди!»

— Оллоҳ сабр берсин, ҳабибим,— деди у кўкси хўрсиниққа тўлиб ва муҳрдорнинг ғам букиб қўйган жуссасини бағрига босди.— Бошингизга шундоғ мусибат тушибди-ю, сиз нечун бунда юрибсиз?

— Олампаҳоқдан ижозат

— Ижозати не!— деди Бобур койиниб.— Боринг, маърака тадоригини кўринг. Тўхтанг! Раҳматлининг ёши ўн саккизмиди, ўн тўққиз?

— Ҳамал келса, ўн тўққизга чиқур эрди,— деди Кичик Хожа ўзини базўр тутиб.

— Во дариг! Жувонмарг кетибди...— Бобур Мирзо сўз тополмай қолди, ҳозир ҳар не таскин-тасалли айтмасин, жабр-дидда отанинг мискин кўнглини кўтармоққа ҳарчанд тиришмасин, барча ҳаракатлари зое, барча маҳрами асрорлиги сохта бўлиб чиқадигандек туюлди — эзилди, ўртанди...

Хуфтон намози ўқилгач, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо бошчилигидаги йигирма минг отлиқ-яёв қўшин шаҳар дарвозасидан гурас-гурас чиқиб, Агра сари мўр-малаҳдай бос-тириб келаётган душман қаршисига — ҳаёт-мамот жангига жўнади.

... Малик Хожанинг жанозасида Бобур Ҳофиз Кўйкийга тасодифий кўзи тушиб: «Ҳали учрашурмиз, мавлоно», деган эди, аммо оқшом олим у билан хайрлаша олмади.

Шу бўйи улар олти ойдан сўнг — Бобур Шимолий Ҳиндистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатиб қайтгандан кейингина кўришдилар.

* * *

Ҳофиз Кўйкий эрталабдан буён кутубхонада мутолаа билан машғул эди. У не вақтларки бир китобни излаб юрар, уни Техронда ҳам, Истанбулда ҳам, Қоҳирада ҳам ахтариб тополмаган эди. Бобурнинг кутубхонасидаги дунёнинг жамики тафаккур казиналаридан келтирилган қимматбаҳо қўлэмалар орасида бу нодир асарнинг нафис настаълиқ хат билан кўчирилган нусхасини кўриб, шоҳлик теккан гадодек қувониб кетди. Бу — Муҳаммад ибн Инъомнинг «Тарихи Туркистон» асари эди. Олим китобни зўр иштиёқ билан мутолаа қилди, сон-саноқсиз истило ва босқинлар, мислсиз кулфатларда топталиб, вайрона култепалар узра Қақнус сингари қайта мағрур қад тиклаган, асрлар бўйи кимсага бўйин эгмаган она халқи, она юртининг шонли тарихи қалбига ларза солди, шу ажойиб асар юрагида қўзгаган ҳайрат ва ҳаяжон тўлқинлари тинмасдан туриб, уни она тилига ўгирмоққа киришди. Шу тариқа бор оламини унутиб ўтираркан, китобдор келиб елкасига оҳиста кафтини қўйди:

— Маъзур тутгайсиз, мавлоно, сизни йўқлаб келмишлар.

Ҳофиз Кўйкий остонада хомуш қиёфада турган Юсуфийни кўриб, шоша-пиша ўрнидан қўзғалди:

— Не гап?

— Олампаноҳ сизни кўрмоқ тилайдилар,— деди Юсуфий ғамгин товуш билан.

— Тинчликму?— Ҳофиз Кўйкийнинг кўнглида безовта бир ҳадик пайдо бўлди.— Не гап?

Осуфий ердан кўз узмай жимгина борар эди. Қоронгилик қўйнида ҳайҳотдек бўлиб турган Боғи Нурафшонга бурилиб, саройнинг оқ мрамр зиналаридан кўтарилаётганда паршон оҳангда шивирлади:

— Олампаҳоқ бетоб... Оғир ётибдилар...

Тўрдаги хосхонада беш-ўн чоғли одам тўплавган, ҳамма ташвишманд қиёфада, шивирлашиб сўзлашадилар.

Ҳофиз Кўйкий юраги увишиб ичкарига қадам қўяркан, остонада кўзлари қизарган, чеҳраси паршон Ҳумоюнга дуч келди. Четланиб йўл бераркан, енгил таъзим билан сўради:

— Қиблагўҳингизнинг сиҳатлари нечук?

Ҳумоюн габли кўзларини ерга тикди.

— Шукур,— деди бўғиқ овоз билан. Кейин ипак салла-сининг печи билан кўзларини артаркан:— Кириг,— деди.

Ўртадаги баланд ўринда Бобур Мирзо ётарди. Ранглари синиққан, киртайган кўзларида интиҳосиз бир андуҳ...

— Саломатмисиз, олампаҳоқ?

Бемор сезилар-сезилмас бош ирғади, кўзларини шифтдан узиб, олимга қаради. Мавлоно Абулбақо унинг ёстигини тўғрилаб қўйди-да, Ҳофиз Кўйкийнинг пойқадамига фотиҳа ўқиди:

— Омин, дард берган тангрим ўзи шифо берсин!

Хобгоҳ жимжит бўлиб қолди. Ҳофиз Кўйкий икки кун муқаддам Бобурнинг ҳузурида Тошкандга қайтиш учун ижозат сўраганини эслади.

«Бемаврид бўлган экан», дея кўнглидан ўтказди афсусланиб.

Бобур бошини болишдан куч билан узиб, унга юзланди-да:

— Аҳволингиз нечук, мавлоно?— деб сўради.

— Оллоҳга минг қатла шукур, олампаҳоқ.

— Сафарингиз қарибди-да?

Олим кўлини кўксига қўйди:

— Зоти шарифлари ижозат этсалар...

— Ижозат этурмиз!— деди Бобур ички бир зўриқиш билан, сўнг мушкул бир вазиятда қолгандек, бошини ёстиққа ташлади.— Мавлоно, менинг сизни бунга чорламоқдин мақсадим...— Уни бирдан йўтал тутиб, сўзи бўлинди.— Мақсадиим шулки, битмак орзусида юрган таснифларингизга ривож тиламақдир, холос. Биздан не кўмак лозим бўлса, зинҳор тортирмангиз.

— Қуллуқ, олампаҳоқ.

— Хотирингиздан фаромуш бўлмоғон эрса, илк бор суҳбат қурганимизда қалбаки алломалар хусусида сўзлаб, сизга ноҳақ ранж еткурган эдим,— деди Бобур.— Азбаройи ўшал кўзи очиқ, қалби басирларга қаҳрим туфайлидан... Аларнинг китоб кемиргувчи сичқонлардан не фарқи бор? Маърифат хазинасининг чин қадрига ёлғиз сиздек аҳли фаълларгина ета олур. Бизни ҳам ўзингизга тенг кўриб, кўч мутаассир этиб эдингиз, билмам, не йўсин ташаккур айтурмиз... Китобдорга фармойиш берилур: кўнглингиз тилаган исмики китобни ўзингиз билан олмағингиз мумкин.

Борлиғи ҳаяжондан титраган Ҳофиз Кўйкий қайта-қайта қуллуқ қилди.

— Бирор «сичқон»га емиш бўлгандан кўра, сиздек заршунос қўлига тушса, одамизотга кўпроқ нафи тегур...

Оғир жимлик чўкди. Муҳташам тилла қандиллардаги шамларнинг липиллаб ёнишигина сукунатга раҳна соларди. Анчагача ҳеч кимдан садо чиқмади. Бу ўнғайсизликдан яна Бобурнинг ўзи кутқазди.

— Кеча оқшом ғариб хаёлимга бир нимарсалар келиб, қоғоз қоралаб эдим,— дея заиф жилмайди у.

Барчада алланечук бир жонланиш содир бўлди:

— Олампаҳоқ марҳамат этсалар...

— Табаррук битиклари номуборак қулоқларимизга сазовор кўрилса, бошимиз кўкка етурди...

Бобур бир зум ўйланиб қолди, сўнг ҳорғин кўзларини ёнидаги лавҳа тикди. Юсуфий ўрнидан илдам турди-да, лавҳа устидаги сахтиён муқовали китобни Бобурга узатди. Бобур китоб қатидан буқланган юпқа қоғоз олиб, тиззасига қўйди, бемажол лабларига нимпушти қизиллик югургандек бўлди:

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,

Ё баҳри июнотингда мустағроқ қил.

Ё раб, сенгадур юзим, қаро, хоҳ, оқ қил...

Бобурни тағин қуруқ, қаттиқ йўтал тутди, нафаси бўғилиб, сўнгги мисрани куч билан базўр шивирлади:

Ҳар нав сенинг ризонг эрур, андоқ қил...

Рубойининг ажиб оҳангига сеҳрлангандек, ҳамма бир лаҳза тек қолди. Ниҳоят, бирин-кетин аъёнларнинг олқишлари эшитила бошлади:

— Хўп айтибдурсиз, олампаҳоқ, бисёр гўзал!

— Ҳақ сўз, ғоят хуштакаллум байтлар...

— Ошиқона гўзал лутф бўлибдир, олампаноҳ...

Бобур Мирзо оҳиста бош чайқади, ҳазин жилмайгандек бўлди. Синиққан чеҳрасида бир лаҳза аламнок таассуф ифодаси кўринди...

Бу дардли мисраларнинг «ошиқона гўзал лутф» эмас, балки суронли умри сўнгги манзил сари бораётган улкан музтариб қалбнинг келгуси насллар олдида беражак изтиробли ҳисоби, даврон ҳукми қаршисидаги маънос ўтинчи эканини ёлғиз Ҳофиз Кўйкийгина ўз савқи табиийси билан англади.

Бобур буни сезди, миннатдор кўзлари олимга жавдираб боқди...

Оламнинг қарийб ярмини қилич билан, қарийб ярмини қалам билан забт этган, бир оғиз каломига минг-минглаб одамларни мунтазир итоатда тутган, ҳамиша шаъну шавкат оғушида музаффар яшаган бу улуғ заковат соҳибини бундай маҳзун ва ғариб ҳолда кўрмоқлик гоят оғир эди — Ҳофиз Кўйкий мутаассир бўлиб, беихтиёр нигоҳини олиб қочди...

Эрталаб беморнинг аҳвол-руҳияси хилий енгиллашди, аммо ҳамон дармонсиз эди. Ҳофиз Кўйкий бомдод намозидан сўнг у билан хайр-хўшлашиб, барча яхшиликлари учун қайта-қайта ташаккур айтди, оллоҳдан шифо тилади. Хобгоҳда талай одам бор эди, бироқ Бобур мижжаларида йилтираган томчиларни ипак чорси билан артишдан истиҳола қилмади.

— Сизга нечоғли ҳавасим келишини билсангиз эди!

Унинг Ҳофиз Кўйкийга айтган сўнгги сўзлари шу бўлди...

Карвон эндигина Ҳиндистон сарҳадидан чиққанида кўпириб кетган чавқар отда Кобил сари елиб бораётган чопар орқадан қувиб етди: «саодатманд» шоҳ — Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо оламдан ўтган эди...

* * *

Ҳофиз Кўйкий бир ҳафтагача Боғи Нурафшонда мотамдорлар билан бирга бўлди. Ногаҳоний бу мусибатдан дилдилдан изтироб чекаркан, бутун қалби, борлиғи Бобур Мирзо ёди билан боғланиб қолганини яна бир бор теран ҳис этди, ўзини бениҳоя ғариб, меҳрга зор сезди. Олимнинг назарида, буткул дунё ҳувиллаб қолгандек... Фақат Боғи Нурафшонгина ҳамон аввалгидек шукуҳга тўлиб шовиллар эди.

Марҳумга етти ушатилагач, Ҳофиз Кўйкий Кобилга жўнайдиган бирор карвонни дараклаб топмоқ мақсадида шаҳарга чиқди. Муддаоси битиб, дилгир саройга қайтаркан, кўнгли нечундир ўзи илк бор бош кўйган карвонсарой ёнидан

ўтишни истади. Дарвоза олдида бехос Бахшитуркка кўзи тушиб қолди. У ғайриинсоний жазавода, оғзидан туфук сочганча ўткинчиларга қўлларини тўлғай-тўлғай хирқироқ товуш билан қичқирар эди. Олим унга яқинлашаркан, ўша таниш байт қулоғига узуқ-юлуқ чалингандек бўлди:

— ... сори гар йироқтур, ул ёвуқ...

Бахшитурк бирдан унга қарадию худди не вақтлардан буюн излаб юрган одамани кўриб қолгандек, ҳайқира кетди:

— Буни қаландар шоҳ битган, ҳа! Чоғир ичган пайтларида айтар эди, ҳа! Ҳа-ҳа, чоғир ичдингми? Бўзлама, бўзлама! Нега чоғир ичасан? Бари бир охири вой, ҳа! Бу кун одина, тонгласи шанба, индини душанба, ундан сўгин сешанба, чаҳоршанба, ундан сўгин панжшанбаи муродбахш! Сўгин яна одина, э бари бир охири вой, ҳа! Валлоҳу аълам, охири вой!

Ҳофиз Кўйкий турган жойида ҳанг-манг бўлиб қотиб қолди. Ё оллоҳ! Бу нолакор байтни Бобур Мирзо битган экан-да!

Юраги қалқиб кетди.

«Кўнглим сезган эди,— деб пичирлади у,— сезган эди...»

Қаршисида Бахшитурк ҳамон жунуни жўшиб вайсарди.

Ҳофиз Кўйкий бошини кўтариб унинг юзига тикилди. Ва бирдан сесканиб кетди: рўпарасида ўттиз ёшлар чамаси қариган Биноқул турарди!..

* * *

Эртаси кун мурч, долчин, зайтун мойи ортилган кичик бир карвон тонг саҳарда шаҳар дарвозасидан чиқиб, Шарқ сари йўл олди. Карвон сўнггида кўримсизгина от минган Ҳофиз Кўйкий хомуш борар эди.

... Бепоен саҳро. Қуёш олов сели пуркайди. Уфқ қадар ястанган сарҳадсиз қумликда қилт этган тирик жон кўринмайди. Аҳён-аҳён кўҳна сардобалар учрайди. Карвон қўнғирогидан атрофга сароб ҳалқалари сингари ҳазин садолар таралади:

Моли вофир, эли кофир, йўл ёвуқ...

Бу мунгли садолар оғушида ҳорғин кўзларини юмганча тебраниб бораётган Ҳофиз Кўйкий маҳзун шодумонлик билан оҳиста шивирлайди:

Шарқ сори гар йироқтур...

ЁЗНИНГ ЁЛГИЗ ЁДГОРИ

Ғариб қисса эрдиким ишқ, туганмади ҳеч,
Агарчи бўлгани олам биноси айтиладур.

Алишер Навоий

Адаш Карвон раиснинг олдига кирмади.
Адаш Карвон раиснинг олдига кирмади-ю, лекин...

«Бардаммисиз, ота?»

«Худога шукр, ўзинг қалайсан?»

«Мен-ку тинчман-а, қариган чоғингизда сизга қийин бўлди-да, ота, ёлғиз...»

«Ёлғизликдан худо асрасин, нега ёлғиз бўлай? Кўпдан қўймасин, шукр, мана, юртнинг ичидаман, буёқда колхоз... Кўмир юбортирган экансан. Чакки овора бўпсан-да, бултургидан қолгани ҳам етарди. Сайфи буғалтир йўқ экан, пулини...»

«Э, қўйинг-э, ота, бизни бундай уялтирманг! Саломатликдан гапиринг. Бел қалай? Наманган томонда бодни даволайдиган зўр санаторий бор, шунга иккита йўлланма келувди, бирини сизга...»

«Раҳмат, болам. Ҳозир ўзимга тузукман. Кейин, кампирнинг лоақал йили ўтсин, жуда туз кўмгандек... «Қазои муаллақ», деймиз-у, ҳар ҳолда...»

«Майли, ота. Уйда сиқилиб ётманг, дейман-да. Кечқурунлари бундай бизникига ҳам ўтинг, келинингиз ҳар куни сўрайди.»

«Хўп, хўп, насиб қилган куни — албатта, болам. Ўзим ҳам жужуқларингни соғиндим. Майли, мен борай, намози жумага чиқадиغان эдим...»

«Ота, шошманг, назаримда, бир гапингиз бор-у, айтолмаётганга ўхшайсиз. Тинчликми?»

«Тинчлик, болам. Ке, яхшиси, бошқа келарман, ҳозир ишинг кўп бўлса...»

«Ишни қўяверинг, ота, ўлгандаям битмайди. Бу дунёнинг иши, ишлаган билан битадиган бўлса, мана, сиз битирардингиз. Нима гап ўзи? Ё бирон камчилик...»

«Йўғ-э, камчилик эмас-у, бир нарсани сўрамоқчи эдим-да: ҳалиги, мозорда кўзинг тушган бўлса керак, гўр тепасига қўядиган тош бор экан...»

«Мармартошми?»

«Ҳа, марвартош. Энди, бир-икки йилдан кейин ким бору ким йўқ, Насиббек билан кампир раҳматлининг гўри оёқ остидан кўра сал белгили бўлиб турса, деб хаёл қилувдим. Парпи пакананинг ўғли отасига қўйдирган экан, бориб сўрасам, Тошкани аллақайси жойиниям айтди, ўша ерда ёзиб ҳам беради, деди. Кеча бозор қўйнинг бирини сотдим. Икки соатта бирорта машина бериб турсанг...»

«Буни яхши ўйлабсиз-у, лекин аввал буюртма бериш керак-да. Хўш, бўлмаса, бундай қилсак: мен ўзим бир шаҳар тушганимда гаплашиб чиқсам. Маъқулми? Сиз уриниб юрманг».

«Ўғлим, сенинг бошингда ўзи минг бир ташвиш. Ке, энди бу галвани ҳам сенга ортмайин...»

«Э, йўғ-э! Ҳай, жуда кўнглингиз тинчимаса, ана, эртага уста Рисқивой шаҳарга тушади, ёғочга. Мен тайинлаб қўяман».

«Унда, мен Рисқивойга учрай, чақасини...»

«Ҳа, берасиз-да, ота, қочиб кетармидингиз?»

«Йўқ, болам, гап тўрт танга пулда эмас. Армон ёмон нарса, билмайсан-да, илоё, ҳеч билгулик қилмасин...»

... кирса, ўртада ана шундай арзи ҳол бўлади, деб ўйлайди.

Тўсатдан келган ғам ёмон бўларкан. Адаш Карвон бугун ҳам уйда ўтиролмади — пешиндан сўнг тўғри мазорга чиқиб борди.

Қабристон қишлоқнинг сертупроқ дала йўли бошланадиган нариги чегида. Нураган пахса девор сиртидан сим тўр тутилган кенг ялангликда иккита баланд тепалик бир-бирига мингашган. Гир айлана саф тортган адл теракларнинг кумушранг япроқлари қуёшга кўзгу тутиб ярқ-ярқ товланади.

Адаш Карвон кўкка бўялган дарвоза ёнидаги пастаккина эшикдан ичкарига қадам қўйиши билан кўнгли бир хил бўлиб кетди.

Азим қайрағочлар шохида илиниб қолган битта-яримта каҳрабо барглар ўтган баҳорига алвидо айтиб, кузак шамолида ожизгина титрайди, дов-дарахтларнинг оҳиста шовиллаши абадий сукунатга раҳна солиб, ёлғиз табиатгина ўлим билмаслигини таъкидламоқчидек, бир зум тинмайди.

Атроф кимсасиз. Қоратоллар қомуш бош эгиб турган қорамтир ҳовуз сатҳида бир тўп хазон қалқиб юрар, тоққа қаратиб солинган уй пешайвонида гувала тахлаб қўйилган эди. Уч ой аввал шу эшикдан кириб келган тумонат одам, оломон елкасида лопиллаган тобут, сўнги бор кўргани — кампирнинг сокин, хотиржам, ҳатто бир қадар улугвор чеҳраси кўз ўнгида бир-бир жонланди. Ҳовузни айланиб ўтаркан, юраги зирқираб, мудҳиш ҳақиқатни қайта тан олди: энди кампир йўқ.

Юқорида, тепа бағрида паст-баланд дўмпайган қабрлар кўзга чалинарди.

«Мана, чин уйинг. Елиб-югуриб, айланиб-ўргилиб, охир бир кун ёғоч от миниб шу ерга келасан. Келасану ичкари кирасан. Кирмоқ бор-у, чиқмоқ йўқ».

Адаш Карвон сап-сариқ ажриқ босган сўқмоқдан бир-бир юриб, ўз хилхонаси тарафга ўтди. Кампирнинг қабри икки туп пастак бута шумшайиб ўсган оёқ томонда эди. Йўл четида, жим-жимадор темир панжара айлангирилган кўҳна қабр устидаги мраммар лавҳада куз қуёшининг арзанда нурлари лип-лип ўйнарди.

«Худди шундақасидан бўлса...— деб ўйлади у.— Раисга та-йинлайман-да. Аввал анавинақа панжара қурдираман. Кампир шўрликнинг дарди ичида кетди, лоақал арвоҳи...»

Қовжироқ ўт-ўлан қоплаган гўрнинг тупроғи кечаги ёмғирдан сўнг ҳануз намхуш эди. Адаш Карвон култ этиб югинди, пойгакка тиз чўкиб тиловат бошлади. Оғир, залварли оҳанглардан алланечук таскин туйгандек бўлиб, ўйга толди.

Нурсиз, рутубатли кун. Рўдапо булутлар сийқа тангадек хира ялтираб турган қуёшни ютиб юборишга ошиқади, ҳароратсиз офтоб совуқ ёғдусидан ҳам айрилиб ҳали-замон буткул сўниб қоладигандек...

Адаш Карвон шу кўйи узоқ ўтирди.

Қабристон сукунати ютаман дейди. Яланғоч қайрағочлар маъюс оҳ тортади, ақалли бирорта бўлсин яшил япроқ излаб изгиган шамол қонталаш барглари саргардон тентиратади, кузакнинг бу нурсиз кунда янада бефайз кўринган ғариб сағаналар узра телба саховат билан хазон сочади...

Мозорнинг сўник манзараси Адаш Карвон дилида — ўлим ҳақ эканига ҳамиша иймон келтирувчи, кун — узун кун омонатини елдек келиб, селдек олишини илтижо қилувчи бир кимса дилида уйғотган поёнсиз ғашлик ва кўрқувни энг мутаассир суралар ҳам қувиб чиқара олмади. Бағрига не-не зотларни жимгина ютиб, тўймас кўзларини жимгина юмган бу кўҳна макон, девор ортидаги тириклик талвасасига буткул бепарво, совуқ, голибона бир салобат тўкиб турар эди.

Адаш Карвон бу ерга илк бор қачон келганини ўйлаб кетди.

Эҳ-ҳе! Эслаб бўлармиди буни! Дарёдаги томчини ҳисоблаб бўладими? Осмондаги юлдузни санаб бўладими?! Адаш Карвон етмиш икки йиллик умри мобайнида бу маконга озмунча келганми? Озмунча одамни тупроққа қўйганми? Ҳар сафар оломон сафида, паймонаси тўлган марҳумни жойростонига топширгани келаркан, шу оломон унинг ўзини ҳам мазорга сўнгги марта элтадиган кун тобора яқинлашайтганини дил-дилдан англаб эди.

Бу ерга отаси ўлганда келди, онаси ўлганда келди, қариндош-уруғлари ўлганда келди, танишлар ўлганда, нотанишлар ўлганда келди ва ҳар гал юрагининг бир парчасини совуқ тупроққа кўмиб, жимгина уйига қайтди. Охири бир парча-бир парчадан узила-узила, тупроққа кўмила-кўмила юраги адои тамом бўлди, юрагининг ўрнида қолган нарса тошга айланди.

У шундай деб ўйларди.

Одамлар шундай деб ўйлашарди.

Бироқ етти йил муқаддам худди шу ерда кўксидан нимадир жазиллаб ачишди, зирқираб оғриди, ловиллаб ёнди — кўзининг оқу қораси, суянган тоғи, салкам элликка чиқиб кўрган ёлғиз фарзанди Насиббекни қора ерга бераркан, юраги тутдай тўкилди. Отаси ўлганда унинг кўзи куйди, онаси ўлганда жигари куйди, қариндош-уруғлари ўлганда томоғи куйди, танишлар ўлганда, нотанишлар ўлганда димоғи куйди, аммо Насиббек ўлганда, Насиббеги ўлганда юраги куйди, куйиб-куйиб кул бўлди.

Насиббекнинг ҳасрати кампирни олиб кетди. Энди навбат уники — Адаш Карвонники. Хилхонанинг кунчиқар томонидаги қўш қабр ёнида ҳадемай учинчиси пайдо бўлади. Ўлим — барчага баробар қисмат, бирор зот қочиб қутулган эмас, аммо Адаш Карвон ўлгандан кейин ҳеч кимса қабри тепасида уни бир калима сўз билан ёд этмайди — бу ўлимдан ҳам даҳшат...

Лекин биринчи марта қачон келган эди-я?

Ҳа! Бувиси ўлганда. Раҳматли Улуғ бувиси етмиш саккизида ўлган, «саксон», деб давра кўтаришган эди. Бу мулойим-муштипар кампирни эслаганда Адаш Карвоннинг вужудини ҳали-ҳануз андак аламли ва армонли бир ҳиссиёт чулғаб олади, қоронғи кўнгли кўклам кунларидек ёришиб кетади.

Улуғ кампир ўн икки бола туғиб, ўн биттасини ерга берган бахтиқаро аёл эди. Унинг шўр пешонасига кенжа ўғли — Мирза Карвонгина сиғди.

Мирза Карвон умрида туя етаклаб, карвон тортган эмас. Умри бино бўлиб Тўйтепадан нари ўтганини биров билмайди. «Карвон» лақаби унга отамерос: Соҳиб Карвон замонасининг донгдор савдогарларидан бўлган. «Ўттизта нортуюси бор эди, йилқию ҳўкизининг ҳисоби йўқ эди», деб гапирарди Улуғ буви. Бобосининг ана шу ҳисоби йўқ бойлигидан Адаш Карвонга фақат «Карвон» лақабию икки тоқча китоб насиб қилди, холос.

Улуғ буви фарзанд доғида ўртаниб ҳазон бўлган эди. Шу вадан битгаю битга ўғлининг ёлғиз зурёди Адашбойни еру кўкка ишонмас, икки гапнинг бирида «орқамда қоладиганим», «чи-роқчим», дея суйиб-сийлар эди. Бу жўнгина сўзларнинг туганмас маъносини Адаш Карвон мана энди — ёши ўтиб, умри

поёнига ета бошлагандагина англади. Дунёда одамзотдан яхшими-ёмонми фақат фарзанд қолар экан. Ким билсин, эҳтимол, тақдир азал шундай битилгандир, бироқ, наҳотки, ўша ушоқ, муштипар Улуғ кампир қаттол бўронлардан, даҳшатли қаҳратонлардан, бемаҳал изғирину телба довуллардан эсон-омон олиб ўтган бир авлоднинг липиллаб турган шамчироғи Адаш Карвоннинг қўлида ўчса!

Бувиси қазо қилганда у ўн бир яшар бола эди. Мозори Ҳожи масжидининг имоми Зукурхўжа домла қўлида ўқирди. Домлага ҳам бувисининг зўри билан отаси олиб бориб топширган эди: «Отанг савлатидан от ҳуркадиган одам эди, «Соҳиб Карвон» деганда етти яшардан етмиш яшаргача қўл қовуштирарди. Молдунё вафо қилмас экан, шундоқ одам бир кечада эгнидаги тўнигача қиморга бой бериб келди, уч ойдан кейин қўшненикига бир кафт ун сўраб чиқиб қуруқ қайтдим. Ўтники ўтга кетди, сувники сувга... Манглайингга фарзанд фитибди, минг-минг шукр қил, боланг ҳақ йўлига кирсин, алҳамдулилло, кам бўлмас, бу дунёда кишига фақат илм вафо қилади».

У уйида илк марта янгроқ товуш билан «Кулҳу оллоҳу аҳад...»ни ўқиганда, Улуғ кампир узоқ йиғлади. Кейин ўша кундан бошлаб неварасини — тўққиз яшар гўдакни сизлайдиган бўлди: «Сиз энди мулласиз, худойимнинг нафаси теккан китобларни ўқийсиз, илоё қулфи дилингизни эгамнинг ўзи очсин!»

Кечагидек эсида: жавзонинг охирги ҳафтаси эди. Зукурхўжа домланинг меҳмонхонасини тўлдирган талабалар чувиллашиб ўтирарди. Кимдир ташқарига чақириб кетган домла негадир ҳаяллаб қолди. Орадан бир чой қайнагулик фурсат ўтди. Ниҳоят, бўсағада домланинг хиёл букчайган гавдаси пайдо бўлди.

— Адашбой, — деди у останада тўхтаб, ғоят мулойим товуш билан, — буёққа чиқ-чи, ўғлим.

У ҳеч нарсани ўйламай даҳлизга чиқди.

— Бандалик, болам, — деди домла, — бувинг қайтиш қилибди... Сен энди уйингга борақол. Олло сабр берсин.

У домласининг сўзларини унчалик тушунмади, лекин кўнгли аллақандай ёмон бир нарса содир бўлганини сезди. Ва ҳозиргача ўшанда домласи у билан нега бу қадар жиддий сўзлашганига, муштдек болага тазъия изҳор этганига таажжуб қилади. Мусибат кишини тўсатдан улғайтириб қўяди. Балки Зукурхўжа домла ўшанда унга ана шу ҳақиқатни уқтирмақчи бўлгандир...

«Худонинг нафаси теккан китобларни ўқийдиган мулла бола» бўлса-да, у бари бир бола эди — отаси йиғлаб бағрига босганида ҳам, ола-қуроқ издиҳом ҳовлида саф тортиганида ҳам, тўрдаги уйда кўзларини юмиб ётган Улуғ бувисининг олдига етаклаб кирганларида ҳам содир бўлган мусибатни у қадар анг-

лаб етмади. Фақат отасининг ёнида ҳасса тутиб, оломон олдига тушганча, қишлоқ четидаги баланд тепаликка чиқиб боргандagina шу пайтгача мурғак назаридан пинҳон бўлиб келган даҳшатли бир ҳақиқат кўз ўнгида ярқираб намоён бўлди: одам ўлар экан. Ўлган одам тупроққа кўмилар экан. Энг ёмони, ҳамма ўлар экан. Шундоқ яхши, меҳрибон Улуғ бувисини отаси бир чуқурнинг ичига қўйиб чиқди. Кейин ҳамма тупроқ ташлади. Бир зумда чуқур тўлди. Шунда у юрагининг туб-тубидан қўзғалган бир нидо билан йиғлади, ўқсиб-ўқсиб, тўлиб-тўлиб йиғлади. Улуғ бувисини, уни доимо бағрида олиб ётадиган, «сиз-сиз»лаб еру кўкка ишонмайдиган меҳрибон, қадрдон бувисини аллақандай бегона одамлар совуқ, қоп-қоронғи чуқурга кўмиб ташлаганига чидаёлмай, мурғак тасаввури исён кўтариб йиғлади. Бу йиғида энди болалик хархашаси йўқ эди. У бир куни ўзи ҳам ўлишини, худди мана шунақа совуқ, қоп-қоронғи чуқурга кўмилишини ўйлаб, қўрқувдан қалт-қалт титради. Улуғ бувисини энди ҳеч қачон кўрмаслигини, мулоим овозини энди ҳеч қачон эшитмаслигини ўйлаб, аччиқ-аччиқ кўзёш тўкди.

«Мен ўлганда нима деб йиғлайсиз, мулла болам?», деб сўрарди бувиси баъзан узун қиш кечалари танчада, шамолнинг увиллашига қулоқ солиб ўтиришаркан. У бувисининг ўзи ўргатган жавобни бурро қилиб қайтарарди: «Вой, онам, меҳрибоним онам, давлатбошим онам, ғамгусорим онам, охи-ратларингиз обод бўлсин, онам, имонингиз саломат бўлсин, онам!» Улуғ кампир унинг манглайдан суйиб, чўнтагини ёнғоқми, майиз билан тўлдирар, сўнг шу куни эшикдан ким кириб келса, неварасининг таърифини қилар эди: «Мулла болам мен ўлсам мана мундоқ деб йиғлар экан...» У эса танчанинг четида, ўз шаънига айтилаётган мақтовлардан эриб, жилмайиб ўтирарди. У пайтларда бу гапларнинг ҳаммаси кўнглига алланечук хуш ёқарди, назарида бувиси ҳеч қачон ўлмайдигандек, ўзи ҳеч қачон шундай деб йиғламайдигандек, турмуш яна узоқ-узоқ йиллар худди шу йўсин беғам-беташвиш давом этадигандек туюлар ва бунга астойдил ишонар эди. «Мулла болам, қаттиқ-қаттиқ айтиб йиғлайсиз-а? Уйдан чиққунимча ҳамма нарсани эшитиб ётаман, ҳа, билиб қўйинг». У бувисининг гапига тушунмай, анграярди. «Уйдан чиқиб қаёққа борасиз?» «Буваи Мочиннинг тепасига», дерди кампир ҳеч бир малол олмай. «Буваи Мочиннинг тепасида нима қиласиз?» «Уйимга кетаман». «Иҳ... Мана-ку уйингиз?» «Унда уйим ўша ерда бўлади-да». «Нега?» «Нега бўларди, худойим шуни буюрган-да бандаларига, мулла болам».

Аммо бу гап-сўзлардан сўнг орадан кўп ўтмай у бувисини Буваи Мочиннинг тепасига — «чин уйи»га элтганларида унга

берган ваъдасининг устидан чиқолмади: қаттиқ-қаттиқ айтиб йиғлаёлмади. Бувиси ўргатган сўзлар дилида чарх уриб бўзлади-ю, тили калимага келмади.

Кечқурун эса юрагини адоқсиз бир қўрқув чулғади: бувим қоронғи, совуқ чуқурда ёлғиз ўзи қандоқ ётади? Қўрқмайдимми? Қорни очмайдимми? Сув ичгиси келса, нима қилади? Мени соғинмайдимми? Туйқусдан, берган ваъдасини эслади. Қаерга кўзи тушмасин, бувисининг ғамгин, гинали нигоҳини туяверди: «Мулла болам, мени алдадингизми?..»

Кейин у бир вақтлар Соҳиб Карвоннинг айғирлари гижинг-лаган бўм-бўш, ҳоп-қоронғи отхонага борди. Юзини ғадир-будур устунга ишқаб, ичидан тошиб келган фарёдни босолмай ҳўнг-ҳўнг йиғлади: «Вой онам, меҳрибоним онам, давлатбошим онам, ғамгусорим онам, охиратларингиз обод бўлсин, онам, имонингиз саломат бўлсин, онам!..» Йиғлай-йиғлай тинкаси қуриб, увада тўқимлар устига мук тушганча ухлаб қолди. Жойига ким олиб бориб ётқизганини ҳам билмади.

Эртаси куни икки гапнинг бирида Улуғ бувисини эслаш бошланди. Фақат, энди унинг номига «раҳматли» деган сўзни қўшиб айтишарди. «Раҳматли жаннати аёл эди, гўри нақ майдондай кенг очилибди...», «Бувим раҳматли бир куни...», «Э, онам раҳматли айтарди...», «Раҳматли аммам дунёга бир келиб, бир кетди-да, мунақа сабр-тоқатли аёл қайда...»

Бу сон-саноқсиз нақллар, гоҳ кулгили, гоҳ қайгули инсоний қиссалар унинг кўз ўнгида Улуғ кампирнинг шикаста, беозор сиймосини қайта тирилтирар эди. Бувисининг синглиси — Қутлуғ хола айтган бир гап унга айниқса қаттиқ таъсир қилди: «Эгачим шўрлик шу Адашвойга жони жаҳонини қўйган эди-да, ўла-ўлгунича оғзидан қўймади-я! Жончиқар пайтдаям «Адашвой», деб ўлди-я, эгачим боёқиш! Билмадим, бирор гап айтмоқчимиди ё бир кўрмоқчимиди, ишқилиб, кўп илҳақ бўлди. Одамни ғафлат босар экан-да, бўлмаса, эгачимнинг ҳол-куни маълум эди, ўша куни Адашвойни ўқишдан олиб қолиш бир инсоннинг эсига келмабди-я!» Кейин-кейин, эсини таниган чоғларида шу ҳақда жуда кўп ўйлади. Ростдан ҳам бувиси ўшанда унга бирор нарса демоқчи бўлганми? Демоқчи бўлса, нега отасига айтмаган? Нима демоқчи бўлган экан-а? Назарида, ўша сўнгги дамда бувиси бениҳоя муҳим бир гап, унинг ҳаёт-мамоти, тақдирини ҳал қиладиган зарур бир гап айтмоқчи бўлгандек туюлаверади. Бунинг шунчаки жон талвасасидаги тўлганиш эканига ўзини ишонтиришга ҳарчанд уринса-да, Қутлуғ холанинг сўзлари қулоғида жаранглайверади: «Йўқ, бир гапи бор эди-ю, ичида кетди эгачим раҳматлининг...»

Онаси Улуғ кампирнинг акси — бир сўзли, уддабурро, кесиб гапирадиган хотин эди. У онасида ўзи истаган фазилатларни — мунис хокисорлик, чинакам заифалик, шикаста кўнгилни кўрмади. Йиллар ўтиб, соғинган бу фазилатларни хотини Ойни-садан топди. Ажабо, Ойнисанинг феъл-атвори қуйиб қўйгандек Улуғ кампирнинг ўзгинаси эди. У ҳатто дастлабки кезлар бундан қаттиқ хавотирланиб, «Ўзи ўхшаса ўхшасин, ишқилиб, умри ўхшамасин», деб илтижо қилган эди. Афсуски, Ойниса ҳам Улуғ бувига ўхшаб ёруғ оламда кўп рўшнолик кўрмади, азоб билан келиб, азоб билан кетди.

Улуғ кампир дунёдан хотиржам кўз юмган эди. «Ном-нишоним ўчмас, ёлғиз бўлса ҳам орқамда чироғимни ёқадиганим қоляпти-ку», деган ўй билан оёқ узатиб, мангу таскин ва мангу фароғат топган эди. У неварасини мартабаси улуғ одам бўлади, деб астойдил ишонган эди. Суюкли зурёди, шамолни ҳам раво кўрмай ўстирган «мулла боласи» унинг хоҳишига кўра танлаган йўл туфайли келажак ҳаётида ҳадсиз-ҳисобсиз уқубатларга дучор бўлишини билганида, ўша кезлардаёқ юраги ёрилиб ўлган бўлармиди...

Кампирнинг нурли хотираси Адаш Карвоннинг қоронғи кунларини бир умр ёритиб турди. У бувисига қилолмаган иззат-эҳтиромларини муштипар Ойнисага қилиб, қарзини узишга аҳд этган эди, афсуски...

Мана, шундоқ Улуғ кампир ҳам энди хоки туроб бўлиб ётибди. Қабри аллақачонлар ер билан текисланиб кетган. Унинг оёқ томонида Адаш Карвоннинг бошқа қариндош-уруғлари, этак томонида эса Насиббек, ёнгинасида Ойниса...

Бувиси ўлганда қаро ерга кўмишгани унга беҳад адолатсизлик бўлиб туюлган эди. Наинки инсон илон-чаёнга, қурт-қумурсқага ем бўлгани дунёга келса! Кейинчалик, оқ-қорани танигач, бу одат замиридаги теран бир ҳикматни англади: гўрнинг совуқ тупроғи аламзада дилда ёнган алангаи оташ ҳовурини босар экан. Марҳум қабрга қўйилгач, мотамдорларнинг алам-армони хиёл совиши шундан экан. Аммо бунга ҳам чидаган одам чидаркан.

Раҳматли Ойниса чидасилмаган эди...

Насиббекнинг «учи» ўтган кечаси тўсатдан ҳовли тўс-тўполон бўлиб кетди. Ичкари уйда ётган қариндошу қўшни хотинлар саросимада айвонга югуриб чиқишди: «Ойниса қани?!» Ҳовлидаги эркаклар сачраб уйғонишди: «Қани Ойниса?!» Ярим тунда азадорларнинг ҳаммаси оёққа туриб, қишлоқни тит-пит қилиб юборди. Осмонга учганми, ерга кирганми, Ойниса ҳеч қаерда йўқ эди.

Адаш Карвон аллақандай ички бир сезги билан қишлоқ чеккасига қараб йўл олди...

Кўройдин, ҳаво совуқ. Қоронғилик қаърида ҳайҳотдек бўлиб турган қабристонга қоқила-сурина кириб бораркан, тили базўр бисмиллога айланар эди. Кўнгли алдамаган экан: узоқдан аллақандай кўланка қорайиб кўринди. У, юраги орқага тортиб, қадамини жадаллатди, ўйдим-чуқурлардан сакраб-сесканиб, кўланкага яқинлашди. Ойниса, бошяланг, оёқяланг, сочлари тўзгиган, афтодаҳол, қабрни кучоқлаганча тупроқни тимдалаб ётарди. Келганига анча бўлган шекилли, бир уюм тупроқни суриб, гўрнинг гумбазини чўкириб қўйган, ўзича нимадир деб гувранар эди.

— Ойнис!

Ойниса унга ялт этиб қаради-ю, чурқ этмай тупроқни тимдалайверди.

— Эсингни йиғ, хотин!— деб бақирди у жонҳолатда.

Ойниса ғужанак бўлиб олди, сўнг юлқиниб шивирлади:

— Бир кўрай... Болагинамни бир кўрай... Қўйинг, бир кўрай!..

У титраб-қақшаганча бориб, хотинининг билагидан маҳкам чангаллади, зўр билан ўрнидан қўзгатмоқчи бўлди.

— Урманг... Уринг, майли... Насиббегимни бир кўрай... Шундоқ болам тупроқда қорилиб ётаверадими! Мен бир кўрай...

— Ойнис, ҳушингни йиғ!— У гўристон жимлигини бузиб ўкраб юборди.— Эй фалак! Нима ёзуғим бор эди сенга!

Ойниса юз-кўзини қабр тупроғига суйкаб, оёқ остида эмаклаганча хирқираб шивирлар эди:

— Болагинамни бир кўрай...

Адаш Карвон тоқат қилолмади, бор кучини тўплаб, хотинининг руҳсиз жасадини даст кўтарди-да, пастга қараб отилди. Ҳовуз бўйига етгач, сулага ўтқазди, юзига, кўкрагига сув сепди, сўнг ёнига ўтириб... юм-юм йиғлади.

— Айланай хотин, кўзингни оч. Эсингни йиғ, жон хотин. Кўнамиз-да энди, кўнмай не иложимиз бор? Насиббек жойида тинч ётсин десанг, сабр қил, савоби тегсин десанг, қуръон ўқи, намоз ўқи. Сен билан менинг қўлимдан келадигани энди фақат шу, ўргилай хотин...

Хотинини суяб уйга кириб келганида осмон бўзара бошлаган эди. Шундан кейин муттасил юрагини ҳовучлаб юрди: Ойниса бардош беролмас, деб ўйлаган эди. Йўқ, Ойниса ўзи билан ўзи бўлиб қолди-ю, яна етти йиллик азоби бор экан, етти йил Насиббекнинг доғи ҳасратига куйиб...

Аммо бу ғам тўсатдан келди. Адаш Карвон ўғли ўлганида ҳам бунчалик довдирамаган эди. Мана, уч ойдан ошди, ҳануз ҳушига

келолмайди — худди алоқ-чалоқ туш кўраётгандек. Адаш Карвон йигирма етти йиллик жафокаш ҳамроҳи — мусичадек беозор, муштипар кампирнинг қадр топмаган қадрини мана энди кун сайин тобора теранроқ сезаётир. Тириклигида унга гоҳ ҳақ, гоҳ ноҳақ ўтказган ранжу аламларини эсласа, суякларигача сирқираб оғриқ киради, тутунсиз алангада ўртанади.

...Ўғли билан хотинига ёдгорлик қўйиши ҳам қарз, ҳам фарз. Устларидан зар сочса ҳам кам. Майли, насиб қилса, қўйдиради. Эҳ, ахир, ҳеч бўлмаганда...

Қуёш уфқ ғуборига сингиб, кўздан йўқолди. Адаш Карвон шу кўйи яна анча ўтирди. Мозор этагидаги дала йўлини чанг-тўзонга тўлдириб, подадан қайтаётган сигир-бузоқларнинг маъраши эшитилганда, увишиб қолган оёқларини базўр қимирлатиб ўрнидан турди, юзига фотиҳа тортди-да, орқасига қарай-қарай ҳовуз томон йўл олди.

* * *

— Адаш бува, ҳўв Адаш бува!

Қўйхонада кепчикдаги емнинг қоракосовини териб ўтирган чол чўчиб орқасига ўгирилди: остонада беш-олти яшар яланг оёқ бола — қўшниси Ҳусниянинг ўғли бетоқат бўлиб турарди.

— Ҳа?

— Ойим чақиряпти, тез бораркансиз.

— Нима бўлди? Тинчликми?

— Сигиримиз туғмоқчи.

— Ҳозир.— Адаш Карвон чопонининг барини белбоғидан чиқариб шоша-пиша кўзгалди.

Кеча кечкурун у масжиддан қайтаётганида, кўчанинг бошида икки челақ сув кўтариб турган Ҳусния: «Адаш бува, сигиримни ҳар кеча пойлаб эсим кетяпти. Эркаксиз уй курсин, биринчи қорин, жуда қўрқяпман, бир кўрсангиз-чи», деди. Адаш Карвон пачоққина ола ғунажинга синчиклаб разм солиб, молхонага чи-роқ ёқиб қўйишни тайинлаган, «Бохабар бўлиб тур, етилиб қолибди. Лекин жуда ориқ-ку, қайдам... Майли, бирор гап бўлса, вақт-бевақт чақиравер», деган эди.

У қўшнисининг ҳовлисига кириб борганда, Ҳусния худди ўзини тўлғоқ тутаётгандек, «вой-вой»лаганча молхонада зир югурар, тахта пол устида ётган сигир ҳар кучанганда қўшилишиб инқиллар, оёқ остида ўралашган болаларини қарғай-қарғай ичкарига ҳайдар эди.

— Вой, Адаш бува, келдингизми-ей! Энди қандоқ қилдим!— деди у йиғламсираб.— Шўрим қуриб ўлиб қолмаса эди!

— Ҳа, ҳа, намунча ҳовлиқасан?

— Вой, Адаш бува, боласи тескари келди, димиқиб қолади энди! Ҳой, қоч, ер юткур, уйга кирларинг! Энди нима қиламан, Адаш бува?

— Шошма, шошма. Қани, бундоқ тур-чи.— Адаш Карвон енгини шимариб, сигирга яқинлашди. Сигир, кўзлари ола-кула бўлиб безовта ҳимранди.— Хаҳ, жонивор-а, азобга қопсан-да! Ҳусния, бор, қопми, эскироқ шолча-полчами опке! Хўш, жонивор, хўш!..

Ярим соатдан сўнг сигир дир-дир титраётган қашқа бузоқчасини ийиб ялар, Ҳусния эса, Адаш Карвоннинг қўлига обдастан сув қуяркан, оғзидан бол томиб алқар эди:

— Илоё имонбойи бўлинг, Адаш бува, хайрият, сиз бор экансиз. Фалокат босиб оқликсиз қолиб кетсам, манави тирик етимларнинг оғзига нимани тутардим? Шу етимчаларнинг толеига тағин ҳам сиз келиб қолдингиз-а! Ўзи денг, чап қовоғим ўлгур эрталабдан бери...

— Майли, майли. Эртага оғзидан бир коса чиқарсанг бас,— деб кулди чол унинг интиҳосиз жаврашини бўлиб.

— Вой, жоним билан, Адаш бува, оғиз сиздан айлансин!

Адаш Карвон уйига кўнгли ёришиб қайтди. Лекин оғзини аждардек очиб ётган қоп-қоронғи ҳовлисига қадам қўяркан, кўнглидаги ёруғликдан ном-нишон қолмади. Ўзини ўзи койиди: айвоннинг чироғини ёқиб кетса нима экан!

Пайпасланиб йўлақдан айвонга чиқди, чироқнинг тугмасига қўл чўзди-ю, негадир ёқмай, пойгакдаги кўрпачага тиз чўка қолди.

Атроф жимжит. Зимистон. Чолнинг кекса дилини билгисиз бир қайгу чулғади.

«Мана, шу тилсиз жонивор ҳам сендан бахтлироқ — наслзурёди бор... Бахтинг дарёга оқиб кетган экан-да, Адаш Карвон! Мана, эрта-индин кунинг битиб, омонатини топширасан. Чироғинг ўчади. Ўлдинг — ўчдинг. Тамом-вассалом. Гўё Мирза Карвоннинг ўғли, Соҳиб Карвоннинг невараси Адаш Карвон бу дунёда ҳеч қачон яшамагандек, етмиш икки йил ер юзини хира қилиб юрмагандек...

Шу алфозда узоқ, жуда узоқ ўтирди. Ўрнини тўшаб ётишга ошиқмас, уйқусиз кечажак тун узун эди.

Дилидаги ғашликни хиёл бўлсин унутмоқ ниятида хаёлини чалғитишга урина бошлади.

Хотин зотини ажойиб қилиб яратган-да. Бир сигирнинг туғишини кўриб ўтакаси ёрилади-ю, ўзи тўрт-бешталаб болани қайси юрак билан туғаркин? Тавба!..

Ойниса раҳматли ҳам шунақа эди. Сигир-ку сигир, ҳатто тикка туриб туғиб кетаверадиган шайтон эчки ётоқчиласа ҳам

қўрқарди. Шу қўрқоқлиги устига эрини баъзан беозор танбсҳлаб ҳам қўярди: «Кулманг, кулманг, кўрганмиз юрагингизни, Сурхининг олмазорида. Исмоил ақай бир милтиқ отганда сурат бўлиб қолувдингиз-у...»

Ҳақиқатан ҳам, Сурхининг олмазорида, Исмоил ақай бир милтиқ отганда у сурат бўлиб қолган: азбаройи мол аччиғи — жон аччиғи...

Лекин фақат сурат бўлиб қолганмиди?

Ойниса ҳаётлигида бу олис ўтмиш ҳангомаси гоҳ ўзаро, гоҳ бегоналар олдида ҳамиша мулойим бир табассум билан тилга олинар, бироқ хотини: «... сурат бўлиб қолувдингиз-у...» дея гапга хотима қўяр эди.

Ахир у фақат сурат бўлиб қолмаган эди-ку! Ўшанда, Сурхининг олмазорида, Исмоил ақай бир милтиқ отганда у аввал суратга айланган, кейин шу суратга жон кирган — бедазор ўртасида қотиб турган хотинининг юз-кўзи аралаш икки шапалоқ тортиб юборган эди.

Аммо Ойниса буни сира-сира — на ҳазил, на таъна билан эсламаган эди.

Адаш Карвон хотинини ўшанда биринчи ва охириги марта урган эди.

Адаш Карвон Сурхининг этагидаги боғда хомтоқ қилаётган эди. Ойниса сигирини етаклаб чой олиб келди. Тушликдан сўнг Адаш Карвон яна ишига тутинди. Ойниса сигирини уватга қўйиб, ўзи олмазорга кирди, дарахтлар тагидаги сув ичган барра печак, қиёқларни юлиб қопага сола бошлади.

Олмазор ичида кўм-кўк беда белга уриб ётарди. Ойниса бедадан бирор қабзам олиш уёқда турсин, ҳатто назар солгани қўрқарди: елкасига доим қўшоғиз милтиқ осиб, узангига оёқ тираб юрадиган олмазор қоровули — шопмўйлов Исмоил ақай бадфеъл важоҳати билан донг таратган эди.

Бир пайт Ойниса ердан бош кўтариб бедазорга қарадио эхсонаси чиқиб кетаёзди: боягина уватда эриниб кавш қайтариб ётган сигири икки қатор наридаги оқ олмалар тагида пишқирганча бедани ямламай ютарди!

Ойниса юраги така-пука бўлиб сигирга қараб югурди. Энди бошвоғига қўл чўзганини билади, нақ боши устида алланарса қаттиқ гумбурлаб кетди. Кейин, худди осмондан тушгандек, Исмоил ақайнинг ваҳшатли дағдағаси янгради:

— Бабангнинг башшине!..

Ойниса бедазор ўртасида серрайиб қолди. Шундоқ рўпарасида афт-ангори буришиб, кўзлари чақчайган Исмоил ақай, кўлида милтиқ, от ўйнатиб турарди!

Адаш Карвон гумбурлаган товушни эшитиб жонхолотда ол-
мазорга қараб отидди.

«Ойнисни отиб қўйди! Оҳ, худо, Ойнисни отиб қўйди!»

У ўпкаси оғзига тиқилиб, можаро устига етиб келди. Ойниса эрини кўрдию капалаги учиб кетди: рангида ранг қолмаган, тиззалари дағ-дағ қалтирайди. Кўзи кўзига тушгач, эри фақат ундан хавотир олганини, ёлғиз уни деб шу қадар кўрққанини англади, юраги зирқиради...

— Санинг инагингми?— деб сўради Исмоил ақай Адаш Карвонга хўмрайиб.

Ниҳоят, Адаш Карвонга ғойибдан тил ато бўлди:

— Меники.

Исмоил ақай милтиқни елкасига осиб, хотиржам оҳангда буйруқ қилди:

— Қани, етекле, эсе!

— Қаёққа етаклайман, ақай?— деб сўради Адаш Карвон атай талмовсираб.

— Баржақ кўресен!

Идорага боргандан сўнг нима бўлиши Адаш Карвонга маълум эди: Исмоил ақай айбдорни колхоз раҳбарларининг ҳузурига олиб кириб, айбига айб қўшиб-чатар, гулдурак товуши билан бақириб-чақирганча на тавба, на таваллога қулоқ солар, алҳол, «эгесига ўхшаш ярмес малъни кушхонага топширтириб тинчир эди.

Адаш Карвон Исмоил ақай бошвоғидан ушлаб турган сигирига таассуф билан қаради: елини нақ ерга тегади. Эсиз!

У юзига гуноҳкорона тус бериб, қоровулга ялина бошлади:

— Энди, ақай, ҳақиқатан ҳам биз беноват... Тилсиз жонивор, биров атай қилган, дейсизми...

Исмоил ақай оёғини узангига тиради:

— Ялган айтасин!

— Хотин кўрмай қолибди, мен хомтоқда эдим, ўзим бўлсам наҳотки...

Исмоил ақайнинг юзида лоақал бирор мўйи қилт этмади.

— Етекле!— деб ўшқирди у.

— Бир сафарча кечиринг, ақай?

Қоровул индамай сигирни етаклаб жойидан қўзгалди.

Адаш Карвон нима қиларини билмай гарангсиб қолди, сўнг бир сакраб хотинининг ёнида пайдо бўлди:

— Ҳўв, меровсирамай ўл, аҳмоқ! Эси паст, кўзингга қарасанг ўларминдинг!— Адаш Карвон Ойнисанинг юз-кўзи аралаш шاپалоқ тортиб юборди:— Сенинг терингги шилиб олмасамми!

Ойниса қўллари билан бошини тўсганча букчайди, юзидан ўт чиқиб кетган бўлса-да, чурқ этмади. Адаш Карвон бунга сари баттар авж қилди:

— Сигир сўйилгунча, сен сўйилсанг бўлмасмиди, дардисар!
Бари бир сениям сўяман!

Исмоил ақай секин ортига қайтди. Қараса, Адаш Карвоннинг чиндан ҳам авзойи бежо. Отдан тушиб, ёнига келди.

— Ал,— деди сигирнинг бошвогини тутқазиб.— Ал-де, жўне. Бирақ хатинни урме. Накас адам хатинни уре.

У шундай дея отига миниб, олмазор оралаб кўздан йўқолди.

Эр-хотин бир-бирларига қараёлмай узоқ туриб қолишди.

Бир пайт Адаш Карвон товуши алланечук ўзгариб:

— Ахир, шундай қилмасам, бермасди-да!— деди. Сўнг, ниманидир ўйлаб, жиддий оҳангда қўшиб қўйди:— Сен ҳам ахир эҳтиёт бўлгин-да. Нақ бўлмаса, сигирингдан айрилувдинг...

Ўшанда Адаш Карвон хотинини биринчи ва охириги марта урган эди...

Ўшанда у вақти келиб ўзи ҳам Исмоил ақайга ўхшаган қоровул бўлиб қолишини хаёлига келтирмаган эди; Исмоил ақай яна беш-олти йил ваҳшат солиб, ҳаммаёқни титратиб юрдию ниҳоят қариб, пенсияга чиқди.

Далабой колхозга раис бўлгандан кейин Адаш Карвонни чақириб: «Исмоил ақайдан от билан милтиқни қабул қилиб олинг, Бешқашқага қоровул бўласиз», деди.

Бандаси пешонасида не борлигини билмай ўтади. Бўлмаса, Адаш Карвон ўшанда шу гапга кўнармиди?..

* * *

У, одатдагидек, тонг қоронғисида уйғонди. Туриб таҳорат олди, жойнамозни ёзиб, бомдод намозига ният қилди.

Қарийб элик йилдан буён бу ҳол деярли қанда бўлган эмас: саҳар туриб таҳорат олади, жойнамозни ёзиб, саждага бош қўяди. Сўнг сидқидилдан берилиб ибодат қилади. Гўё эски қадрдонига юрагини очиб сўзлагандек, Саҳрои Кабир қумликлари аро битилган араби калималарни ҳар тонг титроқ, ҳорғин оҳангда такрорлар экан, улуг бир илоҳий мўъжизага дохил бўлаётганига қайта-қайта иймон келтиради.

Илгарилари у паст, бир қадар шикаста оҳангда муножот қиларди — тўрда ётган ўгли Насиббекни уйғотиб юборишдан чўйрди. Бутун вужуди эриб такбир тушираркан, баъзан ён-верига разм солиб, ўглининг уйқу тарк этган кўзларида ҳайрат чақнаётганини, чеҳрасида ўйчан бир жиддият пайдо бўлганини сезар эди. Насиббек отасининг шу ҳолатига жимгина тикилиб ётишни яхши кўрарди. «Отам ашула айтяпти, — деб қийқирарди кичкиналигида. — Нима деб айтяпсиз, ота?» Адаш Карвон беозор кулимсираб қўярди. Кейинчалик Насиббек отасининг тонг қоронғисида нима деб «ашула айтиши»ни билиб олди.

У яратгандан ўглига — кўзининг оқу қораси бўлмиш ёлғиз жигарбандига «тансиҳатлик, меҳр-оқибат, инсофу тавфиқ, кўздан, суқдан, душманнинг қасдидан, ўт балосидан, сув балосидан, қуруқ тухматдан, бемаҳал ўлимдан» — ўзи бу дунёда ситам чеккан жамики офатлардан омонлик тилар эди. Ўзи билан кампирига бу ёруғ жаҳонда энди ҳеч нарса керак эмаслигини яхши билар, халлоқи оламдан фақат имонининг саломатлигини, фарзанд доғини кўрсатмасликни, неварачевараларнинг дийдор-қувончини сўрар эди. У салқин саҳарларда яна юрту элга тинчлик, шифтга боқиб ётган беморларга шифо, ота-онасининг бағридан узоқда юрган аскарларга бехатар сафар, жамики мардум устида ҳукм юргизиб турганларга адолат, дини исломга қувват, беватанларга ватан, фарзандталабларга фарзанд ато қилишини тиларди.

Бирор кимсага ёмонлик соғинмаган эди-ку? Нега бирор тилаги юзага чиқмади? Нега илтижолари соҳиби карам қулоғига етмади?

Кўп нарса сўраганмиди у?!

Озмиди сўраган нарсалари?!

Наҳотки қудрати чексиз оллои каримнинг қудрати етмайдиган нарсаларни сўраган бўлса?!

Тумандек ёпирилган шубҳалар қалбини кемира бошлаганда уни ўрқув бесади — шак келтириб қўйишдан қўрқади.

Юраги чексиз-чегарасиз ғамга тўлиб кетган кезларида дунё кўзига қоронғи кўриниб, қўл силтаб юборай дейди...

Сўнг эса... кўксигаги оллоҳ — виждони тирилади, тилга киради. Ва у ўз шубҳа-гумонлари учун тавба-тазарру қилмоққа шошилади, калимаи истиғфorni ягона нажот билиб қайта-қайта такрорлайди:

«Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, астағфируллоҳи таоло, мин кулли занбин азнабтуҳу хаъмдан ав хотоан, сиррон ав алониятан, сағирятан ав кабиратан...»

«Парвардигор, қасддан ё беқасд, очиқ ё яширин қилган катта ё кичик гуноҳларимдан ўтишингни сўрайман, — деб шивирлайди қовжироқ лаблари.— Ўзимга маълум ва номаълум айбларимдан сенинг тарафинга қайтаман, илло, сен кўздан яширин сирларни ҳам билгувчи зотсан!»

... Кейин у иштаҳаси тиламаса-да, ўзини зўрлаб нонушта қилди. Лекин томоғидан бир тишлам нону икки пиёла чойдан бошқа нарса ўтмади.

Тўрдаги уйга кириб, тахмондаги ўрин-кўрпа орасидан оқ чит рўмолга ўралган пулни олди. Дераза олдига келиб, ёруққа солиб санади. Парпи пакананинг ўгли айтгандан анча кам. Эрта бозор

сарик қўйни сотсамикан? Бирор ой емласа бўларди-да. Сандиқда минг сўм бор, аммо унга тегмайди: ўлимлик. Бандага ишонч йўқ, манман деган одамнинг ҳам ҳоли пуф дегулик.

Айтмоқчи, қўйнинг еми тугаб қолувди-я? Чол одатда емни бозордан эмас, даламаҳаллалик Ашур чўлоқдан оларди — инсофли, ҳалол одам. Ем баҳона узоқ ҳангомалашиб, тафт-ғубори тарқаб қайтарди.

Адаш Карвон қўлтиғига қоп қистириб, кўчага йўл олди.

* * *

Зангори ёмғирпўш кийган баланд бўйли бир йигит автобусдан ҳамма тушиб бўлгунча орқа ўриндиқда сабр-тоқат билан жимгина кутиб ўтирди. Бекат майдонига тушгач, четроққа ўтиб шимининг почаларини қоқди, «дипломат»ини чап қўлига олиб, ён-верига қарамасликка тиришиб, кўприк томон жўнади. Унинг чўзинчоқ, кўҳлик юзида мубҳам бир таҳлика-тараддуд ифодаси бор эди.

Йигит йўл четидан жадал юриб бораркан, ногаҳон кўприкнинг нариги бошида қўлтиғига қоп қистирган малла чопонли чолни кўрдию жойида таққа тўхтади. Саросима босиб, теварагига аланглади.

Кўчада одам сийрак. Нон дўкони олдида оқ халатли икки йигит машинадан нон туширмоқда. Кабобпаз бола кўрадаги кўмирни зўр бериб елпийди. Кўприкнинг ўртасида тоғорасини биқинига босган учта хотин йўрғалаб бораётир.

Йигит нима қиларини билмай қолди. Югурик хаёл уч йил бурунги бир манзарани кўз ўнгида яққол жонлантирди: мана шу гузар, тумонат одам, сочлари тўзгиган қора кўйлакли аёл, мотамсаро қийшайган юз, бош-кўзи аралаш тушаётган қора сумка, «Боламни топиб бер!», «Топиб бер боламни, жувонмарг!», деган аччиқ, телба бир ҳайқариқ...

У сесканиб тушди. Чол рўпарасига келиб қолган эди. Йигит шартга кўприк панжарасига ёнбош бўлиб туриб олди. Чол ердан кўз узмай шундоқ ёнгинасидан ўтиб кетди. Йигитнинг назарида, малла чопоннинг этаги кўк плаш барини куйдириб юборгандек туюлди.

Чол уч-тўрт қадам узоқлашгач, у юрак ютиб қайрилиб қаради.

Хайрият!

У қадамини янада жадаллатиб йўлга тушди. Кўприкдан ўтгач, рост кўчани қўйиб, сой ёқалаб кетган ёлғизоёқ йўлга бурилди. Шу пайт чойхона муюлишидан эшак миниб чиққан бир киши:

— Э, Саттор, яхшимисан!— деб қолди.
Йигит ноилож изига қайтиб, у билан кўришди.

Адаш Карвон Даламаҳалладан қуруқ қайтди: Ашур чўлоқнинг эшигига муштумдек қулф урилган, уйдагиларнинг қаёққа кетганини қўни-қўшнилар ҳам айтиб беролмади. Чол тегиримон биқинидаги тошсупада анча вақт пойлаб ўтирди, хонадон эгаларидан ҳадеганда дарак бўлавермагач, зерикди, секин изига жўнади.

Кўчасининг бошига етганда от миниб тўйга айтиб юрган учта йигитга дуч келди. Бир хилда банорас тўн, дўппи кийган, духоба кежим ёпиб ясатилган эгар устидаги атлас кўрпачаларда мағрур ўтирган новдадек-новдадек уч йигит чолни кўрган замон бара-варига салом берди. Сўнг бетоқат типирчилаган отларни базўр тинчитиб, шўх, ўктам қичқиришди:

— Тўйга боринг, Адаш бува!

— Тўйинглар муборак бўлсин!— деди чол чиройи очилиб.

— Қуллуқ! Эшигингиз қулф экан, шу айтганимиз ҳисоб-а, Адаш бува?

— Ҳисоб, ҳисоб! Куёв қайси биринг?— деб сўради чол кўзларини қисиб.

Улар кулимсираб, ўртадаги думалоқ юзли, хушмўйлов йигитга ишора қилишди.

— Саруполаринг муборак бўлсин! Кимнинг боласисан, чи-роғим?

— Қуллуқ,— дея қизариб жилмайди йигит.— Танимадин-гизми, бува? Наим аканинг ўглиман-ку.

— Қайси Наим? Наим мелисаними? Кичигимисан?

Тасдиқ жавобини олгач, чол хижолат бўлиб бош чайқади.

— Қарилк, болам, айбга буюрмайсизлар... Қани, омин!— дея фотиҳага қўл очди у.— Илоё, қўшганинг билан қўша қариб, бахтли-тахтли, ували-жували бўлгин!

Йигитлар тўйнинг вақт-соатини чолга яна бир бор тайинлаб, от жоловини бўшатишди. Адаш Карвон уларнинг орқасидан та-ажжубланиб қараб қолди.

Уйга кириб келганида ҳам таажжуби тарқамаган эди. Во ажаб! Умр дегани оқар сувдек ўтиб кетаверар экан-да! Наим мелисанинг кенжа ўгли — куёв, тўйга чорлаб юрибди! Ахир, раҳматли Наимнинг ўзи кунни кеча уйланмаганмиди?

Ёдида, Наимбой ўттиз учинчи йилнинг қаҳратон қишида уйланган эди. Адаш Карвон тенг-тўшлари билан тўйда хизмат қилганини, тизза бўйи қорни замбиллаб ҳовлидан ташқарига ташиганларини бугунгидек хотирлайди. Никоҳ ўқигани келган ёш, хушсурат домла Ғиёсхоннинг зинадан тойиб йиқилиб, адрас

чопони йиртилгани, азбаройи аччиқланганидан: «Феъли совуқ баттол, шу буюқда тўй қилмаса нима экан!» дея койиниб, ҳаммани кулдиргани ҳам эсида.

Наиннинг тўйидан уч ҳафта ўтгач, онасининг жаркалонлик олис қариндоши уста Бозорнинг кичик қизи Ойнисани унга фотиҳа қилиб, нон синдиришган эди. Тўйни ўрик гулига мўлжаллашди. «Ҳавои жаҳон очилиб, мундоқ елкамизга офтобнинг тафти тегсин», деди онаси раҳматли. Тўй, ҳақиқатан ҳам, ўрик гулида бўлди, лекин... йигирма йил ўтиб! Боёқинш онасига бу кунви — ҳавои жаҳон очилиб, елкага офтобнинг тафти тегадиган кунни кўриш насиб этмаган экан...

Дала-даштдан изғирин ариб, баҳор еллари сарсари эса бошлаган илиқ тунларнинг бирида «Қизил қадам» колхозининг аъзоси Адаш Карвон қамоққа олинди. Гуноҳи нима эканини у кўп йиллардан сўнг — муддатини ўтаб қайтганида, Тошкент вокзалининг шундоқ биқинидаги пасқам, исқирт қовоқхонада билди. Ўшанда эса, уч ойгача бароққош терговчи Абдулҳакимовнинг ҳузурида, етти ухлаб тушига кирмаган даъволарни оғзи ланг очилган кўйи эшитиб ўтиришга мажбур бўлган эди. Уни, Адаш Мирза ўглини «диний ташвиқот воситасида афкор омmani мавжуд ҳокимиятга қарши оёқлантиришда» айблашарди. Далил-исбот сифатида эса, унинг йигирма беш йиллик ҳаётидан маржондек териб олинган хатти-ҳаракатлари кўрсатиларди: у — ижтимоий келиб чиқиши бой савдогар онасига мансуб шубҳали ёт унсур; бобоси — Соҳиб Карвон йирик мулкдор ўтган; отаси — Мирза Соҳиб ўгли инқилоб арафасида эшон, муллалар билан ҳамтовоқлик қилган; унинг ўзи эса ёшлигидан меҳнаткаш халққа қарши душманлик руҳида тарбия топган; қизғин инқилоб даврида Тошкентнинг Бароқхон мадрасасида биқиниб ётиб пайт пойлаган; сўнгги вақтларда эса, босмачи тўдалари билан алоқаси исботланган мадрасадош ҳаммаслаги Ғиёсхон эшоннинг махфий топшириқларини мунтазам бажариб келган, чунончи...

Сўнг унинг бундан уч йил муқаддам қайси маъракада нима дегани, қайси колхозчи аёлни чалғитиб боласига дам солгани, икки йил бурун чойхонада ўтириб: «Саллага ўрганган бошга шапка ярашмайди», дегани ва ҳоказо, ва ҳоказо жиноятлари тизилиб келарди.

Энг даҳшатлиси шундаки, бўйнига қўйилаётган бу айблар рост эди. Йўқ, айбларнинг ўзи эмас, улар замиридаги гаплар рост эди. Бобоси Соҳиб Карвоннинг йирик мулкдор ўтгани ҳам, отаси Мирза Соҳиб ўглининг пири муршид Исломхон эшонга қўл бериб, узоқ йиллар эшигида хизмат қилгани ҳам, ўзининг Бароқхон мадрасасида Ғиёсхон билан уч йил бирга таҳсил кўргани

ҳам — барча-барчаси рост эди. Шунингдек, уч йил муқаддам бир маъракада: «Некалай подшо ҳам, Шўро ҳам ўз йўлига, одамзот аввало иймонини унутмаслиги лозим», деб айтгани ҳам, бурноғи йил кузакда эшигидан йиғлаб келган аёлнинг боласига дам солгани ҳам, икки йил аввал чойхонада ўтирганида, извошда керилиб ўтиб кетаётган Фатҳиддиновни кўрсатиб: «Саллага ўрганган бошга шапка ярашмас экан», дегани ҳам аини ҳақиқат эди.

Аммо бу гапларга бир кун бориб шу қадар даҳшатли тўн кийдирилишини мутлақо хаёлига келтирмаган эди. Чунки бу хатти-ҳаракатларнинг кўпи унинг инон-ихтиёридан ташқарида кечган эди. Бобоси Соҳиб Карвоннинг йирик мулкдор ўтгани унга боғлиқ эмасди; бу мулкнинг унга миси ҳам юқмаганини ҳамма билади. Отаси Мирза Карвон умр бўйи эшоннинг хизматини қилиб, бири икки бўлмаган ва охир-оқибат ўлар чоғи шип-шпийдам уйининг шифтига боқиб: «Эшоним деб, эшагимдан айрилдим», дея надомат чеккан эди. Зукурхўжа домланинг маслаҳатига кўра у уч йил мусофир шаҳарда тентираб, ҳамқишлоғи Гиёсхон билан бирга мадраса тупроғини ялаган, аммо ҳар вақт ўз ҳаддини билган эди. Дарҳақиқат, Шўро ҳукумати кучайган сари Гиёсхон оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди, уззукун «динсиз болшавойлар»нинг гўрига ғишт қалай бошлади. «Босмачи», «қўрбоши» деган гаплар авж олганда Гиёсхонга жон кириб, Адаш Карвоннинг кўнглига ҳам кўп бор қўл солиб кўрди. Бироқ Адаш Карвон тўпори ақли билан эшонзоданинг жигарбағри дини ислом учун эмас, балки қишлоқдаги таноб-таноб ерлар, атроф етти кентдаги беҳисоб муридлар, ичкари-ташқари дангиллама ҳовлилар, қўш-қўш қароллару қўтон тўла қўйлар, асов айғирлар учун куяётганини англади. Азалдан унга рўйхушлик бермас эди, шундан кейин буткул ихлоси қайтди. Гиёсхоннинг нола-надоматларига Адаш Карвоннинг жавоби доимо тайин эди: «Оллонинг хоҳишисиз ҳеч иш бўлмайди, Гиёсхон. Яратган эгам ихтиёр этмаса, бандасининг бир киприги ҳам узилмайди. Бас, тангрига маъқулдирки, Шўро ҳукумати яшаб турибди».

Гиёсхон жиғибийрони чиқиб, унга ваъз ўқишга тушиб кетарди. Ниҳоят, бир иш чиқаролмаслигига кўзи етгач, ҳафсаласи пир бўлиб, ундан узоқлашган эди. Орадан уч-тўрт йил ўтгач, тагин қишлоққа кириб келди, имоматни қўлга олди. Адаш Карвон миридан-сиригача билгани учун унга иқтидо қилмас — намозни уйида ўқир, кўча-кўйда дуч келиб қолган чоғлардагина қиёмат қарзи — саломини бериб ўтар эди, холос. У Гиёсхон билан бир пайтлар бирга ўқиганини унутиб ҳам юборган эди. Аммо иймону диёнатни ҳаргиз унутмади. Бўйнига қўйилган барча даъволар

ичида Адаш Карвон ана шунга чин дилдан иқрор эди. Ҳа, таингининг муборак номи, ҳақ таборакка эътиқод қалбини лоақал бир зум тарк этмади. Агар гуноҳи шу бўлса, буниинг учун жазо тортиш лозим бўлса, Адаш Карвон ҳамиша тайёр. Лекин у ҳеч вақт худо номи ила одамларни қутқуга, бошбошдоқликка даъват этган эмас. Маъракадаги гапни ҳам бирор гараздан эмас, виждонининг амри билан айтган, ўзи шуни ҳақиқат деб билган, зеро, одамзотда иймон бўлмаса, унда садоқат бўлмайти; бундай одам Некалай подшога ҳам, Шўро ҳукуматига ҳам бирдек ихлос билан хизмат қилаверади. Касал чақалоққа эса... онаси йиглаб-ёлвориб қўймади — дам солди. Қолаверса, бу аёл қишлоқ шўросининг раиси Нури оқсоқолнинг хотини эди, Адаш Карвоннинг Нури оқсоқол билан салом-алиги бор —риоя қилган эди. Чойхонадаги гапни ҳам майнавозчиликка айтгани йўқ эди. Извошда ўтиб кетаётган Катта Одам — Фатҳиддиновни у яхши танирди: Тошкентда юрган кезларида Кўкча масжидида кўп марта кўрган. У кезларда бу киши ҳали «Ўртоқ Фатҳиддинов» эмас, «Фатҳиддинхон тўрамнинг тўнгич ўғиллари» эди. Бирор ўн йил чамаси ўтгач, бу юртга Катта Одам бўлиб келганида у Адаш Карвонни танимади, албатта.

Адаш Карвон ана шуларнинг ҳаммасини бароққош терговчи Абдулҳакимовга ётиги билан тушунтиришга уринарди. Абдулҳакимов индамай гапни тинглаб турарди-да, сўнг айбномага тикилиб, тўнг оҳангда такрорларди: «Бўлдингизми? Хўп, энди ишга ўтайлик. Гиёсхоннинг топшириқларини бажарганингизни бўйнингизга оласизми, йўқми?»

Тергов тугади. Адаш Карвон ғойибдан нажот тилаб ётаверди. Негадир суд чўзилиб кетди. Энди уларни баъзи кунлар соқчи назоратида ишга чиқарадиган бўлишди. Хоккўзанинг даласида колхоз янги боғ қилган эди, ўша ёққа ток чопиққа олиб бора бошлашди. Беш-олти чақирим масофага ҳар куни қатнашга эринишармиди ё бошқа нарса сабабми, ишқилиб, кечқурунлари Гиёсхон иккаласини боғ этагидаги дарчасиз бостирмага элтиб қамашар, айвонда эса соқчи милиционер пойлаб ётар эди.

Милиционерлар кун ора алмашиб турарди.

Бир куни кечаси соқчиликка Наим мелиса келди...

Ўша кеча ой тиккада эди. Хоккўзанинг даласидан янги соғилган сут билан беда ҳиди келарди. Чигирткалар чирқираб чирилларди.

Ярим кечаси Наим мелиса бостирманинг эшигини очди:

— Қочинлар, ошналар,—деди у.— Қочинлар! Орқанглардан осмонга қаратиб бир-икки отаман. Биров суриштирса, «Бостирмани тешиб қочибди», дейман.

Адаш Карвон Ғиёсхонга қаради, Ғиёсхон — Наимга.

— Йўқ,— деди Адаш Карвон.

— Алдаб, итдек отиб ташламоқчимисан?— деди Ғиёсхон қалтираб.

— Отмайман!— деди Наим. Чўяндай юзи ой ёғдусида бўздек оқариб кўринди.— Нон урсин, алдасам! Қандоқ қилай, ошналар, ахир, ошна эдик...

Ғиёсхон Адаш Карвонга қаради, Адаш Карвон — ерга.

— Сени қасам урмайди, худодан қайтгансан-ку!— деди Ғиёсхон.— Кофирсан-ку, имонсиз!

— Нима десам ишонасан? Нима десам ишонасанлар?!— дея хирқираб шивирлади Наим.— Эшикни очиб қўяман, қочларинг! Алдасам, онам хотиним бўлсин!

Наим отасиз етим эди, онаси кўр эди, қасам даҳшатли эди, даҳшатли ва рост эди.

Ой баландлаб кетди. Чигирткалар чарчаб, тинди. Ҳулкар ён-бошга келганда Ғиёсхон ўрнидан туриб бостирма эшигини итариб кўрди — очиқ. Бошини чиқариб атрофга қулоқ солди — жимжит.

— Туринг, Адашбой,— деди у,— таваккали худо. Бу бадбахт алдамаган бўлса, қутулиб кетармиз, алдаган бўлса, эртага пешонамизга қадаладиган ўққа бугун учиб қўя қолармиз.

Адаш Карвон жойидан қўзғалмади.

— Бир бошга бир ўлим, мунча ивирсидингиз, Адашбой?

— Нима қил дейсиз?

— Қочмайсизми?

— Эркак ҳам қочадими?

— Аскиянинг мавриди эмас, Адашбой!

— Қочиб қаёққа борамиз?!

— Ҳожикўлдан ўтиб, Чавканчакка ошсак бас, уёғи қозоқнинг даласи. Отамнинг муридлари кўп, эс-хушли, ҳалол одамлар, хор бўлмаймиз.

— ...

— Кейин юрт сал тинчиганда қайтармиз. Бўла қолсангиз-чи!

— Менинг юртдан қочадиган гуноҳим йўқ.

— Булар гуноҳинг борми-йўқми, деб суриштириб ўтирмайди, шартта замбаракка бойлаб отади!

— Майли, нима бўлса, худодан.

— Э, худойимдан ҳам ўргилдим, шу азобларга солган... Тайсалланганг, биродар, вақт зиқ. Бу ҳароми Наимнинг кўнглига эгамнинг ўзи шафқат солиб турибди, буям бир инояти. Иншоолло, ишимиз ўнгидан келади. Бир бурда нон ҳар ердаям топилар.

— Мени дардисар қилиб илаштирманг, Гиёсхон. Биласиз-ку, бари бир сизга ҳамроҳ бўлолмайман.

— Нега? Нега, ахир?

— Фотиҳа... фотиҳа нима бўлади?

— Э, фотиҳангизни қўйинг! Бошингиз омон бўлса, хотин топилади. Агар чин тақдир битган бўлса, қирқ йил қиёматда ҳам шу қиз сизга насиб қилади. Тақдир битмаган бўлса, чимилдикдаям бармогингизни тишлаб қолаверасиз.

— Фотиҳа — худонинг муҳри, дер эдингиз-ку, Гиёсхон?

— Таваб! Ҳозир масала талашадиган пайтми, Адашбой! Бунча латтачайнар бўлмасангиз!

— Майли, йўлингизни берсин.

— Мени айтди дерсиз, ҳали шундоқ пушаймон қиласиз, шундо-оқ пушаймонлар қиласиз!

Гиёсхон минг қилса ҳам эшонзода эди, ўшанда каромат қилган экан: Адаш Карвон кейин жуда кўп пушаймон қилди, то ҳануз пушаймон қилади, суяклари оқаргунча пушаймон қилса ҳам ажаб эмас. Аммо у пайтда — осмони фалакда Ҳулкар чарақлаган, янги соғилган сут билан беда ҳиди келиб турган Хоккўзанинг даласида, навқирон йиғит чоғида ҳали буни билмас эди.

Тонг қоронғисида Наим мелиса ланг очиқ ётган эшикдан Адаш Карвоннинг олдига кирди:

— Нега қочмадинг?!

— Нега қочаман?!

— Майли... Гинанг ўзингдан қолсин, Адаш. Мен... қандоқ қилай, ҳеч шундоқ бўлсин, дебманми...

— Бошлиқларингта нима дейсан?— Адаш Карвоннинг юраги ачиб кетди.

— Пешонамдан кўрдим. Ке, сен ҳам кетақол, Адаш.

Адаш Карвон бош чайқади.

— Аслида мен сени деб... Бўлмаса, Гиёсхон менинг икки туғиб бир қўйганимидики... Ахир, сен бечорада ҳеч гуноҳ йўқ-ку?

— Гуноҳим йўқлигига ростдан ҳам ишонасанми?— деб сўради Адаш Карвон қатъий оҳангда.

— Ия! Сўрайди-я тагин!

— Бўпти-да! Гуноҳим йўқ бўлса, нега қочишим керак?

Наим эшик кесақисига суяниб мунғайиб қолди.

— Билиб бўлмайди-да...— Ниҳоят, ундан садо чиқди.— Бошқалар сени менчалик билмайди-да... Ке, қўй, Адаш, кун ҳам ёришиб қолди, таваккал: кет!

Адаш Карвон яна бош чайқади. Наим унга шундай мўлтираб қарадики... Адаш Карвон унинг ўша ҳолатини эл-са, ҳозир ҳам юраги эзилиб кетади. Одамнинг соддаси эди раҳматли Наим.

Эрталаб Қурбон мелиса келиб, ҳол-аҳволни кўргач, Наим билан Адаш Карвонни олдига солиб идорага ҳайдаб кетди.

Уч ҳафтадан сўнг суд бўлди. Ғиёсхон топилмади. Адаш Карвон жўнаб кетаётганда Наим ҳали ҳам ҳибсда эди, тақдири не кечганини билмади.

У совуқ ўрмонларда дарахт кесганида ҳам, ишчи батальонида хандақ қазиганида ҳам Наимни бот-бот эсларди. Бироқ уни қайта кўрарман, деб сира ўйламаган эди.

Ва лекин... к ў р д и !

Кўрганда ҳам, мутлақо хаёлига келтирмаган жойда, етти ух-лаб тушига кирмаган қиёфада кўрди.

Элик бешинчи йил ўн саккизинчи август куни бемаҳал қариган бир киши Тошкент вокзалида кундузги поезддан тушди. У платформада бир нафас гангиб ён-верига боқди, сўнг қопчигини елкасига илиб, чумолидек ғужгон ўйнаган олақуроқ оломон ичига сингиб кетди. Чап оёғини сезилар-сезилмас силтаганча босиб бораркан, кўзи атрофга аланглаб олма-кесак терарди. Жазирама иссиқда ҳовурга кўмилиб, хумдондек қизиб ётган вокзал биносидан чиққач, у рўпарадаги — дарахтлари сийрак кичкина хиёбонга қараб юрди. Трамвай келиб айланадиган майдонда қора пешбанд тақиб, ёғ босган шапка кийган фаррош чол, бурчакда тўпланиб ётган ахлат уюмини чўлтоқ белкурак билан тўзғитиб аравачага ортмоқда эди. Унинг кайфияти бузуқроқ шекилли, кимгадир миннат қилгандек белкуракдаги ахлатни иддао билан қулочкашлаб улоқтирарди. Қопчиқ орқалаган одам ҳардамхаёл қадам ташлаб бораркан, ногоҳ фаррошнинг белкураги тирсагига тегиб кетди. У чўчиб четланди, фаррош баттар феъли айниб, бақирди:

— Кўзми, пўстакнинг йиртиғими!

Қопчиқ орқалаган одам бирдан ялт этиб қаради. Фаррош ҳам белкурагини бесўнақай ўқталганча унга хўмрайиб турарди. Тўсатдан у хирқираб бақирди:

— Адашмисан?!

— Наим?— деб пичирлади қопчиқ орқалаган одам.

— Ҳўй, ростдан Адашмисан-эй?! Вой, болангдан айланай, сени кўрадиган кун ҳам бор экан-ку!

Наим Адаш Карвон билан қучоқлашиб кўришаркан, ёғ босган шапкаси бошидан тушиб кетди. Кўришиб бўлгач,

шапкасини ердан олиб ахлат тўла аравага улоқтирди, лекин бу билан кўнгли тўлмади шекилли, белкуракни ҳам тарақлатиб отиб юборди:

— Ҳе, онангни!..

Адаш Карвон ҳамон кўзига ишонмас, худди туш кўраётгандек, теваракка олазarak аланглр эди.

Наим уни бошлаб кўприқдан ўтди, йўл ёқасидаги пасқам, исқирт бир ошхонага олиб кирди. «Ҳозир!» дея қайгадир югуриб кетди, кўз очиб юмгунча яримта қоқланган балиқ билан бир шиша вино кўтариб келди.

Адаш Карвоннинг ҳануз ичмаслигини эшитгач, кўзи пешонасига чиқиб кетаёзди:

— Кўйсанг-чи! Шунча замонлар ўтиб кетдию! Ичмайдиган одам борми ҳозир!

— Рост, Наим,— деди Адаш Карвон синиққина илжайиб.— Сен бемалол...

— Уёқдаям ҳеч ичмадингми?— деб сўради Наим шубҳали овозда.

Адаш Карвон бош ирғади.

— Ҳа... намоз ҳам ўқигандирсан бўлмаса?

Саволда билинар-билинимас киноя оҳанги бор эди — Адаш Карвон индамади.

Суҳбат бошланиб кетди. Наим чакаги чакагига тегмай, икки гапнинг бирида бандасию худонинг онасини бўғоз қилиб сўзлар, сал нарасага тутақиб фиғони фалакка чиқар эди. Адаш Карвон эса жимгина тинглр, тинглаган сари қалбнда ҳам алам, ҳам армон, ҳам ўзи номини билмайдиган аллақандай ғалати бир ҳислар уйғонар эди.

Наим шишани очиб, бир ўзи ичди. Эски аламлар эсига тушиб, дарров маст бўлиб қолди.

— Қарибсан, Наим,— деди Адаш Карвон.

— Ҳаммамиз ҳам қариймиз,— деди Наим афтини буриштириб. Сўнг Адаш Карвонни буткул ҳанг-манг қилиб деди:— Ойниса бечора ҳам сени кута-кута қариди.

Адаш Карвон Наимга анграйиб қаради. Наим ярғоқ бошини сийпаб, қиррадор стаканга вино тўлдирди.

— Ойниса... эр қилмаганми?!— деб сўради Адаш Карвон томоғи қуруқшаб.

— Йўқ,— деди Наим унинг ҳайратига эътибор бермай.— Уҳ! Нима, хат-пат олмасмидинг?

— Кетган йили битта хат ёзган эдим. Онасига,— деди Адаш Карвон столнинг четига тикилиб.— «Қизингизнинг ихтиёри ўзида», деган эдим. Наҳотки турмушга чиқмаган бўлса? Сен ўзинг аниқ биласанми?

— Бир ой бурун қишлоққа борган эдим, чиқмаган эди. Агар бир ойнинг ичида чиқмаган бўлса...— Наим сўзини ямлаб, оғзига балиқнинг думини солди.— Ихтиёри ўзида, деган бўлсанг, шунақа ихтиёр қилган-да.

Адаш Карвон Наимнинг уст-боши, абгор қиёфаси, гупиллаб вино иси анқиб турган хомсемиз вужудини кўриб, бу гапга ишонмади, ишонмагани учун кавлаштириб ўтирмади.

— Ушанда қанча ётдинг, Наим?— деб сўради у.

Наим асабий қўл силтади:

— Бари бир сеникидан кам. Чиққанимдан сўнг қишлоққа қайтиб бормадим. Менга ҳаром энди у ер. Мана, аҳволимни кўриб турибсан, гўлаҳдан баттар...

Уч-тўрт дақиқа жимлик чўкди. Тўсатдан Наим гурзидек мушти билан столни қарсиллатиб урди, стакан бир сакраб, бўш шиша қулаб тушди.

— Билмайсан, ошнам, ҳеч балони билмайсан,— дея гудрана бошлади Наим.— Ҳаммамиз ҳеч балони билмаймиз. Ушанда сени Фатҳиддинов қаматтирган экан. Қандоқ қилай, мен ҳам кеч билдим, билганим билан ўзим бадном эдим, гапимга ҳеч ким қулоқ солмади...

Адаш Карвон Наимнинг ҳисобсиз ажинлардан буришиб-тиришган юзига тикилди. Бурунги содда, оғиркарвон Наимдан фақат шу «қандоқ қилай» деган сўзигина қолибди.

— Фатҳиддиновнинг менда нима қасди бор экан?— деб сўради у секин.

— Бориб Ойнисадан сўра,— деди Наим ва ўрнидан туриб хиёль гандираклаганча эшик томон юрди. Адаш Карвоннинг нигоҳида шубҳа йилтираганини кўриб, яна жойига чўкди.— Йўқ, хотиринг жам бўлсин, Ойниса фариштадек пок. Билсанг, ўша пайтларда Фатҳиддинов унга хуштор экан, қиз сени дегач, шундай қилган экан.

Адаш Карвон бирдан ҳаммасини яққол англади. Бунинг шунчаки бир сабаб экани, аслида чойхонада айтган ўша гапи Фатҳиддиновнинг қулоғига етиб, бошига бало бўлганини тушунди.

— Фатҳиддинов... қаерда?— деб сўради қалтираб.

— Ўлган,— деди Наим кўзлари милт-милт қисилиб.— Эллик биринчи йили. Лекин, ишонсанг, икки йил тўшакдан туролмай шишиб ётди, охири ириб-чириб, сув бўлиб оқди...

Хийла вақт жимиб қолдилар.

— Ҳа, шу... ким қилмагай, ким тортмагай,— дея гўлдиради Наим.— Сенгаки бекордан-бекор хусумат қилган экан...

— Бекордан-бекор эмас, Наим,— деб унинг сўзини бўлди Адаш Карвон.— Энди билдим, у мендан қўрқар экан.

— Нега?

— Мен унинг кимлигини билардим-да.

Наим унга телбага қарагандек қаради:

— Билармидинг? Ростдан билармидинг-а, хумгазақ?

Адаш Карвон бош ирғади.

— Билсанг... нега ўшанда дамингни ютиб кетавердинг?

— Бу унинг қилмиши эканини туш кўрибманми?

— Туш кўрмасанг... Ахир, битта-яримтага айтсанг бўлмасмиди? Ахир, «Гуноҳим нима мени?», деб фарёд қилсанг бўлмасмиди? Раз шунақа экан...

Адаш Карвон индамади, жилмайишга уринди.

Наимнинг қош-кўзлари пирпиради:

— Бўлмаса, энди мендан кўради! Бу ишни қўйиб бўпман шундоқ! Керак бўлса-чи, агар...

— Э, қўйсанг-чи, — деди Адаш Карвон кулимсираб, — энди бундан кимга не наф? Кўргилик-да. Ҳа, бу Ғиёсхон нима бўлди?

Наим бетоқат чимирилди:

— Сўрама шуни, дийдори курсин. Юргандир бирон кавакда. Тошкентда деб эшитаман... Фатҳиддиновнинг кимлигини билар экансан, ўшанда айтсанг бўлмасмиди?! Э, одам ҳам шунчалик латта бўладими? Биз-ку бир авом, ким айтади сени, мадраса кўрган деб?!

Адаш Карвон унинг жўшқин хитобларига жавобан кулимсираб қўйди.

— Шунча йил умрингни хазон қилиб-а! Падарлаънат бари бир кейин урилиб кетди-ку! Ўзи халқ душмани бўлиб чиқди-ку!

— Майли, ўтган ишга... — Адаш Карвон қопчигига қўл чўзди. — Мана, тангрининг ўзи кўрсатибди-ку, ахир. Яратган эгам ўзи ҳар кимнинг ажрини олиб беради, фақат унгача бандаси шошади, холос.

— Э! «Худо» дейсан, «эгам» дейсан, бирор марта жонингга ора кирдими?! Наҳотки бошингдан мағзава тўкса ҳам осмонга гўлайиб ўтираверсанг?! Қандоқ бўлсанг, шундоқлигингча қолибсан, Адаш. Тавба!.. Қаёққа кетяпсан? Бугун уйга бора-миз!

— Йўқ, Наим, мен қишлоққа кетай, — деди Адаш Карвон. — Бир соат олдин бўлса ҳам борай, юрагим чидамаяпти, билсанг...

— Майли, ошна! — Наим ўридан туриб Адаш Карвонни бағрига босди. — Кўрган-кечирганинг шу бўлсин энди! Буёқ умринг энди фойдага, ошна! Кўрасан, мен ҳали ўлган эмасман! Сениям, ўзимнинг ҳам номимни оқлаб олишга қурбим етади! Лекин, Ойнисани эҳтиёт қил, фариштадек пок, жаннати қиз экан у!

Адаш Карвон ўйга толди.

Искандар Зулқарнайн қудрати чексиз подшо эди. Мол-мулк, хазинаси, қул-чўриларию лашкарларининг сон-саногии йўқ эди. Унинг ақлда беназир, ҳуснда тенгсиз Киоксар деган баҳодир лашкарбошиси бор эди. Подшо учун жамики мол-дунёси ҳам бир, Киоксар ҳам бир эди. Салтанат ташвишларидан чарчаган, ҳарбу зарбдан зериккан чоғларида уни ҳузурига чорлаб, узоқ суҳбат қуриб ўтирар эди. Киоксар подшонинг кўнгли тилаган нарсани шу ондаёқ муяссар қиларди.

Кунларнинг бирида Искандар қаттиқ бетоб бўлиб, узоқ ётиб қолди. Етти икким элидан таклиф этилган не-не машҳур табиблар ҳам дардига даво тополмадилар. Ахийри, уни бир ҳинди табиб кўриб: «Сенинг жисминг эмас, руҳинг дардга чалинибди, — деди. — Бунинг ягона давоси шуки, умрида эркак зотини хаёлига ҳам келтирмаган покдомон, бокира қиз билан суҳбат қуриб, кўнгил очмоғинг керак. Поклик чашмасигина дилинг жароҳатига малҳам бўлғусидир». «Ғалат сўйлайсан, табиб, — деди Искандар қайрон қолиб, — бундай қизни қайдан топаман? Топган чоғимда ҳам, унинг юрагини қандай қилиб биламан?» Шунда табиб қўйнидан бир кўзгу олиб: «Бу — сеҳрли кўзгу, — деди. — Ҳар қандай қизнинг кўнглида не борини бир зумда яққол кўрсатади. Бунинг учун кўзгуни қизнинг нафасига тутмоқ кифоя. Агар умрида лоқал бирор марта эркак зотини хаёлига келтирган бўлса ҳам, кўзгуда губор пайдо бўлади».

Искандар боши тепасида ўтирган Киоксарга қараб деди: «Олийҳиммат Киоксар, бу хусусда сенинг кенгашингни эшитмоқ истайман».

Киоксар ўрнидан туриб, бош эгди: «Эй саодатли шоҳ! Сенинг кўнгилхушлигинг мамлакатнинг тинчлиги, фуқаронинг маъмурлиги демақдир. Ижозат эт, бугуноқ йўлга отланай».

Искандар ўзида йўқ шод бўлиб, ижозат берди.

Киоксар энг жасур, энг содиқ навкарлардан олиб, Искандар тутқазган кўзгуни қўйнига яширди-да, йўлга отланди.

Басра подшосининг малаксиймо, паричеҳра бир қизи бор эди. Унинг овозаси узоқ-узоқларга, жумладан, Искандар Зулқарнайн мамлакатига ҳам тарқалган эди. Киоксар тўғри Басрага қараб жўнади. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, чўлу би бонлар ошиб, икки ой деганда Басрага кириб келди. Подшони зиёрат этиб, қимматбаҳо совға-саломлар топширди ва ҳукмдорининг тилагини маълум қилди. Бу гапни эшитиб Басра подшоси ғоят шод бўлди, Искандардек қудратли зот учун бир эмас, ўн қизи бўлса ҳам аямаслигини айтди. Сўнг Киоксарни қизининг кўшикига олиб боришларини буурди. Ҳайратомуз гўзал боғ ўртасидаги муаззам кўшк қуёш нурида ярқираб кўзни оларди. Киоксарни муҳташам бир хонага олиб кирдилар. Рўпарадаги

тилла шоҳсупага қават-қават пардалар тутилган эди. «Маликамиз ифбат бобида якто,— деб изоҳ беришди мулозимлар Киоксарнинг ҳайрон қолганини кўриб,— номаҳрам кўзлардан яшириниб, етмиш минг парда ичида ўтиради». Шу пайт шоҳсупадан булоқ сувидек тиниқ бир овоз эшитилди: «Бу мусофир нима тилайди?» Киоксар секин қўйнидан сеҳрли кўзгуни чиқариб, овоз келган томонга қаратдию вужуди тош бўлиб қотди: ярақлаган кўзгу бир лаҳзада, гўё қурум босгандек, қопқорайиб кетди!.. У орқа-ўнгига қарамай саройдан чекинди, навкарлари олдига етгани он машриқ томон от қўйишни буюрди.

Шу тариқа Киоксарнинг саргардон кунлари бошланди. У Исфаҳон ва Бадахшонни, Табриз ва Истанбулни, Ҳиндистон ва Ҳиротни, Гуржистон ва Самарқандни, Шероз ва Бухорони, яна қанчадан-қанча шаҳру кентларни бошдан-оёқ кезиб чиқди. Лекин ҳеч қайда муродига етмади. Сеҳрли кўзгу таърифи етти иқлимни тутган ҳурилиқо маликаларнинг ҳам, умрида остона ҳатлаб ташқари чиқмаган бокира гўзалларнинг ҳам сирини фош айлаб қўяр эди.

Орадан уч йил ўтди. Киоксар ҳамон Исфаҳон ва Бадахшонда, Табриз ва Истанбулда, Ҳиндистон ва Ҳиротда, Гуржистон ва Самарқандда, Шероз ва Бухорода, яна қанчадан-қанча шаҳру кентларда бесамар кезиб юрарди.

Ниҳоят, Киоксарнинг қадами етмаган юрту эл жуда оз қолди. Шавкатли лашкарбоши беҳуда изланишлардан чарчаб-зериқди. Сеҳрли кўзгу унинг кўзига бало-қазодек кўрина бошлади. У туйфайли Киоксар одам боласига бўлган эътимодини, покликка, бокираликка ишончини йўқотаёзди.

Шундай кунларнинг бирида унинг қулогига Қайсари Румнинг гўзал қизи ҳақида эл-элатлар оша кезиб юрган овозанинг бир учи келиб етди.

Киоксар сўнгги умид билан Рум мамлакатига қараб отланди. Неча-неча тоғу тошлар, дарё-денгизлар ошиб, алоҳал, Қайсарнинг салтанатига етиб келди. Таомилга кўра, Қайсарнинг ҳузурига кириб, муддаосини баён қилди. Қайсар қизини ҳузурига чақиртирди. Киоксар, қаршисида ўз гўзаллигидан ийманиб-қимтиниб турган бемисл санамнинг нафасига бадкирдор кўзгуни тутиб, қувончидан қичқириб юборди: кўзгу янада ярақлаб, янада равшан тортиб кетган эди!

Киоксар Қайсарнинг қизига миннатдор тикилди. Самбитдек нозик, гулобдек тиниқ, фариштадек пок бу қиз ифбатнинг тирик ҳайкали эди. Унинг маъсум чеҳрасида фақат ишонч ва шафқат туйғуларигина жилва қиларди.

Қайсари Рум билан тўй муддатини келишгач, Киоксар қизни олиб юртига жўнади. У бениҳоя шод, ҳукмдорининг ҳузурига

ёруғ юз билан қайтаётганидан мамнун эди. Ёлғиз бир нарса лашкарбошини безовта этар — Қайсари Румнинг гўзал қизи, унинг ишонч ва шафқат туйғуларигина жилва қилган гулгун юзи кўз ўнгидан кетмас эди.

Тоғу тошлар, ҳадсиз-ҳисобсиз дарё-денгизлар ортда қолди. Узоқдан она юрт сарҳадлари кўзга чалина бошлади.

Манзилга етти кечаю кундузлик йўл қолганда, Киоксар қаттиқ қийналиб кетди. Ҳам, турса ҳам зебо санамнинг гулгун чеҳраси кўз ўнгидан кетмас, юраги пинҳон бир ҳасратдан сирқираб оғрир эди.

Аммо Киоксар мард, содиқ лашкарбоши эди. Вужудидаги бу азобларга матонат билан бардош берди. У кечалари навкарларига ўзининг оёқ-қўлларини чодир устунларига боғлаб ташлашни буюрар, сўнг тун бўйи фироқ ўтида тўлғаниб, бедор тонг отгирар эди.

Ниҳоят, Уқубат биёбони тугади. Карвон эртага саройга кириб боради.

Киоксар сўнгги кечани сўнгсиз изтиробда ўтказди. Кўнглига оралаган шайтон васвасасидан қутулмоқ учун кечаси қароргоҳдан чиқиб, олис кумтепалар қўйнида алам-андуҳ чекиб ётди, тонг ёришар-ёришмас кўз ёшларини артиб, яна тунд, шижоатли саркардага айланиб, ҳамроҳлари олдига қайтди.

Йўлга отланишаркан, Киоксарнинг юрагига гулгула тушди. Қизнинг нафасига яна бир бор кўзгу тутмоқ, баҳонада унинг дийдорини сўнгги марта кўрмоқ ниятида ҳузурига борди. Фарриштадек пок санамнинг кўзларига боқишга журъат қилолмай, ерга тикилганча кўзгунини унинг ҳаётбахш нафасига тутди...

Бир лаҳзадан сўнг поёнсиз биёбонда Киоксарнинг аламли фарёди янгради: ярқираб турган кўзгу қоп-қора кўмирга айланиб кетган эди!

— Нега?! Нега, ахир?!— дея бошни чангаллаб аччиқ-аччиқ фарёд чекарди баҳодир лашкарбоши.— Нега, ахир?!

Шунда гўзал санам унинг қошига келиб шундай деди:

— Ҳўнингдан тур, эй шери мард! Мени деб бағринг кадоб бўлиб кетди-ку... Сени илк марта кўрганимдан буён хаёлимдан кетмайсан. Мен сени муттасил ўйладим, шу боис сен бу қадар азоб чекдинг... Мана энди, ихтиёрийдаман...

Найза зарбидан, қилич зарбидан қўрқмаган, ҳукмдорининг ғазабидан, ўлим азобидан қўрқмаган шавкатли баҳодир бу сўзни эшитиб ларзага тушди — дунёда ўзи истаган поклик йўқлигидан, ўзи излаган бокиралик йўқлигидан ва бу даҳшатли ҳақиқатдан ёруғ жаҳонда танҳо ўзи хабардорлигидан, қўлида фақат машъум кўзгу борлигидан...

У ғазаб ичра қалтираб, кўзгуни рўпарасидаги улкан қора тошга улоқтирди. Кўзгу чил-чил синиб, атрофга сочилиб кетди. Унинг синиқлари учиб тушган жойлардан кўз очиб юмгунча ҳайбатли тепаликлар ўсиб чиқди, зум ўтмай бу тепаликлар қоп-қора тусга кирди.

Кюксар оёғи остида қад кўтарган тепалик пойига йиқилиб жон берди.

Орадан асрлар ўтди. Искандар Зулқарнайинни ҳам, Қайсари Румнинг гўзал қизини ҳам, бу афсонани тўқиганларни ҳам ер ютди.

Бу ғамгин қиссадан ёлғиз ёдгор бўлиб Кюксар жон берган тепалик — Қорамозор деб ном олган кўҳна қабристонун эл тилида танҳо бир байт қолди, холос:

Ойнаси бор кишининг бари Искандар эмас,
Чеҳраси кулган гўзалнинг барчаси дилбар эмас.¹

Адаш Карвон қишлоққа қайтиб, онасига аза очди.

Уч кун ўтиб Ойнисанинг онаси одам юборди: «Адашвой хасмидаги қизни никоҳлаб олса олсин, бўлмаса, жавобини айтсин. Фотиҳадан қўрқиб, шунча йил кутдик. Орада қудам боёқиш ўлиб кетди, қизимнинг отаси ўлиб кетди. Менинг ҳам бир оёғим гўрда. Кўзим тиригида Ойнисани эгасига топширай».

Адаш Карвон элчига ҳол-кунини баён қилиб, узр айтди, бир оз муҳлат сўради.

Эртаси кун элчи яна қайтиб келди: «Менга Адашвойнинг ҳеч нарчаси керак эмас, бир коса сув билан никоҳ ўқитса — бас. Мол-дунё, пешонасига ёзган бўлса, битиб кетар».

Индини кечқурун бир коса сув билан никоҳ ўқилди. Сўнг «ёр-ёр» сиз, карнай-сурнайсиз, куёвнавкарсиз тўй бўлди.

Улар дунёдаги бирорта келин-куёвга ўхшамай турмуш қурдилар.

Лекин улар ҳам дунёдаги барча келин-куёвлар сингари бахт-саодат, яхши фарзандлар умидида бир ёстиққа бош қўйдилар...

— ...Айт, Ойнис, нега мени шунча йил кутдинг? Ахир, «Ихтиёринг ўзингда», деган эдим-ку?

— Қандоқ қилиб кутмайман? Ахир, ўртамазда нон синдирилган эди-ку?

— Лекин бари бир ишонгим келмайди. Озмунча вақт ўтдим, ахир?

¹ Алишер Навоий.

— Ишонмасангиз... ишонмасангиз мен нима ҳам дердим...
Ўзингиз биласиз.

— Йўқ, Ойнис, мен сенга ишонмайман, деганим йўқ. Мен сенга ўзимга ишонгандек ишонаман, имонимга ишонгандек ишонаман. Фақат шунча йил қандай кута олганимга ақлим бовар қилмаёттибди.

— Отам ўлар чоғи васият қилди: «Қизим, фотиҳа — худонинг муҳри. «Ўлди», деб хабар келмагунча — кут», деди. Мана, кутдим, чидадим. Юрагим сезарди, бир кун мана шундай кириб келишингизни билар эдим.

— Ойнис... Мен энди, ахир, қариб қолдим. Бошимда сочим, оғзимда тишим қолмади. Қирқ олтига чиқдим-а, қирқ олтига! Балки бир вақти келиб пушаймон қиларсан. Яхшилаб ўйлаб кўр.

— Нимасини ўйлайман? Йигирма йил ўйлаганим етмайди-ми? Ўйлаганимда кутиб ўтирармидим?

— ...

— Сизга нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз?

«Нега йиғламай, Ойнис? Ахир, мен бир ўлган одам эдим-ку? Ахир, мениям одам деб, йўлимга кўз тикиб, биров умрини хазон қилса... Ахир, жуфти ҳалолнинг тупроғи совимасдан бошқанинг қўйнига кираётган хотинлар озми! Кечаси эрининг бағрида, кундузи ўйнашининг қучоғида ётган аёллар озми! Орномусни, вафони сариқ чақа билмайдиганлар озми! Нега йиғламай, Ойнис! Ахир, сенинг гуноҳинг нима эди, Ойнис! Нега сен ҳам дунёга келиб, одамдек кун кўрмадинг, Ойнис!...»

— Қўйинг... Қўйинг, энди...

— Майли, Ойнис, қўй мени... Жигарларим тош бўлиб кетган, ахир. Майли, зора шу билан эриса! Зора мен ҳам одам бўлсам!

— Ҳали кўрмагандек бўлиб кетасиз.

— Айтганинг келсин. Айтганинг келсин — мениям яратгандан умидим бор, ахир!

— Мен энди турай... Ҳадемай тонг отади.

— Бирпас шошма... Яна бирпас ётгин. Ойнис... Жоним!..

...вафонинг оқ йўли шунча узунми?!¹

Адаш Карвон тўйга айтиб юрган йигитларни кўрдию хаёлан бутун ўтмишини, умрининг қайтмас ва армонли фаслларини қайта кезиб чиқди.

Ўша йили кузга бориб Наим ҳам бола-чақаси билан қишлоққа кўчиб келди. Бузилиб ётган уй-жойини тиклаб, касалхо-

¹ Фафур Ғулом сатри.

нага қоровул бўлиб кирди. Ичишни ташлаб, маҳалла-кўйга аралаша бошлади, баъзан Адаш Карвоннинг олдига келиб, ўтиб кетган ўша ишларни сўраб-суриштирар, юқори маҳкамаларга ёзган хатларининг жавобларини кўзига ёш олиб кўрсатар эди. Наим бу чигал савдонга ҳақиқат қилишга қаттиқи киришган экан, энди ниятига етай деган пайтда, тўсатдан, бир кечада вафот этди.

Адаш Карвон ўшанда унинг сой бўйидаги каталакдек ҳовлисига борганини, таъзияда ўтиришганида, беқасам тўн ус-тидан қарғашойи белбоғ боғлаб, айвонда бепарво ўйнаб юрган беш-олти яшар болани кўрсатиб кимдир: «Шу кенжаси билан икки қизалоғи сағир қолибди», деб шивирлаганини эслади.

Мана, Наимнинг кенжаси — отаси ўлганда қайғу-аламни хаёлига ҳам келтирмай айвонда бепарво югуриб ўйнаган ўша сағир гўдак бутун эр етиб, элу юртни тўйга чорлаб юрибди. Умр дегани дарё экан-да.

Насиббек тирик бўлганда, Адаш Карвон ҳам аллақачон тўй қилган, насиб этса, шу пайтгача икки-учта набиранинг бобоси ҳам бўлар эди. Эй!.. Ўғли бояқиш лоақал бир зурёд қолдириб кетганида ҳам баҳарнав эди-я!..

Саттор ҳамон сой ёқалаб кетиб борарди.

У ердан кўз узмай, жадал одим отарди. Бахтига, йўл кимсасиз эди. Сой бўйида ҳам унда-бунда кир чайиб ўтирган хотинлардан бўлак бирор киши кўринмасди.

Миртурсун халфанинг теракзорига яқинлашгач, у қадамини секинлатди. Ўрмондай қалин теракзорни оралаб ўтиб, туядек келадиган кулранг харсангтош остидан қайнаб чиқаётган булоқ қошида тўхтади. Булоқ лабидаги намхуш чимзорга мук тушиб, қўлини сувга ботирди. Муздек сув бармоқларини шиша билан кесиб кетгандек бўлди. Ҳовучига сув тўлдириб қониб-қониб ичди-да, қаддини ростлади. Теракларнинг заъфарон қуббаси оша баланд тепаликда қаққайган кўҳна болохонанинг дарчаси кўзга ташланарди.

Саттор бир хўрсиниб, мисдек қизиб бораётган юзини булоқ сувига чайди, теракзор четидаги четан девордан енгил сакраб, болохона томон йўл олди.

Бу кўҳна болохонада унинг навқирон дамлари, илк изтироб ва қувончлари кечган. Сарғайган вассажуфтлар, ўймакор текчалар унинг бедор тунларига гувоҳ.

У ёшлигидан ҳайҳотдек чорбоғ этагидаги шу болохонани ўзига макон қилиб белгилаган — дарсхонаси ҳам, кейинчалик ётоқхонаси ҳам шу қадимий кулба бўлган эди.

Саттор кўк дарвозадан ичкари киргач, рўпарадаги кўкракдор иморат томон бир-икки қадам юрди-ю, тўхтаб, орқасига қайтди.

Ёғоч зинапояни гижирлатиб болохонага чиқди. Ер билан битта қилиб пиёз тўкиб қўйилган пастак хонада бир зум каловланиб тургач, портфелини тоқчага суяб, дарча олдига борди. Дарчанинг бўёғи ўчиб, тавақалари қийшайиб ётарди. Кўнгли бир хил бўлиб, дарчани очди.

Яқин-яқиндагина у ксчқурунлари шу дарчадан пастга — теракзор ортидаги булоқ бошига термилиб, сувга келиб-кетаётганларни томоша қилиб ўтирарди.

Оқшомлари булоқ атрофи айниқса гавжум бўлиб кетарди. Эшагига бидон ортган қора-қура болалар, сув баҳона юрагининг чигалини ёзишга чиққан келинчаклар, қўлидаги чойгумини қумлаб ишқаганча соатлаб гап сотадиган эзма хотинлар, сой ёқалаб ётқизилган омонат тошлардан сакраб-ҳаккалаб, шўх кулги билан турнадек тизилиб келгувчи қизлар...

Аммо кўҳна болохона дарчасидан тикилиб ўтираркан, уни ола-қуроқ бу намоён асло қизиқтирмас, у булоқ оша сойнинг нариги бетига, йўқ, ундан ҳам узоқдаги олис тепаликларга тунд ва бепарво боқаётгандек кўринар эди. Лекин сиртдан қарагандагина шундай кўринарди. Аслида эса, Саттор ўзига ҳар оқшом чексиз бахт ва чексиз азоб ато этадиган лаҳзаларни зориқиб кутарди.

Ниҳоят, кун ботиб, булоқ бўйи кимсасиз бўлиб қоларди. Қора-қура болалар бақириб-чақирганча эшакларини ҳайдаб жўнар, юрагининг чигалини ёзиб олган келинчаклар апил-тапил уй-уйларига физиллашиб, тор кўчалар қаърига сингиб кетишар эди.

Ана шунда булоқ бўйига бир қиз келарди...

У ҳам бошқа қизлар сингари, қўлида иккита челак, сой ёқалаб ётқизилган омонат тошлардан сакраб-ҳаккалаб, оҳиста юриб келар эди.

Аммо болохона дарчасидан интизор термилиб ўтирадиган Сатторга у гўё оёғи ерга тегиб-тегмай учиб келаётгандек кўринар эди.

Қиз, ниҳоят, учиб-қўниб, булоқ лабига етиб келарди.

Саттор, бори-борлиги шодликка тўлиб, қизнинг хатти-ҳаракатларига сеҳрлангандек, жойида девонавор ўтириб қоларди. Назарида, ғира-шира қоронғилик чўккан кўҳна болохона кўз илғамас аллақандай ёғду билан ёришиб кетгандек туюлар эди.

Теракзор ҳам, кунда ўн марталаб кўрадигани жимжит булоқ бўйи ҳам энди қайгадир чекиниб, нигоҳи қаршисида сирли ва поёнсиз, нотаниш ва кўнглига яқин бир манзара намоён бўлар эди. Бу манзилдаги ҳамма-ҳамма нарса — тиниқ, муздек сув шарқираб ётган сой қирғоқларию йўсин қоплаган чағир тошлар

ҳам, туяга ўхшаш кулранг харсангу теракзор ўртасидаги кафт-дек чимзор яланглик ҳам, булоқ кўзига ўйчан тикилган қиз ҳам бирдан юракни энтиктирар даражада азиз ва қадрдон бўлиб қоларди.

Сатторнинг вужуд-вужудига лаззатли титроқ тараларди. Шундай лаҳзаларда у ўзини бениҳоя мард ва шижоатли ҳис этар, бирор кимса шу тобда жонини сўраса, беришга тайёр эди.

Сал ўтмай, теракзор ичидан жириглаган товуш эшитилар ва ниҳоллар орасидан велосипед етаклаган бир йигит чиқиб келар эди.

Қиз ялт этиб қайрилиб қарарди.

Болохона дарчасидан ҳушсиз термилиб ўтирган Саттор қизнинг кўзлари шодумон чақнаб кетганини, чеҳрасида бахтиёр табассум пайдо бўлганини сезар ва буни сезгани он жисми жаҳонига ўт тушиб, беихтиёр ўрнидан турар эди.

Кейин... ночор, аянчли титроқ оғушида аламзада кўзларини пастга тикарди.

Йигит кулимсираб қизга яқинлашарди. Қиз жойидан кўзгалиб, укпардек тўзғиган сочларини, зангор дуррачасини тузатар, бошини хиёл қийшайтирганча унга жилмайиб боқар эди. Йигит булоқ четига ётиб, қониб-қониб симирар, сўнг велосипедига суянган кўйи қизга нималарнидир гапира бошлар эди.

Уларнинг гап-сўзлари болохонага эшитилмас, лекин қиз аҳён-аҳён хандон ташлаб кулганда, янгроқ кулгиси оқшом сукунатини титратиб юборар эди.

Улар қоронғилик қўйнида ягона кўзи — танҳо дарчаси билан хўмрайиб турган кўҳна болохонани ҳам, шу болохонада ярадор арслондек тўлганиб, унсиз инграётган Сатторни ҳам пайқамас эдилар. Сезган тақдирларида ҳам унга парво қилмоқликлари маҳол эди — ўз тақдири, ўз бахти, ўз қувончидан шу қадар маст эди улар...

Вақт алла-палладан ошганда қиз челақларини олиб, сой ёқалаб ётқизилган омонат тошлардан яна оҳишта-оҳишта юриб йўлга тушар, йигит велосипедини етаклаганча сув кечиб унинг ортидан эргашар эди.

Саттор ана шундагина ўзига келарди. Алам, қаҳр ва хўрликдан бўғилган бўғзи куйиб, кўксидан аччиқ-аччиқ хўрсиниқ тошиб чиқа бошларди. Энди буткул олам кўзига ана шу бефайз болохонадек зимистон кўринар, топталган ғурури фарёд кўтариб, қалбини қора қайғуга тўлдираар эди.

Қизнинг бахтиёр кулгилари, юлдуздек чақнаган кўзлари, безабон тошларга, жонсиз теракларга, туссиз майсаларга, ҳиссиз сувга мунаввар ҳаёт бағишлайдиган, боягина азиз ва қадрдон

бўлиб туюлган жонбаста нафаси бошқа бировники эканини, ҳеч қачон ўзига насиб этмаслигини идрок этаркан, аламзада вужудига чирмашган ўт баттар аланга оларди.

Деярли ҳар оқшом шу ҳол такрорланар, деярли ҳар оқшом Саттор дарчадан ҳасрат ва алам билан пастга — Изтироб майдонига термилар, сўнг тонггача бедор тўлганиб тоқи санар, лекин бирор нарсани ўзгартиришга қодир эмас эди.

Ўша кезларда ўзи ўзига дунёдаги энг бахтиқаро кимса бўлиб туюларди. Ваҳоланки, у пайтлар умрининг энг бахтиёр, энг масъуд дамлари экан — юрагида дунёга, одамларга меҳр, қаҳр яшаган дамлар... кўксида чалажон умид типирчилаган ўша оқшомларда у беихтиёр бахтиёр бўлган экан.

Ана шу қувонч ва изтироблардан, кўнглида ана шу қувонч ва изтиробларни уйғотгувчи ардоқли манзаралардан у бирйўла жудо бўлди. Энди эса тугилган қишлоғига, интизор ота-онасининг бағрига юрак ҳовучлаб, ўғридек келиб, ўғридек кетишга маҳкум! Қолбуки...

Зинапоя ғичирлади — у чўчиб ўгирилди, шоша-пиша эшик олдида борди: онаси қўлида тоғорача, зинадан ҳарсиллаб чиқиб келарди.

— Вой, Саттор?!— дея она жойида қотиб қолди.— Қачон келдинг, болам? Вой, нега бу ерда турибсан?

— Ассалому алайкум, ойи...

— Ваалайкум... Вой, қачон келдинг? Тузукмисан? Ранги рўйинг бир ҳолат... Нима бўлди, тинчликми?

— Ҳеч нарса, ойи,— деди Саттор ва портфелини олиб, онаси томон юраркан, димоғи ачишганини сездди.— Тинчлик.

Тушдан кейин Ҳусния бир коса шўрва олиб чиқди.

— Олинг, Адаш бува, совимасин. Боя Адҳамингизни чиқарган эдим, эшигингиз қулф экан.

— Ҳа, бир айланиб... Бекор овора бўпсан-да. Ҳозир чой ичувдим. «Етимларнинг ризқини қийиб...»

Ҳусния — зийрак хотин, унинг дилидан кечган гапни дарров пайқади.

— Вой, Адаш бува, овораси борми! Унақа деманг, хафа бўламан-а! Сизни деб атай қозон қайнатармидим, маргабаси бир коса сув-да!

— Хўп, хўп... Э!— Адаш Карвон хижолатомуз бош чайқаб, хонтахта устидаги дастурхонни очди.— Қани, бисмилло, ол ўзинг ҳам.

— Сиз бемалол... Мен болалар билан ичдим. Едириб, кийдириб, то мактабга жўнатгунимча нақ эсарақ бўп кетаёздим-а!— Ҳусния айвон бурчидаги газ плитаси олдига бориб, кўк чойгумга

сув сола бошлади.— Адаш бува, шулар ҳам одам бўлармикан? Ҳеч эс деган нарса йўг-а!

— Э! Ҳали шунақанги қиличдай йигит бўлсинки, ўзинг ҳам ҳайрон қолгин. Бола-да ҳозир, ўйин боласининг нимасидан ўпка қиласан?

— Эй, ким билади дейсиз... Ишқилиб, айтганингиз келсин, умидим шулардан энди. Зора бир кун менинг ҳам кўкрагимга шамол тегса...

— Юк кўтарган юзага чиқади, ҳадемай кўрмагандек бўлиб кстасан.— Адаш Карвон пат сочиққа қўл чўзди, сўнг тараддудланиб сўради:— Бу, Нурматдан ҳеч дарак борми?

Ҳусния бошини сарак-сарак қилди:

— Ўша ўйинчи хотиннинг орқасидан бадар кетгани...

— Ў, баттол! Бу донадек болаларни қандоқ кўзи қийди экан-а!— Адаш Карвон илкис қўзғалиб қўйди.— Ахир, бир кун бунинг савол-жавоби бор-ку, нима дер экан ўшанда?! Ҳаҳ, хомқайиш, етимнинг ҳақи етти дарёни қуритади-я!

Аёлнинг чағир кўзларида алам чақнади:

— Балодек одам, билмайман, нима касофат босиб... «Мошина оламан», деганида, юрагим ёрилиб ўлган эканманми, онамдан ёдгор қолган тилла зирагу билагозуқларимниям қўшқўллаб тутқазибман. Бу кишим кейин мошинали бойвачча бўлиб, отарчиларни тўйма-тўй олиб санғийдиган бўлдилар. Мана, оқибати: бир этак чурвақанинг ўртасида чапак чалиб ўтирибман. Э, асли пешонам тошда чақиладиган экан, Адаш бува!— У бўғзига тикилган йигини ютиб, жим қолди.

— Болаларига пул-мул юбориб турадимми? — деди Адаш Карвон анчадан сўнг, ниҳоясиздек туюлган сукутни бузиб.

— Бе! Юбориб ҳам кўрсин-чи! Ўша манжалақи думбасини қилшиллатиб топган пулдан юборди-да юборганда! Ундан кўра, бола-чақам билан очимдан қирилиб кетарман! Илоё ўша ҳаром-ҳарिशлари исқотларига буюрсин!

Чол мум тишлаган каби сўзсиз-садосиз қолди.

«Э фалак! Норасо ишларинг бунча кўп!»

У ҳозир ҳар қандай таскин-тасалли ҳам, ҳар қандай эзгу тилак ҳам бу аёлнинг юрагида ёнган аламни боса олмаслигини яхши билса-да, бари бир уни инсофу тавфиққа, сабр-бардошга чақиритишдан бўлак чора тополмади:

— Майли, кўп куяверма, кўргилик. Куйганингдаям нима фойда? Ишқилиб, толсингта энди шу ўгил-қизларинг омон бўлсин, шуларнинг инсофини сўрагин!

Ҳусния косани оларкан, билинар-билимас бош ирғади:

— Бошқа нимаям қилардим? Қўлимдан келгани шу: яратганга солиб қўйибман. Илоё менинг уйимни бузганлар ўзи бузилиб ўлсин!

Адаш Карвон деворга суянди, оғир тин олди.

Ҳусния хўрсиниб эшикка қараб юрди, остонага етганда нимадир эсига тушиб, тўхтади:

— Нонингизнинг суви қочибди, хамир қориб қўйганман, тагин кўчадан нон олдириб юрманг.

— Эй, қўй, нон етади!— Адаш Карвон негадир шоша-пиша ўрнидан қўзғалди.— Нон кўп, бола-чақангга ёпиб едиравер!

— Вой, иссиқ нон-а, Адаш бува! Йўқ, бозорга чиқиб юрманг, хўпми? Бугун-ку энди қўлим тегмас, эртага эрталабдан кир бошлайман. Кирларингизни йиғиб қўйсангиз, кечқурун Адҳамми, бирортаси олиб чиқар.

— Оббо!— Адаш Карвон нима деярини билмай қолди.— Энди... тоза сениям...

— Вой, йўқ, Адаш бува, ҳеч уёғини ўйламанг! Раҳматли Ойнис холамга ваъда берганман-а!

— Ваъда? Қанақа ваъда?

— Раҳматли холам, ўлимларидан икки ойча олдин, шу ерда чой ичиб ўтирганимизда гапдан гап чиқиб, бирдан васият қилиб қолдилар. «Бандалик, иссиқ жон, билиб бўлмайди, мабодо мен бир нарса бўп кетсам, Адаш бувангизнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турасиз-да», десалар денг! Аввалига қизиқчиликка олиб кўлдим, «Қўйсангиз-чи, Ойнис хола», дедим. Йўқ, азза-базза мендан ваъда олсалар бўладими? Боёқиш холам фариштадек аёл эдилар, ўшанда кўнгилларига солган экан-да. Икки ойдан кейин ўзлари мунақа бўлиб ўтирибдилар-а, ё тавба!.. Вой, майли, Адаш бува, хамирим ҳам уй билан битта бўлиб кетгандир...

Эшик оҳиста ёпилди. Адаш Карвон ҳанг-манг ўтириб қолди. Кампир раҳматли ундан бўлак одамларга ҳам васият қилган экан!

Демак, с е з г а н экан-да?

Ў з и аён бўлади, б е л г и бериб келади, дейдилар. Ким билсин...

Боёқиш кампир! Сўнгги дамда ҳам унинг — умр бўйи ўзига тирик товон бўлган Адаш Карвоннинг туганмас ташвишини тортган экан-да.

Чолнинг юрагида нохуш санчиқ турди.

Ҳар бир комил инсон, то тирик экан, бола-чақалари, хеш-ақрабolarини тўплаб, бу ёруғ оламда қилган ишлари, дунёга

нима олиб келиб, нима олиб кетаётгани, ҳаёти давомида содир этган гуноҳу савоблари, бўйнидаги қарз-қаволалари ҳақида сарҳисоб бериб, виждони неки буюрса, васият қилмоғи фарз, дейдилар.

У — ўзгаларга бу гапни қайта-қайта такрорлагувчи Адаш Карвон, ўзи ҳануз бунга журъат этолмайди! Йўқ, гап ёлғиз журъатда ҳам эмас...

Кампирга, ҳар қалай, осон бўлган эди: йигирма етти йилдан буён азобига ҳам, қувончига ҳам тенг шерик бўлиб келган умр йўлдоши мангу айрилиқ чоғи ёнида эди, васиятининг ҳар бир сўзини вужуди қулоққа айланиб тинглаган эди...

Адаш Карвон эса... Б у н и н г қачон, қандай содир бўлиши ёлғиз ўзига аён, лекин негадир миясига ўрнашиб олган ва ҳаргиз хаёлни тарк этмайдиган бир манзарани кўз олдига келтираркан, танглайигача муз қотади, томирларида суст оқаётган ўлимтик қон бирдан тўхтаб қолгандек туюлади: у кечаси жон беради. Туйқусдан. Оғриқсиз. Шиква-шикоятсиз. На рози-ризоллик, на васият... Кун пешиндан оққанда Ҳусния киради. Эшикни очиб, додлаб юборади, қўлидаги косани остонага ташлаганча орқасига қочиб чиқади — мурдани, оёқ-қўллари акашак, жағи тарракдай очилиб ётган мурдани кўриб...

Адаш Карвон энди эртаю кеч ўзига кампирининг ўлимидек осойишта, беозор ўлим тилайди: «Э қодир эгам, жамолинга термилтириб қўйма, елдек келгину селдек олгин...»

Ва шунда фавқулодда рўй берган, ўзига ниҳоясиз зарба бўлиб тушган кампирининг ўлимидан илоҳий бир маъно топади, армон, таассуфлар ўрнини алланечук шукроналик ҳисси эгаллайди. Зеро, дунёдан кетмоқ дунёга келмоқдек муқаррар экан, ажал гарғараларисиз, қийноқ ва азобларсиз, бедаво касаликсиз, оқма маразларсиз, гўё бир пиёла сув ичгандек сокин ва осойишта кечган ўлимни, то сўнгги дамгача бурро тилдан, тиниқ ақлдан жудо этмаган ўлимни дунёнинг сўнгги улугъ неъматини демай бўладими?..

«Неъматингдан бенасиб этма, халлоқи олам!» — деб илтижо қилади у кун-уззукун.

Ўша куни Адаш Карвон шаҳарга икки тоғора чиллаки олиб кетган эди. Олой бозорида савдо суст бўлди, қишлоққа кечқурун қош қорайгандагина қайтиб келди. Кун бўйи қўш ҳайдагандек ҳориб-чарчаб, боққа аранг чиқиб борди.

Қари марвак тут остидаги супа бўм-бўш. Лойтом боғ уйнинг шапалоқдек дарчасида ҳам милт этган чироқ кўринмайди. Жимжит. Япроқлар шитирлайди, холос.

У алмисоқдан қолган ўймакор эшикни қия очиб ичкари кирди. Шундоқ бурчакда, тахмоннинг ёнгинасида кўрпа-тўшак қилиб ётган кампирини ғира-шира кўрдию азбаройи шошганидан каловланиб бошини кесакига уриб олди: «Милтиқнинг ўқидек юрган нарса...»

— Э, ҳой?— деди у овоз бериб.— Нима бўлди?

— Келдингизми?— Кампир машаққат билан эшик томонга ўгирилди.— Намунча ҳаяллагингиз? Бозор ўлгур касод эканми?

— Эй, сўрама! Еру кўкни узум босиб кетибди. Ҳа?

— Қайдам... Биқиним санчяпти, шамоллабманми, бир ба-ло...

— Оббо!— Адаш Карвон чироқни ёқди, чопонини ечиб қозиққа илди.— Чой-пой ичдингми?

Кампир бош ирғади.

— Қачон? Кеча эрталабми?

У ташқарига чиқди. Супа устини, ўчоқбошини қалин гард-тўзон қоплаган. Қизғиш-яшил барглар дарчадан тўкилиб турган хира ёғдуда чирк босган каби қорайиб кўринади.

Адаш Карвон қўлига супурги олиб, уй эшигини ёпган эди, кампир ётган жойида зорланди:

— Ёпманг, гўрдан баттар... Ўламанми димиқиб?

— Супурсам, тупроқ бўласан-да?

— Тупроқ бўлсам, ундан нари. Охир бир кун шу тупроққа бориб ётаман-да, бари бир. Супурманг, бемаҳалда...

Чол супа лабидаги ярим челақ сувни атрофга шакароб қилиб сепди, тупроғи ўйнаб ётган кафтдек саҳни нари-бери чалиб чиқди.

Сўнг тоқрўда майдалаб, кичкина рух самоварга соларкан, сойнинг нариги бетига синчиклаб тикилди: «Рўзимат ҳам қишлоққа тушиб кетибди-ёв, чироғи кўринмайди».

Елкасига шолрўмол ташлаган кампир инқиллаб ташқари чиқиб келди.

— Йўл бўлсин?— деди Адаш Карвон бароқ қошларини чи-мириб.

— Бир нима пиширай. Иссиқсиз қоласизми...

— Ёт, ёт-э, эсипаст!— Чолнинг расмана жаҳди чиқди.— Ўзи, ўларга қўли тегмаётибди-ю, тагин... Рангингни қара! Бир қошиқ оби ёвғонни амалларман. Босилдими биқининг?

Кампир бўшашиб супа лабига чўкаркан, бош ирғади.

— Чулчутдан баттар ўжарсан,— деди Адаш Карвон.— «Ҳой, кўргондан жилмайлик, узум пишса бир гап бўлар» десам, кўнмадинг. Қақшайвериб қайтага миямни айлантирвординг. Мана энди, ҳузурини тортиб ётибсан!

Ойниса кўзлари жавдираб тутга қаради:

— Ҳаммадан кейин қолиб... Чуғурчиққа ем қилмоқчимидингиз узумни? Уч-тўрт боғ янтоқ ўриб кўяй, ҳарна, девдим-да...

— Ҳа, хўп, лекин биров сенга шунча янтоқни кўтаргин, дептими? Сал сабр қилсанг кезаман-ку, бозорда қишлармидим?

— Ким билади дейсиз... Янтоқни пуштадан олиб чиқиб кўйсам, қуриб турар, деб... Унга эмас, ўзи шамоллаб юрувдим.

Ойниса уйга кириб кетди. Чол ўчоқбошида ивирсиб, ўт ёқди.

Атроф ғира-шира. Кўм-кўк боғлар, олисда хўмрайган тоғлар жимжит. Сойдаги қурбақаларнинг ҳам нсагидир уни ўчган, кунни кеча баҳайбат ёнғоқ тепасида чарх уриб юрган қушлар бугун не сабабдандир чуғурламайди, нафис япроқлар шукуҳ билан шовилламайди. Фақат қайдадир ёзнинг ёлғиз ёдгори — чигирткалар безовта чирқирайди...

У икки коса мастава кўтариб ичкари кирганида кампир кўрпани бошига тортиб ётарди.

— Тур, аччиққина мастава қилдим, бир-икки қошиқ ичгин.

Ойниса кўзини очиб, қақроқ лабларини ялади:

— Бирпас ётатурай. Терлаб сув бўп кетибман.

— Э, қайноқ-қайноқ хўпла, мадор бўлади.

Кампир ночор бош кўтариб, овқатдан номига тотинган бўлди.

— Ҳа? Иримига экан-да?

— Кўнглим беҳузур. Бирпас ётай.

Мастава косаларда қолди. Чол, ҳаёли алағда, нима қиларини билмай, дастурхон четини қайириб ёнбошлади.

Вақт шомдан оғди. Бир пайт кампир қаттиқ-қаттиқ ихрай бошлади. Ихраш инқиллашга айланди. Адаш Карвон ўнингчи чироқнинг пилигини кўтариб, унинг тепасига келди.

— Ҳа, Ойнис?

Кампир оғир ютинди, бўғриққан юзлари пирпираб:

— Мен бўлмай кетяпман,— деди.

— Эй, қўй! Нега? Дўхтир чақирайми, Ойнис, дўхтир?— Адаш Карвон эшикни қия очди, намхуш елвизак ёпирилиб, девордаги чироқ шуъласи заиф липиллади.— Кампир! Мен дўхтирга кетдим. Йўлдан Исоқнинг хотинини айтиб юбораман, ўтириб туради.

— Йўқ, борманг,— деди кампир.— Товуши фавқулодда тетки эди.— Дўхтирлик ишим йўқ мени. Шошманг... Анави чойми? Уҳ! Ўтиринг...

Адаш Карвон саросима ичра гангиб, туйқусдан сергак тортган хотинининг бош томонига чўқди. Кампирнинг бир кунда алланечук қорайиб кетган юз-кўзига мунтазир қаради.

— Ўзингта шукр... Уф!— Ойниса ўнг ёнбошига ағдарилди, кафтини ёстиққа босиб, яғринини кўтарди-да:— Мени Насиббекнинг ёнига қўйинг,— деди.

Чолнинг вужуди зирллаб бўшаши.

— Қўй, кампир, ёмон ният қилма,— дея олди, холос.

— Тузалиб кетсам, кулиб-кулиб эслаб юрармиз, тузалмасам, эс-ҳушим ўзимдалигида айтиб қолай: ўлимлигим бекаму кўст. Ўрта уйдаги сандиқда.— Кампир қийналиб, секин, аммо дона-дона гапирар эди.— Ҳуснияга айтсангиз, ўзи ажратиб олади. Сизникиниям бут қилиб қўйганман, ўша сандиқда. Беш-ўн метр чит олсангиз бўлгани, «йиртиш»га. Кейин...

Адаш Карвон шошиб:

— Гапир, гапир!— деди.

— Анув... Раҳмонбердининг ўғли, Саттор... Узоқ йили бозор-бошидаги гапдан кейин уйига келмайдиган бўп кетган экан. Келолмас экан. Шуни... Раҳмонбердига айтинг, мен кечдим, майли... Мендан ҳам жоҳиллик ўтди. Ҳожаргаям айтинг, кечди, денг. Шўрликнинг боласи дарбадар юрмасин. Сиз ҳам, кўнглингизда нима кудурат бўлса, кечақолинг.

У бош ирғади:

— Мен кечганман... алақачон.

— Майли. Кечмаганда... Насиббегим тирилиб келармиди?

Кампир толиқди, бошини ёстиққа ташлади. Нурсизланиб бораётган кўзлари шифтга қадалди.

Адаш Карвон ҳадик аралаш тин олди. Ўрнидан секин қўзғалиб, беморнинг кўрпасини тузатмоқчи эди, кампир бирдан ўгирилиб қаради-да:

— Рози бўлинг...— деди.— Кўп яхши-ёмон гапирган бўлсам...— Энди унинг товушида бояги осойишталикдан асар ҳам йўқ, безовта титрар эди.

Чол талваса билан атрофга аланглади.

«Э раббано!»

— Мингдан-минг розиман, сен ҳам рози бўлгин...— деди у ва ногоҳ оёқ-қўли живирлашиб кетганини сзди.

Кампир кўзларини юмиб, жим қолди.

Адаш Карвонни ваҳм енгди — жонҳолатда сапчиб турди.

— Кампир! Мен битта-яримтани айтиб келай!.. Дўхтирга обораيمي? Ё қўрғонга опкетайми, а?

— ...

У апил-тапил ташқари чиқди, сарпойчан оёғига калишини илди, супа бурчига етганида ортидан занф инграш эшитилди. Шошиб изига қайтди.

— Ҳа, Ойнис?

— Кетманг,— дея шивирлади кампир.— Кетманг. Калима келтириб туринг...

Адаш Карвон Ойнисанинг бош томонига тиз чўкди. Гўё фақат шу сўзлар хотинини ўлимдан асраб қоладигандек, тириклик

тарк эта бошлаган бемажол вужудига қайтадан ҳаёт бағишлайдигандек, кўзларини чала юмганча сўнгги илинж билан калима ўгира бошлади. Ва шунинг баробарида яратганни умрида илк бор ич-ичидан нотантиликда, номардликда айблади. Айблади-ю, ўзининг шаккок шижоатидан ўзи қўрқиб кетди.

«Ўлиб қолса-я?! Ростдан ўлиб қолса-я? Илоё, ўлмасин! Ўлмасин, илоё!»

Кампир ҳушдан айрилгандек қимир этмай ётарди.

Туйқусдан Адаш Карвон юрагида кампирига айтадиган, айтиши шарт бўлган жуда кўп гаплари борлигини пайқади. Уларни айтмаса, то гўрга киргунича алам-армонда ўртанишини сезиб, беихтиёр Ойниса томон талпинди, муздек манглайига кафтини қўйди. Юрагида қайнаб-тошган дардлар, туйғулар, айтиши шарт бўлган гаплар орасидан тилига келгани шу бўлди:

— Мен сенга кўп жавр қилдим, кампир...

— ...

Шундай дедию дафъатан ғалати бир воқеа эсига тушди. Ҳозиргидек ёдида: ўгли олтинчида ўқирди, бир куни тўсатдан: «Ота, биз боймизми?», деб сўради. «Йўқ», деди у. «Нега бой эмасмиз?» Адаш Карвон нима деярига ҳайрон, «Билмасам», деди. Насиббек унга таажжуб билан қаради.

Кечқурун у супада эгарнинг жазлуғини тикиб ўтирарди. Ойниса тандирга нон ёпаётган эди. Насиббек онасининг олдига бориб нимадир деди. Ойниса кулимсираб: «Сен бой бўлмай ким бой бўлсин! Бошингда отанг бор, онанг бор, бойлигинг шу-да», деди. «Сизлар-чи?» «Биз ҳам боймиз — сендек ўғлимиз бор».

Насиббек бир бурда нон ушатиб нари кетди. Адаш Карвон шунда хотинига ҳайроналик билан узоқ боққан, шу оддий нарсадан кашф этилган ҳақиқатни бутун борлиғи билан англаб, қаттиқ таъсирланган эди.

Мана энди, Адаш Карвон мислсиз, аммо омонат бойликларини навбатма-навбат эгасига топширмоқда!

...Шу алфозда яна қанча ўтирди — билмайди. Тилида, дилида ягона бир сўз: «Тезроқ тонг ота қолса эди!»

Назарида, тонг отса, кампири ўлмай қоладигандек... Кўнглида милтиллаган шу умиддан юрагига мадор югурди.

Бир пайт кампир бемажол ингради. Адаш Карвон ўрнидан сапчиб қўзғалди:

— Ҳа, Ойнис?

— Су... сув беринг...— Кампир кўзларини очмай шивирлади,

— Сув... мана, ҳозир.— У чойнакдан пиёлага чой қуйиб, Ойнисанинг лабига тутди.— Мана, ич, чой...

Кампир машаққат билан бош чайқади:

— Йўқ, сув...

— Ҳозир, ҳозир!— Адаш Карвон чойни сепиб ташлаб, ташқарига югурди, супа лабидаги челакка пиёлани ботириб, изига қайтди, кампирнинг бошини тиззасига олиб, пиёлани оғзига тутди:— Ойнис, мана сув...

Шу лаҳза кампирнинг кўзлари ярқ очилди, бироқ сув ўтмади — лабининг икки четидан силқиб, чолнинг тиззасига тўкилди.

— Ойнис!— деб пичирлади Адаш Карвон қалтираб.— Ойнис!..

Кейин... кампирнинг боши шилқ этиб тушди.

Ҳусниянинг васият ҳақидаги гапи Адаш Карвоннинг дилига гулгула солди.

Ўлим маслаҳатлашиб келмайди!

Асли, унинг нима ташвиши ҳам бор? Хум-хум мол-дунёсию мерос таллашиб қолаётган бола-чақаси бўлса эканки... Шу қутичадек ҳовли, шу арзимас дов-дастак. Борар макони эса тайин, аллақачонлар мўлжаллаб қўйган: хилхонанинг кунчиқар томони, ўғли билан кампирининг шундоқ ёнгинаси.

Ҳовли-жой... Ота уруғидан бир ўғай жияни бор, қўшни қишлоқда. Лекин номига жиян, холос: «Қорада кўрсам — қорним тўқ», дейдиган қариндош. Ойда-йилда бир — тўй-маъракада кўришишади. Ўзига тўқ, бадавлат. Кейинги пайтда негадир серқатнов, сермулозамат бўлиб қолди. Адаш Карвон бу мулозаматлар замиридаги илнжани дарров пайқади. Бироқ ҳовли-жойнинг ёғаси аниқ.

Адаш Карвон буни ҳали бирор кимсага айтгани йўқ, лекин қарори қатъий. Кўзи тириклигида битта-яримтага билдириб қўйса бўларди.

Чол ўрнидан кўзгалди. Турди олакўз уйидамикан?

Остонага етганда ниятидан қайтди. Ким билсин, балки бу ниятини ошкор этса, миннатдск туюлар... Одамзотнинг кўнгли ҳам тубсиз уммондск гап, яхшиси...

У бир варақ қоғоз олиб, дераза олдига чордана қурди. Учи тўмтоқ қаламни йўниб, кўпдан ўйлаб юрган азму қарорини шошилмай қоғозга туширди-да, тўрт буклаб, токчадан кўк чорсига ўралган китобни олди, васиятномани ичига солиб, ўрнидан турди.

Турди олакўз уйда экан. Адаш Карвон уни чақириб чиқиб, тўрдаги хонага бошлади.

Турди олакўз Адаш Карвондан беш-ўн ёш кичик. Унинг ўн битта ўғли бор, бутун умр шуларни уйлантириш, уй-жойли қилиш ташвиши билан овора. Ўғилларини ёнига олиб ёз бўйи деҳқончилик қилади, кузда уйига машина-машина қовун-тарвуз, картошка, сабзи-пиёз келиб тушади. Турди олакўз уч ой

қиш, сарғиш мўйлови ялтираб, савлат тўкиб чойхонада ўтиради. Кўклам йилт этиши билан албатта ё дабдабали тўй қилади, ё бирор ўғлига атаб уй солади. Кейин яна шипшийдан бўлиб, этагини қоқади-да, ўн бир паҳлавонни ёнига олиб деҳқончиликка жўнайди.

— Қани, тўрга!— деди Адаш Карвон.

— Э, тўри борми!— Турди олакўз пойгакка тиз чўкиб, унга синчков тикилди.— Ҳа, Адаш ака, тинчликми?

— Турдибой, сиз менга ука қатори одамсиз,— деди Адаш Карвон.— Мана, йигирма олти йил қўшничилик қилиб, шукр, «сиз» оғзимиз «сен»га бормади, тўғрими?

Бундай кутилмаган «даромад»дан ажабланган Турди олакўз:

— Ҳаққаст рост,— деб тасдиқлади.

— Балли! Энди, «Қиёмат кун — қўшнидан» деган гап бор. Ўзингиздан қолар гап йўқ, бандалик, мана, биз ҳам қариб қолдик. Ёш олдин ўладими, қарими, билиб бўлмайди, лекин ҳар қолда, сизга бир нарсани қулоққоқди қилиб қўяй, деган эдим.

Турди олакўз энди негадир таажжубланмади.

— Хўш?

— Турдибой, мана бунда...— Адаш Карвон тоқчага қўл чўзиб, кўк чорсига ўралган китобни олди.— Ичида икки оғиз васиятим бор. Мабодо қазом етган кунни сиз шу атрофда бўлсангиз, жамоатга айтсангизки, раҳматлининг васиятномаси бор эди... Хўш, энди бунда ҳовли-жой, шу қақир-қуқур дегандек... Кейин... Ўлимликка атаган уч-тўрт тангам бор, худо хоҳласа, йилимгача етади. Яратган эгам пешонамга чироқчи битмаган экан, нима қилай? Турдибой, шуни сизга бериб қўйсам, савоб бўлади, пийсамбилло оби маъракамга яратсангиз.

Турди олакўз қўшнисининг сўзлари чин эканини, унинг ўлимни астойдил бўйнига олиб қўйганини пайқаб, хийла вақт жим қолди, сўнг эътирозга оғиз чоғлади:

— Э, Адаш ака, қўйинг бу гапни, ҳали...

— Йўқ, Турдибой, мен қўйганим билан ажал қўярмиди?— дея бош чайқади Адаш Карвон.— Паймона тўлгандан кейин... Нима дейсиз шу гапга? Малол келмайдиган бўлса, албатта. Агар бирор узрингиз бўлса, яна ўзингиз биласиз.

— Узрим-ку йўғ-а,— деди Турди олакўз чайналиб,— лекин...

— Ҳм, Турдибой?

— Лекин, ўзингиз биласиз, мен бир коранда одам, юришим доим дала-дашт, борим бор, йўғим бор...

— Э, Турдибой, қизиқмисиз, мен ҳам насиб этса деяпман-ку!

— Хўп, қани эшитайлик.— Турди олакўз кафтини ўнг тиззасига босиб, салмоқ билан томоқ қирди.

— Хўш, эшитсангиз... Шукр, ҳеч кимдан «оласи-бера-рим» йўқ, ўлимлигим ҳам ўзимга етади, кўчадан кафанлик

қидириб юрмайсизлар. Қаерга қўйишни Алимат гўрков ўзи билади, хилхонамиздан жой кўрсатганман. Бир-иккита қўй-пўйлар бор, унгача сотилиб кетар. Тагин... Қолган гапнинг ҳаммаси шу ерда, — дея Адаш Карвон васиятномага ишора қилди.

Турди олакўз қоғозга кўз югуртириб, елка учирди:

— Ия! Ҳазимнинг ёзувда ёзмабсиз, бунга тиши ўтадиган одам топилармикан?

Адаш Карвон бир зум сукут қилиб, кўзини деразага тикди:

— Топилмаса... ўзимни турғиза қоларсиз.

— Вах-ха-ха!— Турди олакўз негадир қотиб-қотиб кулди.—

Ҳа, бу... уй-жойнинг ёздингизми, боя индаганингиз йўқ?

— Ҳа, ҳаммаси бор.

— Ҳойнаҳой, анави жиянингизга қолса керак, Сўқоқдаги?

Салоҳмиди оти?

Адаш Карвон бош чайқади:

— Салоҳнинг уй-жойи етти пуштига етади.

— Э! Кимга қолади бўлмаса?

— Ҳанда биласиз, — деди Адаш Карвон.

— Йўқ, айтнинг, ахир? Бирор мўлжалингиз бордир?

— Мўлжал... Мўлжал ҳам йўқ ҳисоб.

Турди олакўз бир қад ростлаб, яна жойига чўкди:

— Бир гап айтсам, хафа бўлмайсизми?

— Э, нега, айтнинг!

— Мен дангал гапни яхши кўраман, Адаш ака: мўлжалингиз йўқ бўлса, ҳовлини бизга берақолинг. Абдураҳимингизга бошпана қилиб берай. Хоҳланг, нарх бичиб нақд пулини олинг, хоҳланг, бошқа бирор йўлини айтнинг.

Адаш Карвон нима деярини билмай қолди.

— Абдураҳимингизнинг хотини сал ҳунармандроқ чиқди. Тўқимини ёнбошига олиб бизни жуда-а ўйнатяпти. Энди шу, юздан парда кўтарилмасдан бўлак қилиб тинчитсам, девдим.

Азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлайди!

— Турдибой, ҳовлини сотсам, албатта сизга сотаман. Назаримда, бир ҳовли сувдек зарурга ўхшайди.

— Зарурки, нарёғи йўқ.

— Мабодо, ҳовлини сизга сотиб қўйсам, кейин дарров бўшатиб беришим керак-да, тўғрими?

— Э, дарров шарт эмас, кейинроқ бўлсаям...

— «Кейинроғ»ингиз қачон?

Турди олакўз «Ўлганингиздан кейин», деёлмай:

— Ҳа, ишқилиб, бир кун-да, — деди.

— Йўқ, қўшни, бунақа билан бўлмайди, — деди Адаш Карвон, бироқ унинг шубҳали тикилиб турганини кўриб, ростига

кўчишга мажбур бўлди:— Сиздан бекитадиган сирим йўқ, Турдибой. Ўзингиз мендан ҳам яхши биласиз, мана шу Ҳусния бир шўрпешона хотин. Бечора, бир этак чурвақанинг ичида умрини хазон қилиб ўтирибди. Эри ҳам номард бола экан, биттасининг орқасидан илиқиб кетиб қолибди. Кеча йиглаб чиқибди: ўтирган уйи Нурматнинг тоғасиники экан, келиб, ҳозир бўшатиб бера-санлар, деб тўполон қипти! Бу шўрлик қаёққа борсин, денг!

— Э! Қийин бўпти!

— «Қийин», деб секин айтасизми! Кеча етимларини кўриб жуда кўнглим бузилиб кетди. Шуларни ўйлаб...

— Ўзи бўшашган хотин экан,— деб унинг сўзини бўлди Турди олакўз.— Арз қилиб бормайдими, ҳозир хотин кишининг доди қиличдан ҳам ўткир, ахир, закун бор, бошқа...

— Закун ҳам... Ишқилиб, шу ҳовли-жой энди Ҳусниянинг болаларига қолса, девдим, Турдибой.

— А?— Турди олакўз Адаш Карвонга аграйиб қаради. Лекин ҳаялламай ҳушини йиғиб олди.— Ҳа, яхши-да, ака, савоб. Савоб яхши.— У бир зум кўзларини қисиб ўйлагач, қўшиб қўйди:— Ҳусниянинг ўзиям тузук хотин, оёқ-қўлликкина.

— Э, барака топсин, кампир раҳматли ўлгандан бери бутун иссиқ-совуғимдан шу хабар олиб турибди, туғишгандан афзал.

— Ана! Ҳа, уям савобталаб-да, ака.— Турди олакўз тўсатдан овозини пасайтириб шивирлади:— Бу шунақа экан, энди Ҳуснияни хасмингизга олиб қўяқолсангиз, қандоқ бўларкин?

Адаш Карвон шундагина унинг товушидаги масхараомуз товланишни пайқаб қолди.

— Қўйинг-э, Турдибой!— деди ранги ўчиб.— Коски бўлманг!

— Коскингиз нимаси? Эркак одам, ётиш-туришингиз бор, ҳам етимларига бош-қош бўласиз,— деди Турди олакўз шошапиша овозига жиддий оҳанг беришга тиришиб.— Кейин ҳовлини қолдирсангиз қолдираверасиз-да.

Адаш Карвон унга кўз узмай тикилди. Турди олакўз сарғиш мўйловини чимдиб, илжайди:

— Ўзиям ҳали сўлқилдоққина нарса, жонингиз кириб...

Адаш Карвоннинг ичида нимадир титраб кетди: «Ҳали дардимни келиб-келиб...»

— Бемаза гапни айтманг! Мен сизни шунга чақирувдимми?— деди базўр.

— Ҳазиллашдим, Адаш ака! Оббо! Жаҳлингиз ёмон-а!

— Ҳазилнинг ҳам уйи куйсин!

— Хўп, хўп, тавба қилдик, узр, тақсир,— деди Турди олакўз.— Майли, ака, ихтиёр ўзингизда. Насиб қилса, ахир, биз ҳам қўлимиздан келган хизматни аямаймиз.

— Майли, Турдибой, қўяверинг.

— Нега ундоқ дейсиз? Бу қоғозингизни бирор одам ўқиб берса, шунга қараб иш тутаверамиз-да. Юртчилик, биронта одам чиқар... Э, ана, Ғиёсхон бувам борлар-ку, ўзлари ўқиб берадилар-да.

Адаш Карвон нимадир демоқчи эди, Турди олакўз гап бермади:

— Айтгандек, Адаш ака, кеча Ғиёсхон бувам шундоқ тиловат қилдилар, денг, нафасларидан ўргилай, бир уй одам роса сел бўлдик-да. Жуда қироатлари зўр-да.

— Қаерда?

— Э, анави Бўрсилиқда худойи бўлди. Ҳўв илгари Фатҳиддинов деган одам бўларди-ку, районда ишлаган, ушанинг шаҳарда уч-тўртта азамат ўғиллари бор экан, шулар келиб қўй сўйиб, отасига маърака қилди. Шунга борувдик. Жуда-а бойвачча болалар экан, тоза тўкиб ташлабди.

— Ғиёсхон ҳам... бормиди?— деб сўради Адаш Карвон ҳангманг бўлиб.

— Ие, бўлмаса-чи! Роса тиловат қилдилар, деяпман-ку.

Адаш Карвон биров қулоқ-чаккасига қулочкашлаб туширгандек гангиб қолди.

Ғиёсхон Фатҳиддиновнинг уйига борибди! Арвоҳига хатм бағишлабди!

Ёпирай! Одамларга нима бўлган ўзи?!

Бирдан ҳафсаласи совиди. Ўлим ҳам, васият ҳам, Турди олакўзнинг гап-сўзлари ҳам, ўзининг қайғу-ғуссалари ҳам аллақандай бачкана кўриниб кетди.

Турди олакўзни руҳсизгина кузатиб, остонадан қайтаркан, ўйлади: «Ғиёсхонни биламан, деб юардим. Билмас эканман. Имонсиз, имонсиз!»

Ортидан Турди олакўзнинг овози келди:

— Айтгандек, Адаш ака, сал бўлмаса эсимдан чиқибди...— у ўгирилиб қаради: Турди олакўз эшикни қия очиб турарди.— Кейинги бозор уйда ҳашар, чиқинг, тош терамиз. Майдоннинг ярмига Абдурахимингизга иморат солиб бермасам... Лоп этиб эсимга тушиб қолди, келинингизга: «Адаш бувангни айтмабман-ку», деб қайтиб чиқдим.

— Ҳашар? Хўп, хўп.

— Ўғил-қизнинг савдоси — елкага тегар новдаси, дегандек, бизники шу ташвиш-да.

— Ҳа, ишқилиб, тўйларга буюрсин.

— Айтганингиз келсин! Хўп, бизга рухсат!— Турди олакўз эшикка қараб юрди.— Чиқинг-а, Адаш ака! Сиз билан бизда қолиб кетармиди, насиб бўлса, ҳашарларингизда ўзимиз қамишдан бел боғлаймиз-да!

— Хўп, хўп.

Турди олакўз кетди. Адаш Карвон эшикни ёпиб изига қайтаркан, кўксида ногоҳ оғриқ туйди.

«Ҳашарларингиз», дейди-я!— У зинапояга беҳол ўтириб қолди.— Ҳашар қилиб... қайси ўғил-қизимга иморат солиб бераман?! Энди менга фақат битга уй лозим, унга на ҳашару на мардикор керак — вақт-соати етган кунни ўзи битади».

Адаш Карвон аввал Турди олакўздан, сўнг ўздан ранжиди: «Бандасига ўн саккизгача эс-ҳуш берса — берди, бермаса — тмом, кейин қаро ерга киргунича ҳам фаҳм-фаросат битмайди. Бас, шуни билганингдан кейин...» Лекин шу ондаёқ бу тасаллини ёлгон эканига ўзи ҳам иқрор бўлиб, хўрсинди.

У қайтиб уйга кирди. Хонтахта устида, саҳтиён муқовали китоб саҳифалари орасидан васиятноманинг бир чети чиқиб турарди. Бир зум ўйлашиб тургач, қоғозни олиб майда-майда қилиб йиртди.

Хиёлдан сўнг дайди шамол Адаш Карвоннинг сўнгги тилакларини битилган қоғоз парчаларини ҳовли юзиде пилдиратиб ўйнай бошлади.

...В а с и я т и м , в а с и я т и м !.. К и м ҳ а м э ш и т -
г а й ?!¹

Уйга кириб, бир пиёла чой ичгач, Саттор нима қиларини билмай қолди.

— Ойивонга жой қилиб кўйдим, чиқиб бирпас чўзилгин,— деди онаси тандирга ўт қалаётиб.— Мен нонимни ёпиб олай.

Пешайвонда ёнбошлаган кўйи ёзги тароватини йўқотган улкан боққа, ишком пояларига тикилиб ётди. Заъфарон ранглар алангаси кўзини оғритди. Ётавериб, сиқилиб кетди. Кўчага чиқишни ўйлади — юраги безиллади.

Ниҳоят, шу бугун ҳеч ботмайдигандек туюлган куёш ҳам ботди. Отаси даладан, синглиси Қундуз мактабдан қайтиб, оила худди бир пайтлардагидек дастурхон атрофида тўрт кўз тугал бўлди.

Дастурхон ёзилди. Онаси ёпган бўрсилдоқ нон, отаси узиб чиққан новвотранг кузаки, синглиси қоқиб келган жийда, ёнғоқ... Баъзан тушларига ҳам кириб соғинтириб-энтиктирган, кун ўтган сайин армонга айлашиб бораётган азиз неъматлар!

— Самоварни олиб келақол, Қундуз, бир доғ қилиб ичайлик,— деди онаси тоқчадаги қутидан яна нимадир оларкан.

Зум ўтмай болаликдан таниш, қадрдон ўша самовар — оиланинг тенг ҳуқуқли бир аъзосига айланган, дастурхон теграсида

¹ Мақсуд Шайхзода сатри.

ҳамиша ўз ўрнига эга кўҳна мис самовар пойгакда вишиллай бошлади.

— «Индийски» чойдан дамла, кеча Ҳасандан опкелганман! — деди отаси.

Демак, Ҳасан чойхоначи ҳинд чойини ҳалиям бекитиқча сотар экан-да.

Чойхўрлик бошланди. Гўё ҳеч нарса ўзгармагандек, ҳамма-ҳаммаси аввалгидек: гўё орада а н а в и ш бўлиб ўтмаган, гўё у туғилган уйдан узоқда, гадейтопмас аллақайларда адашиб-улоқиб юришга маҳқум эмас, гўё... Барчаси — эринмай бир самовар чой ичишлар ҳам, дастурхон тепасидаги гап-сўзлар ҳам ўша илгаригидек содда, юракни орзиқтирар даражада гаштли, беғам-бежавотир...

— Нишонбойнинг хотини келиб кетди. Эртага даладаги тана-тўлпиларни тарқатар экан, келиб новвосини олиб кетсин, деб тайинлаб юборибди, — дейди онаси.

— Ўзим ҳам эртага бир хабар олмоқчи эдим. Далада ҳам ўт қолмагандир, совуқда бари бир эт ташлайди, — дейди отаси. — Ким билади, этига эт қўшилдими ё бултургидек қуруқ شوхи билан қайтармикан?

— Бало урдими, Нишонбой инсофли одам-ку, — дейди онаси. — Бу, новвосни олиб келиб бўрдоқи қиласизми ё?..

— Қайдам, эти тузук бўлса... — дейди отаси чаккасини қашиб.

— Қўлбола эди жонивор, ювошгина, — дейди онаси. — Боқиб семиртирсак, ахир...

У сўзини ямлаб, ўғлига қараб қўяди. Нима демоқчи экани аён: боқиб семиртирсак, гўшт деб чопиб юрмай, тўйга сўярдик, ҳамма йигинга балоғардон бўларди.

Саттор зимдан разм солиб, онасининг салқиган юзларида чинакам шодумонлик изларини кўрди. Вужуди бўшашиб, кўзларини юмди. Беихтиёр шипшийдан ётоқхонасини, ҳамиша стол устида ётгувчи консерва очадиган ўтмас пичоқни эслади.

Бошини эгиб, ота-онасининг гапларини жимгина тингларкан, дафъатан кўнгли ёруғ бир шукуҳга тўлди.

...Очиқ-сочиқ дастурхонинг бўлса; дастурхонда бир бурда нонинг бўлса; кўзинита нур, қалбинита шуур берган ота-онанг барҳаёт бўлса; улар билан суҳбат қурсанг — тирикчилик, рўзгор ҳақида, ўзингни улар бағрида сессанг — ҳамиша, ҳарвақт; меҳр ошкор айласанг — ўзингни унутсанг, юрагингда қолмаса на қайгу, на ҳасрат...

Шунинг ўзи бахт эмасми, эй бахт излаб дарбадар кезган кимса?!

Шунинг ўзи саодат эмасми, эй саодат истаган инсон?!

— ...Ўртоғингнинг тўйига бормаيسانми? Эрталаб айтиб кетувди, — деди бир пайт онаси.

— Қайси ўртоғим?

— Раҳим-чи, Наим бувангнинг ўгли?

— Ҳа-а,— деб қўяқолди у.

— Саруполари бирам ярашибди! Ўзиям кўхликкина йигит бўлибди. Бормайсанми?

— Чарчадим, ойи,— деди у ҳорғин.

Онаси синиққина кулди:

— Бунақада сенинг тўйингга ким келади, болам? Юрту элга аралашмасанг...

Бу гапни у «эшитмади».

Ош ейилиб, чой ҳам ичиб бўлинди. Қундуз дастурхонни йиғиштириб, ошхонага чиқиб кетди.

Отаси духоба болишни биқинига тортиб ёнбошлади. Онаси увишиб қолган чап оёғини уқалай бошлади.

Маъноли бир жимлик чўқди.

Саттор яна ўша гап очиладиган фурсат етганини сезди. Зада юраги зирқиради.

Кампир эрига қараб-қараб қўяверди. Лекин хонтахта бурчагига тикилган чолдан садо чиқавермагач, зардаси қайнаб, асабий томоқ қирди.

— Энди нима қиламиз, ўғлим?— Онаси алоҳал чидаёлмай, унга юзланиб, зўраки босиқлик билан сўради.

Саттор, онасининг сохта вазминлигидан ибрат олиб, иложи борича бепарво оҳангда:

— Нимани нима қиламиз?— деди.

— Нимани бўларди, ахир...— Онасининг юз-кўзларига алам-ли бир ифода ёйилди.— Ахир, сен тенгидан ҳеч ким қолмади. Юраверасанми энди шунақа қилиб?

У онасининг — фикри-зикри бола-чақа, уй-рўзғор ташвишида ўтмаслашган, ҳусни малоҳати тирикчиликнинг адоқсиз гам-койишларида сўниб битган мушфиқ ва беқадр аёлнинг аянч-ли юзига юраги бетлаб қараёлмади, безовта кўзларини шифтга, ундан деразага олиб қочди.

— На фарзанд бўлиб сендан, на ота бўлиб отангдан бир садо чиқмаса! Юрт-элнинг ичида бош кўтаролмай қолдим-ку, ахир, тўртта одамга қўшилсанг, сўрагани сўраган...

«Юрту эл! Падарига лаънат!»

— Наҳот етим уйланса, чўлоқ уйланса-ю... Ахир, жуда қийнавординг-ку бизниям, болам.— Кампир азбаройи куюнганидан чолга қараб ўқрайди.— Ҳой, отамисиз, нимасиз, сескан-майсиз-а мундоқ!

— Нима, ёш болами ўзи?— Чол ягринини ёстиқдан узиб, кафтини хонтахта қиррасига тиради.— Вақт-соати битмагандирки...

— Вақт-соати ҳам ўлсин! Ҳамма касал сизда! Болани бола эмас, бало қилган сиз! Аввало кўргилиг-у, лекин бошдан қаттиқ

турганингизда шу фалокатлар бўлмасмиди...— Кампир, чолнинг оғзи асабий қийшайиб, аччиқ бир жавобга ҳозирланганини сезиб, ўглига зуғум қилди:— Нега индамайсан, гапир!

— Нима дей?— деди у базўр ютиниб.

— Айт мундоқ ахир кўнглингдагини, одамни хит қилавермай!

У кўрпача жиягига тикилди.

«Кўнглингдаги... кўнглимдаги... Эҳ!»

— ...ана, кўча тўла қиз. Аммангдаям бор. Рисқибу кимдан кам, ойдаёй, ота-онаси жон-жон деб беради. Уни бўлмайди, десанг, ана, Анзиратнинг кичкинаси, ўзинг билган Маърифат...

Сатторнинг боши яна ҳам пастроқ эгилди.

— Нега дамнинг чиқмайди?

— Ойи...— У бошини илкис кўтарди.— Ойи, айтганман-ку, ахир, биласиз-ку, бўлмайди.

— Ҳа? Нега бўлмайди? Ким бўлади бўлмаса?

— ...

— Сенинг кўнглингдагини мен лойдан ясаб, офтобда қуритаманми энди? Нима қил, дейсан, ахир?! Ўзинг топ, деса, топмайсан, на топанга кўнасан?.. Э, қандоқ гурбатга қолдим-а! Бир ишонганинг Зуннун чўтирнинг қизи бўлса, уям мана бунақа бўлиб...

Саттор титраб кетди.

«Ишонганинг... Ишонганим...»

— Шу ер юткур мегажинни деб...

— Ойи!— У онасига хўмрайиб қаради.— Қаргаманг бировнинг боласини!

— Ҳу, падарига лаънат ўша бировнинг боласини! Қарғайманда, нега қарғамас эканман?! Иккита қарчиғайдай йигитни жувонмарг қилади-ю, қарғайманманми?! Биламан, сенинг ақлу ҳушинг ҳалиям ўшанда! Ҳали оламан, деб ҳам куйдирмасанг эди!

«Кошки эди тегса!— дея хаёлан шивирлади Саттор.— Кошки эди!»

— Олсам олавераман-да,— деди у азбаройи ночорликдан, гапни ҳазилга буриб. Аммо онаси бирдан тутақиб кетди:

— Ҳой бола, сенда ор-номус деган нарса борми ўзи?! Қиз олмаган нарса, иккита итваччаси билан жувон оласанми?!

— Бўлди, ўз ҳолимга қўйинг. Уйланмайман, билдингизми?!— деб қичқирди Саттор бўйин томирлари бўртиб ва дик этиб ўрнидан турди.— Керак эмас, керак эмас, бўлдими!

Эшикни қарсиллатиб ёпганча чиқиб кетаркан, елкаси оша онасининг ғам тўла нигоҳини пайқади.

Қаёққа боради?!

Оёқлари жавоб топди: болохонага.

Онаси ҳозир отаси билан уч-тўрт оғиз аччиқ-тиззиқ айтишиб олади, сўнг ошхонага чиқиб, шишиб-кўпчиб йиғлайди, ўзига ўлим

тилайди, ниҳоят, йиғидан гип бўғилган товуш билан Қундузни чақириб, буюради: «Секин бориб қара-чи, нима қилаётибди». Қундуз сассиз юриб болохона айвончасига чиқади, секин ичкарига мўралаб, оқиста изига қайтади: «Чироқ ёқилмади, каравотда ётибдилар». «Китоб-пйтоб ўқияптими?» «Йўқ, шифтта қараб ётибдилар».

Саттор, кўнгли вайрон бўлиб, шифтта қараб ётарди.

Отам деб, онам деб, ўпкасн тўлиб, озиб-ёзиб бир келганида доим аҳвол шу!

Онаси билиб-билмай, унинг кўнглида ниҳон изтиробга энг тўғри ва аниқ ном тошган эди: «ишонганинг...»

Ҳақиқатан ҳам, Гулнор унинг и ш о н г а н и эди.

Саттор дунёда шу қизни ҳаммадан, ҳамма нарсадан ортиқ яхши кўришига, уни деб жон фидо қила олишига ишонар эди.

Чиндан ҳам, кунларнинг бирида, машъум бир соатда Саттор уни деб жон фидо қилди. Лекин... бировнинг жонини!

Ҳаммаси тасодифан — унинг инон-ихтиёридан ташқари, унинг истак-хоҳишига қарши, қош билан қовоқ ўртасидаги муқаррар фалокатдек, тўсатдан содир бўлди.

Кейин, орадан йиллар ўтиб фалсафа китобида ногоҳ бир жумлага дуч келди, ларзага тушиб, ваҳима билан пичирлади: ҳ а р қ а н д а й т а с о д и ф з а м и р и д а з а р у р и я т б о р.

Ота-онаси хайрихоҳ-ҳамдардлар тўқиган нажотбахш гапни қайта-қайта эшитавериш, қулоқлари ўрганиб қолган эди: «Фалокат-да, фалокатга даво йўқ; шайтон йўлдан оздирган-да, бўлмаса, наҳотки...»

Наҳотки, ў ш а в о қ е а зарурият бўлган бўлса?!

Наҳот, у Насиббекни зарурият юзасидан...

Ахир, уни ёмон кўрарди! Оҳ, қандай ёмон кўрарди уни! «Агар шу бўлмаганда...», дея алам билан ўйларкан, баъзан ҳузурланиб кетарди.

Ўша жума куни уни эрталабдан бир бало урган эди. Ҳадеб унинг олдига боргиси, юзма-юз ўтириб, «ора очди» қилгиси келаверган эди.

Лекин бу зарурият эмас эди!

Агар зарурият бўлганида, кўча-кўйдаи, гузардами юз бериши муқаррар бу учрашувдан қочиб, ўзини мажбурлаб этигини кийган, белига иккита нон тутиб, ҳоврини босиш — аламзада хаёллардан чалғиш учун боғига жўнаб кетган бўлармиди?

Ҳаммаси тасодиф эди. Машъум бир тасодиф. Тасодиф эдики, боғлари колхознинг боғига ёндош эди. Тасодиф эдики, бир пайт ўтоқдан бошини кўтариб, эшакка миниб жўнаётган Адаш Карвонни, отасини кузатиб кулимсираб турган Насиббекни кўриб қолди.

Йўқ, фалсафа китоби алдайди! Тасодиф бу! Бундай з а р у р и я т г а у қодир эмас!

Шайтон йўлдан оздирди, холос.

Гуё аллаким қўл-оёғидан куч билан тортиб, колхоз боғи томон судраётгандек бўлаверди, дилини васваса чулғади...

Гулнор! Гулнор! Ҳаммаси сени деб, Гулнор!

Кечқурун Наим мелисаникига келин тушди.

Сой бўйидан сурнайнинг ингичка ноласи эшитила бошлади.

Адаш Карвон, бир кўнгли раҳматли Наимнинг хотираси, бирров тўйхонага кириб чиқмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин фикридан қайтди.

Кампирнинг вафотига уч ойдан ошди, у ҳали бирор тўй-маъракага боргани йўқ. Эл-юрт андишаси ўз йўлига — юрагига сиғмайди.

Карнай-сурнайнинг титратма садоси чолнинг кекса, мискин дилида тагин оғриқ қўзғатди.

«Агар Насиббек ўлмаганда...»

Чол дам-бадам ана шундай поёни йўқ хаёлларга ғарқ бўлар, рўё уммонининг бешафқат тўлқинлари унинг беҳол жисмини қирғоқдан қирғоққа улоқтирар эди.

У ҳануз ўйлаб ўйига етолмас, ўглининг ўлими тақдирнинг машъум хатоси каби туюлиб, вужуди ўртаниб кетар эди.

Ўша мудҳиш кундан буён етти йил ўтди. Етти йил ичида кўп қорлар ёғди. Етти йил ичида кўп излар босилди. Юрагидаги аламга ҳам аста-секин кўнликди, аста-секин тақдирга тан берди. Аммо ўша машъум жумада гумроҳ босгани учун ўзини гўрга киргунича қарғаб ўтади.

Чунки...

Чунки гумроҳ босмаса, ўша куни умрида бормаган Баланд-мачитта намозга отланармиди? Гумроҳ босмаса, колхоз боғидаги қоровулхонага — қамиш чайлага ўғлини атай чақиртириб, милтиқни ўз қўли билан тутқазармиди? Гумроҳ босмаса, боққа ёв кириб кетаётгани йўқ эди, милтиқни бекитиб кетса бўлмасмиди? Гумроҳ босмаса, эшакка минаётганида этак томондан салом бериб келган бадбахт Сатторни чайлага йўлатармиди?

Чол ўрнидан туриб, уҳ тортди. Энди буларни эслашдан не мурод? Бари бир бирон нарса ўзгармайди-ку! Бу даъво-далилларнинг барчаси бир оғиз сўз — «тақдири азаль» деган ягона калом қаршисида ҳеч эмасми?!

Шу шафқатсиз эстироф кўксига ханжар каби санчилганда ёстиғи тошга, емиши оғуга айланади.

Саттор... Уҳ, баттол Саттор!

Бу номни эсласа, унинг қалбида чидаб бўлмас алам ва қаҳр пайдо бўлади, баъзан имконсиз изтиробда тўлганиб, не алфозда тонг оттиради, увутмоқ, тақдирга тан бермоқдан ўзга чораси йўқлигини қайта-қайта идрок этса-да, унутолмайди, тақдирга тан беролмайди...

Ўша куни жума намозига бормаса нима бўлар эди-я!

Ҳеч нима бўлмас эди. Намоз-ниёздан аввал, кун ёниб ётганига қарамай, салобат сақлашга тиришиб янги мовут чакмон кийган, опшоқ бармоқларида йирик кўзли узук ярқираган Ғиёсхон минбарга чиқиб, одатдагидек, масрур ва ўктам оҳангда, Адаш Карвонга беш бармоғидек аён охират ишларидан, шарият-тарихат йўлларидан амри маъруф айлаб ваъз айтган, сўнг ташқарида мунтазир кутиб турган савобталаб дўкондор болалардан бирининг бошини кўкка етказиб машинасига ўтиргач, юмшоқ ўриндиққа ястаниб маъракага жўнаган бўлур эди.

Адаш Карвон борса-бормаса, шу тартиб-қоида оғишмай амалга оширилар эди. Афсус, минг афсуски, ўша куни у Баланدمачитга борди!

Бормаса нима бўлар эди-я!

Кўп нарса бўлар эди: ўгли чайлага келмас эди, келса ҳам, милтиқ миҳда тураверарди, милтиқ миҳдан олинганда ҳам, шумқадам Саттор боққа йўлаёлмасди, йўлаганда ҳам Насиббекнинг азиз жонига қасд қилган ёвуз ажал доғда қолаверарди...

Во дариг, энди буларнинг барчаси пуч, хомжаёл-ку — гумроҳ босган Адаш Карвон ўша куни Баланدمачитга, жума намозига бориб бўлган!

...Афсуски, сўйлай десам, тилим йўқ. Қани эди, менда ҳам забон бўлсаю ичимдаги бор гапни тўкиб солсам!.. Чунки бу дунёда кўрган-кечирганларимни ичимга ютавериб, ичи ташимни қуруму занг босиб кетди. Нима қилай, мениям жоним темирдан эмас — жисмим темир, холос.

Мен оддий бир милтиқман. Очиғи, ҳозир бундай деб даъво қилгани уяламан — жуда шалағим чиқиб кетган. Ёшлик чоғларимда — ҳали ҳамма мурватларим бут, вужудимдан мой томган пайтларда мен ҳам бинойидек милтиқ эдим, қуролхонада алоҳида ўрним бор эди, ўзимга ўхшаган навқирон аскар доим парвона бўларди, кундузлари бир зум елкасидан қўймас, оқшомлари танамга қўнган гард-губорни мойли латтага артиб, ярқиратиб тозалар эди. У мени чўнтагида олиб юрадиган қизнинг суратидек яхши кўрарди, менинг ҳам ундан сира айрилгим келмасди. Лекин бизни айирдилар: тўсатдан эгам кўринмай қолди...

Қуролхонада узоқ зерикиб ётдим. Кейин мени бошқа аскар кўтариб юра бошлади. У калласи катта, уйқучи одам эди, далага чиққанимизда кўпинча параноқ жойни топиб, мени бошининг тагига қўярди-да, хуррак отишга тушарди. Ҳатто бир марта иккаламиз бошқалардан адашиб, яйдоқ чўлда уч кун қолиб кетганмиз. Ҳолдан тойган эгамнинг ёнида бўғзимгача қум тиқилиб, офтобда қовжираб ётганимда, қидириб юрган аскарлар бизни топиб олишди.

Ундан кейин ҳам қанчадан-қанча одамнинг елкасида юрмадим, эҳ-ҳе! Яна неча марталаб сувга тушиб оқмадим, қор бўрошларга, гармселу довулларга учрамадим, дейсиз! Қанчадан-қанча ёғоч нишонларни кун-паякун қилдим, қарга ҳам, қуён ҳам, каклигу тулки ҳам, ҳатто бир гал тўнғиз ҳам отдим — лекин сира одам ўлдирганим йўқ.

Охири, индамас бир чолнинг қўлига тушдим. Унинг мен билан иши йўқ ҳисоб, доим девордаги миҳда осиглиқ турардим. Фақат ёз пайтлари эгам чанг-чунгимни тозалаб, ўзи билан қамиш чайласига олиб кетарди. Аҳён-аҳён сочма ўқ солиб, гумбурлатиб отиб кўярди. Ўқ товуши янграши билан улкан боғ этагидан дув этиб чуғуричқ галаси осмонга кўтариларди. Шувда индамас эгам: «Хаҳ, бошингни егурлар!», дея аччиқланиб, яна устма-уст ўқ узарди. Менинг хизматим унга жуда кам асқотарди: боғни шовқин-сурону тартарак билан кўрир эди. Уч ойми-тўрт ой чайлада турганимдан кейин эгам мени яна доимий жойимга элтиб кўярди.

Эгамдан кўра унинг ўғли менга кўпроқ ёқарди. Чунки у илк марта мени елкасига таққан ўша навқирон аскарга жудаям ўхшарди. У ҳам ўша аскардек ёш, чиройли, ҳавасманд эди, унинг ҳам кўкрак чўнтагида бир сураат бўларди — кўпинча кўз узолмай узоқ-узоқ термилиб ўтирарди... У гоҳо мени зах бостан омборхонадан ёруғ оламга олиб чиқиб, қунт билан ялтиратиб тозалар, сўлоғи ўйнаб кетган мурватларимни бураб маҳкамлар эди. Қайиш тасман узилиб, не вақтгача чўлтоқ супурига ўхшаб юрганимда яп-янги чармдан тасма қилиб берган ҳам шу — индамас эгамнинг ўғли эди. У мен билан худди одам билан гаплашгандек гаплашарди. Тўсатдан кулимсираб кириб келарди-да, мени миҳдан оларкан: «Хўш, милтиқбой, қалайсан, зерикиб кетгандирсан-а? Қани, юр бўлмаса, айланиб келайлик», дерди. Бир марта у мени овга ҳам олиб чиққан эди.

Қишнинг куни, қаттиқ совуқ эди. Ғира-шира тонг қоронғисига тоққа жўнадик. Йўл бўйи у мени елкасидан қўймай ҳуштак чалиб борди. Лекин куни билан уриниб, лоақал биронта каклик отолмади. Какликлар париллаганча нақ оёғининг тагидан қорни тўзғитиб учганда, у бехос чўчиб тушар, сўнг шошапиша қўндоғимни кифтига тирар — бари бир тегизолмас эди.

Яна ғира-шира қоронғида орқага қайтдик. Уйга яқин қолганда у негадир бошқа томонга бурилди, бандимдан маҳкам ушлаганча индамай кставерди, сой бўйидаги булоқ бошига бориб тўхтади. Туятош устига чиқиб, мени елкасидан олди, чўнқайиб ўтирганча сувга тикилди.

Анча вақт ўтди. Бир маҳал шошиб ўрнидан турди, мени апилтапил тош устига қўйиб, уч-тўрт қадам олга юрди. «Сувга тушиб кетсам-а!», деб шундай қўрқдим!.. Бахтимга, у дарров қайтиб

келақолди. Ёнида ўша — кўкрак чўнтагида олиб юрадиган су-
ратдаги қизнинг ўзи кулиб турарди.

— Тоза совқотдингизми, Насиббек ака? Бугун роса қор
ёққанига, балки келмассиз, деб ўйловдим,— деди қиз.

— Тош ёғса ҳам келардим,— деди эгамнинг ўғли.

— Терлаб-пишиб кетибсиз, тинчликми?— деб сўради қиз.

— Овга борган эдим,— деди эгамнинг ўғли менга ишора қилиб.

Қиз мени шундагина кўрди, бандимдан ушлаб қўлига олди.
Унинг кафтлари пахтадек юмшоқ эди, шу пайтгача мен сира
бунақанги беозор қўл кафтини туймаган эдим.

— Ростданми?— деди қиз қўндоғимни силаб.— Милтиқ
ўзингизникими?

— Милтиқбой билан эскитдан ошнаимиз,— деди эгамнинг
ўғли.— Бугун какликларни роса қийратдик-да.

— Вой...— деди қиз кўзаларини катта очиб.— Уволига қолиб-
сиз-ку! Бекор қилибсиз, гуноҳ орттириб...

— Э, шунча гуноҳнинг устига яна озгина қўшилса нима
бўпти!— деди эгамнинг ўғли кулимсираб.

— Ҳо-а, ҳали шунақа гуноҳи кўп одаммисиз?

— Бўлмаса-чи! Мана, бировнинг қизини бош-кўзини айлан-
тириб турибман-ку, бу гуноҳ эмасми?

Қиз сочларига қўнган қор учқунларини кафти билан оҳиста
сидираркан:

— Бекор айтибсиз!— деб кулди.— Бировни қизининг бош-
кўзини сиз эмас, бошқа одам айлантirmoқчи.

Бу гапни эшитиб, эгамнинг ўғли бирдан қовоғини солди.

— Ким экан у?

— Э!— деди қиз қўл силтаб.— Шунчаки айтдим-қўйдим-да.
Қани каклигингиз?

— Мушук еб кетди,— деди эгамнинг ўғли ҳамон чимири-
либ.— Ким эди у, деярман?

— Ҳеч ким,— деди қиз шоша-пиша,— ҳеч ким эмас, ўзим,
ҳазиллашдим...

— Лекин ким бўлсаям, айтиб қўй: жим юрсин, нақ пешона-
сидан отиб ташлайман!— деди эгамнинг ўғли бандимдан маҳкам
чангаллаб.

— Вой-бў, Насиббек ака!— деди қиз.— Мунча! Қаёқдан ҳам
айтдим-а! Қўйинг, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта
омин дермиш...

— Омин дейдими, бошқами, лекин у қулоғинг билан ҳам, бу
қулоғинг билан ҳам эшитиб ол: шартта отиб ташлайман, васса-
лом!— деди эгамнинг ўғли.

— Азза-базза тоққа чиқиб, битта каклик отолмабсиз-у,
ваҳимангизни қаранг!— деб жилмайди қиз.

...Ярим кечаси уйга қайтиб келдик. Эгамнинг ўғли мени қуруқ латта билан артиб тозалагач, яхшилаб мойлади-да, яна михта илиб қўйди.

Шу бўйи жойида уч ой қимирламай турдим. Уч ойдан кейин эгам мени боққа олиб кетди. Тагин ҳар йили аҳвол: ўша чайла, ўша узумзор, ўша чуғурчуқ галаси...

Энди кун-уззукун чайладаги михта осиглиқ турар ва: «Қачон эгамнинг ўғли келиб мени қўлига оларкин?», деб кутар эдим.

Ниҳоят, бир куни чошгоҳ пайти у келди.

У келгач, эгам чўлоқ эшагини миниб қайгадир жўнади.

Эгамнинг ўғли мени қўлига олганда шундай қувондим, шундай қувондимки!.. «Хўш, милтиқбой, қалай, занг босиб ётисанми?», дея кулимсираганидан билдимки, у ҳам мени соғинган.

Чиндан ҳам, михта туравериб бир ҳолат бўлиб қолган эдим. Эгамнинг ўғли аҳволимни кўриб бош чайқади, чайланинг шифтани тимирскилаб, чарм халтачадаги сочмани олиб чиқди, икки-уч марта гумбурлатиб ўқ узди, дувиллаб осмонга чуғурчуқ кўтарилди...

Эгамнинг ўғли супада ёнбошлаганча бир бош чиллаки билан нон еб ўтирганида чайла олдида аллакимнинг қораси кўринди.

— Э, келинг, Саттор ака!— дея эгамнинг ўғли дарров ўрнидан турди.

Бўйи ўртадан тикроқ, қошлари туташ, хушранг юзли бир йиғит илжайиб унга қўл чўзди.

— Ҳорма, Насиббек! Ҳа, бобойни қасққа жўнатдинг?

— Баландмачитга кетдилар, жума-ку бугун. Ҳеч бормасдилар, ҳайронман...

— Пост ўзимизда, дегин? Жуда гумбурлатаётган экансан...

— Ҳа. Қани, буёққа ўтинг.— Эгамнинг ўғли чойнак тубидаги совуқ чойни пиёлага сирқитиб, меҳмонга узатди.— Ҳозир чой қўйвораман.

— Овора бўлма, тураман,— деди меҳмон ва негадир анча вақт эгамнинг ўғлига бошдан-оёқ тикилиб турди.

— Э, овораси борми! Бир ўзимга манави челақдай чойгумни қайнатгани эриниб турувдим, келганингиз яхши бўлди.— Эгамнинг ўғли ўчоқ ёнидаги сопи чиқиб ётган тешани олиб, тоқрўда майдалай бошлади.— Каникулми, Саттор ака? Институтда ўқиш зўр-а?

— Ёмонмас.— Меҳмон эгамнинг ўғлига эмас, чайла ортидаги қари ёнғоқнинг осмонга туташган шохларига қараб жавоб берди.— Ўзинг нега ҳаракат қилмадинг? Мактабни тузук битирувдинг?

Эгамнинг ўғли гарамдан бир қучоқ тоқрўда олиб кунда устига ташлади.

— Чол-кампири кўзим қиймади.

— Э, бир тирикчилик қилиб туришарди-да, чакки бўпти.

— Отамни-ку амаллаб кўндирдим-а, лекин ойимни унатиб бўлмади,— деди эгамнинг ўғли энгашиб ўчоқдаги оловни жўнаштираркан.

— Нега? Тошкент қочиб кетган эмас-ку, ахир?— деди Саттор овози қуруқшаб.

— Энди... бизнинг чол-кампирни биласиз-ку. Кўзимизнинг олдида юрасан, вассалом, деб туриб олишди.

Саттор ўрнидан қўзғалиб, ўчоқ олдига борди, тиз чўкиб, қўлидаги сигаретасини ёндирди-да, Насиббекнинг ёнига чўнқайди, сўнг чирс-чирс ёнаётган оловдан кўз узмай, мудроқ элитган одамдек узоқ жимиб қолди, ниҳоят, чойгум вишиллаб қайнаб-тошганда, ўзича хаёл сургандек:

— Бари бир сен бу ерда узоқ юролмайсан!— деди секин, аммо на-дона қилиб.

Эгамнинг ўғли ялтироқ чойқоғоз билан чойгумнинг бандидан шлаб ўчоқдан оларкан, унга бир қараб қўйди:

— Нега?

Сатторнинг шунча пайт олов тафтидан қизармаган юзи тўсатдан қизариб кетди, бир зумдан кейин эса, қизиллик тарқаб, ранги бўздек оқарди.

— Ахир, армия, армия-чи?— дея негадир қичқирди шошқалоқлаб.

— Армияга чақирса кетавераман-да.

— Ўқишга кирганингда эди, армияга олмасди. Энди битта йўли бор.— Саттор ўрнидан турди, супа лабига яқинлашиб, илинбигина ўтирди.— Дарров уйланасану бола-чақани кўпайтирасан. Иккита болали бўлсанг бас, армиядан озодсан,— деб илжайди у лаблари қийшайиб.

Эгамнинг ўғли чойнакдаги чойни қайтараркан, товушсиз кулди.

— Нега куласан?— деб сўради Саттор атрофга аланглаб.

— Ахир, мени октябрда армияга ошкетоди, сиз бўлса... Олинг, узум билан олинг.

Саттор мени четга суриб жойлашиброқ ўтирди. Унинг ўллари чўғдек иссиқ эди.

— Келин тайёр бўлса, уйланаверасан-да, ҳарбий озгина сабр қилиб турар,— деди у чой хўшлаб.

Эгамнинг ўғли бепарво қўл силтади:

— Келин-ку тайёр, лекин нима кераги бор ҳалитдан тузлуқ тўрвани бўйинга илиб?

— Ким билади дейсан,— дея елка қисди Саттор.— Ҳозирги қизларга ишонч борми, келгунингча кутадами-йўқми...

— Кутади! Кутмай ҳам кўрсин-чи!— деди эгамнинг ўғли урур билан.

— Қайдам. Ким экан ўзи у кутадиган, биз ҳам таниймизми?— деди Саттор ва эгамнинг ўғлига ғалати-ғалати қараб қўяверди.

Эгамнинг ўғли қизариб, кулимсиради.

— Танийсиз, уйи маҳаллангизда,— деди секингина.

— Ҳали маҳалланинг куёви билан улфатчилик қилиб ўтирган эканмиз-да?— Саттор оғир қўзғалиб қўйди.— А, кимнинг қизи?

— Зуннун аканинг.

— Ҳм...— Саттор ёнбошига чўзилди, қўндоғимдан ушлаб мени болиш устига олиб қўйди. Қўллари негадир титрарди.— Яхши,— деди у бўғиқ товуш билан. Туриб-туриб, анчадан кейин:— Ҳм, яхши,— деб тақорлади яна.

— Ўзингиз қачон уйлансиз, Саттор ака?— деб сўради эгамнинг ўғли ҳам ёнбошлаб.

Саттор кўзларини юмган кўйи қисқагина жавоб қилди:

— Ўқиш битсин.

— Кеннойимиз... шаҳарданми?

— Йўқ.

— Борми ўзи?

— Бор эди, энди йўқ.— Саттор ягринини кўтариб ўтирди, уҳ тортиб, чўзинчоқ нягини сийпади.— Ў, ҳаммаёқни чуғурчуқ босиб кетибди-ку, маҳалланинг куёви!

— Қани?— Эгамнинг ўғли супадан сакраб тушди.— Э, отинг, дарров бўлинг!

— Ўқи борми буни?

— Бор, бор, ана, халтада! Э, шошманг, ўзимга беринг!

Эгамнинг ўғли қўндоғимни кифтига тираб, устма-уст ўқ узди. Иккинчи бор ўқ гумбурлаганда осмонга кўтарилган галадан бир чуғурчуқ боғ этагига тошдек шўнғиди.

— Э, тегди! Ростдан тегди!— Эгамнинг ўғли шоша-пиша мени Сатторга тутқазди.— Манг, ўқлаб туринг. Мен бориб опкелай, яна бир-иккита отсак, қозонкабоб қиламиз. Манг, ўқниям олинг.

У токзор ўртасидаги янтоқ қоплаб ётган йўлдан боғ адоғига қараб кетди.

Саттор ҳам шу заҳоти дик этиб ўрнидан турди, апил-тапил атрофга кўз югуртирди: ҳеч ким йўқ. У титроқ бармоқлари билан ўқдонимга ўқ жойлади, бир лаҳза қимир этмай турди, кейин шартта бандимдан ушлаб, қўндоғимни кифтига тиради ва... боғ ўртасидаги ёлғизоёқ йўлда ҳеч нарсадан беҳабар, ҳуштак чалиб кетаётган эгамнинг ўғлини мўлжалга олди! Аввал, у ҳазиллашаётган бўлса керак, деб ўйладим, аммо ўт сочиб ёнаётган кўзларини кўргач, нафаси кўксига тиқилиб ҳансираётганини эшитгач, даҳшатга тушдим...

Лекин не қилайки, мен жонсиз бир темирман, кимнинг қўлида бўлсам, шунинг ҳукмига итоатдаман!

Вужудим титраб-қалтирай бошлади.

Қани энди, менда забон бўлса!

«Қоч, Насиббек, қоч! Эҳ, қочсанг-чи, ахир, қоч!..»

Эгамнинг ўғли оёқ учи билан ўт-ўланларни титиб, ҳамон ҳуштак чалганча кетиб борарди.

«Насиббек, қоч!..»

Аммо бандимдан маҳкам тутиб турган қўл чайир эди, қўндоғимга тиралган кифт бақувват эди, тепкимга қўйилган бармоқ кучли эди!

Ўқ гумбурлади!

Жон-жаҳдим билан Сатторнинг кўксига тепдим — қўлимдан келгани шу бўлди, холос...

Эгамнинг ўғли бирдан қалқиб кетди, биқинини қўшқўллаб чангаллаганча аста орқасига ўгирилди, ҳайрат, таажжуб қотиб қолган юзи оғриқдан аламли буришиб, базўр икки қадам ташладию унсизгина юзтубан қулади.

Саттор бандимдан ушлаган кўйи бир муддат ҳайкалга айланди. Сўнг мени улоқтириб юборди-да, орқа-ўнгига қарамай, ўзини тоқзор ичига урди. Мен қари ёнғоқ тагидаги тезак уюми снига тап этиб тушдим.

Тоқзор орасида қоқилиб-суриниб бораётган Саттор, оёғи чапишибми, зангга илашибми, тўсатдан мункиб кетди, шу заҳоти жонҳолатда сапчиб турди-да, юзлари шилинган, сочлари тўзгиган афтодаҳол вужудини пастак пахса девор ортига олди.

Кечгача тезак уюми олдида ётдим. Кейин... нималар бўлганини сиз сўраманг!

...Энди мен бутунлай бошқа одамнинг кўлидаман. Эгам — мағзин қоровули, бир оёғи йўқ. Узун қиш кечалари синиқ яшикларни майдалаб гулхан ёқади, бозор қоровули билан гурунглашиб чой ҳўпларкан, қувуримни косов қилиб ўт жўнаштириб ўтиради.

Ана шунда аъзойи бадавим қурумга тўлиб...

Шундай кезларда ўша индамас эгамни, унинг ўғлини — мени илк марта елкасига осган навқирон аскарга бениҳоя ўхшаб кетадиган ёш, ҳавасманд, жувонмарг Насиббекни соғинаман, соғинчимни кимгадир айтгим келади.

Афсуски, сўйлай десам, тилим йўқ!

* * *

Адаш Карвон Баландмачитдан — жума намозидан чиқиб тўғри бозорга келди, эшагини дарвоза олдидаги симёғочга боғлаб, гўшт растасига қараб юрди.

У Назир қассобдан ранжиди: касофат, бергани бир кило гўшт-ю, ярмидан кўпига сўнгат билан без қўшибди. Имонсиз, моли мардумхўрлик қилганинг нимаси-ю, ҳар ҳайит мазорда ҳўкиз

сўйиб ҳалим қилдирганинг нимаси! Бандани-ку алдарсан, лекин наҳот парвардигорнинг ҳам кўзига чўп соламан, деб ўйласанг!

«Кампир чучварага, деб тайинлаган эди, жаврайдиган бўлди-да», дея кўнглидан ўтказди чол, лекин қайтиб бориб қассоб билан бетма-бет бўлгани, унинг чақчайган, чағир кўзларига боқиб ҳақини талаб қилгани уялди. Гўштни белбоққа тугиб, эски ош-наси — уста Шоназарнинг дўконига бош суқди, ўтган ҳафта буюриб кетган чалғи-ўроғини суриштирди. Уста билан бир пиёла чой ичиб пича ҳангомалашгач, ёйма растаси томон юрди. Қилтириқ бўйнини аранг тутиб ўтирган Муслим аттордан икки сўмлик маккаи сано билан уч думалоқ ҳинди чой олди. Дори смаган қовун йўқ экан — харидини тугатди.

Эшагини хитиллатиб жўнади. Аввал уйга кириб, олган нар-саларини ташлайди, кейин боққа қайтади. Насиббек ҳам зерик-киб кетгандир.

Ахванинг кўпригига етганида ён томондаги сой кўчадан жслагини қийшиқ ёпинган бир кампир ўқмолича отилиб чиқиб, тўғри келаверди, уч-тўрт қадам қолгач, унга кўзи тушиб, юз-бетини чангаллаганча бирдан фарёд кўтарди:

— Вой, Адаш, уйе-енг куйде, уйгинанг куйде-е!

Адаш Карвон эшагини таққа тўхтатди, ҳуши бошидан учиб кампирга тикилди ва шундагина уни таниди: Тожи буви, Ойни-санинг холаси!

— Ҳов, ҳов, нима деяпсиз? Қачон, нега куяди?— деди товон-товонигача музлаб.

Тожи буви рўмоли елкасига сирғалиб тушганини ҳам, сий-рак, пахмоқ сочлари тўзғиб кетганини ҳам пайқамай, икки қўлни икки ёнбошига уриб, айюҳаннос соларди:

— Уйе-енг куйде-е, Ойнис! Ёлғизингдан айрилиб қолдинг, Ойнис! Вой-дод, до-од, бунча шўринг кўп экан, Ойнис!

Адаш Карвон яшин ургандек мияси чатнаб, боши орқага оғди, кўз ўнги хира тортиб чаплашди — Тожи бувининг қораси ғойиб бўлди. Ҳушига келиб, ўзини ҳамон Ахванинг кўпригида, эшак устида сурат бўлиб турган ҳолда кўрди. Йигирма қадамча нари-да желагини судраб Тожи буви талваса ичра чаппор уриб борапти — ўзини унутган, оламни унутган... Адаш Карвон жонсиз оёғини қандоқ қилиб узангидан сугурдию қандоқ қилиб кампирнинг олдига етиб борди — билмади, унинг елкасидан ту-тиб жон алфозда силкитаркан, тили оғзига сиғмай гўлдиарди:

— Н-насиббекка нима бўлди?! А-айтинг, нима бўлди?! Э, айтсангиз-чи, ахир!

Тожи буви унинг чангалидан чиқишга уриниб, юлқина-юлқина қичқирди:

— Отиб қўйибди! Тилаб олган болангни отиб қўйибди!

Адаш Карвон эс-хушидан айрилгандек бир зум карахт қотди, срдан нимадир олмоқчидай эгилди, кейин... кейин бирдан ўзини тош йўлга отди, пешонасига шақ-шақ урганча ўкраб юборди:

— Э худо! Жонимни ол, худо, жонимни ол!..

...Кейин, қачонки ўша машъум кунни эсласа, энг аввал қулоғи остида Тожи бувининг ситамдийда фарёди янграйдиган бўлди: «Уйинг куйде-е, Адаш!»

Оҳ, қани эди, Адаш Карвоннинг уйи куйган, куйиб кул бўлган, кули кўкка соврилган, ниналаб йиққан рўзгоридан бирорта чўп қолмаган, тахмон тўла кўрпалару қўра тўла қўйлар — бари ёниб битган бўлса! Қани эди, буларнинг ҳаммаси хоки туробга айланган бўлса-ю, эвазига фақат Насиббек, кўзининг оқу қораси, суянган тоғи, юрагининг малҳами, жисмидаги жони — Насиббегни омон қолган бўлса!..

Минг бор таассуфки, Адаш Карвоннинг уйи куймади.

Адаш Карвоннинг юраги куйди, холос.

Адаш Карвоннинг куйган юраги ҳамон гуриллаб ёнмоқда.

Уни ким ўчиради?.. Учира оладими?!

...на ҳот, а з о б бор дир қ и с м а т д а ф а қ а т ? ¹

* * *

— Гулнор, Гулнор... Яна келдим, Гулнор!

— Нега келдингиз, Саттор ака? Ахир, бошқа келманг, деган эдим-ку!

— Гулнор, шошма, бир оғиз гапим бор.

— Ҳамма гапни ўшанда айтганман, биласиз. Кечиринг, мен боришим керак. Касал кўп, врачимиз кутиб қолади.

— Ахир... Наҳот, шунчалик бағринг тош-а?

— Саттор ака, ўзингизни ҳам, мени ҳам қийнаманг. Илтимос, кетинг, ўтган-кетганнинг ҳаммаси қараяпти, уят...

— Ҳайдама мени, Гулнор, ҳайдама. Балки ҳозир сени охирги марта кўриб туришимдир.

— Нега ундай дейсиз?.. Ахир, мен нима қилай, айтганман-ку ахир, Насиббек акам бўлмаганда...

— Шошма, Гулнор, шошма! Агар у бўлмаганда... агар у бўлмаса, нима дердинг?

— Нимани нима дердим?

— Энди у йўқ, тушуняпсанми, ахир, у йўқ энди!

— Нега йўқ бўларкан?!

— Эҳ!.. Ёмон бўлди, Гулнор, ёмон бўлди! Хайр, майли, хайр! Эҳ, Гулнор!.. Қўрқиб кетяпман...

¹ Ҳамид Олимжон сатри.

— Нималар деяпсиз? Тобингиз йўқми? Ё... кайфингиз борми?
— Кайфим ҳам йўқ, тобим ҳам йўқ. Мен сени яхши кўрадим, Гулнор! Энди ҳеч нарса йўқ. Тушунаясанми, Гулнор, ҳеч нарса йўқ!..

* * *

Шундан кейин кўп ғалати ишлар бўлди. Лекин уларни на Адаш Карвон кўрди, на Саттор эшитди, фақат мен — Муаллифгина барчасини ўз кўзим билан кўриб, ўз қулоғим билан эшитдим.

Насиббек дунёга келганида киндик қони томган, дунёдан кетар чоғи юрак қони тўкилган бу кўҳна қишлоқда унинг гирдогирдини қуршаган тоғлар каби қадимий бир удум авлоддан авлодга, наслардан насларга ўтиб келар эди: бу юртда агар бўй етган йигит бевақт қазо топса, қадрдон дўстлари, жўралари марҳумнинг бошига тўпланиб, йиғи ўрнига... «ёр-ёр» айтар эдилар...

Бу ғаройиб удум замирида ўзбекнинг боласи дунёга кўз очганидан сўнг — азон, никоҳдан сўнг — «ёр-ёр», жон таслим қилганидан сўнг — жаноза товушини эшитмоғи фарз, деган бир ақида мужассам бўлса эҳтимол...

Дарвозада Насиббекнинг дўст-ёрлари кўринганда таъзияхона қалқиб тушгандек бўлди. Ун чоғли паст-баланд йигит, бош эгиб жимгина кириб келаркан, куни кеча базмлар гули бўлиб юрган мард ва ўктам жўраларининг отасига — ногаҳоний ғам адои тамом қилиб қўйган Адаш Карвонга бетланиб қарашга журъат этолмас, бу фожиага худди улар айбдордек, барчасининг бўйни қисиқ эди.

Адаш Карвоннинг беруҳ, беҳуш қоматини бир-бир қучоқлаб ичкари ўтаркан, уларнинг бирортаси ҳам ошхона бурчагига тиқилганча тош қотган Гулнорни пайқамади.

Бел боғлаб юрган азадорлардан бири йигитларни тўрдаги айвонга бошлаб чиқди. Айвоннинг хотин-халаж уймалашган чап томонига оқ бўздан парда тугилган, рўпарадаги хонадан бўғиқ йиғи эшитилади.

Йигитлар парда остидан энгашиб ўтиб, кунгай тарафдаги катта уйга қараб юрдилар.

Бўсагада одам тирбанд эди. Улар остонага қадам қўйганларида хотин-халаж икки ёнга чекиниб йўл берди, кейин аёлларнинг бирдан кўтарилган уввос йиғиси ҳовлини зир титратди.

Насиббекдан — жўраларнинг бегидан дафъатан айрилиб қолган, кўпчилиги илк бора ўлим кўраётган йигитлар, юраклари тўкила-тўкила, кўзларини арта-арта, ичкари ҳатладилар.

Хона ўртасида кунботар томонга оёқ узатиб Насиббек ётарди. Устига яп-янги банорас тўн ташлаб қўйилган — гўёки ҳориган

бир вужуд шунчаки ором олаётгандек... Жасаднинг бош томонида қатор тизилишиб ўтирган кампирлардан бири аста ўрнидан турди, мурданинг юзидаги оқ докани секингина олди-да:

— Мана, ётибди ўртоқларинг, ўлмагандек...— деди.

Бу мункиллаган кампир — саксон уч йиллик узун ва машаққатли умри давомида уқубату ўлим кўравериб дийдаси қотиб кетган, ажалнинг тўймас, совуқ кўзларига хотиржам, тик боқа оладиган бу оқ соч кампир ҳақ эди: Насиббекнинг ҳаёт тарк этган жонсиз вужуди янада кўркам тортган, бир тутам қоп-қора сочи кенг, ёрқин манглайига тушиб турар, тиниқ, мардона чеҳрасида на бир оғриқ, на шиква-шикоят ифодаси сезилар эди.

Башарти, Саттор Насиббекни шу ҳолатда кўргудек бўлса, шу ҳолига ҳам ҳасад қилмоғи муқаррар эди — рақибининг сиймосига ҳатто ўлим ҳам ҳусн бўлиб тушган эди.

Кампир инқиллаганча жойига бориб ўтирди, тиззаларининг кўзини уқалаб, оғир сўлиш олди-да:

— Қани, чироқларим, бошланглар!— деди.

Йигитлар бир-бирларига қараб қолишди. Удум нақадар муқаддас, нақадар жоиз бўлмасин, ҳозир — шу лаҳза, шу ҳолатда уни адо этмоққа уларнинг бирортаси қодир эмас эди.

— Ҳа, бўлақолинглар, маҳтал қилиб қўйманглар!— деди оқ соч кампир ҳамон ўша ҳайратомуз босиқлик билан.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

Тўсатдан айвонда нимадир гурс этди, аллакимнинг: «Ҳой, секин, секин!», деган хирқироқ товуши эшитилди, сўнг эшик шарақлаб очилдию остонада Ойниса пайдо бўлди — мотамсаро вужудида телба бир титроқ, юз-кўзлари шишган, қонталаш...

Пойгакроқда ўтирган иккита аёл ўрнидан сапчиб туриб, унинг икки қўлтигидан суяди, дераза рафига ўтқазиб, бири рўмолини тузатди, бири қонсиз-жонсиз лабларига пиёлада чой тутди. Ойниса бошини орқага ташлаб, лабларини қимтирган, бирдан ўзини ерга отиб урди, наMAT устида сургалганча Насиббекнинг оёқларини маҳкам қучоқлади:

— Вой, боле-ем, вой, боле-ем!.. Отингдан айланай, Насиббек! Соцларингнинг қорасидан айланай, Насиббек! Мени кимга ташлаб кетяпсан, Насиббек!..

Боядан бери чет-четда пиқ-пиқ йиғлаб турган йигитлар ҳам энди баралла ҳўнграб юборишди.

Қора чопон устидан қарғашойи белбоғ боғлаган оқсоқ киши— Ойнисанинг укаси Умматали шоша-пиша ичкари кирди, опасини қучоқлаб, базўр ажратиб олди.

— Йиғлама, опа, йиғлама, жон опа!— деб яккаш такрорларкан, букчайган елкалари силкина-силкина ўзи ҳам йиғлаб юборди.

Ойниса укасининг қўлидан юлқиниб чиқдию бошини қарс этиб эшик кесақисига уриб олди, аммо карахт вужуди оғриқни мутлоқ сезмай, биргина маъно — алам, чексиз алам муз каби тўнғиб қолган бесаранжом кўзларини гангиб қолган йигитларга тикди, сўнг жонҳолатда олдинга талпиниб, бирининг оёғига, бирининг этагига ёпишганча бўғилиб шивирлади:

— Боламини кўрган кўзларингдан айланай!.. Насиббегимдан айрилиб қолдим-ку, энди қандоқ қиламан, қандоқ қиламан!

...Ниҳоят, таскин-тасалли, отамерос ўлим, худонинг буй-руғи, бедаво фалокат ҳақидаги гаплар унинг эс-ҳушини бир зум яна ўзига қайтаргандек бўлди. Алланечук юмшаб, кўнгли тўлиб, бошини сарак-сарак қилди:

— Менинг болам дунёга келиб чодирларга куёв бўлмади, саруполар кийиб «ёр-ёр» эшитмади... Айтинглар, болаларим, болам шўрликнинг лоақал арвоҳи эшитсин, айтинглар...

Йигитларнинг дадил ва эслироғи бир ютиниҳ олди-да, кўзини ердан узмай, дўриллаган овоз билан бошлади:

— Мен ўланчи эмасман-о бошлагани...

Шу зумдаёқ ивир-шивир товушлар тўхтаб, ҳовлидаги қадам шарпалари ҳам тинди. Кейин ўн чоғли раста йигитнинг баравар кўтарилган йиғи аралаш товуши баланд шифтга, хонанинг тўрт деворига урилди, урилдию зир титраб ортига қайтди ва орадан дақиқа ўтар-ўтмас, мотамдор кўнгиллар қаърига бостириб кирди:

— Ёр-ёр-эй, бошлагани...

Гиря бўлиб янграётган ўлан садоси ошхонанинг қия очиқ деразасидан ичкари кирди.

Гулнор машъум хабарни эшитгач, асло ишонмаган, ишонмай тўғри шу ерга келган, бир бурчакка тиқилганча ҳануз гангиб ўтирар эди. Ўлан товуши қулоғига чалингач, юз берган воқеанинг бутун даҳшатини юрак-юрақдан англади. Англадию лоп этиб Саттор, унинг боягина маст-аластликдек туюлган пойинтар-сойинтар сўзлари, у сўзлар замиридаги бешафқат ҳақиқат — бари-бари ёдига тушди.

Аммо ўрнидан туриб ичкари киргани ҳамон журъати етмас эди. Ошхонада уҳ тортиб шивирлашганча юмуш қилиб юрган хотинлар унга ғалати-ғалати қараб кўяр, аммо у ҳеч кимга эътибор бермас эди.

Ҳа, улар ўртасидаги сир пинҳон, пинҳону муқаддас эди! Буни аввал уларнинг ўзидан бўлак ҳеч кимса билмас эди. Кейин бу сирдан учинчи одам воқиф бўлдию...

Гулнор ҳозир ҳамма нарсени кўриб турар, лекин ҳеч нарсени к ў р м а с , ҳамма нарсени эшитиб турар, лекин ҳеч нарсени э ш и т м а с эди.

Ичкарида эса, Насиббекнинг етолмаган армони — энди бир умр кўрмайдиган орзу-ҳаваси аянчли ўлан — гиряи қазо бўлиб, тобора авж билан янграрди:

— Тогда тойчоқ кишнайди-ей, от бўлдим, деб,
Ёр-ёр-эй, от бўлдим, деб..

Ногаҳон Гулнор бир нарсани — Насиббекнинг умрига бсихтиёр зомин бўлганини идрок этди. Нега, нима учун унга бир оғиз билдирмади? Саттор муттасил йўлини тўсганларини нега ундан сир тутди?! Нега, нега ахир?!

— Уйда келин йиглайди-ей, ёт бўлдим, деб,
Ёр-ёр-эй, ёт бўлдим, деб...

Гулнорнинг чиппа битган қулоғи бирдан очилиб кетгандек, мияси равшан тортиб шаҳд билан ишлай бошлагандек туюлди. Кўз ўнгини тўсган шашқатор ёшлар ортида чаплашиб кўринаётган теваракка термиларкан, ғайрихтиёрий бир хўрсиниқ билан пешонасига муштлади:

«Ёт бўлдим!.. Чиндан ҳам ёт бўлдим! Ёт бўлмай нима бўлдим, ахир! Энди бир умр ётман, етти ёт, бегона...»

Бу гаройиб ҳол эди: ичкарида ўлик чўзилиб ётар, қотил қайлардадир қочиб борар, жўралар марҳумнинг йигитлик армонини адо этар, маъшуқа ошиғининг кўксига сўнгги бор бош қўйиб видолашмоққа ожиз эди...

Энди ичкари уйларда ҳам бараварига қий-чув, сурон бошланган, ўлан товуши узук-юлуқ учиб чиқар эди.

Гулнор бори борлиғи шамдек ўртаниб, ўзини қарғаб, ўзига қайта-қайта ўлим тилаб йиғларкан, ситамдийда кўксини ёргудек тўлиб келган қаҳр бутун вужудига ларза солди: «Саттор, Саттор! Жувонмарг бўл, Саттор! Бизга кун кўрсатмадинг, илоё кун кўрмагин, Саттор!.. Наҳотки, ҳаммаси тамом?!»

Чиндан ҳам, наҳотки ҳаммаси тамом? Наҳотки, ҳаммаси бекор? Наники, у навқирон қомат, Гулнорнинг қўлидан тутган чоғи оҳиста титрагувчи бармоқлар, қизга олам-жаҳон севинч, йўқ, севинч нима, Ҳаёт бағишловчи у мардона табассум, ҳали илк бўса лаззати кетмаган лабларнинг у ўтли нафаси, у кўзларда чарақлаган жуфт юлдуз шуъласи — наҳот буларнинг бари тупроққа қоришиб, тупроқ бўлиб кетса?! Наҳотки, Саттордан ҳам, Насиббекдан ҳам охир-оқибат бир кафт хок — якранг, қутсиз, бир ҳовучгина қора тупроқ қолса?! Наҳотки, яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам азал-абад қисмати шу бўлса?!

Унда... унда, тирикликнинг маъноси, эзгулигу ёвузликнинг маъноси не? Қани бунда ҳақ, қани адолат?..

Уша кундан бошлаб Сатторга қишлоқнинг суви ҳаром бўлди. Орадан анча йил ўтгач, изғиринли куз кунларининг бирида у Эскижўва бозорида боши оғиб юраркан, дилдираганча узум сотиб ўтирган Меҳмон деган собиқ синфдошидан икки ой бурун Гулнорнинг тўйи бўлганини эшитиб қолди. Гулнор улардан тўрт синф аввал ўқиган Адҳам деган шофёр болага тегибди. Меҳмон кула-кула сўзлади: тўй жуда аломат бўлган эмиш. Келинтушар куни куёв иккита жўраси билан от миниб тўйга айтиб юрганда, тагидаги ғўнан асовроқ эканми, ҳуркиб йиқитибди. Адҳамнинг оёғи тагида қолиб, сонидан синибди. Номус кучли, бир амаллаб тўйни ўтказибди-ю, эртасига чидаёлмабди — дўхтир кўриб, белигача тахтакачлаб ташлабди. Ушандан буён куёвбола шифтга боқиб ётганмиш... Кейин Меҳмон маъноли чимирилиб давом этди: қишлоқда ҳар хил гап тарқаган эмиш: биров «Насиббекнинг арвоғи урди», деса, биров: «Қарғиш теккан қиз экан», деб бичиб-тўқирмиш; Адҳамнинг ота-онаси ваҳимага қолиб, азиз-авлиёларга қозон қайнатиб юрган эмиш...

Саттор шу куни қолдан тойгунча ичди — кўнглининг фарёдини босмоқчи бўлди; кечаси — сочлари елкасига шалолдек қуйилган қийғоч кўзли бир гўзал оғушида тонг оттирди; бурчакдаги радиолада тун бўйи Ивица Шарфези эҳтирос билан шивирлаганча қандайдир ситамгар Малайқасини чорлаб бўзлади.

Бундай тунлар кейин кўп бор такрорланди. Май — қўшиққа, қўшиқ — эҳтиросга, эҳтирос — шармисор бўсаларга қовушиб кетган бедор кечалар дарёсида унинг руҳдан айри тушган жисми бемажол оқди...

Ва у ҳар сафар ўзини — ўзи баҳона, аччиқма-аччиқ, қасдма-қасд Уни унутмоққа уринди.

...а б а д и я н а л в и д о , с е в г и !¹

Унутолмади.

Икки йил бурун — якшанба куни тушдан кейин шаҳарда, катта бозорда у тасодифан Гулнорга дуч келиб қолди...

Гулнор ёйма дўкон олдида қандайдир ялтироқ матони титкилаб кўрар, ёнидаги сумка кўтарган новча йигитга ҳар замонда нимадир деб қўяр эди. Саттор автобус бекати томон бораётган эди, бирдан тўхтади, худди ҳозир биров келиб ёқасидан олади-гандек оёқ-қўли бўшашиб кетди. Атрофга олазарак аланглаб, четроқдаги газета дўкони панасига ўтди, титроқ қўллари билан сигарета тутатди.

¹ Ойбек сатри.

Қачондан бери уни лоақал бир кўрсам, деб юрарди. Мана, ниҳоят кўрди! Танирмикан? Ё унутиб юборганмикан?.. Таниганда не мурад, унутиб юборганда не қайғу? Ахир, у...

Озиб-ўзгариб кетибди, уст-боши ҳам нимдошгина...

Ногаҳон Гулнор ёнидаги йигит билан тўғри газета дўконига қараб келаверди. Саттор типирчилаб талвасага тушди, нима қилаётганини билмай, оёғи тагидаги ахлат тўла қоғоз кутини ағдариб юбориб, беихтиёр уларга пешвоз юрди ва орада икки қадам қолгандагина рўпарасидаги жувоннинг... бошқа аёл эканини кўрди. Шошиб четта бурилди, юраги бетоқат дукурлаб, сал нарида тахлаб қўйилган сабзи тўла қопларга беҳол суяниб қолди.

«Хайрият!— деб шивирлади кўйлагининг ёқасини бўшатаркан.— Хайрият, бошқа экан!...»

Ва шунда Гулнорни унутмаганини, унутдим, деб ўйлаганлари бекор эканини, энди ҳеч қачон унутолмаслигини дилдидилдан англади.

Ҳаётида яна бедор тунлар бошланди. Энди оқшомлари эшигини қўша-қўша қулф билан маҳкам бекитиб олар, аммо бари бир ярим кечаси гоҳ Насиббек, гоҳ Гулнор унинг ҳузурига бос-тириб кирар эди...

* * *

Шундай қилиб, Адаш Карвон раиснинг олдига кирмади. Муроду муддаосини, айтар сўзини ипидан-итнасиғача пишитиб қўйган эди-ю, лекин кирмади.

Эрта бозор деган куни у ногоҳ фикридан қайтди.

Шу куни ҳам, одатдагидек, пешиндан сўнг мазорга чиққан эди. Ўғли билан кампирининг бошида ўтириб, тагин узоқ ўй ўйлади. Теварак-атрофдаги маҳобатли сағаналар, ярқироқ мартартошларга тикилиб хаёл сурди.

Тошлар... Силлиқ, совуқ тошлар... Қачонлардир шодлиги, севинчи, ҳасрату қайғуси билан бу ёруғ дунёга сигмай, олам ичра ўзи бир олам бўлиб яшаган кимсалар ёдини жонсиз кўксига нақш этган тошларнинг ғариб салобатидан кўнгли ҳам алланечук чўкиб, ҳам алланечук юксалиб ўтираркан, кўпдан буён борлигини банд айлаган ташвишлар бирдан ортга чекинди. Ён-веридидаги мартартошларга боқиб дафъатан англадики, ўғли билан кампирининг ёди — унинг кўксига, етмиш икки томирида ниҳон. Улар унга шу қадар азиз, шу қадар мўътабарки, мартар эмас, ҳар гиштини тиллодан қилиб сағана ўрнатганида ҳам, бари бир қарзини узолмайди...

Минг шукрки, ўғли ҳам, кампирини ҳам ҳалол яшади, иймони саломат, диёнати пок кетди. Улардан Адаш Карвонга чексиз из-

тироб билан бирга, ўртаниб эслаган чоғи юрак-бағрини ёруғ бир шукуҳга тўлдирувчи соғинч ёдгор бўлиб қолди.

Асли, ёдгору ёдгорлик деганимиз нима? Бир юракнинг иккинчи юракда қолдиргувчи азиз, ардоқли армони эмасми?

Ҳар кимса тириклигида қилган савоб ишлари билан ўзига ўзи хотира қўйиб кетади. Қачондир, қайдадир иморатга қўйилган бир дона ғишт, қайсидир боғда ўтқазилган бир туп ниҳол, жабрдийда кўздан аритилган бир томчи ёш, кўнгли ярим ғарибга айтилган бир оғиз ширин сўз, беминнат топилган бир бурда нон — одамзот ўзи учун ўзи бунёд этажак ёлғиз ва асл ёдгорлик мана шу. Бас, шундай экан...

Мозордан ҳар галгидек руҳи сўниб эмас, дили ёришиб қайтди. Кўпдан буён беором, беҳаловат ўртаниб излаган нарсасини топгандек қадам олишлари фавқулодда тетик эди.

Кўчанинг бошига етганида Турди олакўзга дуч келди. Гузардан қайтаётган бўлса керак, қўлида нимадир солинган тугунча.

Турди олакўз гавдасига ярашмаган тавозе билан лапанглаб келиб унинг қўлини тутди, ҳол-аҳвол сўрашиб, сохталигини фарқ қилиш мушкул бир меҳрибонлик билан деди:

— Ҳа, ака, тагин ўзингизни уринтириб чиқдингизми, дейман?

Адаш Карвон гапни чувалатиб ўтиргиси келмай, бош ирғаб қўяқолди.

— Қийин-қийин сизга қийин бўлди-да, ака, ёлғиз... Ёлғизнинг ёри худо, деганлар, биламан.

— Яратганинг буйруғи,— деди Адаш Карвон хомуш тортиб.— Кўнмай не илож?

— Шуни айтаман-да, кўргилик экан,— дея маъқулади Турди олакўз.— Ўлган кетаверар экан, ака, қолганга қийин. Раҳмонбердининг итваччаси сизни шундоқ хонавайрон қилди-да. Боя кўрдим гузарда, сочини саватдек қилиб савлат тўкиб юрибди, туя кўрдингми — йўқ... Ҳар ким феълидан топади, майли, қўяверинг, унгаям боққан бало бордир...

Турди олакўз ясама ачиниш билан бош тибратиб қўйиб, дарвозасига қараб юрди.

Адаш Карвон бирдан сергак тортиди: Саттор келган экан-да!..

Юраги туз сепгандек бир хил бўлиб, секин уйга кириб кетди. Намозшомгача ул-бул юмушга ивирсиб, ўзини чалғитмоқчи бўлди. Хусния чиқартирган бир коса юмшоққина ошдан нарибери тотиниб, икки пиёла чой ичгач, яна уйга толди.

Кампири раҳматли узилаётди: «Раҳмонбердининг ўғлини кечирдим, сиз ҳам кечиринг», деб васият қилган эди. Адаш Карвон у шўрпешонани аллақачонлар кечирган. Ҳатто судда ҳам унга ҳеч қандай даъво-жанжали йўқ эканини очиқ-ойдин айтган эди. Лекин

шундай дегани билан, тирик жон, шу кунгача кўнглида унга чексиз-чегарасиз адоват пинҳон экан. Таажжубки фақат шу бугун, боя қабристонда, совуқ сағаналарга тикилиб ўтирганида ана шу кек ва кудурат алангасига гўё аллаким сув сепгандек, жазилаб ачишган жароҳатларига муздай малҳам қўйгандек бўлди...

Ҳа, неки бўлган бўлса — бари ўтди! Энди қандай бўлмасин, Сатторни кўрмоғи, кампинининг сўнгги тилагини адо этмоғи керак. Токи бир бандан бечора умр бўйи ўртаниб ўтмасин! Адаш Карвоннинг ўзи бир умр ўртанди — ўзгалар ўртанмасин! Буни шу пайтгача журъати етмасданми, кўнглининг исёнини босолмайди, айтмаган экан, энди айтиши ҳам қарз, ҳам фарз, «Майли. Ахир, расуллилоҳ айтмишларким: «Эртага қиёмат деган кун ҳам дарахт экингизлар».

Адаш Карвон қатъият билан ўрнидан турди. Кафшандозга етганда, туйқус ўйланиб қолди. Кун алламаҳал бўлиб кетибди-ку. Эртага боргани дуруст эмасми?

Ёруғ ниятларни ёруғда, ёруғ юз билан амалга оширгани маъқул!

У жойига ўтириб, ёстиқ устидаги китобни очди.

* * *

Саттор ҳамон шифтга тикилиб ётаркан, дабдурустан, қўйиб берса, шу алфозда узоқ, жуда узоқ ётиши мумкинлигини, охир-оқибат, юраги ёрилиб ўлиши ҳам ҳеч гап эмаслигини сезиб қолди.

Нимадир қилиш керак! Нима бўлмасин, қандай бўлмасин, ишқилиб, изтироб чангалидан қутқарувчи ҳаракат — халоскор бир ҳаракат керак!

Худди ёв қувгандек шоша-пиша ўрнидан турди. Ёғоч зина-пояни фирчиллатмасликка тиришиб дарвозахонага тушди, ҳувиллаган кўчага чиққач, кўксига муздек шабада тегиб, хўрсинди.

Вақт шомга яқинлашган, теракзор кимсасиз эди. Фақат юраги ёрилгудек шаҳд билан кўчага отилган одам, йигирма қадам юрар-юрмас, нима қиларини, қайга борарини билмай қолди.

Шартта жўнаб кетса-чи? Ҳаммасига бирйўла қўл силтаб, ҳаммасидан бирйўла воз кечиб...

Нима ўзи у — «ҳаммаси»?..

Энди одимлари суст тортиб, аста булоқ бўйига тушиб борди. Товушсиз қайнаб ётган булоқ кўзига тикилди. Мана, унинг хотиралари — ҳам тиниқ, ҳам қайғули; ҳам совуқ, ҳам қайноқ — қалбидаги туганмас изтиробдек, тошу қум қатламлари орасидан тўхтовсиз сизиб ётибди...

«Хаммаси» — бу неки кўнгилга қадрдон бўлса, неки юрагини қачондир ақалли бир марта жазиллатган бўлса — бари; бу — ихтиёрсиз жиноят азоби ва ихтиёрий жазо тазарруси билан йўғрилган кунлар, ишқнинг ёруғ ёди билан мунаввар тунлар... унинг ўтмиши, бугуни, эртаси — бутун умри-ку!

Шуларнинг барчасидан бирийўла воз кечиб бўладими? Шуларнинг барчасига бирийўла қўл силтаб бўладими?!

Бутун бир умрга-я?!

...Бир пайт хушини йиғиб қараса, бўғотлари нураб ётган пастак пахса девор олдида турибди. Чўчиб, аввал ён-верига аланглади, кейин девор оша ҳайҳотдек ҳовлига тикилди. Ҳовли этагида, қари тут остидаги пўпанак бостан тўнка ёнида уч-тўртта товуқ қорайган хазон уюмини титкилаб юрибди. Ойнаванд айвондан вағиллаб ётган радиокарнай товуши келади. Ошхона олдида бола кўтариб турган қизил кўйлакли қизча кўп ўтмай ичкари кириб кетди. Негадир радионинг овози бирдан ўчди. Анчадан сўнг бояги қизча қўлида гулдор товоқ кўтариб чиқди-да, «ту-ту»лаб товуқларга дон сочди, кейин яна жимгина ғойиб бўлди.

Хийлагача ҳовлида жон асари кўринмади.

Саттор нимадандир умидвор бўлиб, ҳануз пешайвондан кўз узмасди.

Бу девор ортида у жуда кўп марта шу алфозда соатлаб турган. Гулнорнинг лоақал қорасини узокдан бўлса-да, бирров кўриш умидида шу ҳовли, шу айвонга юраги орзиқиб қайта-қайта термилган...

Аmmo бу кўҳна девордан — руҳи аро тушмиш бу тўсиқдан ошиб ўтгани ҳеч вақт, ҳеч қачон журъати етмагандек, бу сафар ҳам кўчанинг бошида аллақандай шарпани сезган заҳоти апил-тапил ортига қайрилди.

Ахир, Гулнор энди бу ҳовлини тарк этмаганми? Бу ҳовлинигина эмас, унинг ҳаётини ҳам абадий тарк этмаганми?..

Чексиз-чегарасиз бу оламда ҳозир унга ягона паноҳ болохона эди, аста қайтиб келди. Саросима чангалида яна анчагача карахт чўзилиб ётди. Бир пайт ўз-ўзидан нафаси тикилиб ўрнидан турди, шоша-пиша дарчага яқинлашиб, сўл тавақасини очди. Шунда мўъжиза рўй берди: у Гулнорни кўрди!

Ҳа, бу сафар адашмаган эди. Гулнор — унинг қалбида ҳануз ўн саккиз яшар, ҳануз диловар сиймода яшаб келаётган Гулнор, энди бутунлай ўзгариб кетган Гулнор, булоқ бошида челақ кўтариб турарди. Ёнида паст-баланд иккита бола...

Саттор бағрини дарчага бериб, борлиғи кўз-қулоққа айланаиб, теракзор ортига тикилди. Гулнор челақларини тўлдириб сув олди-да, обкашини елкасига илиб:

— Юринглар, — деди болаларига қараб. — Укангни етаклаб ол, Ҳамдам.

Унинг овози!.. Бир маҳаллар тун сукунатию Сатторнинг юрагига бирдек титроқ солган бу овозгина ўзгармаган эди — ҳамон илгаригидек тиниқ ва жиндак шикаста...

Саттор Гулнорнинг изидан унсиз фарёд билан термилиб қоларкан, сарпойчанг оёғига бесўнақай калиш илган иккита болани эргаштирганча кўздан узоқлаб бораётган б е г о н а бир аёлни кўрди. Шу лаҳзанинг ўзида жуда кўп нарсани бирданига тушунди — ўтган умрни қайтариб бўлмаслигини, қачонлардир жаҳолат туфайлими, ҳасад туфайлими, муҳаббат туфайлими, содир этилган машъум хатони ҳам тузатиб бўлмаслигини, қанчалар оғир, машаққатли бўлмасин, энди бошқача яшаши кераклигини, бундан бўлак иложи йўқлигини...

Қайтадан, янгитдан ҳаёт бошламоқ керак! Янгитдан — хатоларсиз, гуноҳларсиз; мардроқ, олижаноброқ бўлиб!..

Ўшандай ҳаёт бошлади ҳам дейлик, лекин ана шундай яшаб ўтишга қудрати етармикан? Ҳадсиз уқубатлар сўнгида унга ниҳоят, ҳорғин бир қувонч насиб етармикан?..

Аммо... Нимадан бошламоқ керак?

Ҳа! Ўтмиш билан хайрлашувдан! Нски ўтмишни эслатса, у рутубатли кунлар изтиробини ёдига солгудек бўлса, баридан воз кечмоқ керак! Мактублар, суратлар, дафтарлар — барини унутмоқ, йўқотмоқ, йўқотиб тугатмоқ лозим!

У, кўнглида кутилмаган бир қатъият туйган кўйи, ўрнидан туриб ўймакор токчага яқинлашди. Қатъияти жасоратга айланиб, алмисоқдан қолган қора чамадондаги эски суратларни, турли-туман сарғайган қоғозларни олиб, аямай-ачинмай йирта бошлади.

Чамадоннинг тагидан қизил ипак боғич билан боғланган бир даста қоғоз чиқди. Саттор қўлига илинган биринчи варақни сугуриб, кўз югуртирди...

«Салом, Гулнор, соғ-омон бормисан? Кўзларингнинг ёши тиндимми? Ёки ҳануз аламдамисан? Мени қарғашдан чарчамадингми?»

Олти йил мобайнида сенга қирқ еттита хат ёздим. Бу — қирқ саккизинчиси. Ишончим комилки, унга ҳам жавоб олмайман. Йўқ, йўқ, бунинг учун сени айбламоқчи эмасман. Сенга маломат тақмоқдан ўзи асрасин. Маломату офатлардан ғам-кулфатлардан ўзи асрасин сени. Қайда бўлма, қаерда юрма, ҳамиша омон бўл — ёлғиз тилагим шу.

Биласанми, сенга айтишим, тушунтириб беришим шарт бўлган гаплар шунчалик кўпки, қирқ еттита хатга сиғмаганидан, мана,

қирқ саккизинчисини бошлаб ўтирибман. Мени ҳар қанча лаъ-натласанг, қаргасанг — ҳаққинг бор. Иқрорман, гуноҳим улуғ, кечирилмас. Лекин ўшанда аслида нима бўлганини билишингни истайман, Гулнор. Буни сенга айтмасам, кимга айтаман?..

Ўшанда ҳеч чидаёлмадим. Алам кўзларимни кўр қилиб қўйди. Умримда қўлымга милтиқ ушламаган одам, қандай қилиб мўлжалга олдимۇ қандай қилиб... Гулнор, эсласам, ҳали-ҳали тутқаноқ тутгандек ғужанак бўлиб қоламан.

Бечора Насиббек! Айби нималигини ҳам билмай кетди шўрлик...

Менга бошдан бир нарса тинчлик бермасди: нега энди у? Нега энди у? Ахир, Гулнорни у менчалик яхши кўрмайди-ку, деб ўйлардим эртаю кеч. Сенинг ҳам унга кўнглинг борлиги эса менга ҳаддан ташқари бедодлик, бориб турган адолатсизлик бўлиб туюлар эди.

Нега шундай бўлди? Ахир, одамлар бугун топишиб, эртаси ажрашиб, индани буткул унутиб ҳам кетаверади-ку? Нега мен сени унутолмадим? Нега тақдирга тан беролмадим?

Билмайман, билмайман... Билганимда эди, оҳ!..

Кейин нималар бўлганидан балки хабардордирсан ҳам. Ўшанда жон ҳалпида Жаркалонга қочиб бордим. Ёшлигимизда мол боқиб юриб бекинмачоқ ўйнайдиган қоронғи камарлардан бирига кириб ётдим. Юрагимнинг дукури бутун камарни ларзага солди. Назаримда, шу тахлит гурсиллайверса, зах босган дсворларни устимга ағдариб юборадигандек туюлди. Кеч бўлди, ҳаммаёқни зулмат-зимистон босди. Қимир этарга ҳолим келмай, ётган жойимда чўзилиб қолдим. Тинка-мадорим қуриб, хиёл кўзим илинибди. Қанча мудрадим, билмайман, бир маҳал аллақандай қоп-қора нарса кўкрагимга миниб олди, бўғзимдан маҳкам бўгаётганини сездим. Қора терга тушиб жон талвасасида тўлгандим, оғзимни каппа-каппа очиб бақирдим — товушим чиқмади, ҳушдан кетдим...

Мени эртаси чошгоҳдан кейин ўша камарда беҳуш топишибди. Бир ой қишлоқ касалхонасида ётдим, кейин — руҳий касалликлар шифохонаси, кейин тергов, суд, ниҳоят, мана энди, бу ердан...

Ҳеч вақт шу кўйларга тушарман, деб ўйлаганимдими? Асло, асло! Одам дунёдан эртага аҳволи нима бўлишини билмай ўтаркан, Гулнор. Мени «жинни» деб, «қотил» деб айтгандирлар. Балки бу гапларга ишонгандирсан, ишонарсан. Нима ҳам дердим? Уларни рост ёки ёлгон деб исботлашга уринганим билан ҳеч нарса ўзгармайди-ку? Фақат, бир илтимос, Гулнор, шунча гапга ишонган экансан, яна бир нарсага ҳам ишон:

Сени деб жинни бўлганим рост!

Сени деб одам ўлдирганим ҳам рост!

Бу ерга дастлаб келган кезларимда сени тез-тез тушларимда кўриб турардим. Энди эса... Нега, Гулнор? Ёки энди мени қаргашдан тўхтадингми? Илтимос, қаргаб-лаънатлаб бўлса-да, мени аҳён-аҳён ёд этиб турсанг. Зора мен шунда дийдорингни яна тушларимда кўра олсам!

Яқинда авфи умумий чиқади, деган гап бор. Жуда кўп одам озод бўлади. Аммо сен мени авф этмайсан, биаламан. Демак, менга мутлақо авф йўқ — бир умр, абадий.

Сен бу хатни, аввалги қирқ еттитаги каби, ҳеч қачон олмайсан. Чунки уларни сенга ҳеч қачон юбормаганимдек, бу хатни ҳам асло жўнатмайман. Чунки...

Қайси юз билан юбораман, Гулнор?! Ахир, энди сенга лоақал хат ёзишга ҳам ҳаққим йўқ-ку!..»

Хатти-ҳаракатларининг нақадар маъносиз эканини энди англади.

Наҳотки шу билан қутулиб кетолса?..

Беҳуда талваса!

Суратларни йиртар, қоғозларни ўтга ташлар, аммо қалб тубига оғриқдек ўрнашган хотирани-чи? Ўтда ёнмас, сувда чўкмас хотиранинг бешафқат таъқибидан қандай қутулади?

Қўлида бир даста қоғоз, бўшашиб дарча рафига ўтириб қолди. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Ҳамма уйқуда, ором оғушида.

«Ҳозир мендан бошқа ҳам бедор кимса бормикан? — деб ўйлади беихтиёр. — Бўлса, нега бедор экан? Қувончданми, азобданми?»

Афсунгар, соҳир бир тун эди. Бундай кечаларда киши фақат бахтиёр бўлиши лозим. Бундай кечалар ғам-андуҳ учун увол. Бундай кечаларда фақат оҳиста хўрсиниб, шодумон шивирламоқ мумкин:

...оҳ, ойдин тунларнинг сирли савдоси!¹

Шу асно муқаррар бедор ўтирган кимсани хаёлан адашмай топди: Адаш Карвон! Ҳа, бундай афсунгар, соҳир тунда — кўнгилдаги азиз ва оғриқли хотираларни уйғотувчи ёруғ кечада ёлғиз Адаш Карвонгина бедор бўлиши аниқ...

Бас, бас, бўлди! Ҳозироқ унинг олдига боради, лаҳза сайин ўртаниб кетаётган юракдаги дардини сўйлаб, истиғфор келтиради, ундан шафқат ва мурувват сўрайди!..

Балки шунда бир оз ором топар?

Умид уни Адаш Карвоннинг эшигига етаклаб келди. Дарвозага етганида, занжирда ётган Қўрқув уйғониб, йўлини тўсди. Шубҳа қўш қўллаб кўкрагидан итарди.

¹ Миртемир сатри.

Нима деб киради? Киргандан сўнг нима дейди? Тош қотган тил сўзга айланадими?

Кирганида... нима мурод ҳосил бўлади? Уни кўриб, чолнинг дилидаги алам-аланга баттар авж олмайдими?!

Юрак ютиб, базўр ичкари кирди. Писиб бориб, дарчадан аста мўралади.

Адаш Карвон китоб ўқиб ўтирарди...

* * *

Адаш Карвон Қуръон ўқиб ўтирарди.

Ташқари жимжит. Ҳовлининг намхуш, ойдин саҳнига аҳён-аҳён зъфарон япроқлар узилиб тушади.

У китобдан нигоҳини олиб, деразага тикилди.

«Ин оллоҳи маассобирин!»— дея шивирлади ҳозиргина ўқиган оятини такоррлаб.— Оллоҳ собирлар билан...»

Бирдан кўнгли тўлиб кетди. Юрагининг қат-қатида аламли бир туйғу титради.

«Ин оллоҳи маассобирин!»— деб такоррлади яна.— Ҳа, оллоҳ собирлар билан! Лекин... Э поко парвардигоро! Нега мени бунча шўрпешона яратдинг?! Ахир, мен собир эдим-ку! Ахир, умр бўйи буйруғингга бўйин эгиб ўтдим-ку! Тану жонимни, бор-йўғимни йўлингга бағишладим-ку! Балою офатларга дучор бўлган чоғларимда ҳам, қоронғи йўлларда қоқилган пайтларимда ҳам номингни дилимдан қўймадим, ҳсч қачон шиква-шикоят қилмадим, бошимга неки кўргилик тушса, сенинг ироданг деб билдим, ҳаминша ўзингга шукрона айтдим. Лекин энди сендан сўрайман, муборак даргоҳингга бош уриб, ёлвориб сўрайман, айт, англат менга: манглайи қора бу бандангнинг гуноҳи не эди? Нега мен ҳам одамларга ўхшаб бир рўшнолик кун кўрмадим? Нега менга фақат ситамни раво кўрдинг?! Ёзуғим не эди, халлоқи олам?!»

Туйқусдан... тип-тиниқ, булутсиз кўкда чақмоқ чақнади, еру осмонга қудратли ларза тушди, жамики жонзот сесканиб кетди, дарёлар ўзанидан чиқиб тошди, тоғу тошлар узра гулдурак янгради, дарахтлар қалт-қалт қалтиради.

Ва баногоҳ... олис-олислардан гулдураб бир садо келди:

«ЭЙ АЗИЗ БАНДАМ, ИҚРОРМАН, МЕН СЕНГА «МЎМИН БЎЛ!» ДЕГАН ЭДИМ — «МУТЕ БЎЛ!», ДЕГАНИМ ЙЎҚ ЭДИ; «ТУПРОҚДАЙ ХОКСОР БЎЛ!» ДЕГАН ЭДИМ — «ТУПРОҚДАЙ ХОР БЎЛ!», ДЕГАНИМ ЙЎҚ ЭДИ...»

Адаш Карвон чўчиб кўз очди.

Хикоялар



ҒУЛОМҒАРДИШ

— Э, бўлди-да, ота, одамни номусларга ўлдирдингиз-ку! Шу ердан кўчиб кетсам қутуламанми сиздан?!

Дадаматов ахирги шундай деди. Саноқул бобо мажбур қилди. Дадаматов жаҳл устида шундай деди-ю, энди пушаймон бўлиб ўтирибди. Пушаймон бўлгани сари эса баттар аччиғи чиқмоқда.

Аслида, нега шунчалик тутаққанига ўзи ҳам ҳайрон.

Саноқул бобо уни урмаган бўлса, сўкмаган бўлса, туҳмат-маломат қилмаса, ундан бир тама тиламаса... Айби — қанда қилмай ҳар куни салом берганию дуои жонини қилиб турганими?

Наинки шунинг учун киши бировдан ранжиса? Айниқса, Дадаматовдек зуваласи лойдан эмас, мумдан ясалган мулойим бир одам, шунинг учун бировни ранжитса? У наҳот шу умидда юртига кўчиб келган бўлса?

Ақл бовар қилмайди. Менинг, масалан, бунга сираям ишонгим келмайди. Чунки Бегмат Дадаматовни беш қўлдай яхши биламан. Ёлганим учун ҳам шу гапларни ёзиб ўтирибман. Келинг, унинг кимлиги ҳақида сизга ҳам пича гапириб берай.

Ҳўш, Дадаматов Бегмат Эрматович, урушдан аввал, ўттиз олтинчи йили бизнинг қишлоғимизда туғилган. Ҳамма қатори ўқиб, ҳамма қатори машаққату ранж-аламлар тортиб, кон техникуми, кейин шу соҳанинг институтини тугатиб, қишлоғимизга қайтиб келмади — Шарғунга, кўмир конига ишга кетди. Қишлоққа кам келарди, аҳён-аҳёнда — Май байрами ёки Янги йил арафаларида тили бизнинг лаҳжаларга ўхшамайдиган, кўзлари катта-катта, чиройли хотини билан паст-баланд кўчаларимизда пайдо бўлиб қоларди. Бегмат Дадаматов маржон шодасидек тигиз қишлоғимиздан узилиб кетган биринчи дона эди, шу боисмикан, кўпчиликнинг назарида алланечук галати, жуда оқпадар бўлмаса ҳамки, ҳар қалай, дарбадар бир кимса бўлиб кўринарди.

Бегмат Дадаматов, табиийки, бу гаплардан бехабар, шунинг учун ҳам парвойи фалак юрар эди. Кейин-кейин, у кекса отасию қари онасини кўргани келаркан, хотини билан бирга бежирим кийимлар кийган ўғил-қизларини ҳам эргаштириб келадиган бўлди. Болаларининг тилиям бизнинг лаҳжаларга ўхшамас, бинобарин, бегона эди.

У биринчи марта қишлоққа сутранг «Волга»да кириб келганида, ҳар турли мишмишлар тарқади. Бировлар: «Кўтарилиб кетибди, машина олиб юраркан», деди, бировлар эса: «Эрмат сариқнинг ўғли кўмир эмас, пул конида ишларкан», деди. Кимлардир суюнди, кимлардир куйди.

Бир куни Дадаматов, қайсидир байрамда, чол-кампирни зиёрат қилгани келиб, отасини ўсал ҳолда кўрди, онаси бошида сув томизиб ўтирарди. Ўртада қандай гап-сўз ўтгани бизга номаълум, аммо бир ҳафтадан сўнг Дадаматов қишлоққа кўчиб келди. Энди «Волга»си йўқ эди. Яна мишмиш тарқади: «Ол, ишдан ҳайдалиб кетибди», «Бало экан, ҳовли-жойнинг умидида... хаҳ, моли дунё ўлсин ширин бўлмай...»

Тешик қулоқ, Бегмат Дадаматов, табиийки, бу гаплардан энди хабар топмай қолмади, лекин бари бир парвойи фалак юрарди. Ҳатто беписанд кулиб қўйганини ҳам биров кўрмади. Хуллас, қишлоқ унга кўникди — ортиқ номини сақич қилмай қўйди.

Дадаматов озроқ муддат чол-кампирнинг каталакдек уйида яшади, кейин, кузга бориб, Даламаҳалладан анчагина бадастир ҳовли-жой сотиб олиб, кўчиб ўтди. Район марказига — электр идорасига ишга кирди. Тили бизнинг лаҳжаларга ўхшамайдиган ўғил-қизлари қишлоқ болалари билан бир мактабда ўқий бошлади. Хотини ҳамшира экан, касалхонага жойлашди.

Дард бошқа — ажал бошқа, шифтга боқиб ўсал ётган Эрмат бобо кўкламга чиқиб ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетди, кутилмаганда отга, беданага меҳр пайдо қилди, тағида булутдек айғир, устида почапўстин, қўйнида бедана, қаерда улоқ, қаерда пойга бўлса, барида ҳозир у нозир. Орада унинг оғзига сув томизиб ўтирган кампири боёқиш омонатини топширди. Чол ҳозир саксон учда, қайсарлик билан ҳамон ўзининг ҳовлисида, ўн олтига кирган невараси Шермат билан тирикчилик қилади, аҳён-аҳёнда нега менга кампир топиб бермайсан, деб Бегмат Дадаматовга галва қилиб қўяди. У эса бунга жавобан кулади, холос.

Бегмат Дадаматов ҳақидаги гапга шу ўринда нуқта қўйсақ ҳам бўларди, лекин Саноқул бобо... Дарвоқе, Саноқул бобо! Агар Саноқул бобо бўлмаганида, ҳикоямизнинг ҳам ҳеч бир ҳикоялик ери қолмасди.

Санокул бобо, Бегмат Дадаматовнинг ҳаётида ҳам, худди шу қикоядагидек, мутлақо дафъатан пайдо бўлди.

Санокул бобони мен ҳам танирдим. Кутубхонадан китоб олгани борганимда кўрардим. Кўча бошидаги харсанг тошда, ҳассасини иягига тираб, кўзларини чала юмиб, носнинг кайфини сурганча офтобшувоқда мудраб ўтирарди. Салом берсангиз, ха-фа бўларди: кайф қочса керак-да.

Дадаматовнинг олган ҳовлиси кутубхонанинг орқасида, шундоққина сой бўйида эди ва аччиқ ичакдек тор бир кўчадан юриб, Санокул бобонинг кўҳна ёғоч дарвозаси олдидан ўтиб асфальт йўлга чиқиларди.

Ҳамма машмаша Дадаматов кўчиб келганидан кейин бошланди.

Сешанба куни эрталаб шошиб ишга бораётса, нимдош кўк яктак кийган, чувак юзли, кўзлари шилпиқ бир чол тавозе билан салом берди:

— Э, ассалому алайкум, тўрам!

Дадаматов гангиб тўхтади, гарчи атрофда ўзи ва рўпарасидаги чолдан бўлак кимса бўлмаसा-да, ён-верига аланглади, сўнг ҳайронлик билан, музтар ва хоксор қўл қовуштириб турган қария томон юрди, сўрашгани қўл чўзди:

— Ассалому алайкум, ота.

Шунда чол ёшига ярашмаган абжирлик ила чаққон югуриб келди, унинг кафтини қўшқўллаб кафтига олди, кўзига суртгудек бир алфозда товуши товланиб деди:

— Бардам-бақувватгина юрибсизми, тўрам? Тани жонингиз соғми?

Дадаматов баттар довдиради, сўнг юзи ёришиб жилмайди: «Қарилик-да!»

— Мени биров билан адаштиряпсиз-а, ота,— деди хушҳол кулимсираб.

Чол ундан баттар таажжубланди:

— Э, нега адаштирай, тўрам? Шукр, ҳали эс-ҳушдан айиргани йўқ. Яратган эгам ўзи адашгулик қилмаса, адашмайман, тўрам. Ҳа, ҳовлилар муборак бўлсин энди? Кўп суюндим, тўрам, кўп суюндим. Илоҳи омин, яхши тўйларга буюрсин, туп қўйиб палак ёзинг!

— Раҳмат,— деди Дадаматов,— раҳмат, айтганингиз келсин.

— Муни қаранг, тўрам, фалакнинг гардиши деб шуни айтаркан-да, бўлмаса, ким ўйлабди сизнинг бизга қўшни бўлиб қолишингизни? Шукр, минг шукр, яратганинг инояти буям бўлса! Дадаматовнинг вақти бениҳоя зиқ эди.

— Ҳай, ота,— деди узр сўраб,— майли, омонлик бўлсин.

— Э, тўрам, қани, бир пиёла чойимиз бор-а? Эрталабки на-
сиба-я, тўрам?

— Бошқа сафар,— деб Дадаматов гапни қисқа қилди.

«Отамнинг ошналаридан,— дея ишонч билан ўйлади у
йўлда бораётиб, — лекин нега бунча «тўра»лайди — ҳай-
ронман...»

Кечқурун ишдан қайтиб таажжуби баттар ортди: кимдир бир
тоғора сомса ташлаб кетибди.

— Ким берди?— деб кундузи уйда қолган саккиз яшар қиз-
часидан сўраган эди, у:

— Бир чол, оти... оти Саноқул бобо,— деди.

Ҳайроналик билан сомса ейилиб кетди. Эртасига яна одатдаги-
дек ишга бораётган эди, худди кечаги муюлишда ўша чолга дуч
келди. Дадаматовга, у кечадан бери жойидан жилмагандек туюлди.
У ҳарчанд олдин салом беришга ўзини чоғласа-да, бари бир улгу-
ролмади — чол эпчиллик қилиб қолди:

— Э, ассалому алайкум, тўрам! Қалай, бардам-бақувватги-
на? Уй ичилад, бола-чақа омонми?

«Тўрасига бало борми?!» — Дадаматовнинг бирдан энсаси
қотди, бироқ чолнинг юз-кўзида ҳеч қандай ҳазил-мазах ифода-
сини кўрмади.

— Раҳмат,— деди у қуруққина қилиб ва шу заҳоти: «Э,
сомсани шу юборган бўлмасин тағин?» — деган фикр хаёли-
дан ўтди.

— Қани, тўрам, ўтсинлар, ўтсинлар!— Чол икки букилиб,
қўл қовуштирганча унга йўл бўшатиб турарди.

— Менга қаранг, ота,— деди Дадаматов.— Нега мени «тўра»
дейсиз, мен... тушунмадим. Умуман, сал ғалати бўляпти, мени
отим Бегмат, отимни айтиб чақираверинг.

Чолнинг нурсиз, чағир кўзлари ваҳимага тўлди:

— Йўғ-э, йўғ-э!— деб шивирлагандек бир овоз чиқарди у.—
Худо сақласин, нега отингизни айтар эканман, айб бўлади,
тўрам. Қани, ўтсинлар, ўтаверсинлар, баҳузур.

Дадаматов бўғилиб кетди:

— Тўра деманг, илтимос.

Чол кўзларини пирпиратди:

— Нима дейин?

— Отимни айтинг, қўшни денг, ҳа, ана, ўғлим денг.

— Йўқ,— деди чол қатъият бош чайқаб.— Сиз тўрамнинг
авлодлари бўлсангиз-у, мен қандай қилиб...

— Қанақа тўранинг?— деб сўради Дадаматов қичқиргудек
бўлиб.

— Дадамат қозининг-да, — деди чол ва унинг бу қадар нодонлигига ачингандек, бош тебратиб қўйди. — Раҳматли бувангиз менинг тўрам эдилар, мен у кишининг эшикларида қарол эдим. Яйилмада молларини боқардим, жувоз ҳам ҳайдаганман, мола ҳам босганман. Мени жойи жаннатда бўлгур қози бувам одам қилганлар. «Э, Саноқул, — дер эдилар раҳматли, — дунёда одам кўп, лекин одамийси қам». Ўзлари қандоқ одам эдилар-а! Ҳар оқшом ғуломгардишга¹ ўз қўллари билан гўжами, аталаумочми, худонинг буюрган насибасини кўтариб келар эдилар. Бир марта денг, Тахтасонда ерлари бўларди, баҳори буғдой экан эдик, тизза бўйи бўлиб қолганида, мени чақириб айтдиларки...

Дадаматов кўчанинг қоқ ўртасида меровсираб, рўпарасидаги эски кавушдек кўримсиз чолдан кўз узмай анграйиб турарди.

«Ёпирай! Нималар дейди-я, бу?! Тош асридан қолганми ўзиям, нима бало?!»

— ...ҳайитнинг эртаси тўрам билан Норжонтолга, Мирали қозоқнинг овулига бордик. Борсак, тумонат одам, бир тўй бўлган экан, Миралининг укаси улоқда отдан йиқилиб ўлибди, қий-чув, қиёмат...

— Ота, — деди Дадаматов бетоқат, — қачонги гап буларингиз?

Кўзлари қисилиб, завқу шавққа чўмган Саноқул бобо ўйланиб қолди.

— Қачонги дейсизми? Э, кўп бўлгани йўқ ахир, Николай подшо ағдарилган йилимикин, валлоҳу аълам, ё ундан кейинги йилими... Ишқилиб, мулла Абдураҳим уязнинг кенжа ўғли Қорабозорда отхона босиб ўлган йили эди. Раҳматли Абдукаримнинг мучали хўк эди, мана шундан мучал ағдарадиган бўлсак... Кечагина бўлган гаплар-да, бари, тўрам.

Дадаматов, гўё уни биров бошлаб лақиллатгандек, жаҳли чиқди, аранг ўзини босиб, Саноқул бобо билан хайрлашди.

Индинига яна ўша ҳол такрорланди. Дадаматов бу сафар аччиқланмади-ю, вазминлик билан шундай деди:

— Энди, бизни иззат қилганингиз учун раҳмат, ота, лекин бундан кейин мени «тўра» деманг, илтимос. Чунки...

— Ие, нега? — деди Саноқул бобо.

— Чунки, — дея давом этди Дадаматов унинг саволини эшитмагандек, — мен сиз айтаётган қози бобони кўрган ҳам эмасман, у киши биз дунёга келмасданоқ кўкариб чиққан экан-

¹ Ғуломгардиш — қуллар яшайдиган жой.

лар. Кейин, илгари нима гаплар бўлса бўлгандир, аммо ҳозир унақа «қарол»у «тўра-пўра» деган гаплар қолмаган, ота. Шунинг учун бунақа деб, мени хижолатга қўймасангиз. Ахир битта-яримта эшитган қулоққа ҳам хунук. Йўлни ҳам баҳузуур кесиб ўтаверинг, ёшингиз улуг!

— Йўқ-йўқ, — деди Саноқул бобо, — бундай деманг, тўрам, айб бўлади, сизнинг мартабангиз улуг.

Дадаматов қовоғини солди:

— Ота, ҳозиргина келишдик-ку.

— Қўйинг-э, — деди Саноқул бобо бўш келмай. — Қози бобонинг арвоҳи-чи, тўрам?!

— Э, жуда «тўра»лагингиз келса, отамга боринг! Зсрикиб, нима қиларини билмай ётибди.

Саноқул бобо синиқ кулимсираб, бошини қуйи солди.

— Майли, тўрам.

— Ахир мен партияний бўлсам, катта бир идорада ишласам, сиз эса буздоқ қилиб турсангиз. Гап теккизиб қўясиз, ота, менга бунақада.

— Худо сақласин, тўрам, — деди Саноқул бобо чўчинқираб. — Сизга қасд қилганлар паст бўлсин.

— Э, боринг-э! — Дадаматов қаҳрланиб қўл силтади ва шарт бурилиб жўнади. Икки юз қадамлар юриб боргач, бирданига... кулиб юборди.

Кечқурун отасидан хабар олгани борди. Отаси айвонда, туллак беданасининг патига сув пуркаб ўтирарди. Бир оз гурунглашгач, у аста сўради:

— Саноқул бобо отангизнинг қароли бўлганми?

— Қайси Саноқул? Сано тентакми? — Отаси беданани кўтариб, чироқ шуъласига солди. — Отамнинг қароли кўп эди. Саноям ишлаган. Тентак у, — дея отаси ичкари уйга қараб қичқирди: — Ҳой, Шермат, бормисан, токчадаги халтада тариқ бор, олиб чиқ!

Дадаматов ўрнидан кўзгалди.

Эртасига яна Саноқул бобога дуч келишини ўйлаб, юраги безиллади — рост ўчани қўйиб, паст кўчадан юрди, сой ёқалаб айланиб ўтиб, ишга кеч қолди.

Якшанба куни маҳаллада тўй бўлди. Дадаматов ҳам чиқди. Тўй эгалари қўярда-қўймай уни ичкари уйлاردан бирига судрашди. Дадаматов салом бериб кирганида бир уй одам чой ичиб чақчақлашиб ўтирарди, ҳамма унга ўгирилиб қаради. У пойабзалини счиб, пойгакдаги бўш жойга чўкмоқчи эди, туйкус юқоридан:

— Қани, тўрам, буёққа, буёққа ўтсинлар, — деган чийилдоқ овоз эшитилди.

Дадаматов, юраги шув этиб, тўрга қаради. Саноқул бобо, икки букчайганча, бурчакка қисилиб унга хокисор термилиб турарди.

— Ҳтиравсеринг, — деди у гижиниб.

— Йўқ, йўқ, тўрам, мен... қандоқ ҳаддим сиғади, ахир, қўйинг, энди, одамни хижолат қилманг, тўрам, одобсизлик бўлади-да, э!

Дадаматов ҳамма томошаталаб бўлиб турганини сезди ва базўр шайтонга ҳай бериб, Саноқул бободан юқори ўтиб ўтирди, у эса пилдираганча келиб унинг жойига чўкди.

Кўпчилик бир-бирига ажабланиб қаради.

Дадаматовга тўй татимади.

Бир куни олти яшар ўғли шундай деб қолди: «Дада, тўра дегани нима дегани?» «Ҳа, нега сўраяпсан?» «Йўқ, айтинг, яхши гапми, ёмон гапми?» Дадаматовнинг боши қотди. «Саноқул бобонг айтдими? Ҳазиллашган, парво қилма!» «Менам Саноқул бобони тўра десам бўладими?» «Йўқ!» «Нега?» «Бас энди, эзма бўлма», деб даргазаб жеркиб берди у.

Аслида-ку, энди Саноқул бобога кўнигиб, тақдирга тан бериб қўя қолса бўларди, лекин қайсарлик бобида у ҳам Саноқул бободан заррача қолишмасди, яъни уларни ўхшатмасдан учратмаган эди.

Дадаматов ҳаммасидан ҳам кўра, бу ғалати муносабатнинг эл ичра ошкор бўлишидан қўрқарди. Қўрқиб юргани содир бўлди: Қуруқсой қишлоғидаги подстанция ночор эди, хадеб куйиб қолаверарди. Қуруқсой аҳли ҳам исми жисмига мос халқ экан, тагини суриштирмай, тинимсиз ёзгани ёзган эди. Қўли қичиган экан, майли, ёзаверсин, лекин кошки аризадан трансформатор ясаб бўлса! Ахири бўлмади — район газетаси уриб чиқди. Эргашев деган мухбир, билибми-билмай: «Район электрлаштириш идораси (бошлиғи ўрт. Дадаматов Б.) токайгача меҳнаткашларнинг ҳақли талабларига тўраларча муносабатда бўлади?!» деб даргазаб савол қўйди.

Мақола жума куни чиққан эди, Дадаматов таъби хира бўлиб кечқурун уйига қайтаркан, ўтган-кетганнинг бари қўлини бигиз қилиб уни кўрсатаётгандек туюларди. Эчкининг ўлгиси келса, қассоб билан ўйнашади, деган гап рост. Рост бўлмаса, худди шу пайт Саноқул бобо Дадаматовга кўз оғриғидек рўпара келиб қоладими?

— Ассалому алайкум, тўрам...

Дадаматов бирдан портлади:

— Э, бўлди-да, ота, одамни номусларга ўлдирдингиз-ку! Шу ердан кўчиб кетсам, қутуламанми сиздан?!

Саноқул бобо ҳангу манг бўлиб қолди.

Дадаматов шу жаҳд устида бориб ҳовли-жойини текинга бўлсаям сотишга тайёр эди, бахтига, уйда меҳмон бор экан — хотинининг уруғлари келишибди, шулар билан чалғиб, ҳовуридан тушди.

Шу бўйи Саноқул бобо билан салом-аликни йиғиштирди. Кўча-кўйда дуч келиб қолгудек бўлса, тескари қараб ўтадиган бўлди. Чол эса, юзида ҳануз ўша хоксор табассум, қўл қовуштириб не гуноҳи борлигини билмай гарангсиб турарди.

Қиш кунларининг бирида Саноқул бобо оламдан ўтди.

Дадаматов эл қатори таъзияда қатнашди. Қабристонга борганда ҳам, қайтаётиб ҳам ўзини бениҳоя гуноҳкор сезди.

Эртасига Саноқул бобони эсидан чиқарди. Одатдагидек, шошиб ишга жўнади.

Бирор ҳафта чамаси ўтиб, Саноқул бобонинг дарвозаси ёнида чолнинг ўтгиз ёшлар яшарган қиёфасини — куя сган телпак кийган ўғлини кўрди. У қўлига куҳ-куҳлаб, лабидаги папиросини четга улоқтирди-да, Дадаматовнинг истиқболига юрди:

— Ассалому алайкум...— Йигит бир оз тараддуланиб, такрорлади:— Ассалому алайкум... тўрам...

Дадаматов сесканиб тушди.

«Э, тавбандан кетай! Булар ўзи авлоди билан жинни эканми, нима бало?!»

Унинг ранги олинганини сезиб, йигит шоша-пиша гапирди:

— Энди, ака, нима қилай, бобойнинг васияти...

— Қанақа васият?— деди Дадаматов гангиб.

Йигит аламзадалик билан афтини буришгирди.

— Отам касал бўлгандан бери яккаш бир гапни такрорлардиларки, шу Бегмат акангни ҳамманг ҳурмат қиласан, у киши тўрамнинг авлоди, сизлар ҳам шундай деб чақиринглар... Энди, ака, ота рози — худо рози, ахир...

— Э, қўйсангиз-чи!— деди Дадаматов ва шарт бурилиб жўнаркан: «Бу чол ўлса ҳамки қутулмас эканман-да», деб ўйлади аччиқланиб. Кўчанинг бошига етгач, алланарса эсига тушгандек, жадал юриб изига қайтди. Саноқул бобонинг дарвозасини қоқди. Қия очиқ дарвозадан қўлида паншаха ушлаган бояги йигит чиқиб келди:

— Э, келинг, келинг,— деди у ортига чекиниб.

— Менга қаранг,— Дадаматов остона ҳатлаб ичкари ўтди:— Энди, бир келишиб олсак: майли, отангизнинг васияти ўз йўлига, лекин иккинчи мени бунақа деб шарманда қилманг. Маъкулми? Бобо раҳматлининг шунча азоб берганлари ҳам етар.

— Йўғ-э, нима деяпсиз, ака, сизга азоб бериб...

— Агар бунгаям кўнмасангиз,— дея Дадаматов боя ўйлаб қўйган гапига кўчди,— мен чиндан ҳам сизга тўра бўладиган бўлсам, менинг амримни бажарадиган бўлсангиз, бундан буён мени Бегмат ака деб чақиришингизни буюраман. Тушундингиз-а?— У таҳдид билан кўзларини йигитга тикди.

— Э, мен бир нарса деяпманми, ака, ўзим ҳам...

— Бўпти, омонлик!— Дадаматов енгил тортиб, йўлига раво-на бўлди.

У кечқурун яна шу кўчадан уйига қайтади. Кечгача эса ҳали анча бор.

1987

ОЛИС «АРТЕК» ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

Бу воқеа бундан анча йиллар илгари — мен ҳали О'Генрининг «Фаришталар ҳадяси» деган ҳикоясини ўқимаган, ўқиш уёқда турсин, ҳатто О'Генрининг номини ҳам эшитмаган, эшитишим мумкин ҳам бўлмаган ёшлик чоғларимда юз берган эди.

Мен шу воқеанинг иштирокчиларидан бири бўлган эдим.

Мана ўша воқеа.

Тоғ этагидаги қишлоқ мактабида бир Аълочи бола ўқирди. Кунларнинг бирида шу Аълочи болани дарс пайти мактаб директорининг хонасига шошилишч қақириб қолишди.

Эртасига катта танаффус маҳали Аълочи бола ўртоқлари билан ҳовлидаги ҳовуз бўйида гаплашиб турган эди, ёнгоқ шокига ўрнатилган радиокарнайдан 8-«Б»даги бижилдоқ Салима сарикнинг овози эшитилиб қолди:

— Диққат, диққат! Мактаб радиоузелидан гапирамыз! Мактабимиз янгиликлари билан таништирамыз. Кеча район комсомол комитетидан қувончли хабар келди: ўқиш ва жамоат ишларидаги аъло муваффақиятлари учун мактабимизнинг 7-«А» синф ўқувчиси, дружина кенгашининг раиси...

Аълочи бола ўз номини эшитиб қулоғи шанғиллаб кетди, бахтдан қизарди, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, бу номнинг ҳам, бу хабарнинг ҳам ўзига асло дахли йўқдек бепарво тинглашга тиришди.

— ... Бутуниттифоқ пионерлар лагери «Артек»ка бепул йўлланма билан мукофотланди...

Аълочи бола, теварак-атроф бирдан сув қуйгандек жимжит бўлиб қолганини сизди, иситмаси чиқиб бораётган одамдек, мисдай қизиган юз-кўзларида турфа нигоҳларни туйди: «Артек»ка! «Артек»ка?! «Артек»ка... Қандоқ бахтли!»

Ҳамманинг Аълочи болага ҳаваси келди. Ҳамма у билан ошно бўлишни истади. Ҳамма у сингари Аълочи эмаслигига афсусланди.

Шу куни 7-«А» синфида қолган уч соат дарс хушxabарнинг мухокама, мулоҳаза, мунозараси билан ўтди.

География муаллими Маъруф Солиев Аълочи болани мақтади, доскага чиқариб, харитадан тангадек яшил доғни кўрсатди.

— Қримга борасан, — деди у. — Ана, «Артек».

Аълочи боланинг юраги орзиқиб кетди. Харитадаги тангадек яшил доғдан кўз узолмай қолди. Бу улкан харитада унинг тоғ этагидаги кичкина қишлоғи зикр этилмаган эди, борар манзилни хаёлан чамалаб кўрмоқчи бўлди — тасаввурига сиғмади, ваҳми келди.

— Менга битта «указка» олиб келасан, — деди муаллим кўлидаги чизгични кафтига уриб. — Уёқларда шамшод дарахти ўсади, ўшандан қилинади. Ўзимники ҳам жуда зўр эди-ю...

Муаллимнинг «указка»си чиндан ҳам, жуда зўр эди: илон терисидек ола-чипор, сип-силлиқ, ғаройиб нақшлари қорамтир тусда жилоланиб турарди. У харитадаги олис мамлакатлар, номаълум тоғ ва денгизларни кўрсатиш воситасидан кўра кўпроқ интизомсиз болаларни тартибга чақиришнинг самарали қуроли сифатида фойдаланадиган арзанда таёқчасидан етти ярим ой муқаддам жудо бўлган эди: ўшанда «указка» орқа партада ўтирадиган Тойир — Тойхарни тартибга чақиришга сафарбар этилган, лекин Тойхар чап бериб қолгану «указка» дераза раҳишга тегиб...

— Бозор раис курортга кетаётганда тайинлаб юборган эдим, опкелмади, — деди муаллим хомуш тортиб.

Кейинги соат ўзбек тили дарси эди. Ўзбек тили ўқитувчиси касал экан, ўрнига рус тили муаллимаси Елена Никитична кирди. Аълочи бола, бошига қандай ажойиб бахт қуши қўнганини Елена Никитичнанинг «Артек» ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоясидан кейингина англади.

Елена Никитична Симферополь деган шаҳарда ўқиб юганида, «Артек»да бир мавсум пионербоши бўлиб ишлаган экан. О, «Артек»! О, мангу қувонч ўлкаси! У кунларни унутиб бўладими! Пойингда — Қора денгизнинг асов мавжлари, илиқ тўлқин ювган қумлоқ соҳиллар, тўлқинларга тўш уриб учгувчи чағалайлар; юксақда — Айиқ тоғининг ҳайбатли қоялари, мудом яшил арчалар, турнакўз булоқлар...

Елена Никитична тўлиб-тошиб сўйлади. Аълочи бола тўлиб-тошиб тинглади. Ва боя харитада кўргани тангадек яшил доғ ўрнида эртақдек сирли, эртақдек ажойиб афсоналар водийси пайдо бўлди.

Елена Никитична ҳикоясини тугатиб, унга чарм муқовали қалин дафтар узатди:

— «Артек»да хотираларингни ёзиб боргин. Келганингдан кейин ўртоқларингга ўқиб берасан. Мана кўрасан, сенга бир умрлик ёдгор бўлиб қолади.

Қишлоқда дув-дув гап тарқалди: Аълочи бола Қримга борармиш!

Онаси ишда экан, бу гапни кўчада эшитиб, бир маҳал ҳовлиққанча...

— Онанг айлансин!— дея остонадан кўзида ёш билан кириб келди.— Онагинанг айлансин!

Сўнг ўглини бағрига босиб, пешонасидан, юз-кўзларидан ўпди, бўйи билан тенг қоматини кўриб, баттар дийдаси бўшашди:

— Отанг шўрлик кўрмади-да бу кунларингни...

— Йиғламанг, ойи,— деди Аълочи бола ўпкаси тўлиб.

— Вой, нега йиғлай, йиғлаётганим йўқ,— деди онаси йиғлаб.— Сен ахир одам бўлиб, шундоқ юртларга борармишсану мен суюнмайманми? Суюнганимдан йиғлайман-да, нима қилай...

Кечқурун Аълочи бола хонтахтага мук тушиб дарс қилиб ўтирган эди, ҳовлида онасининг ким биландир гангур-гунгур гаплашгани эшитилди.

— Майли, ҳозир чақириб чиқаман,— деди онаси бир пайт.

— Йўқ, йўқ, ўзим кирерим,— деди бегона аёл товуши ва зум ўтмай эшик очилиб, онаси шапалоқ-шапалоқ гулли халат кийган кўзойнакли бир хотинни бошлаб кирди. Аълочи бола ўрнидан туриб салом бераркан, меҳмонни таниди: гузардаги почтада ишлайди, бир марта отасининг нафақа пулини олгани борганида кўрган.

— Қани, юқорига чиқинг, Сабрие опа,— деди онаси кўрпача солиб.

— Йўқ, ич де раатсизланмангиз,— деди Сабрие хола кўрпача четига омонатгина ўтириб.— Ўзингиз де ўтирингиз. Бу ўғлунгиз баражақми?

Онаси бош ирғади, ўғлига қараб:

— Сабрие холанг сени кўргани келибди,— деди.

Аълочи бола ҳайрон бўлиб Сабрие холага тикилди: уни кўриб нима қилади?

— Менга де ўйледе Сервер айтди,— деди Сабрие хола.— «Хислат апайнинг баласи Қримга баражақ», деди. Эвингизни сўраб таптим, дўғри миңда келдим.

— Зап келибсиз-да, Сабрие опа,— деди онаси дастурхон ёзаркан.— Қани, нондан олинг. Ҳа, мен ўзим ҳам боягина эшит-

дим, идорада. Энди иккинчи қаватни супуриб бўлиб, зинадан сув олиб чиқаётсам, Ҳожи бачконнинг келини Машрубани кўриб қолдим. «Вой, Хислат опа, ўглингиз Артикка кетай, деб турибдию сизнинг юришингизни қаранг», дейди. Артиги нима экан, дсб сўрасам, шунақа эмиш. Қайдам, узоқ жой, қандоқ бўларкин...

— Ай, йўқ, айтмангиз, неси узоқ!— деб хитоб қилди Сабрие хола кўлидаги пиёлани дастурхонга қўйиб.— Самолётнен бара-жақсизми йўқсе поездненми?— деб сўради у Аълочи боладан.

— Билмайман,— деди Аълочи бола елка қисиб.

— Поезднен барсанг яхши,— дея уқтирди Сабрие хола.— Чўқ шеерлерни, бир тақим койлерни кўребилесин. Самолёт келишмей, булут ортиндан булут...

— Ким билади, Сабрие опа, адашиб-нетиб кетмасмикин?

— Ай, йўқ, бирақ шуни. Йўлиннен шаширмаз!— деди Сабрие хола қўл силкиб.— Не ичюн шаширсин! Ич де раатсизланмангиз, йўллангиз. Эҳ, дуняда Қрим киби ер барми! Ажайиб денгизи, ажайиб юзум бағлари бар. Анда не қадар ўлажақсиз?

— Бир ой экан.

— Вай, не қадар яхши! Санга бир рижам бор: «Артек»нинг янчигинда Дермангўл деген сув бар. О ерлер муқаддес, суву дўс-дўғру жаннеттен ақип чиқа. Шу Дермангўлнинг суву бираз ашағида, анда тушуп, эллеренгни, черенгни ювиш, Сабрие апте ичюн де дува эттим, деп айтирсинг, яхшими?

Аълочи бола бу гапларнинг маъносига унчалик тушунмаган бўлса-да, таажжуб билан бош ирғади. Сабрие холанинг кўзи ёшланиб, товуши титради:

— Чареси ўлса да, бир шише Дермангўл сувундан алип келсенг. Бир ютум ичип ўлсем, янмаз эдим. Алип келирсинми, ўғлум?

— Майли,— деди Аълочи бола ҳайрон бўлиб.— Майли...

— Аллага шукюр! Чўқ кере шукюрлер ўлсун!— деди Сабрие хола Аълочи болага ҳавас билан термилиб.— Митлақ бар. Қримни кўрген адам женнетни кўрмесе де ўлур, Хислат!

— Ҳа-а, шунақа денг-а...— деди онаси бўшашиб.

Эртаси куни мактаб директори Ҳикматов Аълочи болани дарсдан озод қилиб, район марказига жўнатди:

— Универмагнинг ёнидаги икки қаватли бинони кўргансан-а? Биринчи қаватга кириб, чап қўлдаги бешинчи эшикка учрашасан. Топиш осон, эшигига «Район комсомол комитетининг биринчи секретари Бозоров» деб ёзиб қўйибди. Тушундингми?

— Алло, ўртоқ Ҳикматов?

— Эшитаман.

- Ассалому алайкум. Бу Бозоров, райкомсомолдан.
- Э, Иброҳимжон, яхшимисиз...
- Раҳмат, домла, ўзингиз қалайсиз? Бу, юборган ўқувчингиз билан гаплашган эдик.
- Бордими? Эрталаб жўнатган эдим.
- Яхши, қобилиятли бола кўринади. Гап-сўзи ҳам бурро-бурро.
- Энг аълочи, фаол ўқувчимиз шу. Жудаям ҳаракатчан.
- Ссзилиб турибди. Биз ҳам худди шундай номзодни назарда тутган эдик.
- Демак, ҳал бўпти-да?
- Ҳал бўлди-ку, битта «но»си бор...
- Хўш-хўш?
- Бу, ўқувчингизнинг оилавий шароити қалай?
- Оилавий шароити... Қайси маънода?
- Мен суҳбатлашиб кўрдим. Отам йўқ, дейди, олтита укаси бор экан...
- Ҳа, отаси икки йил бурун вафот этган. Рак эканми... Онаси бор.
- Фаррош экан-а?
- Ҳа, колхознинг идорасида.
- Энди, домла, йўлланма-ку, бепул, лекин... боланинг ўзига ҳам озроқ пул керак бўлади. Майда-чуйда харажатлар, дегандек. Бир-икки сидра тузукроқ уст-бош қилиб берилмаса, ўзини ҳам, бизни ҳам уялтириб қўяр... Шунга... алло, домла?
- Эшитяпман, Иброҳимжон.
- Шунимани қилсак экан?
- Энди... Камбағаллик — айб эмас, Иброҳимжон.
- Э, домла, тушунаман, албатта. Шунимани бир маслаҳат қилсак, деб... Онаси билан ўзингиз гаплашиб кўрасизми?
- Майли.
- Мен яна телефон қиларман.

Кечқурун онаси тўсатдан қўшни қишлоқдаги укасиникига отланиб қолди.

— Қозонда шўрва бор, укаларингизга сузиб берарсан. Мен тоғангникига бориб келай.

— Тоғанникида нима қиласиз?

— Ишим бор.

— Қанақа иш?— деб сўради Аълочи бола ҳайронлиги баттар ошиб.

Онаси таҳмондан маҳсисини олиб кияркан, унга бир қараб қўйди.

— Нима ишингиз бор тоғамда?— деди у яна.

— Оббо, ҳадеб эжикилайверасанми! Ишим бор, дедим-ку, бўлди-да!— деди онаси негадир асабийлашиб.

Ярим кечага яқин жиккак, кўккўз тоғаси тракторининг ара-васига бир бузоқ ортиб келиб қолди. Уни бағрига босиб, белини қисирлатиб кўришди.

— Оббо, жиян-эй, маладес! Маладес!— дерди у яккаш ил-жайиб.

Уйга кириб чой ичиб ўтиришганида ийиб кетган тоғаси бир вақт жиянининг сочини тўзғитиб эркалади-да:

— Э, опа, сира ташвиш қилманг, пул — қўлнинг кири, ўзимни гаровга қўйиб бўлсаям, худо хоҳласа, юбораман буни!— деди.— Индинга бузоқни сотамизу «Қайдасан, «Артек!»» деб жўнаймиз-да, а, жиянбой? Маладес!

Аълочи бола онасидаги бояги асабият боисини дарҳол фаҳмлади. Кўнгли аллатовур чўккандек бўлди.

Тоғаси кетди. Онаси ҳам ухлаб қолди. Аълочи боланинг уйқуси келмади.

Деразадан ташқарига тикилди. Кузак оёқлаган, дарахтлар шипшийдим.

Ҳадемай қиш келади. Ҳадемай қор ёғади. Бу ерларда совуқ қаттиқ бўлади. Елена Никитичнанинг айтишича, Қримда қишин-ёзин иссиқ бўлармиш. Ҳадемай у олис сафарга отланади. Онаси, укалари қолади. Онаси одатдагидек қишини қаҳратон кунларида совуқдан кўкариб кетган қўллари «куҳ-куҳ»лаб, ифлос латтани муздек сувга ботириб идора полини ювади... Укалари эса бири тўзиган телпақда, бири йиртиқ этикда, қор босган йўллардан дийдирашиб мактабга қатнашади. Бу вақтда унинг ўзи узоқ афсоналар водийсида — Қора денгиз соҳилларида, илиқ тўлқинлар оғушида, марварид томчиларни сачратиб, бахтиёр болалар билан чўмилиб юрган бўлади...

Уятдан кўз ўнги қоронғилашиб кетди.

Бозоров кун бўйи Аълочи болани ўйлаб юрди. Унинг тийрак кўзлари сира хаёлидан кетмади.

«Ҳикматов ҳақ, камбағаллик — айб эмас. Қандай бўлмасин, ёрдам бериш керак, руҳи кўтарилади. Эртага...»

Бозоров ишдан кеч қайтди. Эрталаб алланима устида хотини билан орасидан гап қочди. Унинг кайфияти бузилди. Ишга ҳам авзойи бир ҳолат бўлиб чиқди, кундалик ташвишларга чалғиди, Аълочи бола эсига келмади.

— Нега ундай дейсан, болам?— Онасининг лаблари аламноқ пириллади.— Ахир, тоғанг сени деб атай...

—Керакмас, дедим-ку, ойн, тоғамга айтинг, керакмас.

Онаси, кўзига ёш олиб, унинг елкаларини силади:

— Қисинма, йигит моли — ерда, катта бўлсанг, қайтарарсан тоғангга...

— Йўқ, ойн... Мактабга кечикяпман. Тоғамга айтинг, бузоғини олиб кетсин.

— Ҳой, шошма, шошмайтур...

Орадан бир ҳафта ўтди.

Бозоров бир оқшом райком ташкилий бўлимнинг мудири Рашида опани пенсияга узатишга бағишланган зиёфатдан хушвақт қайтди. Эрталаб уйгонса, хотини нонуштага иссиққина пармуда сомса ёпиб қўйган экан. Кайфичоғлиқ билан хотинига ҳазил-мутоиба айтиб чой ичди, кийиниб ишга жўнаркан, юрагида шафқат уйғонди, лоп этиб Аълочи бола эсига тушди.

— Алло, Ўртоқ Ҳикматовми?

— Э, Иброҳимжон, қалайсиз?

— Раҳмат. Бу, домла, мен тунов кунги масалани ўйлаб кўрдим. Шу, харажатнинг бир қисмини мактаб ўз зиммасига олса, қалай бўларкин?

— Э, харажат-ку майли, лекин буёқда бошқа гап чиқиб қолди.

— Хўш-хўш?

— Ўқувчимиз айниб қопти. Бормайман, деяпти.

— Нега?

— Ким билади, дейсиз. Бормайман, вассалом, деб туриб олган.

— Онаси-чи, онаси нима дейди?

— Э, онаси, борсин, деб эси кетяпти, анави гапга ҳам рози эди. Ҳайронман, тўсатдан...

— Қизиқ. Бирор сабаби бордир, ахир?

— Шуни билолмаяпмиз-да, Иброҳимжон.

— Ҳа-а... Илтимос, домла, яна бир гаплашиб кўрсангиз. Тушунтиринг-да, бунақа имконият ҳаётда бир келади. Биз обком комсомолга бугун-эрта маълум қилишимиз керак.

— Хўп, хўп. Зора кўниб қолса. Жуда ноқулай бўлди-да...

— Кейин телефон қиларсиз.

Ўша кунни онаси аллавақтгача хаёли қочиб ётди.

«Камбағаллик — айб эмас, — деди хўрсиниб. — Нима қилай, ўлмаса, пешонасига битган бўлса, ҳали не жойларни кўрмайди».

Бозоров яна ишдан кеч қайтди.

«Эй, машмаша кўп-да, — деб ўйлади уйқуга кетаркан. — Яхшиямки, ўзи «отвод» бергани... Бечора, борганда тузук бўларди».

Бола супада тиззаларини қучоқлаганча ҳеч нарсани ўйламай хомуш ўтирарди. Ишқон поялари оша кўз ўнгида чексиз осмон — чексиз армон денгизи ястаниб ётарди. Худди «Артек»даги денгиздек поёнсиз, худди «Артек»даги денгиздек олис...

Ҳаммаёқ осуда эди.

Мана, бор-йўқ воқеа шу.

Бир куни тасодифан О'Генрининг «Фаришталар ҳадяси» деган ҳикоясини ўқиб қолмаганимда, кўп йиллар муқаддам юз берган бу воқеа балки бутунлай ёдимдан чиқиб кетган ҳам бўларди. Ҳикояни ўқидиму ўша воқеани эсладим, ўша воқеани эслагач, ҳикояни яна қайта ўқидим ва дафъатан, оддий одамларнинг қисмати ҳамиша, ҳамма жойда бир эканини, уларнинг ҳасрати ҳам, саховати ҳам, муҳаббати ва нафрати ҳам аслида ягона эканини англаб, қаттиқ ҳайратга тушдим. Тағин ўша воқеани эсладим. Шунда юрагимда ҳануз пинҳон ётган жуда кўп муаммолар бирдан ойдинлашиб кетгандек туюлди...

Ҳаммаёқ осуда эди.

Шу тун супада бедор ётган Аълочи боланинг руҳи синганини — руҳида дарз пайдо бўлганини ҳеч ким, ҳатто Аълочи боланинг ўзи ҳам сезмади.

Бу дарз энди кундан-кунга кенгая боради, кенгая-кенгая ахири боланинг руҳини иккига бўлиб ташлайди. Ана шу дарз тирқишидан бостириб кирган Саросима, қалб мулкига танҳо ҳокимлик қила бошлайди. Йиллар ўтиб, бола аста-секин улғаяди, ёшлик ортда қолади, «Артек» ҳам болаликнинг олис, аччиқ бир хотираси янглиғ кўнгил тубидаги армонлар қатига чўқади, бироқ у доимо ички бир ҳадик билан кун кечиради, қай даргоҳ қошига рўбарў келмасин, эшик қабзасига ҳамиша юраги така-пука бўлиб, минг андишаю хавотир билан, журъати тутдэк тўкилиб қўл чўзади, кўзга кўринмас аллақандай тўсиқ тиззаларига мудом урильб турганини умр бўйи ҳис қилиб ўтади. У ўз ҳаёти давомида ҳақиқий парвоз завқини, булутларга тўш уриб учиш саодатини ҳеч қачон татиб кўролмади — илк парвоз чоғи ногоҳ шикаст еб осмони фалакдан чилпарчин қулагани ҳаргиз ёдидан ўчмайди. Ва лафз аҳли унинг қисмати ҳақида ҳикоя сўйлар эканлар, надомат билан: «Қанотингни ким синдирди, полапон?», деб сўрайдилар.

Ким айбдор бунга?

Ҳеч ким.

Чунки камбағаллик — айб эмас!

Камбағаллик — айб эмас.

Тўғри.

Камбағаллик айб бўлмаса, нега ҳеч кимсанинг камбағал бўлгиси келмайди? Нега ҳеч кимса бойлигидан воз кечиб камбағал бўлмайди? Нега ҳеч кимса камбағаллиги билан ифтихор қилмайди?..

Бу ёруғ дунёда озми-кўпми яшаб, то ҳануз бу саволларга ақлим етмайди.

Ақли етмаган ёлғиз менми?..

Ўшанда... орадан роппа-роса бир ой ўтиб, Сабрие хола яна Аълочи болани кўргани келди.

Онаси жигари огриб касалхонада ётарди — Аълочи бола ёлғиз эди, Сабрие холанинг жавдираб турган кўзларига дош беролмади: кампирни уйга ўтқазиб, ўзи шошиб ошхонага кирди, токчадаги лимонаддан бўшаган шишага тўлдириб сув солди, оғзини ялтироқ чойқоғоз билан маҳкамлаб, Сабрие холага тутди.

— Аллага шукюр!— деди кампир ва бирданига йиғлаб юборди.— Чўқ кере шукюрлар ўлсун! Энди ўлсем, янмазмен...

Индинига Аълочи бола касалхонага бориб онасидан хабар олгач, қайтаётиб почтага кирди: отасининг нафақаси бериладиган кун эди. Ойнаванд тўсиқ ортидаги кўзойнакли семиз хотиндан Сабрие холани сўраган эди, у уқ тортиб:

— Сабрие боланг ўлиб қолди-ку, болам...— деди.

Аълочи бола, вужуд-вужуди зириллаб бўшапганча:

— Қачон?— деб сўради.

— Кеча. Пешинда чиқарилди... Нима иш билан келган эдинг? Аълочи бола, нима иш билан келганини унутиб, бошини эгиб ташқари чиқди.

«Энди ўлсем, янмазмен...»

«Энди ўлсам, армоним йўқ...»

Табиийки, Аълочи бола у пайтлар бениҳоя ёш бўлган, бинобарин, жуда кўп нарсаларни англаб етмаган. Бугун, шу кеча-кундузларда у ўша кечмиш воқеа-ҳодисалар ҳақида нима деб ўйлар экан — баъзан, туриб-туриб шуни билгим келади.

Афсуски, энди бунинг асло имкони йўқ: бу асов, алғов-далғов ҳаёт оқимида мен ўша содда, кўзлари дардга тўлган Аълочи болани аллақачонлар йўқотиб қўйганман.

Қайтиб уни учратиш менга nasib этармикан?

Билмайман.

Агар билсам эди...

Менга ўша олис кунлардан мана шу хотираларгина қолган, холос.

1981—1991

ОЙ БОТГАН ПАЛЛАДА

Ҳижрий тўққиз юз еттинчи йил¹ кеч кузида тожу тахтидан маҳрум этилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо кўҳна ва азим Шошнинг устки тарафида, Чир воҳасининг тоғли кентларида яқин бир ой ўттиз чоғли йигити билан сарсон-саргардон кезиб юярди.

Манглайдан мангу қор аримас Чотқол бағрида яшнаб ётган Фаркат номли сўлим, мўъжазгина бу кент Бобур Мирзонинг кўнглига хилый маъқул тушиб, икки ҳафтадан буён шу ерда хиргоҳ² тикиб, турғун бўлиб қолган эди.

* * *

...Тун бўйи шаррос қуйган ёмғир куни билан тинмади. Осмони фалакни тўлдириб юборган қора булутлар қаҳр билан тўлганиб, савалаб сел қуярди.

Бобур елкасига чакмон ташлаб, тойгана-тойгана сой бўйига тушиб борди. Таҳорат олгач, чакиллаб сув томиб ётган хиргоҳга қайтди-да, бомдод намозидан сўнг беклар, ишончли йигитлар ва ичкиларни кенгашга чорлади, Хиргоҳга бирин-кетин энгилбошлари шалаббо Хожа Ҳусайн, Қаро барлос, Султон Ҳусайн аргун, Қўчбек, Нўён кўкалтош, Банда Али, Ғулда Қосимбек, Холдор ва энг сўнгида мўғул башара, суяги бузуқ Миршоҳ қавчин жам бўлдилар.

— Шайбонийхон Хўжанд сувини кечиб ўтиб, Шоҳруҳияни эгалладур, Пискент вилоятини қамал қилмишдир,— деди Бобур.— Биз бўлак бирор кентга кўчгали қарор бердик. Барча анжомларни тахт қилинг, ёмғир тўхтагач, дарҳол йўлга отланмоқ лозим.

¹ Мелодий 1501 йил.

² Хиргоҳ — чодир.

Бир зумда ҳамманинг юзига ташвиш пардаси соя солди, аммо бирор нима деб эътироз билдиргувчи кимса бўлмади. Фақат Қаро барлосгина хирқироқ товуш билан сўради:

— Қайси манзилга кўчмоқни қарор қилдингиз, амирзодам?

— Бундан икки йиғоч¹ нари Сомсарак отлиғ бир кент бор. Ўшал ерга қароргоҳ қурурмиз. Йўл тадоригини кўрингиз. Сиз, Гулда Қосимбек...

Йиғилганлар тегишли амр-фармонлар олиб, олдинма-кейин тарқалишди.

Хиргоҳда алланечук тараддуланиб, Нўён кўкалтош қолди. Бобур қошини чимириб, унга юзланди:

— Сўйланг.

— Бегим... Ҳали хотирдан фаромуш бўлибдур... Мулла Ҳайдарнинг ўғли Мўмин Аҳмад Қосимни, каминани ва яна баъзиларни оғизлагони чорлаб эди. Агар жаноблари ижозат берсалар...

— Мўмин ким?

— Бегим, ул Пискент вилоят беги Мулла Абдулманноннинг иниси. Биз билан Самарқандда бир тавр ошнолиги бор эди.

Бобур бир зум ўйланиб қолди.

— Биладан, хабарим бор, мулла Ҳайдарнинг Мўмин отлиғ бир паришон ўғли Самарқандда эканимда қошимга келиб эди... Дарвоқе, у билан орангизда сўз қочган, деб эшитар эдим?

Нўён кўкалтош мийиғида кулди:

— Жилла аҳамиятли эмас, бегим.

Бобур Мирзо нима қилишини билмай қолди. Ҳавонинг авзойи бундай бир пайтда кўчилса, Нўён кўкалтош барча ишни ўз қўлига олиб, жонига ора кирган бўларди. Аммо ижозат этмаса, балки ранжиб, кўнгли оғринар... Ахир, Мирзо ундан кўп яхшиликлар кўрган, ҳар нима тилагини ўринлатса ҳам оз. Сарипул чопқинида кўкалтош уни икки марта муқаррар ўлим зарбидан асраб қолган эди.

Бобур ўз табиатига хилофан негадир иккиланарди. Ҳар нечук, Шайбоний яқин, хатар бор. Эҳтимол... Лекин шундай жўмард йигитнинг шаҳдини қайтаришга нима учундир раъий бўлмади.

— Хўп, ёмғир тингач — ижозат. Бироқ шарт шулким, бу кун ўтиб, эрта тонгласи мен айтган манзилга етиб борурсиз. Биз тунда йўлга чиқамиз.

— Бош устига, бегим.

Нўён кўкалтош таъзим қилиб, ташқарига чиқди. Ёмғир ҳамон шовиллар, аммо шашти бир оз сусайган, қадам ташлаган сайин оёққа чилп-чилп лой ёпишар эди.

¹ Йиғоч — 8 километр.

Пешиндан кейин ҳаво чарақлаб очилиб кетди. Тўда-тўда уада булутлар орасидан қуёш хижолатомуз мўралади. Қароргоҳда яна одамлар ғимираб қолди.

Бобур яланг оёқ, яланг бош, селгий бошлаган нам ерни бир-бир босиб, майдондан ўтди. Қайрағоч тагидаги кигиз хиргоҳ ёнида севикли навқари Банда Алининг иниси — ўн тўққиз ёшлар чамасидаги, хушрўй, хушқад йигит Қўчбек икки қадам нарида қулогини чимириб ўт чимдиб юрган жийроннинг узилган абзалларини улаб ўтирар, паст, тиниқ бир овозда хиргойи қилар эди:

Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна...

Бобур таққа тўхтаб қолди. Ё оллоҳ, ахир бу бир пайтлар ўзи битган ғазалнинг матлаи-ку!

Кўнглини маҳзун бир хушнудлик чулғади.

Ҳа, бир вақтлар, умрининг маъсуд онларида, у ҳам назмга ихлос қўйиб, туркийда байт айтар эди. Девон тартиб этмак орзуси — дилига чўғ ташлаган ўт — ҳали-ҳануз юрагини ўртайди. Тақдири азал бу тахлит тожу тахт миннатиини бўйнига ортмаганида, шубҳа йўқим, ўзини буткул ашғор ва илм заҳматиға бахш этган бўларди.

Бу саргардон хилватда садоқатли навқари тилидан ўз байтини тинглаб экан, вужудига титроқ тушиб, алланечук ғалати тортиб кетди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Қўчбек унга тесқари ўтирганча аста чайқалиб, иштиёқ билан астойдил берилиб куйлар эди:

Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна...

Бобур аста изига қайтаркан, кўзларига беихтиёр ёш келди. Ёдида, Самарқандни иккинчи бор олганида Алишербек ҳали ҳаёт эди. Ҳатто, бир гал журъат қилиб, туркий байт айтиб битган китобатини Ҳиротга, ул ҳазратга юборган эди. Мусаннафоти¹ етти иқлимга машҳур ва манзур донишпаноҳ шоир аҳли фазл, аҳли ҳунарға чин мураббий, тенгсиз ҳомий эди. Муқаррар, ул зот унинг жасоратига лойиқ бир саъйи ҳаракат кўрсатган, марҳаматини дариф тутмаган бўларди. Ким билсин, эҳтимол, мавлоно унинг таъби вазмини, машқ йўсин абётини муборақбод этармиди? Ёхуд, ул фурсатларда аҳён-аҳён айтиб юрган байтларини «Адо — дуруст, вале аксар суст», дея баҳолаб, қаттиққўл

¹ Мусаннафоти — асарлари.

устоз дастхати билан мактуб йўллаган бўлармиди? Ҳар нечук, Бобур унинг бир оғиз муътабар каломига илҳақлик ила кўз тутган эди. Таассуф, минг таассуфки, бундай бахт унга nasib этмаган экан. Тақдирида бу ёзуқликлар бор экан, то жавоб келгунча мана шу балоларга мубтало бўлиб ўтирибди...

Мана энди, бугун ўз аҳволига йиғлай деса — кулгилик, кулай деса — йиғлагулик. Андижонга бўла Самарқандни қўлдан берган эди. Хайр, яратганининг иродаси шундайдир, балким? Аммо Андижондан, киндик қони тўкилмиш, ўн икки яшарлигида тахтини тутган Андижондан, тангри омонатини оладиган куни баҳузур узаниб, мангута кўз юмишни ният қилиб қўйгани Андижондан тирик айрилганига Мирзо сира-сира тоқат қила олмас, ҳасратта тўлган вужуди шу икки ўт орасида туну кун қоврилар эди. Кечалари гўё кипригига қадоқ-қадоқ тош осиб қўйилгандек, кўз юма олмас, қулоғи остида аллакимнинг масхараомуз маккор товуши ўрмалар эди:

Гофил аз инжо ронда ва аз инжо монда...¹

Бундай пайтларда Бобур ўрнидан туриб кетар, сутдай ойдинда шарқираб ётган сой бўйига тушиб борар ва субҳидамгача соҳил ёқалаб гоҳ асабий, гоҳ паришон кезиб юрар эди.

Букун ҳам, кейинги вақтларда муттасил яланг юришни одат қилиб, тоғу тошни мутлақо тафовут этмайдиган бўлиб кетган оёқлари ихтиёрсиз суратда яна хилват гўшага етаклади. Бир қизғиш тус харсанг устига чиқиб, бешик уриб келаётган қол-қора, лойқа тўлқинлардан нигоҳини узмай, сувга тикилиб қолди.

Наҳот, толе ҳақиқатан ҳам ундан буткул юз ўгирган бўлса? Наҳотки, бир пайтлар унинг болалик осмонида жуда эрта балқиган шамси саодат энди шу қадар эрта ботса? Бу беш кунлик ўтар дунё учун жамъу жам бебақолиги аён, аммо ҳали унинг дунёдан умидворлиги битган эмас. Беайб — парвардигор, лекин ундан қайси бир гуноҳи азим содир бўлдики, халлоқи олам уни бунчалар қаҳрига олмаса?!

Йўқ, бу бандани ношукурлик эмас, бу — жалойи ватан бўлиб, саргардон сарғайган кимсанинг яратганга мунглуғ истидъоси², холос. Балки бу унинг гоҳи ҳақ, гоҳи ноҳақ оқизган дарё-дарё қонлари, кўз ёшлари баробарида муяссар бўлиб турган эҳсонларидир?..

¹ Гофил бу ердан қувилган, у ердан айрилган.

² И с т и д ъ о — илтижо.

Валнаҳд тариқатида тожу тахт, салтанатни қўлга киритганига муқим етти йил бўлибди. Бироқ шу кечган фурсат ичида бирор кун йўқки, ўзи ҳарбу зарбдан, дасти қилич бандидан бўшаган бўлсин! Ўн бир ёшидан то ҳануз буқунгача икки рамазон ийдини¹ асло бир ерда қилолган эмас. Мана, неча-неча йилларким, умри соҳибқирон аждоди Темурбекнинг таназулга юз тутган ўлкаси Мовароуннаҳрда бир-бири билан қирпичоқ бўлиб ётган чигатой, темурий, ўзбек султонлари, беклари ва ҳокимларига қарши жангу жадал билан ўтиб бормоқда.

Баъзан енгиб, баъзан енгилиб, ғанимлар устига черик² тортиб, қочиб-қувиб ўткарган мутлаъқ ул-инон³ кунларида, алҳақ, кўп хатоликлар, кўп гуноҳларга йўл қўйди. Иродасига итоат этмаганларни сўзсиз қатли ом қилди, умрига муттасил қутқу солиб, ниҳоний найза санчгувчи оға-ини, биродарларининг ҳолини ҳам кўп бор забун этди, шафқат тилаб, кўзда ёш билан титраб-қақшаган душманларига раҳм нималигини... билмади. «Ўзларининг бекларига не вафо қилдиларким, бизга вафо қилгайлар?» қабилида ҳукм юритди...

Пойида сурон солиб гувилаётган сойга маҳзун термилганча тангри инояти билан рўъзи зафар қозониб шаъну шавкатга ботиб юрган кезлари кўз ўнгидан бир-бир ўтаркан, Бобур Мирзонинг аламзада юраги тутдай тўкилар эди.

Падари бузруквори Мирзо Умаршайх вафотидан сўнг эришган ғалабалари ҳали-ҳануз уни масрур этиб келади. Самарқандни олганида саноглик икки юз қирқ киши билан бу хатарли жасоратга қўл урган эди. Шу жасорат далдаси ва йигитларининг садоқатига таяниб, Сарипулда Шайбонийхонга қарши қўшин тортди. Шайбонийдек пуртажриба лашкарбоши шу урушда уни не-не улуг бекларидан, не-не содиқ навқиронларидан жудо қилмади? Иброҳим отлиғ ишонган уч мардона беклари — Иброҳим тархон, Иброҳим жоний, Иброҳим сору ўша жангда унинг учун жон бердилар...

Тирик қолган ўн-ўн икки йигити қанотига кириб, не машаққатлар билан Самарқанд қальасига чекингани ҳамон кўз олдида... Бунда тўрт ой мобайнида бошига тушган қисматнинг қаро кунлари, чеккан хорлик ва азиятлари... Наҳот, шулар хотирдан кўтарилса? Очликдан ит этини, эшак этини еган фақир ва мискинлар-чи? Наҳотки, уларни ҳаргиз унута олса?

¹ Ийд — ҳайит.

² Черик — қўшни.

³ Мутлаъқ ул-инон — ўз эрки қўлида.

Уни толе ёрлақамеди, ҳеч кимдан кўмак етмади. Ҳатто Султон Ҳусайн Мирзо... Шундай соҳибтажриба подшоҳ ҳам унга мадад қилмай, Шайбонийхонга элчи юборди...

Қамал сўнггида зарурият мажбур этдиким, мағрур бошини эгиб, сулҳи мураса қилишга мажбур бўлди. Кўнглидек сим-сиёҳ бир тунда Шайхзода дарвозасидан ўғринча чиқиб кетарканлар, суюкли эгачиси Хонзода бегим ғаним қўлига тушиб қолди...

Мирзо ҳануз ўша мудҳиш тунни эсларкан, аъзойи бадани музлаб кетар, яраланган арслондек ўзини қаерга уришни билмай қолар эди. Ҳозир ҳам аччиқ бир ўт кўксини тиги паррондек тилиб ўтди.

Самарқанддан қувилиб, бор дунёси қоронғи бўлиб юрганида Андижондан келган машъум хабар то сўнгги дам ёдидан ўчмаса керак. Ушанда иниси Жаҳонгир Мирзо тахт ҳоқими қилиб кўтарилган эди.

Ё раббий, нечун бу чархи гардуннинг ишлари бунчалар тескари! Бу қандай чарх кажрафторки, ини ўз оғасининг кўзига чўп солса, тоға туюққан жиянини сарсари ҳижрон этса, фарзанд ўз падарининг бошини уза! Буларнинг барчаси, эҳтимол, рўйи заминни зир титратган шавкатли Темурбекнинг хоки пойида гард бўлиб кетган эллар ва улусларнинг унга, унинг бадбахт сулоласига ёғдирган тавқи лаънат самаридир? Уларнинг бутун жаҳонни тутган нола-фиғонлари арзи самога ҳам етган бўлса... не тонг?

Қуёш уфқни қизартириб ботиб бормоқда. Ёмғирдан кейин қорайиб ётган адир этагидаги анғиздан аллаким от етаклаб ўтди. Заиф, беқарор шамол қароргоҳ тарафдан тутун исси ва намхуш тупроқ ҳидини олиб келди. Бобур сув ёқалаб қорғин кезишга тушди. Уни яна хаёл олиб қочди.

Бу оламда қайси бир бандага ишониб бўлади? Кимни кўнгилга маҳрами асрор этса бўлади? Қаён боқма — хиёнат, макр, найранг... Сўнгги пайтларда, не боиским, бу ҳазин, нолакор байтлар тез-тез хотирига келадиган, бир зум ҳофизасини тарк этмайдиган бўлиб қолди?

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ?
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиқ...

Не-не мардумлар билан садоқат умидида ҳамжиҳатлик орзу қилди. Аммо уларнинг макридан ҳар вақт ғофил қолди. Али Дўст ва Қамбар Алидек улуғ беклари, Муҳаммад Дўст сингари суянган тоғлари унга панд етказдилар, шу тариқа унинг инсон фарзандига бўлган эътиمودини синдирдилар.

Йўқ, қодири худо барчасидан бохабар экан, ёмонларнинг жазосини ўзи берди. Ота-бола Али Дўст ва Муҳаммад Дўст унга

неча бор фириб бериб, амакиси Султон Аҳмад Танбал томонига буткул ўтиб кетган эдилар. Бир-икки йилдан сўнг Али Дўстни қўлига яра чиқиб ўлди, деб эшитди. Қисик кўз, имони ҳам ҳаракатлари сингари суст Муҳаммад Дўстни яхши хотирлайди. Бу доғули Танбални ҳам найранг билан лақиллатиб, Шайбонийга ўтиб кетган эди. Асли ҳаромнамак экан, ундан ҳам қочиб, Андижон кентларида фитна-ғавғолар қилиб юрганида яна Шайбоний қўлига тушдию кўзларини ўйиб олдилар.

«Кўзларини туз тутти», деган гапнинг маъниси шу эркан-да», дея кўнглидан ўтказди Бобур ва оёғи остидан муштумдек бир чағир тош олиб, сувга ирғитди. Тош шалоп этиб чўкиб кетди. Бобур яна сўнгсиз хаёлларга берилди.

Наҳотки, ўзи ҳам шу тош сингари беному нишон йўқ бўлиб кетса? Юрағида қайнаб тошган интиқом, ҳали юздан бири рўёб кўрмаган ниятлари, наҳот, шу гадой топмас хилватда буткул битса? Ахир, оғир кунда қора тортиб келганида тошкандлик хон додаси ҳам, тоғалари ҳам: «Ҳолинг не?» деб бир қайрилиб боқмадилар-ку... Хон дода иноят йўсинда ўрателани ваъда қилган эдилар, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо бермади. Ким билсин, ўзи бермадими ё юқоридан бир ишорат бўлдики, ёлғиз оллоҳга аён...

Бобурга алам қилар эди. Бу қандай бедодликки, кунни кеча бутун Мовароуннаҳрга ўзлигини танитиб, наъра тортган амирзода бу кунга келиб, шу кимсасиз Фаркатда, тоғу тошлар орасида дарбадардек пусиб юрса!...

Тортаётган бу хор-зорликлари бадалида подшоҳ деган ном кўтариб юргунча боши оққан томонга кетгани афзал эмасми? Бу шармисорликда нимага кўз тутмоғи мумкин? Вилоят йўқ, вилоят умидворлиги йўқ, навкар пароканда...

Баъзан унинг хаёлини сарҳад сари от суриш фикри қамраб олар, шунда йўлга чорловчи товушларни эшитгандек бўлар, томирларида қон жўшиб, юраги гупуриб кетар эди.

Сарҳадга! Сарҳадга! Эҳтимол, ўзга юртларда толе унга яна илтифот айлар? Мусофир бўлмаган — мусулмон бўлмас. Балки бегона заминда бу кунлар тушдек унутилиб кетар? Аммо Андижон...

Кўнглига шу фикр келиши билан Бобур Мирзонинг қизиган асов қони сув сепгандек бирдан совиб, ширин хаёллари чилпарчин бўлар эди.

Гурбат қайси бир кимсанинг умрини шодмон этибди? Ёт элларда жисмидан жон чиққунча аччиқ армон юрагини тош каби эзмаслигига ким кафолат бера олади?

Йўқ, ватандан айру тушган қисмат, сўзсиз, кишини тирик-лайн қабрга элтгай. Ахир, тирик жонга ёлғиз мазор учун тўрт газ қаро ер эмас, балки ҳамдаму ҳамнишин элу юрт керак.

Ва лскин, тангри таоло агар ризқи рўзини ўша ёқларга сочган бўлса... Унда не илож?

Аммо мамлакатдорликда гарчи баъзи ишлар зоҳиран маъқул кўринса-да, ҳар бир ишнинг заминида юз минг мулоҳаза... Бир бемулоҳаза ҳукм туфайли не миқдор фитналарга дучор бўлди, энди кўзни очмоқ лозим...

Ўркач-ўркач сув узра Бобур Мирзонинг хаёллари ҳамон чайқалар эди. Ложувард осмоннинг Сувқоқ кенти устидаги бурчида само белига белбоғ тортди — турфа рангда ял-ял товланган камалак оқшомни нурга беллади. Этни жунжиктириб, захкаш шабада турди. Бобур Мирзо оёғидан зах ўтиб увишиб қолганини энди пайқади-да, аста қароргоҳига қараб йўл олди.

Тевада навкарлар шовқин-сурон билан хиргоҳларни бузиб, анжомларни йиғиштирмоққа киришдилар.

* * *

Шу кеча тун қоронғиси билан йўл босиб, кун анча ёйилиб қолганида кафтдек текис бир мавзёда ўрнашган Сомсарак деган икки юз уйлик кичкина кентга етиб келинди. Бобур теваракни кўздан кечириб, тақир ўриб олинган бедапоя этагидаги баланд адирга қароргоҳ тикишга фармон берди.

Кечга томон бир зумда чанг-тўзон, қуюн кўтарилиб, гўё чақирилмаган меҳмонларни хушламагандек, осмон яна бурканиб, қовоғини солди. Бир неча муддат секин-секин томчилаб турган ёмғирли ҳаво ярим соатлардан сўнг кучайиб шиддатли довулга айланди. Шамол кўз очирмай қўйди, аҳён-аҳёнда Чотқол тоғ устини бир лаҳза ёритиб чақмоқ чақнар, кейин еру кўкни ваҳимали гулдурак товуши тутиб кетар эди. Жами хиргоҳлар қулаб, сув босиб кетгач, раоёнинг¹ уйларида бошпана топишди...

Эғнидаги бўркигача ивиб кетган Бобур Мирзо туя кигиз тўшалган танобий хонада даричадан ташқарига хомуш тикилиб ўтирар, уйнинг ўртасида эса хуш бўй таратиб, қуруқ арча шохлари чирсиллаб ёнар эди.

«Куз оёқлаганда қалдироқлар!— дея ўйлар эди у.— Бу не аломат?»

Гулханнинг нариги тарафида уй хўжаси бўлмиш Абдулкарим исмли қоп-қора соқоли, бақувват йигит қўлидаги чўп билан ўтти титиб қўяркан, рўпарасидаги одамга ер остидан қизиқсиниш ва ошкора ҳадик билан боқарди. Йигитнинг ёнида ранги

¹ Раоё — маҳаллий аҳоли.

хазондек заъфарон кекса бир кампир кўзларини юмганча мушт-дай бўлиб жим ўтирар эди.

— Волидангизми?— дея сўради Бобур секин.

Абдулкарим бош чайқади:

— Йўқ, тақсир... Бу киши менинг бувимга ҳам волида бўладилар. Мучалим бақар¹, дер эдилар, бу йил бир юзу ўн олтига кирдилар, чоғи.

— Бир юз ўн олтига?! Оллоҳ умр берсин, кўп умр топқон табаррук аёл эканлар.

— Мундан икки ой муқаддам бунда Тошкандан чиққан мўғул черики тўхтаб эди,— деди Абдулкарим гулханга шох ташлаб.— Элни талаб, бемикдор ёмонликлар еткурдилар. Энам шу вайдан таъблари паришон, маъзур тутгайсиз, тақсир.

Бобур таассуф билан сўзлади:

— Бир бу эмас, ҳамиша бадбахт мўғулнинг одати шул. Босса ҳам ўлжа олур, бостирса ҳам талаб-тушириб ўз элидан ўлжа олур...

Шу вақтгача сўзсиз ўтирган кампир туйқусдан қонсиз лабларини қимтиб тилга кирди.

— Оҳ, бўтам-а, энди менга оллоҳдан умр тилаб кетасан... Азроилни сўрасанг-чи... «Омонатингни олиб кўя қол», деб уззукун яратганга илтижо қиламан. Йўқ, мени ёдидан чиқариб юборганми...

Бобур бўркини оловда қуритатуриб, таскин оҳангида:

— Ундоқ ношукур сўз айтманг, момо,— деди,— ҳарна бўлса тангри суйган банда экансиз, дам ўтганига шукур қилинг.

Кампирнинг чўпдек ингичка, буришиқ бармоқлари ориқ тиззаларига ёпиб қўйилган қора капанак² устида гўё алланарса ахтарган каби тимирскиланар эди.

— Шукур қиламан, бўтам, шукур қилмаганимда не илож? Бу дунёга келиб, икки ўлиб бир тирилмадим, холос, ундан бошқа неки кўргилик бўлса, ҳаммасини тортдим. Йигирма уч йилдан буён кўзларим ожиз... Худон таоло суйган қулига дард берар, деб ўзимни овутдим. Оллои карим тўққиз фарзанд берди, тагин ўзи олди, шукур қилдим. Фарзандларим барчаси қаро тупроқда ётибди, мен бўлсам... э воҳ!— Кампир ич-ичидан тошиб келган дардли хўрсиниқдан оғир энтикди.

Бир муддат тек қолдилар. Сўнгра Бобур орага чўккан нохуш сукунатни бир оз кўтариш ниятида товушига атай бардам тус бериб:

— Қўйинг, момо, кўп қайғурманг,— деди.— Жаннатмакон Амир Темур даври давридаги ишлар хотирингизда бордир? Ўшал вақтда кўрган-билганларингиздан сўйланг.

¹ Б а қ а р —сигир.

² К а п а н а к — жун чакмон.

Кампирнинг бир бурда заъфарон юзи буришиб, ажинлар гужгон ўйнади.

— О-о, бўтам-а, биз ул пайтлар ёш эдик... Элас-элас хотиримда: соҳибқирон Темурбек замонасида Малик Убайдулло отлик бир хушсурат оғам черикка кириб эди. Нақ қарчиғайдай йиғит эди. Не вақтгача бадгумон кетди. Олти йилдан сўнг Ҳиндистондами, аллақайда ўлибди, деган хабари келган эди. Уша йили пуштипаноҳ Хожа Абдурасулнинг кичик иниси ўғли билан Сувқоқда кўчи босиб...

Кимдир дарвозани жон-жаҳди билан тақ-туқ урди, шу зумда момақалдироқ гумбурлаб, атроф бир лаҳза ёришиб кетди. Абдулкарим сапчиб ўрнидан турди-да, дарвозага қараб югурди.

— Ким?

— Очинг!— деган кескин фармойиш янгради.

Устидаги энгил-боши ивиб, баданига чиппа ёпишиб қолган Аҳмад Қосим бежо аланглаб ичкари кирди.

— Не гап?

Аҳмад Қосим таъзим қилди:

— Гуноҳкор қулинигизни афв этинг, амирзодам... Фалокат, фалокат рўй берди... Нуён кўкалтош мастлиқта жардан йиқилиб...

Бобурнинг борлиғи бир қалқиб тушди.

— Нима-нима?! Қачон? Қачон?.. Нечун?! Ўлдими? Сиз... сиз қайда эдингиз, ахир?

Аҳмад Қосим гуноҳкорона бош эгди:

— Иқрорман, амирзодам, мендан улуг хатолик ўтди. Гафлат босиб тунда бир уйда ухлаб қолибман. Тонгласи шу хабарни ет-курдилар...

— Эҳ, бад амал¹ Мўмин! Эҳ, ит эмган ваҳшзод! Самарқанддаги эски кийнани² ҳануз сақлаб эркан-да!— Бобур аламдан лабини тишлаб, инграб юборди...— Уҳ, малъун!... Жасад... жасадни не қилдингиз?

— Амирзодам, биз суҳбат тутқон ердан ўттиз одим нари бир жарнинг остида кўкалтошнинг ўлигини топдик. Аъзойи бадан ва бошқа кўз тушар ерида ҳеч бир шикаст учрамади. Тафсилини билгувчи бирор кимса бўлмай... Пискентда туфроққа топшириб келдик... Буюринг, ҳар не жазога мустаҳиқман...³

Ёлғиз ўртанган юраккина идрок қила олувчи навҳа кўки⁴ вужудини зир титратган Бобур унга ғамгин назар ташлади. Бу

¹ Ёвуз ниятли.

² Кийна —гина, адоват.

³ Мустаҳиқ —лойиқ.

⁴ Навҳа кўки —мотам куйи.

оламда ягона садоқатли дўсти, ҳамдами муниси ёлғиз бир шу кўкалтош эди. Тақдир уни ҳам кўп кўрибди-да!.. Ҳ, қисмат! Наҳотки, сенинг Бобур Мирзони мангу синамоқдан бўлак эрманинг бўлмаса!

У гўё ўзига ўзи сўзлагандек, алланечук ғалати товушда:

— Энди дардманлиг беҳуда!— деди секин.— Аввало, манглайи шўр экан... Макр қурбони бўлди, гофил қолдик... Гофил...

Кейин юз-кўзини аёвсиз савалаётган ёмғирга ҳам парво қилмай, балчиқ кечганча шахд билан юриб кетди. Аҳмад Қосим эсхушидан айрилгандек, бир оз ҳайрон бўлиб турди-да, сўнг соя каби изма-из эргашди. Бобур бўтана сув тошиб ётган ариқдан ўтиб, жар эгагига қараб юрди. Шамолдан пана бир жойга мук тушиб, муздек ҳўл тошга юзини босган кўйи узоқ жим қотди. Аҳмад Қосим сал нарида нафасини ютиб, хилий вақт шарпасиз турди, ниҳоят, хавотирланиб, ёнига келди:

— Бегим...— деди бўғиқ овозда.

Бобур Мирзо индамади... Навкарлари орасида фақат Нўён кўкалтошгина уни шундай деб аташини эслади.

Ялт этиб чақнаган чақмоқ ёруғида Аҳмад Қосим унинг титраётган елкаларини кўрди-ю, ботиндан бўзлаб йиғлаётганини англади.

— Кун бемаҳал бўлиб кетди, амирзодам...

Бобур бошини кўтарди. Ҳоргин юзини ёмғир томчиларими, кўз ёшими... алланарса ювиб тушар эди. Ўксик товуш билан эшитилар-эшитилмас шивирлади:

— Кам кишининг вафотидан мунча мутаассир бўлиб эдим...

Унинг заиф овозини теварак-атрофни ларзага келтириб янраган гулдурак қаҳқаҳаси босиб кетди.

* * *

Бобур неча вақтлардан буён қоғоз-давотни йиғиштириб қўйган, гашлик қошлаб ётган кўнглига нафақат назми абёт, балки қил ҳам сиғмас эди.

Лекин ҳозир ич-ичидан тўлқинланиб келаётган шиддатли титроқни енгилга Бобур Мирзо қодир эмасди. Бармоқлар беихтиёр қаламга югурди, қулоғи остида олис, жуда олислардан танбурнинг сўнган навоси янглиғ тиниқ, ҳазин бир нола янграб кетгандек бўлди-да, Мирзони бу ғира-шира дунёдан буткул суғуриб, йироқ-йироқларга, шамси тальятнинг мунаввар нурлари билан чулганган илоҳий, соҳир бир оламга олиб кетди. Оппоқ қоғоз бетида тўфонларида унинг жони пажмонини омонсиз қалқитган ғам-андуҳ денгизининг асов мавжлари тўлқин уриб, намоён бўла бошлади:

Бир кеча хотирим мушавваш эди,
Кўзда сув, кўнглум ичра оташ эди...

Чиропоядаги сўник шам ўқтин-ўқтин лип-лип соя ташлаб қолар, бедапояда чигирткалар тинимсиз чириллар, кишанлаб қўйилган отлар гоҳ-гоҳ бошини кўтариб пишқириб қўяр, аммо хиргоҳда, ожиз шуъла ёруғида бағрини қоғозга бериб ўтирган ўн тўққиз яшар, бодомқовоқ навқирон йигит буларнинг бирортасини на эшитар, на сезар, жисми жаҳони хиёл титраб равон йўргалаётган мўъжазгина қаламда эди.

Ашъор мисралари билан бирга шоирнинг юрагида қайнаб-тошган ачиқ-аччик кўз ёшлари ҳам сатрларга қуйиларди. Ёниб тугаёзган шамнинг хира нурида буюк инсоннинг буюк ғуссасидан воқиф бўлган оқ қоғознинг туси гўё янада оқариб-бўзариб кетгандек...

Бобур кўксини тўлдириб бсомон қийнаган ҳасратларини тўкиб солмоқчидек, бор дунёни унутиб ёзар, ёзган сайин қалбида саррин бир енгиллик сезар эди.

Гоҳ бир қулни подшоҳ қилур,
Шоҳни банда гоҳ-гоҳ қилур.
Гоҳ жоҳилни сарбаланд айлар,
Гоҳ оқилни пойбанд айлар.
Жону кўнглида жуз жаҳолат йўқ,
Ҳеч ишида анинг адолат йўқ.
Не вафо қилганини билса бўлур,
Не жафосига сабр қилса бўлур...

...Хиргоҳнинг яқингинасида от бетоқат кишнаб, депсинди. Аллаким отдан сакраб тушди-да, шитоб билан хиргоҳга қараб юрди. Қизил сахтиён этиги, кўк мовут чакмони ва қош-кўзини тўрт энлик чанг бостан алпкелбат, қиснқ кўз Ғулда Қосимбек эгилиб таъзим қилди:

— Тошкандин хабар, амирзодам!

Бобур Мирзо ҳамон ўша тахлит қоғозга қадалиб ўтирар эди — англамади. Ғулда Қосимбек иккинчи бор такрорлаганида, хуши ўзига келиб, шошиб унга тикилди:

— Не гап?

— Амирзодам, Султон Аҳмад Танбал Ўратепа устига келмиш. Бул кеча хон Тошкандин черик отланди...

Бобурнинг кўзлари чақнаб кетди. Демак, ҳали буткул имконият битмаган экан-да! Демак, ҳали ноумид васвасага берилмаслик лозим экан-да! Ким билсин, эҳтимол, худди шу сафар унга уйқудаги бахтини уйғотиш nasib бўлар? Нечун толеини яна бир бор синаб кўрмасин?

Туйқусдан томирларига қон каби қуйилиб келаётган аллақандай гайритабiiй куч-қудратни ҳис қилди-да, юраги энтикиб кетди. У илдам кийинди, белига Самарқандда ясаттирган ясси қиличини тақаркан:

— Қани, юринг, Ғулда Қосимбек, — деди фавқулодда ўктам товуш билан. — Бор қўшинни жамланг, майли, хон кўрсинлар. Агар... агар черик берсалар!... Буронғор ва жувонғорни¹... ясол ясаймиз!

Олдинма-кейин хиргоҳдан чиқдилар. Атроф сув қуйгандек жимжит. Бор тирик жонни маст сахар уйқуси таслим этган, юлдузлар ҳам мудроқ босгандек хира милтиллар, чигирткалар чарчаб, ниҳоят, тинган — ой ботган эди...

1977

¹ Буронғор ва жувонғор — қўшиннинг ўнг ва чап қанотлари.

НУҚТА

Икки ҳафтадирки, Ограда беморнинг ҳасратидек узун, тинимсиз ёмғир қуярди. Икки ҳафтадирки, файзу шукуҳини йўқотган Боғи Нурафшонга дарчадан маҳзун боқиб ётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу кун ёстиқдан бош кўтарган, тонг саҳардан Хилватхонада ёлғиз ўтирганча Кобулга — Ҳумоюнга мактуб битмоқда.

Ўтган душанба оқшомида Ҳумоюннинг элчилари — Баёншайх Вайс лоғарий билан Беккина деган навкар йигит хушхабар олиб келди. Бобур Мирзо бу ўктам, соҳибтадбир йигитларни илгаритдан — Самарқандда экан чоғидан билар, уларнинг омилкорлигию улуғюраклигига ишонгани важҳидан Ҳумоюн қошида хизматга қолдирган эди.

Элчилар келтирган хабар, қақроқ қирғоққа урилган денгиз тўлқинидек, орзиққан кўнглига қувонч берди, бироқ улар билан бафуржа сўйлашмоққа ҳам қурбн етмади: мана, икки ҳафтадирки, вужуди иситма алангасида ёнади. Айниқса, совуқ тушгандан буён дард янада кучайди. Чап қулоғида пайдо бўлган, на ҳинди, на араб ҳақимлари даво топа олган чидаб бўлмас бир оғриқ ҳам кун сайин зўрайиб, мислсиз азоб бера бошлади. Куни кеча сартарош бўйнига лунги тақиб, соч-соқолини тарошлаётганида, тилло гардишли кўзгуга термилганча соқолидаги оқ толаларга нигоҳи тушдию ич-ичидан хўрсиниқ келиб, кўзларини бемажол юмди. Шу ондаёқ Алишербекнинг ҳикмат тўла, дард тўла байти иқроп тиғи билан юрагини тилиб ўтди:

Соқол оқи ўлимга пешровдир,
Тириклик сабзаси узра қировдир.

Тириклик сабзаси!.. Ҳа, унинг ҳам умр кўклами фасли хазонга юз тутиб, саргайган япроқ янглиғ тўкилиб бораётир. Падари бузургвори Умаршайх Мирзо ўттиз тўққиз ёшида қазо топган эди. У эса, қиблагоҳи ёшини аллақачон яшаб бўлди, тангри умр

берса, шу қиш қирқ беш ёшни тўлдирур. Бироқ тақдири азалда шоҳларга умр вафо қилган эмас ғаним ханжаридан минг бир тадбир ила жон сақлаганларида ҳам, ажал шамширининг ногаҳоний зарбидан қутулмоқлари маҳол.

Бобур Мирзо муттасил жангу жадал ичра қўрқинчли тушдек кечган умри поёнига қараб бораётганини дил-дилидан англади. Улим ваҳми энди юрагига қутқу солмасди, надомат туйғуси кўнглини ўртамасди, зеро, гоҳо қирқ беш лаҳзадек, гоҳ эса қирқ беш асрдек туюлган қирқ беш йиллик ҳаётида у аччиқ қисмат майини беармон сипқарди, дунё кезиб дунё орттирди, кўп яхши-ёмонни бошидан ўтқарди, тириклик лаззати қанчалар тотли бўлмасин, оламдаги ҳар бир нарса каби унинг-да мангу эмаслигига иқрор бўлди: фақат, қилган ишларидан қилиб улгурмаган, аммо ниҳояга етказиши шарт бўлган юмушлари ҳали кўп эканини билар, шу боис, қайтмас бўлиб кетаётган ҳар бир дақиқа, ҳар бир сонияни унсиз фарёд билан кузатар эди.

У кумуш суви юритилган жуъз қатидан Ҳумоюннинг мактубини олиб, қайта кўздан кечира бошлади. Бир зумдан сўнг таассуф ила бош чайқади: Ҳумоюн не чоғ шавкатли подшоҳ бўлмасин, ҳарбу зарб ишида нечоғли порлоқ зафарлар қозонган баҳодир бўлмасин, ҳатто, мана, зурёд кўрган бахтиёр ота бўлмасин, ҳали нақадар сабий! Ингирма ёшда ҳам ҳануз сабий эканига ушбу номаси яққол далолат: бошдан-оёқ такаллуф билан йўғрибди, дабдабадан холи бирор жумлани чироқ ёқиб ҳам топмоқ мушкул: «Қуллуқ арзадошт улким... ва султонни салотин қиблагоҳимизнинг мурувват ва ҳамият қуёши... шамси талъат Ҳут буржида эдиким, абри найсон паришон бўлиб эди...»

Бобур Мирзо мактубга хомуш тикилиб қолди. Ҳумоюнни бир қарич чоғидан мудом ёнида олиб юрди, ўзи билган ва билмаган жамики илму ҳунарга, файзу фазилатга ўргатди, тангри инояти бирла, иншооллоҳ, комил бўлди, деб хаёл қилди, бироқ, минг афсуски, барибир нимадир хотиридан фаромуш бўлибди. Ахир, мамлакатдорлик миннатини бўйнига олган кишининг хат битирда чучмал ва муғлақ алфоз билан иш тутмоғи улуғ айбдир. Аммо айб ёлғиз Ҳумоюндами? Расмий девоннинг барча номаларию фармойишлари, бепоён салтанатнинг тўрт тарафидан ҳар куни келиб тургувчи турфа мактублар, шиква-шикоятлар, аризаларнинг жами ана шу янглиғ зебу жило ила тўлиб-тошган. Уларни то кўздан кечириб чиққунига қадар юраклари хун бўлиб кетади, бироқ ҳар бирига муносиб жавоб қилмоқ учун бошдан-оёқ ўқиб битирмоқ керак, ўқиб битирмоқ учун сабр-тоқат керак, шу сабаб яратгандан сабру тоқат тилашдан ўзга чора йўқ. Совун кўпигидек омонат, пуч сўзлар билан оқ қоғозни қора қилмоқ орифлар учун фазилат эмас. Таассуфким, буни жуда оз кимса

англайди, анлаган мардумнинг ҳам аксари бу андиша кўчасидан нари юрмоқни афзал билади.

Аста хўрсиниб, қалам-давогга қўл чўзаркан, хаёлидан ғариб бир фикр кечди: жавобни шундоқ мулоҳаза бирлан битмоқ керакким, токи ҳам Ҳумоюннинг кўнгли озор топмасин, ҳам, агар англаб етса, бу хат унга бир умрлик сабоқ бўлсин!...

«Ҳумоюнга муштоқликлар била соғиниб салом дегач, сўз улким, душанба куни рабби ул-аввал ойининг ўнида Беккина билан Баёншайх келдилар,— дея бошлади у мактубини.— Хатлардин ва арзадошлардин ул юздаги, бу юздаги кайфият ва ҳолот мушаххас ва маълум бўлди...»

Бирданига ўзининг набиралик бўлгани, энди бундан буён бобо эканини эслаб, иситма чангалидаги бемадор вужудига ором югурди: Ҳумоюн Ёдгор тағойининг қизидан ўғил кўрибди... Кўнглида ажиб бир қаноат ва қудрат туйди. Шу шодумонлик таъсирида мисралар бири иккинчисини иноқ етаклаб келди:

«Шукр, бермиш санга ҳақ фарзанде,
Санга фарзанду манга дилбанде...»

Бейхтиёр ўзининг ана шундай саодатли онлари, Ҳумоюн туғилганда қалбини тўлдирган ифтихор туйғулари ёдига тушди. Ўғли Кобул аркида таваллуд топган эди. Вилоят йўқ, вилоят умидворлиги йўқ, навкар пароканда, саргардон саргайиб, Самарқанд қамалида очликдан ит этини, эшак этини еган мискинлар билан даҳшатли уқубатлар чекиб, Тошканд ва Андижонда мислсиз машаққат ва хорликлар тортиб, ниҳоят, Кобулда бир муддат кўним ва осойиш топган кунлари эди, шикаста кўнглини қувончга тўлдириб Ҳумоюн дунёга келди. Шу вақтгача Темурбекнинг салтанат соҳиби бўлган барча авлодини «Мирзо», дер эдилар, ўша йили у ўзини бундан буён «Подшоҳ», деб аташларини амр этди. Мавлоно Сайидий шоир валодат тарихини «Султон Ҳумоюнхон» топиб эди, бу ном ўзига ҳам, ичкиларга ҳам маъқул тушиб, уч-тўрт кундан сўнг гўдак Муҳаммад Ҳумоюн исми билан элга маълум бўлди.

Оталикнинг фарзи айни — фарзандга муносиб исм қўймоқ, дейдилар. У ҳамиша бақадри имкон бунга интилди; иккинчи ўғли туғилганда унга умрлик бахт тилаб, Комрон номини берди; учинчи ўғил дунёга келганида унга аскарлик шижоатини тилади — Мирзо Аскарый деб бағрига босди; Ҳиндни олганида ҳақ таоло тўртинчи ўғилни ато этди — шавкатли кунларимдан ёдгор деб Ҳиндол исм қўйди; тангри бир онадан уч қизни унга каромат қилди — гул барги монанд нозик зеболарга чаман гулларининг шуш исмларини раво кўрди — Гулрангбегим, Гулчехрабегим,

Гулбаданбегим, деб суйди. Мана, энди яратган унга набира қувончини бахш этибди...

«Тенгри таоло мундоқ севинчларни манга ва санга ҳамиша рўзи қилгай, омин ё раббал оламин, — дея давом этди у. — Отини Альямон кўймишсен. Тенгри муборак қилгай. Вале бовужудким, ўзунг битибсен, мундин гофил бўлубсенким, касрати истиъмол била авом Аламо дерлар, ё Эл Амон дерлар, ўзга мундоқ алифлом отта кам бўлур...»

У барқут болишга ҳорғин суянган кўйи аста ўйга толди. Бу гўдакнинг манглайига котиби қудрат неларни ёзди экан? Салтанат дағдағасиними, саркардалик шавкатиними, алломалик рутбасиними, шоирлик қисматиними? Тангри танглайини қандоқ фазлу карамлар билан кўтарди экан? Истиқболи ёруғмикан, қоронғи? Зеро, шоҳлар инон-ихтиёри ўзида дегувчилар адашур. Бу оламда шоҳу шаҳзодалар мудом ўзгаларга — ўзларидан қудратлироқ ҳукмдорга, уларнинг қош-қовоғига қарам. Шу важҳданким, тахт теграсида боболару оталар, оталару болалар аксар қирпичоқ. Ахир, Султон Мирзо Улуғбекдек фозили замоннинг норасо фарзанди Абдуллатиф шу беш кунлик ўтар дунё учун шундоқ қари ва донишманд отасини қатл этди; Султон Ҳусайн Мирзодек соҳибтажриба, иш кўрган улуғ подшоҳ кексайган чоғида норасида набираси Мўмин Мирзонинг бегуноҳ қонига кўлини ботирди! Ахир, падаркуш Абдуллатиф дунёга келганида, Мирзо Улуғбек ҳам худди унинг янглиг, оламдаги ўғил кўрган барча орзуманд оталар янглиг боши кўкка етган бўлса, не ажаб! Эвоҳ, ким билсин, кўкка етган шу азиз ва мўътабар бошини бешиқда беозор тамшаниб ётган шу гўдак бир кун келиб сапчадай уздириб ташлашини билганида... Ёинким, Султон Ҳусайн Мирзо, Мўмин Мирзонинг таваллудидан хабар топганида озмунча севинган, чоғир базми учун яна бир баҳона топилганига озмунча қувонганмикан? Оқибат эса... Ё раб, ана шундоқ кўргиликлардан ўзинг асра!

«Тенгри отини ва зотини фархунда ва муборак қилгай, манга ва санга кўп йиллар ва бисёр қарнлар Альямонни давлат ва саодат била тута бергай...»

Ҳумоюн давлат ишларига дахлдор бир неча мулоҳазаларни баён қилиб, кенгаш тилаган эди. Мактубнинг айни ўринларига бўлакча зеҳн солиб англадики, валиаҳди кўпдан буён унинг дилидаги ўтли армон — Самарқанду Андижон орзусини амалга оширмоқ тараддудиди. Бироқ Ҳумоюн бу муқаддас армон унинг дилида ёнган фарёд эканини билармикан? Ҳумоюн учун бу бир жанговарлик ҳаваси, ҳукмдорлик шаъни йўлидаги жозиб бир орзугина эмасмикан? Ахир, ўзи неча бор чоғланди, йиллаб қулай фурсат кутди, фурсат етганда эса... журъат кутди, аммо журъат

етмади — киндик қони томган юртларни, энди эслаган чоғ юраклари тутдек тўкилиб кетадиган жаннатмонанд вилоятларни қон билан суғорадими? Ота-боболари мазорини фил туёғи остида топтайдими? Бундан не топади — шон-шавкату фароғатми? Мурод топдим дея алданиб, халқлар ёдида сазовори лаънат бўлиб эсланмайдими? Йўқ, бундоғ қалгис таваккал унинг илгидан келмас. Бироқ айни навқирон чоғида кўкси жанги жадал нашъаси, зафар иштиёқи билан тўлиб-тошган баҳодир валиаҳдиннинг шижоатини қайтармоқ ҳам ақлдан бўлмас. Ким билсин, балки отага муяссар бўлмаган саодат фарзандга насиб этар?

«Яна Комронға, Кобулдаги бекларга фармон бўлдиким, — дея бир муддат ўйланиб, давом этди у, — бориб, санга қўшилиб, Ҳисор ё Самарқанд ё ҳар соригаким, салоҳи давлат бўлса, юругайсиз. Тенгрининг инояти била ёғийларни босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод, душманларни нигунсор қилгайсиз, иншооллоҳу тасло. Сизларнинг жон тортиб, қилич чопмоқ маҳалларингиздур... Агар тенгри инояти била Балх ва Ҳисор вилояти муяссар ва мусаххар бўлса, Ҳисорда сенинг кишинг бўлсун, Балхда Комроннинг кишиси бўлсун. Агар тенгри инояти била Самарқанд ҳам мусаххар бўлса, — унинг вужуди баногоҳ зирқираб кетди, — Самарқандта сен ўлтурғил...»

Оҳ, қани энди, ўша саодатли кунларга етиб бўлармикан? Асли, унда толе йўқ экан, толе йўқлиги жонига бало бўлди...

Ватандан айри тушганига яраша, ишқилиб, фарзандлари меҳр-мурувватли, андишали, саховатпеша бўлсинлар. Шукур, шу кунгача ўрталаридан оқибат кўтарилмади, аммо ундан сўнг бу оғалиқ-инилик шу йўсин давом этармикан? Ёхуд Султон Ҳусайн Мирзонинг уч нафаридан бўлак жами валаддузино ўн тўрт ўғли сингари, фарзандлари бирининг кўзига бири чўп суқармикан? Ҳарне, орада мулкгирлик таъмаси бор, балои нафс талвасасию шайтони алайҳилаъна васвасаси бор!... Ахир, ўзи бу борада озмунча ситам тортидими? Ота бир Жаҳонгир Мирзо отлиғ иниси бор эди, боиси мулкгирлик, у билан не кудурату ни-фоқларга бормади! Мудом кўзига чўп солмоққа интилди. Шайбонийхон чангалидан базўр қутулиб, дили вайрон, ота юрти Андижонга паноҳ тортиб борганида, иниси шаҳар дарвозаларини унинг юзига тақа-тақ ёпди. Йўқ, донолар бу ажиб форсий масални беҳуда айтмаганлар: «Даҳ дарвеш дар гиламе бихусбанд, ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд!»¹ Ҳумоюнга шуни уқтирмоқ керакким, инилари билан ҳамиша баҳамжиҳат маош қилгай, чунки улуглардан доимо кўтаримлик, кенгфёъллик лозим.

¹ Ун дарвеш бир гиламга сигади, аммо икки подшоҳ бир иқлимга сигмайди.

«Яна сендин озроқ гинам бор, — дея хат бошидан ёзди у, — бу икки-уч йилдин бери бир кишинг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йилдин сўнгра келди. Мундоқ бўлурми?»

Шу пайт чап қулоғида кучли бир оғриқ қўзғалиб, боши қаттиқ зирқиради, икки чаккасига буров солингандек, аъзойи бада-ни жунбушга келди. Қалам тутган қўли титраганча яна болишга беҳол ёнбошлади.

Табиблар даво топа омай ҳайрон юрган, қулоғидаги бу дард боиси не экани ўзига яхши аён. Мундан йигирма йил муқаддам, Кўтали Зарринда мисли кўрилмаган қор бўронига дучор бўлди. Султон пешойи отлиғ кекса йўлбошловчи совуқдан гангибми ё азбаройи қариликми, йўлни йўқотди. Кечга бориб қор беҳад забтига олди. Қосимбекнинг зўри билан яқинроқ деб шу йўлдан юрилган эди, ориятманд одам, номуста тушиб, икки ўғлини ёнига олиб, қор тегиб йўл очганча олға бошлади. Лайлақор лаҳза сайин тобора кучаяр, довон узра ув тортган изгирин эса юзкўзга, қўл-оёқларга юзларча, мингларча чаёнларни келтириб ураётгандек бўлар эди. Ҳаволи Кутий деган бир жойга етганда ортиқ тоқат қилиб бўлмади қолди, шунда тунамоққа қарор берилди. Ким от устида, ким қор-тошдан баҳоли қудрат паноҳ ясаб бошини тортган, ким изтироблар билан кўзда ёши шашқатор... У қўлига курак олиб, ғор яқинига мук тушди, икки қулоч чамаси ернинг қорини курай йўл бошлади. Тиззагача, белигача, кўксигача куради — ҳануз ер кўринмас эди. Қор уюмидан ҳосил бўлган чуқурга тушиб, бошини ичкари тортиб ўтирди. Олам-жаҳонни буткул яксон қилмоқ қасдида қутуриб эсаётган изгириндан хийла пана бўлди, ўлим ваҳми нари чекингандек туюлди. Тишини тишига зўр бериб босган кўйи, дилда алам саратони, жисму жонида қиш қаҳратони, кўнглидек қоп-қоронғи осмонга тикилганча қимир этмай ўтираверди. Аллазамон ўтиб, беклардан икки-уч киши келди, ғорга боринг, ҳарна, жон сақласа бўлур, дедилар. У кескин бош чайқади. Ахир, қайси юз билан борсин? Барча навкарлар бунда — бўрон чангалида титраб-қақшаб ўтирса-ю, у иссиқ ғорда, фароғат оғушида мудраса!... Йўқ, бу мурувват лафзига хилоф, ҳамжиҳатлик расмига ёт иш бўлади, у ҳам не машаққат бўлса, барча қатори бардош берур, агар вақти қазоси етган бўлса, кўпчилик билан жон таслим қилур! Шу кўйи чоғга тушгандек жойидан қимирламай ўтираверди. Қор кучайгандан-кучайди, намози хуфтон бўлганда, елкасини, бошию қулоқлари устини тўрт энлик қор босган эди. Қулоғига не бало теккан бўлса, ўшанда теккан. Яна бир дафъа, худди шу сингари аёзли кун эди, дарё лабига етганда черик бир сесканди; у отдан илдам тушиб соҳилга борди, музни тешиб, ўн олти бор шўнғиди...

Ҳа, чархнинг у кўрмаган жабру жафоси қолдимми?!

У чап қулогига кафтини босганча, бир муддат кутди. Оғриқ хийёл пасайгандек туюлгач, яна Ҳумоюннинг мактуби узра эгилди. Бу не синоатким, хатда ёлғизлик, ёлғизлик азоби хусусида бир неча ҳасратомуз сўзлар битилган эди. Бобур ҳайрон қолди: йигирма яшар навқирон жувонмарднинг дилида бунчалар нола-надомат? Таажжуб билан бош чайқади. Хаҳ, болам, деди хаёлан, сенинг ёшингда мен ҳам ҳали ёлғизлик балоси нелигини билмасдим, аммо унинг изтиробни ила чулғанмоқни хуш кўрар эдим!...

У шифтга тикилиб, фикрини жамлаб олди-да, шитоб билан ёза кетди:

«Яна хатларингда ёлғузлик, ёлғузликким, дебссн, подшоҳликта айбдур, нечукким дебтурлар:

Агар пой банди ризо пеш гир

Ва гар яксувори сари хеш гир¹.

Ҳеч қайде подшоҳлик қайдича йўқтур. Подшоҳлик била ёлғузлик рост келмас...»

Чиндан ҳам, жаҳонгирлик ҳавоси билан ёлғизлик ҳаваси рост келганини шу пайтгача ким кўрибди? Ёлғизлик истаган киши зинҳор-базинҳор тожу тахт миннатини бўйнига олмасин. Ё бўйнига кашкул осиб қаландарлик йўлини тутсин, ёхуд зоҳидлик тариқатини ихтиёр этсин. Аслида, ёлғизлик не эканини сен қайдан билурсан, болам? Сен дунёга келиб не ранжу аламлар тортдингки, дилингни бундоғ ситамлар ўртайди? Ун икки ёшда суюкли падарингдан етим қолдингми? Отангнинг тупроғи совимасдан, ҳали кўзингнинг ёши қуримасдан сагир бошингга тож кийдирдиларми? Беғубор болалик дамларинг, покнза ўсмир чоғларинг қону қатрон ичида, дуду чопқин ичида барги хазондек чирпирак бўлиб кетдими? Ғаддор рақиб ўз қиличинг билан бошингни чопдими? Туғишган жигарларинг бетингга туфлаб, ғанимга қўшилиб юртингдан мосуво этдими? Мангу жудо бўлган она юртинг дарди юрагингни эздими? Ўзга вилоятлар, ўзга эллар нафрати бирла тавқи лаънатга сазовор, саргардон тентирадингми? Қирчиллама ёшингда малика Байда сенга заҳар тутдими? Умрингнинг гул очган кўклам фасли ғафлат билан чоғир денгизи ичра ғарқ бўлиб кетдими? Нега бунча нола чекасан, ўғлим Муҳаммад Ҳумоюн подшоҳ? Бу чексиз изтироблар боиси не?

Ва шу ондаёқ бу ҳадсиз-ҳисобсиз саволларга жавоб топгандек бўлди: изтироблар боиси—тирикликда, инсонликда. Фақат ти-

¹ Агар оёгинг банд бўлса, ризони олдингга қўй, агар танҳо сувори бўлсанг, ўз бошингча бор, яъни жаҳонга боғланган бўлсанг, бошингга келган ҳар нарсага рози бўл, агар ҳеч нарсага боғланмаган киши бўлсанг, йўлингдан қолма, кета бер.

рик одамгина изтироб чекмоққа, изтироблар ичра тобора тоза-риб, юксалиб, ҳаётнинг жамики машаққатларини енгиб бор-моққа қодир. Дунёдаги ҳатто энг улуғ ўлик ҳам изтироб чекмоқдан маҳрум, зеро, инсоний изтироб — тириклик нишонаси, барҳаёт диёнат овозидир. Демак, меҳнату тарбиятлари зое кетмабди — Ҳумоюн тегра сизга боқар экан, юраги дардга тўлади, дард уни безовта хаёл билан қадамини тафтиш этади. Демак, унинг кўксига виждони уйғоқ, адлу инсофи тирик. Балли, ўғлим, деб шивирлади у, баракалла, баҳодирим!.. Аммо шу заҳоти кўнглини музлатиб хавотир туйғуси бостириб келди: бу юмшоқфеъллик билан Ҳумоюннинг мамлакатдорлик қилмоғи қийин, бениҳоят қийин!

Дили музтар бўлиб, ўғлининг мактубидан бир таскин-тасалли қидирди. Ҳумоюн хушхат эди, лекин мактубнинг баъзи ўринларини қийналиб, тусмоллаб маъносини чақди.

«Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқиёлмас эдинг, — дея ташвиш билан ёза бошлади у.— Ўқиёлмагандин сўнг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўладур, вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хили рост эмас, илтифотни б била битибсен. Қулунжни «ё» била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқиса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайду. Ҳолибо хат битирда қоҳиллигинг ҳам ушбу жиҳаттандур. Такалдуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундан нари бетакалдуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқугучига...»

Мактуб шу ерга етганда у тўхтаб қолди, чунки айб фақат Ҳумоюнда эмаслигини яхши билар эди. Кўп бўлди, у муқим бир қарорга келган: араби имло туркигўй эл учун бағоят номувофиқ. Араб ўз алифбосини ўз лисони тийнатига монанд жорий этгандир. Бу дунёда араби имлодек машаққатли имло ҳеч қайда кўрилган эмас. Улуғ бир айби будурки, ҳар бир ҳарф, гўё мунофиқ кимса каби, тўрт ўринда тўрт хил шакл иста товланиб келади, бир ерда зикр этган маъноси ўзга ерда рост келмай, кишини иштибоҳга солади. Ахир, туркигўй элнинг ҳам ўз сўзлар йўсини, талаффузда ўз тариқи, зарофат бобида ўз йўриғи бор. Таассуфки, уларнинг бари араби имлода тўқис мужассам топмоғи маҳол. Хусусан, зеро забар деган чалкаш унсурулари борким, кишининг зеҳнига кишандир, ҳатто уни бир нав эгалламоқ учун ҳам чорак умр сарф бўлгусидир. Ёдида, ўзи ҳам бир гал галат нуқта туфайли, бир бадхат кимса туфайли хўб жафо чеккан — қарийб жон таслим қилаёзган.

Улуғ жанг арафаси эди, Янгибек отлиғ ишонган мардона беги хат йўллаб маълум қилдиким, Шерғоридан махфий йўл бордир, ёғий устига кўққис бостириб борса бўлур. Тонгласи фармон бериб, Шерғори саря юрилди. Бориб, душманнинг мўр-малахдай лашкарига дуч келди, ўлган ўлиб, қочган қолиб, зўр талафот билан аранг қутулди. Дарғазаб ёниб, Янгибекни чорлаб қасди басдига олдилар. У тангри таолони шоҳид келтириб қасамёд қилдики, Шерғоридаги йўлни ўз кўзи билан кўрган эди, кечгача шунда ҳайрона кутган, бир кимсадан дарак бўлмаган. Хатни қайта таҳқиқ қилиб кўрдилар. «Шерғори»да бир нуқта ғалат бўлган экан, Янгибек, азбаройи зеҳни суслигиданми, фикри танбаллигиданми, ҳарчанди эътибор бермаган экан, бадхатлиги туфайли бадбахт бўлиб кетишига бир баҳя қолди... Араби имло жорий этиланига не замонлар бўлубдур, бироқ, таажжуб, наҳот шу пайтга қадар туркий тилда сўз айтган не улуғ алломалар, буюк жаҳонгиру мулкгирлар унинг номавзунлигини англамаган бўлсалар? Англагандирлар-у, аммо нозик бир андиша уларнинг журъатига ғов бўлган эса эҳтимол. Ҳеч кимса юрак ютиб ошкора изҳори арз этолмаган, боиси, Қуръони шариф айни имло бирла мазкур бўлгандир. Оллоҳнинг каломи битилган имлони ислоҳ қилмоққа даъват этгали қай баҳодирнинг юраги дов берсин? Лекин нафақат араб, балки туман-туман туркигўй эл ҳам анга содиқ бандадир, бас, улар ҳам яратганга ҳамду сано битмоқ учун аввало пок бир алфозга эга бўлмоқлари фарздор. Буни англаб этмоқ учун ғафлат ва жаҳолатдан кўзни бир оз очмоқ кифоя, холос. Демак-ким, шу нуқтаи назардан ислоҳ табиий бир эҳтиёждирки, туркигўй элнинг бор суҳан ва лафзи унда эътиборга олинсин. Энг аввало, зеру забардан воз кечмоқ даркор, ақл кўзини тиндиргувчи барча нуқталарни бартараф этмоқ керак. Ҳарфларнинг турлик-турлик мунофиқ мақомига чек қўймоқ лозим, токи имлонинг қатъий, барқарор бир шакли таъмин бўлсин. Ана шунда имло ажаб бир соддалик касб этади, жами мавҳумликлар тугатилади. Фақат бунга бир журъат керак, холос!

У бунга журъат қилди — янги бир имло тузди. Ўзи яратган лойиҳани кўп алломаю фозиллар ҳукмига ҳавола этаркан, унинг не бир афзалликларини куйиб-куюниб уқтирди.

Таассуфки, ҳар қайда сўзларини жимгина маъқуллаб эшитардилар-у, сомийлар юзидаги ташвиш кўланкаси сийратдаги хавотирни фош қилиб турар эди. Шу тариқа «Хатти Бобурий» жиддий бир рағбат кўрмади. Аммо у ортга қайтмади. Қасдма-қасд яна бир таваккал қилди: энг хушхат котибларга Қуръони шарифни «Хатти Бобурий»да кўчиртириб, китобат қилдирди-да, Маккаи мукаррамага юборди!.. Оқибат шу бўлдики, бир куни бағоят мўътабар уламою киромлар салобат ва салмоқ билан

хузурига ташриф буюрдилар, зоҳиран эҳтиром сақлаган, бироқ ботинан жиддий таҳлика оҳанги аён бир тарзда уни «баъзи номуносиб ҳаракатлардан огоҳ бўлмоққа» даъват этдилар. Зеро, Оллоҳ бир, Расул барҳақ экан, у — Тангрининг ожиз бандаси Заҳриддин Муҳаммад ҳам буни азтаҳидил эътироф этар экан, Каломуллоҳнинг имлоси ҳам ягона ва собит эканига имон келтирмоғи лозим. Бунга иштибоҳ қилган зоти кимсанинг эътиқоди иштибоҳ остида қолиши ҳаммадан аввал унинг ўзига маълумдир.

Уламои замонларнинг оғир, вазмин сўзларига жимгина қулоқ осди, алам билан лабларини қимтиди: орзу қилган нарсаси имкон сарҳадидан наридаги сароб бўлиб чиққанини қайғу ила тан олди. Зотан, қаршисида саф тортан минглаб лашкарга нечоғ салоҳиятли бўлмасин, ёлғиз саркарданинг қарши бормоғи ақлга зид, мағлубияти муқаррар бир ҳол эди. Агарчи бирда-иккида кескин қарши бориб, ҳукмини ўтказган бўлса-да, бу гал чекинмоқдан ўзга чора қолмади... Уларнинг сўзларини тинглай туриб, Муҳаммад Шариф мунажжимнинг кирдикорларини эслади. Ўзига хилий бино қўйган бу зот юлдузларга қараб каромат қилар, бироқ башоратлари мудом терс чиқар эди. Шу важҳдан кейин-кейин уни хушламай қўйди. У ҳам азбаройи ҳайиққанидан, унинг кўзига кўринмасликка тиришар эди. Бу шумнафас мунажжим, ҳукмдорга айтиш имконидан маҳрум, дуч келган кимсани четта тортиб, ваҳима билан шивирлар экан: гўё бу оқшом Миррих гарб сари оққан эмиш, кимки шу тарафдан урилса, албатта мағлуб бўлар эмиш. Унинг гаплари паришон навкарлар кўнглини баттар синдираар эди. Оқибат, шумнафаслигини қўймагач, даргоҳидан қувиб солмоққа мажбур бўлди. Аммо, афсуски, хузуридаги бу кишилар Муҳаммад Шариф мунажжим эмас — ҳар бирининг этагида юз минглаб мўмин намоз ўқимоққа ҳозир мўътабар шариаппешалар! Муҳаммад Шариф каби уларни ҳайдаб солмоқ эса оқил кишининг иши бўлмагай. Бейхтиёр бундан беш-олти йил муқаддам, Ғазни кентларида рўй берган воқеа ёдига тушди. Бир сафар Ғазни кентларидан бирида ғалати мазор хусусида алланечук мишмишлар қулоғига етди. Гўёки, саловат айтилса, қабр тебранур эмиш. Ўзи бориб, узоқ разм солди, қабр тебрангандек кўринди. Ўша ерда ўтириб, бир оз мулоҳаза қилди. Маълум бўлдики, мужовирлар қабр тепасига бир ҳалқа ясабдирлар, ҳар замонда сездирмай ҳалқани қимирлатиб қўяр эканлар. Ҳалқа тебрангач, қабр тебрангандек кўринар экан — умрида кемага тушмаган одам, кемага киргач, худди қирғоқ тебрангандек туюлгани сингари. Шу фикрга келиб, мужовирларга ҳалқадан нарироқ туриб саловат айтишларини буюрди. Ҳарчанд зўр бериб саловат айтдилар, бироқ қабрда ҳеч қандай ҳаракат сезилмади. Кулимсираб, изига қайтаркан, ҳалқани бузиб ташлаб, қабр устига гумбаз барпо қилишни, мужовирларнинг минбаъд бундай риёкорлик ила машғул бўлмасликларини қаттиқ амр

этди. Ҳа, аммо улар саёқ мужовирлар эди, уларга кучи етарди, бироқ ҳузурида савлат тўкиб ўтирган бу аҳли уламога!..

Шу тариқа «Хатти Бобур» амалга ошмай қолиб кетди. Кейин ҳам бу хусусда неча бор сўз қўзғалганда, энг яқин кишиларидан ҳам хайрихоҳлик ўрнига таажжуб ва норизолик зоҳир бўлди. Лекин имони комилки, қачондир вақти соати етиб, туркигўй элнинг фозил фарзандлари араби имлонинг ислоҳи муқаррар эканини англаб етадилар, шунда «Хатти Бобурий»ни ҳам афсус билан эслайдилар!.. Бас, шундай экан, Ҳумоюндан ранжимоғи бекор. Яхшиси, «Хатти Бобурий»нинг сархатини унга, Комрон Мирзога, Хожа Калонга бир нусхадан китобат қилдириб юборгани маъқул, қачонки зарурат бўлганда асқотғусидир.

У хаёлларига чек қўйгандек, мактубини хотималашга киришди. Хат сўнгида кўнгли Ҳумоюнга икки-уч оғиз насиҳатомуз сўзлар битмоқни тилади:

«Яна улуг иш устига борасен, иш кўрган, раъй ва тадбирлик беклар била кенгашиб, аларнинг сўзи била амал қилгайсен.

Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинлиқни ва эл била кам ихтилоқлиқни бартараф қилғил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрлариға қўймай, қошингга чорлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз-унга қарор бергайсиз...»

У Мовароуннаҳр юришида фарзандларига нечоғ зафар ва нусрат тиламасин, дилининг бир бурчида андак шубҳа ҳам пинҳон эди. Шу боис кўнгли тубига васиятдек тугиб қўйган бир ниятдан Ҳумоюнни ҳозирданоқ воқиф қилиб қўймоқни лозим топди:

«Яна мунча фатҳ ва зафарлар Кобулда эканда бўлди, Кобулни шугун тутубтурмен, ани холиса қилдим. Ҳеч қайсингиз таъма қилмагайсиз».

Бирдан вужуди титраб кетди: Кобул унинг учун диёри ўрнига диёр, ватани ўрнига ватан бўлди. Агар тақдирда она юртга қайтмоқ насиб этмаган бўлса, хокини Кобулга, ўзи барпо эттирган сўлим боғлардан бирига қўймоқни васият қилади, токи жазирама, майин тупроқда мангу фароғат оғушида ётаркан, дарёнинг у бетидан эсанган хуш насимлар қабри узра юрт нафасини уфуриб турсин!..

Беҳад мутаассир бўлиб, сўнги жумлани шиддат билан қоғоз узра чекди:

«Черикни яхши йиғиб юргайсен. Оғиз сўзларидин Баёншайх соҳиби вуқуфдир, маълум бўлгусидир, деб муштоқликлар била салом. Панжшанба куни раббиул-аввал ойининг ўн учиди битилди».

Бобур шундай деб хатга нуқта қўйди.

* * *

Биз ҳам шу ўривда ҳикояга нуқта қўйсак бўлар. Аммо ҳикояга сизга қолган икки оғиз мулоҳаза борки, муҳтарам китобхон бунинг учун бизни айбонитмас.

Бобурдек закий зотнинг бир нуқта туфайли бу қадар изтироб чеккани бизга эмас эди — ҳаёт буни исботлади: тақдирнинг ғалати ўйинини қаранги, Бобур вафотидан кейин ҳам зеру забар жабрини тортади — узоқ йиллар мобайнида номи «Бобир» дея ёзиб келинади. Фақат, унинг беш юз йиллик тўйи арафасида нуқтадон бир олим «Бобир эмас, Бобур!», дея наъра тортиб чиқадию бу борадаги «ғалати машҳур» бартараф этилади.

Бир нуқтанинг тарихи, қадри ва мавқеи ана шундай.

Таом. Нуқта.

Әселар



БОБУРНИНГ ТУШЛАРИ

Бу муаззам асарнинг ҳар бир сатри ҳақида биттадан ҳикоя ёзиш мумкин.

Чунки у улуг инсоний тажриба ва беқиёс инсоний фазилатлар ила йўғрилган китобдир. Чунки бу нодир дурдонанинг яратгувчиси соҳиби фазилат, соҳиби ҳикмат бўлган мумтоз бир кишидир. Жаҳон тарихи унинг сингари заковатли ва шнжоатли зотларни кам кўрган.

Шу боис ҳам «Бобурнома»ни китобат қилган котиблардан бири китоб ниҳоясида асар муаллифини таърифлаб: «Ва фазилат бобида камлиги йўқ эрди», дея таъкидлайди.

Бу сўзларда муболага йўқ — аини ҳақиқатир.

Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун «Бобурнома»ни кўнгил кўзи билан яна бир карра мутолаа қилиш кифоя.

Мутолаа сўнгида эса одамнинг хаёли осмон қадар юксалиб, тасавури бениҳоя равшан тортиб кетиши табиийдир.

Мен бугун шундай ҳолатдаман.

Бобур ва «Бобурнома» ҳақидаги баъзи қайдларимда бу асарни Ибрат китоби, Мардона китоб, Донишмандлик китоби дея атаган эдим. Навбатдаги мутолаадан кейин бу муҳташам асар саҳифаларида буюк бир сир, инсония лолу ҳайрон этадиган сехрли тилсимлар ҳам пинҳон эканига иқрор бўлдим.

Ва шу сабаб бу китобга Буюк сирлар китоби деб таъриф бериш ўринлидир, деган мулоҳазага келдим.

Буюк сирлар китоби... Оламнинг яралиши, тузилиши, унинг ажабтовур ишлари — бошдан-оёқ сир, одам эса ундан-да сирлироқ бир хилқатдир. «Бобурнома»ни саҳифама-саҳифа варақлаб кўрсангиз, унинг қатларида ўнлаб ғаройиб тилсимотларга дуч келасиз.

Уларнинг шарҳига тилингиз, тафаккурингиз ожиз қолади.

Чунки шу сирли ҳодисаларни зикр этган зотнинг ўзи уларга шарҳ тополмаган. Дунёда илми ғайб деб аталмиш мўъжиза мав-

жудлигига «Бобурнома»дек ҳаққоният китобини мутолаа қилган киши, шубҳасиз, имон келтиради.

Биламизки, Бобур ўз даврининг пешқадам мутафаккири сифатида хурофотдан, тараққиёт йўлига ғов ташлайдирган турли бидъатлардан йироқ бўлган. Имкони қадар бунингдек қарашлар ва хатти-ҳаракатлардан узоқ юрмоққа тиришган. Хурофот билан ҳақиқат чегарасини жуда нозик фарқлаган Бобур Мирзо бир ўринда шундай ғалати манзарани тасвирлайди:

«Ғазни кентларида бир мазор бордурким, саловот айтғоч, қабр мутаҳаррик бўлур. Бориб мулоҳаза қилилди, қабрнинг тебрангани махсус бўлди. Сўнгра маълум бўлдики, мужовирларнинг тазвири экандур. Қабрнинг устига бир жуля ясабтурлар, ҳар замон жуляга тегадурлар, жуля тебранғач, қабр тебрангандек махсус бўладур. Нечукким, кемага кирмаган эл кемага киргач соҳил мутаҳаррик махсус бўлур. Буюрдумким, мужовирлар жулядин йироқ турдилар, бир неча саловот айтдилар, қабрда ҳаракате махсус бўлмади. Буюрдумким, жуляни бузуб, қабрнинг устида гунбаз қилдилар. Мужовирларни бу ҳаракаттин таҳдид ила маън қилилди».

Бу — Бобур ҳаётидаги ягона ҳодиса эмас. Бобурнинг умр китоби — «Бобурнома»дан шу янглиғ мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўз қўшини сафида хизмат қилган Муҳаммад Шариф деган мунажжимни эслаб ўтаркан, Бобур унинг сохта кароматларидан аччиқ истеҳзо билан кулади. Жангу жадаллар учун қулай пайт етганида бу шумнафас мунажжим кўп ҳолатларда ёлгон башоратлар билан Бобурнинг шаҳдини қайтармоққа уринган. Бу тун Миррих ғарб соридир, шул тарафдан урушқон киши мағлуб бўлгусидир, қабилдаги уйдирмаларга қулоқ тутмаган саркарда бунинг акси ўлароқ зафар қозонган.

Демак, аён бўлаётирки, Бобур илоҳий ҳақиқат нима, хурофий ақида нима — бағоят теран англаган, мураккаб, қалтис тарихий муҳитда ягона тўғри йўлни адашмай топа билган.

«Бобурнома»нинг илоҳий ёғду билан мунаввар саҳифаларида Бобурнинг ғаройиб тушлари тафсилга дуч келамиз.

Ҳижрий тўққиз юз олтинчи йил, кеч кузак. Қоронғи, узун кечалардан бири. Ҳазонлар ҳазин шивирлаган шу сокин тунда Бобур Мирзо сирли бир туш кўрди. Бу туш таъбирига киришмоқдан аввал бир сония ҳикоямиз учун бениҳоя аҳамиятли бўлган бир нуқтага диққат қилайлик. Маълумки, Бобур замонасининг пири комили, даврнинг мўътабар зотларидан бири бўлмиш Хожа Убайдулло Аҳрорга юксак эътиمود қўйган эди. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий сингари даҳолар пир деб билган ва маънавий устоз сифатида ғоят қадрлаган Хожа Аҳрори валийнинг пок суврат ва сийрати «Бобурнома» саҳифаларида

айниқса ёрқин намоён бўлади. Бобур Хожа Аҳрор сиймосини илоҳий қаламнинг илоҳий қудрати билан чизади. Бу суврат кейинчалик, орадан не бир замонлар ўтиши билан ёлгончи муаррихлар ва қаламкашларнинг замонасозлик бўёғи ила қалбакилаштирилади. Хожа Аҳрори валий жамики ноинсоний хислатларнинг мужассам тимсолига айлантирилади. Шу тариқа синфий ёндашув асосида ҳам кулгили, ҳам аянчли мантиқсизлик вужудга келади: ўнлаб, юзлаб илмий тадқиқотларда, баъдий асарларда гўёки Жомий ва Навоий тараққийпарвар-у, уларнинг руҳий камолига кўприк бўлган Хожа Аҳрор бориб турган жаҳолатпараст бир кимса... Бундай тухматларнинг қай даража қабиҳлигини ва даъволарнинг нечоғли пучлигини англамоқ учун ҳам «Бобурнома»га мурожаат этсак ўринли бўлур.

Бобур замонасидаги бирор кишига баҳо берар экан, аксарият ҳолларда унинг Хожа Аҳрорга бўлган муносабати ёки Хожа Аҳрорнинг шу шахсга бўлган муносабатини асосий мезон қилиб олади. Жумладан, падари бузургвори Умаршайх Мирзонинг феъл-атворини таърифлаб келиб: «Ҳазрат Хожа Убайдуллога иродати бор эрди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлур эрди, Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд дер эдилар», дейди. Ёки Султон Аҳмад Мирзонинг Хожа Аҳрорга бўлган ихлоси хусусида сўз юритиб, ушбу лавҳани зикр этади: «... дерларким, ҳаргиз Хожа мажлисида тизи бир-бир тизига ёвуткаган эмастур. Бир навбат ҳазрати Хожа суҳбатида бар хилофи одат оёғини ёвуткаб ўлтурубтур. Мирзо қўпқондин сўнг ҳазрати Хожа буюрибдурларким, Мирзо ўлтурғон ерни боққайлар, бир сўнғак бор экандур».

Султон Аҳмад Мирзодек давр сурган ҳукмдорки Хожа Убайдулло Аҳрор суҳбатида шу қадар одоб сақлаб ўлтирар экан, демак, бунда чуқур бир маъно бор. Шунинг учун ҳам Бобур сўзида давом этиб: «Ҳазрати Хожа мураббий ва муқаввий эдилар», дейди.

Бобур гоҳо замондошларидан бирининг салбий хислатлари ҳақида сўз юритар экан, ўша шахснинг Хожа Аҳрорга нисбатан салбий муносабати унинг табиатидаги иллатларнинг пировард-натижаси эканини алоҳида таъкидлайди. Султон Маҳмуд Мирзо, деб ёзади у, «бад эътиқод киши эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоға истихфиф қилур эди. Юраксиз киши эди. Ҳаёси камроқ эди. Бир неча масхара ва бебок теграсида бор эди. Девон бошида ва халойиқ қошида зишт ва шаниъ ҳаракатлар қилурлар эди».

Шуниси диққатга сазоворки, Бобур тарихий шахсларга баҳо бераётиб, биринчи галда уларнинг насл-насаби — валодати, шакл-шамойили, ахлоқ ва атори билан бир қаторда устози — тарбият берган мураббий ва муқаввийларига махсус эътибор

қаратади. «Хожа Мавлонои қозининг оти Абдуллодур. Бу от била машҳур бўлуб эди. Ота тарафидин насаби шайх Бурҳониддин Қиличқа мунтаҳи бўлур. Она тарафидин Султон Илик Мозиға етар. Фарғона вилоятида бу табақа муқтадо ва шайхулислом ва қози бўла келгандурлар. Хожа қози ҳазрати Хожа Убайдулло-нинг муриди эди. Алардин тарбият топиб эди. Хожа қозининг валийлиғида менинг ҳеч шакким йўқтур».

Кўрдикки, Бобур Мирзонинг Хожа Аҳрори валийга эътиқод-эҳтироми ғоят баланд мақомда бўлган. Хожа Аҳрори валийнинг мўътабар шахси ва илоҳий сиймоси, ўз навбатида, Бобур тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Бу фикрни Бобурнинг ишларигина эмас, ҳатто тушлари ҳам тасдиқ этади.

Дарвоқе, сўз Бобурнинг тушлари хусусида эди.

Алқисса, ҳижрий тўққиз юз олтинчи йил, кеч кузак, қоронғи, узун кечалардан бирида Бобур Мирзо сирли бир туш кўрди. «Ўшул фурсатта ажаб туш кўрдум, — деб хикоя қилади Бобур. — Туш кўрарменким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболларига чиқмишмен. Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олиға ғолибо бетакаллуфроқ дасторхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат хотириға нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо билан дедимким, мендин эмастур. Дасторхон солғучи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Қўптилар. Узата чиқдим. Ушбу уйнинг долонжда ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутиб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Турки дедиларким, Шайх маслаҳат берди. Ўшул неча кунда-ўқ Самарқандни олдим».

Тушда аён бўлган бу илоҳий қароматнинг қай тариқа ва қай даража амалга ошганини билмоқ учун «ўшул фурсатта» Бобур ҳаётида қандай тарихий ҳодисалар юз берганини кузатмоқ лозим. Мазкур туш тафсилотидан хиёл аввал Бобур бунга изоҳ бериб ўтади: «Бир куни Асфидак қўрғонда жами ичкилар, мисли Дўст Носир, Нўён кўкалтош, Хонқули, Каримдод, Шайх Дарвеш, Хисрав кўкалтош, Мирим Носир бори ҳозир эдилар, менинг қошимда ўлтуруб эдилар. Ҳар тарафдин сўз ўтар эди. Дедимким: «Келинг, айтингким, тенгри рост келтурса, Самарқандни қачон олғайбиз?» Баъзи дедиларким: «Ёзга олғайбиз». Ул маҳал кеч куз эди. Баъзи «бир ой-қирқ кун», баъзи «йигирма кун», дедилар. Нўён кўкалтош дедиким: «Ўн тўрт кунда олурбиз». Тенгри рост келтурди, рост ўн тўрт кунда-ўқ Самарқандни олдук».

«Тенгри рост келтурди...» Тангри рост келтирган бу башоратнинг аввало Нўён кўкалтош тилига, сўнгра Бобур Мирзо дилига Хожа Аҳрори валий томонидан солиниши чиндан ҳам илоҳий бир мўъжиза эмасми?

Биз бугунги кунда ғайриоддий хислатлари билан кўпчиликни ҳайратга солаётган афсунгарлар, кўзбойлоғичлар ва улар сафидаги талай товламачиларнинг хатти-ҳаракатларига қойил бўлиб таҳсин ўқиб ўтирибмиз. Бироқ кўҳна тарихимизни синчиклаб кўздан кечирадиган бўлсак, ҳар қадамда илоҳий кучларнинг ҳақиқий қудрати билан изоҳлашгина мумкин бўлган тилсимот ва жумбоқларга дуч келаверамиз.

Ҳижрий тўққиз юз саккизинчи йил, қаҳратон қиш, совуқ, зимистон тунларнинг бирида Бобур Мирзо яна бир тилсимлик туш кўрди. «Бобурнома»да бу туш тавсифи ва у билан боғлиқ баъзи тарихий ҳолатлар шу қадар ҳаққоний ва шу қадар теран инсоний изтироб билан йўғрилганки, бирмунча узунроқ бўлса-да, батафсилроқ кўчирмалар келтириб ўтиш ҳикоямиз мақсади-га мувофиқ бўлур.

Алқисса, ҳижрий тўққиз юз саккизинчи йил қишига келиб Бобур Мирзонинг ишлари тараққийдан таъаззулга юз тутган эди. Самарқанддан қувилиб, Андижондан айрилиб саргардон юрган кезларида унинг аҳволи бисёр паришон эди. Ўз ҳолатини ўзи таърифлаб айтганидек, вилоят йўқ, вилоят умидворлиги йўқ, навкар пароканда... Ана шундай маънос, қутсиз ва таҳликали кунларнинг бирида у Карнон деган бир масканда ёғий қўлида қуршовда қолади. Уни не вақтга қадар изма-из таъқиб этиб келган ғаним навкарлари макр-ҳийла ила тириклайин қўлга туширмоққа тиришадилар. Ёлғон ваъдалар бериб алдамоққа уринадилар. Бобур Мирзо ёлғиз ўзи, қуролсиз, ярсғисиз, улосвиз — имконсизлик қаърида қолиб, энг сўнгги чорага аҳд қилади: «Мунг дегаҳ, манга ғариб ҳолате бўлди. Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш. Мен дедимким, ростлигини айт. Агар иш ўзгачарак бўлғудектур, худ вузу қилай. Юсуф онтлар ичти, вале анинг онтига ким инонадур. Ўзумда бетоқатлиге фаҳм қилдим. Қўпгум, боғ гўшасига бордим. Ўзим била андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, агар минг яшаса охир ўлмак керак.

Агар сад сол мони вар яке рўз

Бибояд рафт азин кохи дилафрўз¹.

«Ўзумни ўлумга қарор бердим, — дея қайғули қиссасини давом эттиради Бобур Мирзо. — Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракъат намоз ўқудим, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуға борибтур.

¹ Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгул очгучи бу қасрдан кетиш керак бўлур. (Форс.)

Кўрадурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яҳёнинг ўғли — ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимга аблақ от миниб, кўп жамоати аблақ сувор билан келдилар. Дедиларким, гам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларга истионат тегуруб, подшоҳлик маснадига ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарга келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат сатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг».

«Ушал ҳолда хушҳол бўлиб уйғондимким, — дея ҳикоя қиладди Бобур Мирзо, — Юсуф доруға ва ҳамроҳлари бир-бирига маслаҳат қиладурларким, баҳона қилиб ҳалл қиладур, тутуб боғламоқ керак.

Бу сўзни эшитиб мен дедимким, сизлар бу йўсушлиқ сўзлашурсиз, аммо кўраинким, қайсингиз менинг қошимга кела олурсиз?.. Ушбу сўзнинг устида эдиким, боғнинг деворидин ташқари қалин отлиқнинг келур овози келди. Юсуф доруға дедиким, биз агар сизни олиб Танбал қошига борсак эди, бизнинг ишимиз илгари борур эди. Ҳоло яна кўп киши йиборубтур, сизни туттали. Ул яқин қилдиким, бу овоз Танбалнинг йиборган кишиларининг отини товуши бўлғай. Бу сўзни эшитгач, манга изтироб кўпроғ бўлуб, қилур ишимни билмадим...»

Бу сатрларни юрагимиз энтикиб ҳаяжон ила ўқир эканмиз, биз ҳам қаттиқ изтиробга туша борамиз. Аммо ич-ичимиздан алақандай бир мўъжиза рўй беришига, мўъжиза рўй бермасдан мумкин эмаслигига имон келтирамиз. Чунки боғина мазкур бўлган тушда: «Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарга келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз», деган илоҳий бир каромат эшитилган эди-ку? Таҳлика ва ҳаяжондан жонимиз бир жойга еганида интизорлик ила кўз тутганимиз мўъжиза содир бўлади — Бобур Мирзонинг товуши яна қатъият ва шижоат билан янграй бошлайди:

«Ушал ҳолда бу отлиқлар боғнинг эшигини топарга фурсат қилмай, деворниким, эски бўлгон еридин рахна қилиб кирдилар. Кўрсамким, Қутлуқ Муҳаммад барлос ва Бобои Парғарийким, менинг жон тортқон навкарларим, ўн-ўн беш, йипирма киши бўлғой, етиб келдилар. Булар ёвуқ келиб, оттин ўзларини ташлаб, йирогдин юкуниб, таъзим қилиб менинг оёғимга йиқилдилар. Ушал ҳолда манга андоғ ҳолат бўлдиким, гуё манга янги боштин худой жон берди. Мен дедимким, ул Юсуф доругани ва бу тургон муздур мардакларни тутуб боғланг. Ушал мардаклар қоча бериб эдиким, бир ерда бировни тутуб боғлаб келтурдилар...»

Энди бир зум нафасни ростлаб, ажал чангалидан қайтган Бобур Мирзо билан биргаликда тангрига шукрона айтмоқ фурсати етди. Табиийки, вужудни зилзила янглиг зир титратган ўлим ваҳми хиёл аригач, халоскорларга юзланиб савол берилғай:

«Мен дедимким, сизлар қайдин келасиз, нечук хабар топдингиз?»

Қутлуг Муҳаммад барлос дедиким, Ахсидин қочиб чиқғонда сиздин айрила тушганда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш кўрдумким, Хожа Убайдулло дедиларким (!), Бобур подшоҳ Карнон деган кенттатур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлиқ маснади анга тааллуқ бўлубтур. Мен бу тушни кўруб, хушқол бўлуб, улуғ хон, кичик хонга арз қилдум, хонларга дедимким, менинг беш-олти ини-ўғлум бор, яна бир неча йигит қўшунгиз, Карнон тарафдин бориб хабар олайн. Хонлар дедиларким, бизнинг хотиримизга ҳам етадурким, ўшал йўлга борғон бўлғай. Ўн киши тайин қилдилар... Бобои Парғарий дедиким, мен ҳам бориб истармен, ул ҳам икки йигит иниси билан иттифоқ қилиб отландук. Бу кун уч кундурким, йўл келабиз. Алҳамдулиллоҳ, сизни топдук...»

Хўш, бу ақл бовар этмас ҳолни қандоқ шарҳлаш мумкин? Оддий бир тасодифнинг оддий бир кўриниши деб талқин этсак, кулги ва мазахга сазовор бўлмаймизми?

Ҳар қалай, моддиюнчи — материалистик дунёқарашга асосланган бизнинг тасаввуримиз бу ғаройиб тилсимотни дабдурустан қабул қилиши ва идрок этиши маҳол. Моддиюнчи дунёқарашнинг улуғ бир айби будурким, у оламни сирру сеҳрдан, бинобарин, жозибадан маҳрум қилиб қўяди. У ҳамма нарсани қуруқ ва жўнгина мантиқ қолипига тортишга уринади, бешарҳ ҳодиса-ҳолатларга шарҳ топишга уринади. Шу тариқа моддиюнчиликка ихлос қўйган одамнинг тасаввури ҳам қашшоқлашиб, бепоён ва рангин олам, бағрида миллионлаб тилсимларни жо этган коиноту уммонлар шунчаки оддий табиий жисмларга айланиб қолади. Моддиюнчилик инсоннинг кунглидаги илоҳий нурни сўндиради. Сўндиради-ю, эвазига, афсуски, ҳеч нарса тақдим қила олмайди...

Бобур Мирзо, кўрдикки, қалбида ҳаминша илоҳий нур шуъла сочган бир зот бўлган. Ана шу қудратга ишонч, уни тан олиш, унинг ҳукми ва адолатига бўйинсуниш, унинг қасосидан ҳайиқиш — буларнинг барчаси буюк жаҳонгирнинг ҳар бир қадамини қаттиқ тафтиш остига олиб кузатиб борган, уни ўринсиз хунрезликлар, шариат аҳкомлари ва даврнинг ахлоқий қоидаларини бузишдан сақлаб келган. Шу маънода «Бобурнома»да акс этган адолат тушунчаси, адолат туйғуси гоят эътиборга моликдир. Бу туйғу зикр этганимиз ўша илоҳий қудрат билан чамбарчас боғлиқ, ундан маънавий озиқ олади.

Маълумки, Бобур ўз қўшини ўртасида жуда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатган. Халққа ноҳақ зулм қиладиган, талончилик билан шуғулланадиган навкарларга, аскарбошиларга унинг

нафрати бениҳоя чексиз бўлган. Бобурнинг нуқтаи назарича, бундай манфур кимсалар муқаррар равишда сазовори лаънат бўлиб, қасосга учрашлари шубҳасиздир.

«Бу юрттин кўчиб, Қорабоғ ёнидаги Оқсарой ўлангига тушулди, — дея саргузаштларидан бирини ҳикоя қилади Бобур. — Хисравшоҳнинг эли — куни зулм ва бесарлиққа ўрганган эл, элга зулм қила бошладилар. Охир Сайидим Али Дарбоннинг бир ўбдон навқари бировнинг бир кўза ёғини тортиб олгон учун эшикка келтуруб таёқлаттим, таёқ остида-ўқ жони чиқди. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар».

Ёки бошқа бир ўринда — Ём навоҳисиде экан чоғида рўй берган воқеани сўйлаб, Бобур ибратомуз бир ҳолни баён этади. Бу кентда аҳолидан зўрлик билан талаб олинган мол-мулкни тонга қадар эга-эгасига қайтариб беришни аскарларига қатъий суратда амр қилади. Эртасига, деб хотирлайди у, черик қўлида нина синиғию ип учигача қолмади — барини элга қайтариб берилди. Донишманд салтанат соҳиби Бобур ҳижрий тўққиз юз ўттиз иккинчи йили махсус фармон чиқарди. Бу фармонга биноан кишилардан, шаҳар ва қишлоқлар, кўча ва гузарлардан олинаниган солиқ — тамга пули бекор қилинади. Назмий йўсинда битилган, иқтисодий муаммолар таҳлилига бағишланган рисоласи «Мубаййин»да эса у мулкдор гуруҳларнинг бева-бечора, қашшоқ-нотавонларга доимий равишда кўмак бериб туришларини амр қилган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу билан Бобур мазкур буйруққа қонун тусини берган экан.

Саодатли шоҳ эл-улуснинг муқаддас жойларига, халқ тавоф этадиган мазор ва сағаналарга ҳамиша эҳтиром билан муносабатда бўлиб келганлиги, уларнинг қайси дин, қайси мазҳабга мансублигидан қатъий назар, оёқости этилишига, таҳқирланишига қарши кескин курашгани яхши маълум.

«Уч кун Синд ёқаси билан-ўқ келдук. Уч кундин сўнг Пир Қону мазори тўғрисидин Синд дарёсидин айрилиб, Пир Қону мазорига келиб туштум. Черик элидин баъзи мазорнинг мужовирларига мазеҳим бўлгон учун бирини сиёсат учун пора-пора қилдурдим. Бу мазор Ҳиндистонда бисёр мўътабар мазордур».

Бу сатрлар беихтиёр кишини теран ўйларга гарқ қилади.

Бобурни талончи деб атаган, мустабид, қонхўр, дея маломат таққан, умр бўйи халқнинг муқаддас меҳробларига ўт қўйиш билан, ўзи сув ичган булоқларга тупуриш билан машғул бўлган замонамизнинг баъзи арбоблари бугун — эл нафратига дучор бўлиб ўлтирган чоғларида «Бобурнома»ни қўлларига олиб, айни шу саҳифаларни ўқиб кўрсалар қандоқ бўларкин? Мазорларни бузган, зиёратгоҳларни кунпаякун қилиб «оқ олтин» майдонига айлантирган, халқнинг асрий байрамларини тақиқлаган, эски

имлодаги ҳар қандай китобни кўриб лабига учуқ тошадиган бу жаҳолат бандалари шунда қандай ҳолатга тушган бўлар эдилар?

Бадбин кўнгилларида бир зум иштибоҳ пайдо бўлармикан?

Тазарру уйғонармикан?

Афсуски, биз буни билмаймиз.

Билолмаймиз.

Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик: хўш, Бобурнинг кўнглида адолат туйғуси қачон, қай тариқа қарор топган эди? Табиийки, бунда биринчи галда у униб-ўсган оила муҳити, унга таълим берган мураббийларнинг тарбияти ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Масалан, унинг падари бузургвори Умаршайх Мирзога хос адолат туйғусини олиб кўрайлик.

«Адолати бу мартабада эдики, — дейди Бобур, — Хитой корвони келадурганда Андижоннинг шарқий тарафидаги, тоғларнинг тубида минг ўйлуқ корвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб, муҳассиллар йибориб, корвоннинг жами жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёт сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди».

Бобур ана шундай одамларнинг фарзанди эди.

Бобурга хос бўлган инсоний фазилатларнинг замирида илоҳий қудратга ишонч ва иймон мужассам эканини кўрдик. Таассуфки, бизнинг кунларимизга келиб, бу ноёб инсоний фазилат йўқлик сари юз тутди, кўнглида унча-мунча илоҳий ёғду зарраси қолган кимсалар қадр топмадилар, аксинча, эл аро таажжуб ва кулгига сабаб бўлдилар. Киши молидан ҳазар қилмаслик, ҳаром-ҳаришдан жирканмаслик одат тусига кирди. Шулар ва шулар сингари ўнлаб, юзлаб номарғуб хусусиятлар жамиятни таназул кўчасига бошлагани сир эмас.

Сўхбатимиз давомида қайта-қайта зикр этганимиз илоҳий бир қудрат Бобур Мирзони умр бўйи тарк этмади. Ҳатто ҳаётининг сўнгги сонияларида ҳам у самовий сирлар оғушига қовушиб кетди. «Бобурнома»да қайд қилинган шу лавҳани ўқир эканман, кўп вақт ҳушдан айру тушган каби беҳол ўлтираман. Ҳаёт ва ўлим, борлиқ ва йўқлик — бу чигал, азалий тилсимот аини шу лаҳзаларда киши хаёлини бутунисича чирмаб олади.

Келинг, яхшиси, шу сирли лавҳани биргалашиб кўздан кечирайлик:

«Ва Муҳаммад Ҳумоюн Санбалғаким анинг жойгири эди, рухсат берилди. Олти ойгача анда эрди, зоҳиран, ани ер ва суйи хуш ёқмади. Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар. Тоонки биз эшиттук, фармон берилдиким, Деҳлига келтуруб, Деҳлидин кемаға солиб келтирсинларким, ҳакими ҳоziқлар

кўруб, дардиға даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абулқосимким, улуғ киши эрди, арзға еткурдиким, ушмундоқ дардларға даво будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки тенгри таоло сиҳҳат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, худой қабул қилсун. Хожа Халифа, ўзга муқарраблардин арзға еткурдиларким, Муҳаммад Ҳумоюн сиҳҳат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтурасиз. Ғараз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўшал олмоским, Иброҳимни урушида тушуб эди, Муҳаммад Ҳумоюнға иноят қилиб эрдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё моли анинг ивазига нечук бўлғай, мен анинг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкул бўлутур. Ва андин ўтубтурким, мен анинг бестоқатлигини тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатта кириб, уч қатла бошидин ўргулиб, дедимким, мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳҳат бўлуб қўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим...»

Йўқ, энди бу тилсим таҳлилига адибнинг эмас, табибнинг қалами, нуқтаи назари даркор! Халқ орасида кўп бора эшитганмиз: «жоним садаға бўлсин», «жонимни берайин» каби каломларни. Айни манзара худди ўша фарзандига жонини қурбон қилишининг ҳам илоҳий, ҳам моддий — заминий кўриниши эмасми?!

Устоз Эркин Воҳидов бир суҳбатда айтган эдилар: «Ҳазрат Алишер Навоийни мутолаа қилиб ўлтириб баъзан шубҳага ҳам бораман — ҳазрат бу дунёнинг одами эмасмикан, деб...»

Шу сингари Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳам бизнинг одатий турмушимиздан, кундалик майда ҳою ҳаваслар ила хиралашган, самовий сирлардан, илоҳий жозибадан маҳрум бўлиб бениҳоя ғариблашиб, ҳувиллаб қолган ҳаётимиздан нақадар юксакда!

Биз тараққиёт олға қараб бораётир, деймиз. Ташқи — зоҳирий жиҳатлардан, дарҳақиқат, шундай. Аммо ботиний белгиларга қараб баҳо берадиган бўлсак, руҳимизнинг парвози, ҳаёлларимизнинг миқёси, орзу-ниятларимизнинг терадлиги тарафидан биз улуғ аждодларимиз етиб борган манзил-ма роҳилларнинг яқинига ҳам йўлаёлмаганимиз маълум бўлади.

Шу маънода тараққиёт сўқмоқларидан бири сирли, илоҳий Мозий орқали ўтади, деб айтсак, хато бўлмас.

ТАВБА

Бобурнинг буюк саркарда бўлганлиги бизга тарихдан аён.

Буюк саркарда деган шарафга эса буюк ғалабалар туфайли эришилади.

Жаҳонгир Бобур қучган мислсиз зафарлар то ҳануз олам аҳлини ҳайратга солади. Дунёнинг турли минтақаларидаги тадқиқотчилар яқдиллик билан эътироф этадиларки, «Бобур инсонлар ичида энг ботиридир» (Эдуард Холден).

Бу фикрга қўшимча қилиб, Бобур — инсонлар ичида энг ростгўйидир, деб айтсак ҳам, хато бўлмас. Унинг қалб дафтари — «Бобурнома»ни диққат билан varaқлаган киши бунга амин бўлади. Бобур тарихий воқеалар, тарихий сиймолар, табиат ҳодисалари ҳақида қанчалар аниқлик ва ҳаққоният билан мулоҳаза билдирса, ўз шахсиятидаги номарғуб хусусиятлар ҳақида ҳам шунчалар мардоналик билан сўз юритади. Фейл-ат-воридаги жузъий ва улуғ нуқсонун айбларни яширмай сўйлайди, изтироблари, руҳнинг ички, оғриқли зиддиятларини китобхондан пинҳон тутмайди.

Бу ҳол одамни беихтиёр ажиб ўйларга ғарқ қилади. Улуғ тафаккур соҳиби, улкан салтанат эгаси бўлган бир зотнинг қаламини мудом назорат остида тутган теран ҳаққониятнинг боиси нимада? Бунга не сабаб зарурат туғилган? Ахир, чексиз ҳокимият — чексиз имконият дегани эмасми? Ахир замондошлар ва келгуси насллар наздида ўзининг тарихий мумтоз сиймосига соя солиши мумкин бўлган нохуш ҳолатлардан кўз юмиб қўяқолиш Бобур Мирзо учун унчалар мушкул эмас эди-ку?! Наинки уни ёлгончиликда, бугунги тил билан айтганда, тарихни сохталаштиришда айблашга бирор кимсанинг ҳадди сиғарди?

Менинг назаримда, бу ҳолнинг иккита сабаби бордек. Қадим дунёнинг ориф инсонлари оқ қоғоз бетига ёлгон ёзмақдан парҳез қилар эдилар. Чунки улар каломни ҳамиша тангри таолонинг номи билан бошлардилар. Қоғозни ҳам, унга битилган сўзаларни ҳам нон даражасида муқаддас, мўътабар тутар эдилар. Бобур Мирзо ҳам, табиийки, ёшлик чоғларидан ана шундай зиёли

муҳитда вояга етган, бинобарин, даврнинг мазкур удумига қатъий риоя қилиши шубҳасиз эди. Иккинчи сабаб эса Бобурнинг шахсиятидаги мардоналик, ростгўйлик, шижоат ва ўқтамлик билан чамбарчас боғлиқдир. «Бобурнома» саҳифаларида ҳақиқат Бобур ҳаётининг бош мезони, асл моҳияти сифатида кўринади. Бобурнинг ахлоқий нуқтаи назари, маънавий таҳлили гоят бешафқат, аёвсиз. У ўзгаларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатларини қандоқ талаблар асосида баҳоласа, бу талабларни энг аввало ўзига қўйиб кўради, яъни пичоқни олдин «ўзига уради».

Биз ўтмиш ҳақида сўз юритганимизда кўнглимиз мумдек эриб, баъзан турфа хил хаёлларга бериламиз. Мозийда кечган турмуш кўз ўнгимизда гоҳо мужассами ахлоқ, мужассами одоб каби намоеън бўлади. Ҳолбуки, у даврларда ҳам фаришталар эмас, сизу бизга ўхшаган феълли одамлар яшаганлар, у одамларнинг ҳам, замонанинг ҳам ўз маънавий муаммолари мавжуд бўлган. Ва таажжубки, уларнинг аксарияти ҳозирга қадар муаммолигича қолиб келаётир. Донишманд адибимиз Абдулла Қодирийнинг сўзлари билан айтганда: «Халқимиз таъбирича, у замонлар «мусулмонобод» бўлсада, бироқ бу тантанали таъбирни бузиб қўядиган ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон — мусулмон, бек — мусулмон, халқ — мусулмон, бунинг устига, юриш-туриш ҳам мусулмонча эди. Ўғрилик қилгани учун қўл кесиладир ва ё дорга осиладир. Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташланадилар, ичкилик учун қирқ дарра уриладир... Иш шунчалик нозик бўла туриб ҳам ўғрилар ўз тирикликлари орқасидан қолмайдилар, пештоқдан қопга бўғилиб ташланмоқ учун фоҳишалар ҳам етишиб турадилар. Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиш билан тирикчилик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар...»

Шавкатли шоҳ, ҳассос шоир Бобурнинг ҳаётида ҳам ана шу «тантанали таъбирни бузиб қўядиган» бирмунча ишлар содир бўлган эдики, биз улардан аввало Бобурнинг мардона эътирофи туфайли воқиф бўламиз: «Шанба куни ойнанинг йиғирма учиди бу гирд суфанинг устига чанор ниҳоли ва тол ниҳоли дарҳам тикилди. Намоз пешин чоғир суҳбати бўлди, саҳари ушбу суфанинг устида сабуҳий қилдук...»

Чоғир суҳбати!

Жаҳондаги не-не улуг зотларнинг ақлу ҳушини забт этиб, иродасини маҳв этган чоғир балоси Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳам ўз домига тортган эди...

Соҳиби фазилат ва соҳиби ҳикмат бўлган Бобур бир муддат май денгизиди сузгани ва қарийб фарқ бўлаёзганини, бундан қандоқ изтироблар, ранжу азиятлар чекканини ростгўйлик билан яширмай ҳикоя қилади: «Тонгласи девон тарқагондин сўнг сайр-

га отланиб, кемага кириб арақ ичилди... Намоз дигаргача арақ ичилди. Арақнинг бадхўрлигининг мутанаффир бўлиб, бу юздагиларнинг иттифоқи била маъжун ихтиёр қилдук. Кеманинг ул учудагилар маъжун еганимизни билмадилар, арақ-ўқ ичтилар... Бир замон такаллуф била суҳбат тутулди. Чун маъжун суҳбати била ҳаргиз арақ ва чоғир суҳбати рост келмас, мастлар ҳар тарафдан гуфту гў қила кириштилар, аксар тааррузлари маъжун ва маъжунийлар била эди. Бобожон ҳам маст бўлуб, ғалаба паршонлар айтти. Турди Муҳаммадқа ҳам мастлар тўла-тўла аёқларини пайдар-пай бериб, оз фурсатда масти лояъқил қилдилар. Ҳар неча саъй ва ислоҳ мақомида бўлдук, баҳам етмади. Шалойинлиқ хили бўлди, ҳар сориға тарқалиштилар...»

«Суҳбат бемаза бўлди...» Май денгизда ихтиёрсиз сузган кеманинг саргузаштларини изтироб билан баён қилар экан, Бобур аксарият ҳолларда чоғир базмларининг тасвирини айна шу сўзлар билан ниҳоясига етказди. Ёинки, кўп лавҳаларда сўз замирида шу маъно пинҳон ётган бўлади.

Бобурнинг чоғир суҳбатлари баъзан ақл бовар этмас ишлар билан якунланар эди.

«Ушбу фурсатлардаким, Беҳрада эдук,— дея ҳикоя қилади у,— намоз хуфтангача кемада ичиб, намоз хуфтанда кемадин маст тофиқ чиқиб, отланиб, машъални илгимга олиб, дарё ёқасидин ўрдугача отнинг бу юзига эгилиб, гаҳ ул юзига эгилиб, якжилов чопиб келиб турмен, ғарийб маст экандурмен. Тонгласига мундоқ машъал олиб, ўрдугача якжилов келганимни шарҳ қилдилар. Асло хотиримга келмади. Уйга келганимда хили истифроғ қилибтурмен...»

Бениҳоя таниш ҳолат, шундай эмасми? Хусусан, айрим замондошларимиз учун кундалик табиий ҳолат...

«Бобурнома»ни мутолаа қилар экансиз, умрининг маълум бир даврида Бобур эртаю кеч шаробдан бош кўтармаган, кўтаролмайдиган бир кимса бўлгандек таассуроғ қолади. Наҳотки, дейсиз кўзларингизга ишонмай, наҳотки шундай бўлса? Тасаввурингиздаги улуғвор, дини ислом аҳкомларини маҳкам тутган, шижоатли ҳукмдор сиймосини ахтариб, яна саҳифаларни варақлашга тутинасиз. Лекин, таассуфки...

«Чоршанба куни ойнинг ўн еттисиде Ҳайдар Наҳийнинг боғида Тенгриберди баъзи бекларга ва йигитларга суҳбат берадур эди, мен ҳам ул суҳбатқа бориб ичтим. Кеч намоз хуфтан андин қўпуб келиб, улуғ оқ уйда ҳам ичилди...»

Ҳафсалангиз пир бўлиб, бошқа саҳифани очасиз. Яна умидвор бўлиб термиласиз: «Офтоб ёйила Боғи Бинафшага бориб ҳавз ёқасида ичилди. Туш бўла уйқулаб, намоз пешин яна ичилди...»

Албатта, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг мураккаб зиддиятларга тўла шахсияти социалистик реализм туваклариде

ўстирилган ижобий қаҳрамонларга ўхшамаслиги табиийдир. Аммо, ҳар қалай, инсон бировга ихлос қўйганидан сўнг уни бекаму кўст кўргиси келар экан. Шу боис ҳам Бобурнинг табиатидаги бу номатлуб хислат боиси сабабини аниқлаш истаги туғилади. Ҳўш, Бобур нима сабабдан майга бу қадар ружу қўйган эди? Ёки аввал-бошдан мойиллиги бормиди? Қани, сўзни ўздан эшитиб кўрайлик-чи: «Ишрат паймоналарин тўлдуруб, соқийлар юруб мажлис аҳлига тута кириштиллар. Мураввақ чоғирларни мажлис аҳли ҳам ҳайвон суйидек (ҳаёт сувидек — Х. С.) юта кириштиллар, мажлис қизиқти, чоғирлар бошқа чиқти, бу хаёлда эдиларким, менга ичирғайлар, мени ҳам бу доирага кижорғайлар, мен агарчи бу чоққача нашъа бўлгунча чоғир ир-китоб қилмайдур эдим, мастлиқ ва сархушлуқ кайфияти ва ҳолатини қамоқаққуҳу билмайдур эдим, вале чоғир ичмоққа майлим бор эди ва бу водини тай қилмоққа кўнглум тортар эди. Кичикликта бемайл эдим, чоғирнинг нашъа ва кайфиятин билмас эдим. Отам гоҳиким чоғир таклиф қилсалар ҳам узрлар айтиб, иртикоб қилмас эдим... Сўнгралар йититлик ҳавасидин ва нафс тақозосидинким, чоғирга майл пайдо бўлди, таклиф қилур киши йўқ эрди, балки чоғирга майлимни билур киши йўқ эди. Кўнглум агарчи мойил эди, мундоқ қилмоғон амрни ўзлук қила қилмоқ мушқил эди. Хотирга кечтиким, чун мунча таклиф қилладурлар, яна Ҳиридек ораста шаҳрига келиб турбизким, жамъ айш-ишрат асбоб ва олоти мукамал ва муҳайё ва бори такаллуф ва танаъум ашё ва адовати омада ва пайдо, ҳоло ичмасам, қачон ичармен, деб ичмакка азм қилдим ва бу водини тай қилмоқни жазм қилдим».

Бу воқеа Бобур Мирзонинг навқирон чоғларида, бир минг беш юз еттинчи йили Ҳиротда, Ҳусайн Бойқаронинг ўгли Музаффар Мирзо хонадонидида юз берган эди. Бобур ҳали умрида бода кайфини татиб кўрмаган, бинобарин, юз-хотир, андиша туйғуларини унутмаган эдики, мазкур ўлтиришда чоғирни рад қилади (гарчанд кўнгул анга мойил бўлса-да!) ва бунинг боисини шундай изоҳлайди: «Вале хотирга кечтиким, Бадиуззамон мпрзо оғадур, анинг илигидин ва анинг уйида ичмай, инисининг илигидин ва инисининг уйида ичсам, хотирига нима келгай, деб, бу тараддудимни айтдим. Бу узрумни маъқул деб, бу суҳбатта чоғир таклифи қилмадилар...»

Одамзот нима учун ичади ўзи? Ер юзидида ҳаёт пайдо бўлганидан буён дунёнинг жамики ахлоқ қоидалари маън қилиб келишига қарамай, нега инсон бу қадар майга ружу қўйган?.. Ким билади дейсиз. Бировлар йўқчиликдан ичади, бировлар тўқчиликдан. Айримлар гаму қайғуларга чидаёлмай ичса, айримлар шоду хуррамлигидан ичади. Мабодо бир

мўъжиза рўй бериб, тарих эврилсаю Бобур Мирзога ҳам шу савол берилса, қандоқ жавоб олган бўлур эдик? Афсуски, биз буни билмаймиз. Тахмин қилмоғимиз мумкин, холос. Эҳтимол, шоир дилини ўртаган армонлар боис чоғирга майл қўйгандир. Эҳтимол, дунёнинг бебақолигини теран англаган файласуф бўлгани туфайли кўнгил фарёдини босмоқ учун майга зўр бергандир? Балки. Лекин менга шундай туюладики, Бобур Мирзонинг шароб базмига юз бурган кезлари унинг фаолиятсиликдан зериккан чоғларидагина рўй беради. Жангу жадаллар билан, тинимсиз ҳарбу зарблар ёхуд улкан, машаққатли ижодий меҳнат билан банд бўлган пайтлариди, яъни бу дунёнинг якранг, фэйзсиз ва беқут манзараларидан руҳи ўзга бир сирли оламга кўчган вақтларда бода истаги буткул унутилади, нафақат истак, бу тушунчанинг ўзи Бобур ҳаётидан гўё бадарга қилинади.

Жаҳоний фаолият миқёсларига яратилган улкан музтариб қалб ҳамиша ҳам ўзига муносиб машғулот тополмаган чоғларида оддий ҳою ҳаваснинг, инсоний нафснинг қули бўларкан-қоларкан... «Бу-хун Гандамакка тушуб, тонгласи Жигдалик тушулди. Намоз шомга яқин чоғир мажлиси бўлди, аксар ичкилар бор эдилар, охир суҳбатга Қосимбекнинг хоҳарзодаси Гадои Муҳаммад хили шалойинлиқ қилди. Маст бўлғонда менинг ёнимдаги такяға таянди. Гадои тағойи мажлисдин кўтариб чиқарди...»

Зикр этилмиш тафсилотларнинг аксарияти бир минг беш юз йигирма бешинчи йил воқеаларига — Бобурнинг афғон диёрида турғун бўлиб қолган даврига тўғри келади. Оқмай туриб қолса, сув ҳам бузилади, дейди мавлоно Гулханий. Бу кезлар Бобур Мирзонинг ҳаётида айни шундай дамлар бўлган эди. Атрофини қуршаган бир гуруҳ майзадалар билан у ўзига хос бир дунёда яшардики, бу дунёнинг ғаройиб қонуналари, расм-русумларию ғалати мантиқлари бор эди. Бу муҳитда уят, шарму ҳаё ва андиша деган тушунчаларга у қадар ўрин берилмас эди: «Мундин отланиб, Гулбахор борилди. Намоз шомдин сўнг чоғир суҳбати бўлди. Бу суҳбатларда Дарвеш Муҳаммад сорбон бўлур эди. Агарчи йигит эди ва сипоҳи эди, вале чоғир иргикоб қилмас, тоиб эди. Қутлуқ Хожа кўжалтош муддати мадид эди, сипоҳиликни тарк қилиб, дарвеш бўлуб эди. Ёши ҳам хили бор эди, соқоли худ оппоқ оқариб эди. Ҳамиша бу суҳбатларда ҳарифи шароб эди. Мен Дарвеш Муҳаммадқа дедим-ким, Қутлуқ Хожани соқолидан уял! Дарвеш ва қари ва оқ соқоллиқ ҳамиша чоғир ичарсен, сипоҳи ва йигит ва қоп-қора соқоллиқ ҳаргиз ичмассен, не маъни?... Сабоҳи сабуҳий қилдук...»

Бу давра чоғир базми учун жой танламас эди: «Шанба куни ойнаинг ўн бирида мажлис эди, намоз дигар била намоз шомнинг орасида, улуг қаптархонанинг томининг устига чиқиб ичилди...»

Суҳбат учун сабаблар ҳам мудом тайёр эди: «Чун бу дағдага бор эдиким, қирқ ёшқа бир йилдан озроқ қолиб эди, ифрот билан ичилур эди...» «Хазон боис бўлди, чоғир ичилди. Завол вақтигача мунда ичилди...»

Баъзан кайф устида ҳамиша бўлганидек ҳам кулгили, ҳам қўрқинчли воқеалар рўй бериб турар эди: «Андин сўнг отланилди. Мажлис ақли гузаро мастлар бўлуб эдилар. Сайид Қосим андоқ маст эдиким, икки навқари ташвиш била от устига олиб, ўрдуға еткурдилар. Дўст Муҳаммад Боқир андоқ маст эдиким, Амин Муҳаммад тархон ва Мастий чухра бошлиқлар ҳар неча саъй қилиб, отландура олмаслар. Бошига сув қуярлар ҳам бўлмас. Бу фурсатта бир пора афгон пайдо бўлур. Амин Муҳаммад тархон чоғир кайфиятида хаёл қилурким, мун мундоқ этиб олдиргунча бошини кесиб олиб кетарбиз. Бори юз машаққат била от устига солиб, олиб келурлар...»

Бу муҳитда ҳатто аёл кишининг ҳам ичишига изн берилар эди. Мана шундай чоғир базмларидан бирида Бобурнинг мулозими Турдибек Ҳулҳул энага деган бир аёл подшоҳ билан май ичмак орзусида эканини баён қилади. Бобур ҳам қизиқиб, хотин кишининг ичганини кўрган эмасдим, дея розилик беради. Аммо оз фурсат ўтмай, бу бадмаст хотин — Ҳулҳул энага кўрсатган шалойинликлардан безор бўлиб, ўзини мастликка солиб базўр қутулади...

Табий бир савол туғилади: наҳотки Бобурдек закий, нозиктаъб бир зот шу қадар инон-ихтиёрини муҳит эркига буткул бериб қўйган бўлса?..

Йўқ, Бобур денгиз тўлқинларига ташлаб қўйилган кеманинг ҳалокати муқаррар эканлигини яхши англади. Айни саргузаштларидан мутанаффир бўлиб — нафратланиб юрарди. Тушиб қолгани гирдобдан халос бўлиш йўлларини туну кун ахтарар эди. Ўз ҳолатини истеҳзо ва маъюслик билан эътироф этар, эътирофларини самимият билан «Бобурнома» саҳифаларига қайд қилар эди: «Боғи Калонда... тонгласи чоғир мажлиси бўлди. Охшомгача ичилди. Сабоҳи сабуҳий қилдук... Намоз хуфтангача ўшул ерда-ўқ суҳбат эди. Мулла Маҳмуд Халифа келди. Ани ҳам суҳбатқа чорладук. Абдулло хили маст эди. Халифа тарафидин бир сўз чиқди. Мулло Маҳмудтин гофил бу мисраъни ўқудиким: «Бар ҳарки сингари баҳамин доғ мубталоаст». («Кимга қарасанг, шу дардга мубталодир.»)

«Кимга қарасанг, шу дардга мубталодир...» Бу гап қачон, қайси замонда айтилган? Кечами ё бугун? Яна не вақтга қадар долзарб бўлиб қоларкин у?..

Шу тариқа орадан уч йил ўтди. Саодатманд шоҳ, армонли шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу кечган фурсат мобайнида

кўп яхши-ёмон кунларни бошидан ўтқарди, чархнинг жабру жафосини ҳам, ҳаёт нашъаси ва қувончларини ҳам обдан тортди. Ва ниҳоят умр шундай бир манзилга етиб келдики...

«Душанба куни, жумодил-аввал ойининг йигирма учиди сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримга еттиким, ҳамиша тавба дағдағаси хотиримда бор эди, бу номашруъ амр иртиқобидин алад-давом кўнглумда ғубор эди, дедимким, эй нафс:

Чанд боши зи маоей мазакаш,
Тавба ҳам бемаза нест бичаш...»¹

Бу воқеа ҳижрий тўққиз юз ўттиз учинчи — милодий бир минг беш юз йигирма олтинчи йили содир бўлди. Бобур ўша йили Ҳиндистонни забт этиб, порлоқ, оламшумул зафар қучди.

Худди шу йили у яна бир буюк ғалабага эришди.

Бу улуғ зафарнинг номи — Т А В Б А дир.

Бобур айни ўшал фурсатда Нафс устидан буюк ғалаба қозонди — ичкилик балосини енгди. Келинг, бу машаққатли, уқубатли ғалаба тафсилотларини кўздан кечирайлик. Ғалаба шарафига, маълумки, тантанавор қасидалар муносибдир. Шу боис ҳам Бобур бу ҳақдаги ҳикоясини энди наср билан эмас, назмининг баланд пардаларида давом эттиради:

«Неча исён била олудалигинг,
Неча хирмон аро осудалигинг.
Неча нафсинга бўлурсен тобиъ,
Неча умрунгни қилурсен зойиъ.
Нияти газв ила ким юрубсен,
Ўлмакингни ўзунга кўрубсен,
Кимки ўлмак ўзига жазм этар,
Ушбу ҳолатта билурсенки нестар.
Дур этар жумла маноҳийдин ўзин,
Аритур барча гуноҳидин ўзин,
Хуш қилиб ўзни бу кечмакликтин,
Тавба қилдим чоғир ичмакликтин.
Олтуну нуқра суроҳийю аёқ,
Мажлис олоти тамомин ул чоқ,
Ҳозир айлаб борини синдурдум,
Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум...»

¹ Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан, тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кўр! (Форс.)

Ўн икки ёшидан то ҳануз тахт устида, салтанат ташвишлари, чопқин ва босқинлар билан юриб, Бобур Мирзо талай ғалабаларни қўлга киритган эди: гоҳ Шайбонийхон устидан, гоҳ афгон беклари устидан, гоҳ Иброҳим Лўдий, гоҳ Роно Санго устидан ғолиб келиб, музаффарлик шавкатига ботган эди. Аммо бу сафарги ғалабанинг нашъу намоси, шукуҳи ва аҳамияти буткул ўзгача эди. Чунки ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, тўқайдаги йўлбарсни енгган кимса баҳодир эмас, балки ўз нафсини енгган кимса баҳодирдир.

Бу тавбанинг бошқаларга ҳам тааллуқли ва ибратли жиҳатлари бор эди: «Бу синдурулғон олтун-кумуш суроҳий ва олотни муштаҳиқларга ва дарвешларга улашилди. Ул кишиким, тавбада мувофақат қилиб эди. Асас эди. Соқол қирмоқта ва қўймоқта мувофақат қилиб эди, ул кечаси ва тонгласи беклардин ва ичкилардин ва сипоҳилардин ва ғайри сипоҳидин уч юзга яқин киши тавба қилдилар. Ҳозир чоғирларни тўктуруб, Бободўст келтурган чоғирларни буюрдуқким, туз солиб сирка қилғайлар. Чоғирларни тўккан ерда бир войин қоздурулди. Ният қилдумким, бу войинни тош билла қўпартуб, бу войиннинг ёнида буқъайи хайре қилғайлар...»

Тамом. Шу билан чоғир балоси ва буюк бир зотнинг ундан қай тариқа халос бўлгани хусусидаги суҳбатга нуқта қўйсақ ҳам бўларди, бироқ... «Ўрганган кўнгил — ўртанса қўймас», деган хавотир билан, «Бобурнома»нинг кейинги саҳифаларини ҳадиксираб варақлашда давом этамиз. Бирор саҳифадан Бобурнинг самимий эътирофи ила бу тантанали таъбирни бузиб қўядиган далолат чиқиб қолмасмикан, деган иштибоҳ хаёлининг бир четида муқим тураверади. Лекин, минг шукрки, бундоғ хи-жолатли ҳолни қайтиб учратмаймиз. Аксинча, тавбанинг қандай машаққатлар эвазига келганини, унга элтар йўлларнинг нечоғли оғир ва азобли бўлганидан хабар топамиз.

Бир минг беш юз йигирма саккизинчи йили Бобур Хожа Калонга битган мактубларининг бирида бу хусусда юрагини очиб сўзлайди: «Яна Абдуллоға битилган китобатта мастур эдиким, тавба водисида мувофақат дағдағаси кўп бўлуб эди, бу рубоний андаке моний бўлди:

Май таркини қилгали паришондурмен,
Билмон қилур ишминию ҳайрондурмен.
Эл борча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилубмену пушаймондурмен...»

«Яна ул рубоний ўтган йили айтилиб эди,— дея изоҳ беради Бобур.— Филвоқиё, бу ўтган икки йилда чоғир мажлисининг

орзу ва иштиёқи беҳад ва ғоят эди, андоқким, чоғир иштиёқидин борлар йиғламоқ сарҳадиға етар эдим. Бу йил, алҳамдулиллоҳ, ул дағдаға тамом хотирдин рафъ бўлди... Сиз ҳам тавба қилинг...»

Бобур Мирзо бу ғалабанинг ўз шахсий ҳаёти ва салтанат ҳаётидаги беқиёс аҳамиятини теран англади. Шу сабабдан мазкур улуғ зафар муносабати билан бобурийлар салтанати бўйлаб махсус фармони олий эълон қилинди. Фармонда, жумладан, қуйидаги сўзлар ҳам битилган эди:

«... Тавфиқ йўлловчиси «Кимки астойдил эшик қоқса, кираси», мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафсга қаршилик кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буурди.

Алқисса, «Эй раббим, нафсларимизга зулм қилдик»ни ихлос тилига келтириб, «Сенинг олдинда тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман», деган гапни дил лавҳасига нақш қилдик. Кўнгил хазинасида махфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси истагини юзага чиқардик.

... Бу орзу ва бу осойишталик тўла-тўқис охирига етганидан сўнг, олам бўйсунуши лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдики, тинч сақланган мамлакатда (худо офат ва хавфлардан омон қилсин) мутлақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сақламасин, элтмасин ва келтирмасин: «Ичкиликдан қочинглар, шоядки нажот топсанглар».

Бу ғалабанинг шукронаси ва бу чин тавбанинг қабул даражасига етишмоғининг садақаси учун, подшоҳликнинг бахшиш дарёси жўш уриб, олам ободонлиги ва кишилик обрўи бўлган карам тўлқинларини пайдо қилди: бутун мамлакат бўйлаб, ўтган султонлардан қолиб келган ва даромади ҳаддан ортиқ кўп бўлган тамғани, ўзи ҳам шарият қоидаларидан ташқари бўлгани учун мусулмонлар устидан олиб ташлаб, фармон содир бўлдики, ҳеч бир шаҳар, қишлоқ, йўл, кўча, гузар ва бандарларда тамға олмасинлар ва ундирмасинлар ҳам бу ҳукмнинг қоидаларига ўзгартиш киритмасинлар: «Кимки бунга эшитгандан кейин ўзгартирса, гуноҳи ўзгартирувчиларга бўлади».

Тавба ва унинг хосияти ана шундоқ яқун топди.

Шоядки, у бизга ҳам ибрат бўлса.

«Ичкиликдан қочинглар, шоядки нажот топсанглар».

АНДИША

Мумтоз сўз санъаткори Абдулла Қодирий асарларини эл аро машҳур ва севикли қилган сифатлардан яна бири шарқона андиша туйғусидир. Адиб ижодининг шоҳ томирлари ана шу ноёб инсоний туйғудан нафас ҳам озуқа олади. Хулқ-атвори ва истеъдодининг табиатига кўра бениҳоя хоксор инсон бўлган Абдулла Қодирийнинг ҳар бир сўз, ҳар жумлани бешафқат ва одил ҳакам — китобхон қаршисида улуғ бир андиша билан битганлиги зуккотаъб ўқувчига яққол англашилиб туради. Шу боис ҳам «Ўтган кунлар» дебочасида муаллиф ўз меҳнати, бадий мақсадини ибратомуз камтарлик ила «Янги замон романчилиги билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба», деб атайди, аммо зум ўтмай, чамаси, кўнглида ота-боболар қони билан минг йиллар оша ўтиб келган андиша туйғуси бош кўтаради-да, аввалги таърифни: «яна тўғриси, бир ҳавасдир», деб тағин ҳам камсуқум бир даражага қўяди.

Ва ўзлигини мана шу камсуқум бир пиллапояга қўйиб, Абдулла Қодирий сўз санъатини, ўзбек насрининг тўнғич ва суюкли икки фарзандини инсон боласининг хаёли, ҳайрат ва тасавурлари етиб боролмайдиган юксакликларга кўтаради.

Мен «Ўтган кунлар» билан «Меҳробдан чаён»ни қайта-қайта мутолаа қилиб, улардан чексиз маънолар топган кезларимда бу асарларни энг аввало, андиша билан битилган китоблар, деб атагим келади. Бу андиша ўлмас санъаткоримизнинг ижодий эътиқодидан — яъниким, «Ёзганинг ўзингни йиғлатиб-кулдирмаса, ўзгани йиғлатмас-кулдирмас», деган бадий ақидасидан келиб чиқади.

Андиша, уят, ор-номус, виждон тушунчалари Қодирий романларининг маънавий устунларидир. Бу таянч устунлари халқимизнинг минг-минг йиллик ахлоқий анъаналарига, ислом фалсафаси ва Шарқ маърифат сорбонларининг пойдор таъли-

мотларига бориб тақалади. Адиб «ҳавасида жасорат этиб» қалам тебратар экан, бирор лаҳза бўлсин, ўзининг Шарқ оталиги (Қодирий таъбири), ўзбек фарзанди эканини унутмайди.

«Ўтган кунлар»нинг 3-саҳифасидаёқ бу фикрни яққол исботлайдиган бир лавҳани учратамиз. Отабекни кўргани карвонсарой ҳужрасига Ҳомид билан жияни Раҳмат келадилар. Ҳасанали улар билан сўрашиб, чой қайнатгани чиқди. Раҳмат сўради: «Бу киши кимингиз бўладир, бек ака?»

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай эшикка қаради. Ҳасаналини ҳужрадан узоқлатиб сўнгра жавоб берди:

— Қулимиз.

Бу сўздан нима учундир Ҳомид ажабланган эди:

— Қулингиз?

— Шундоғ».

Романининг кейинги саҳифаларида биз Отабек билан Ҳасанали муносабатлари ҳақида муфассал тасаввурга эга бўламиз, бу оққўнгил мўйсафиднинг Отабек учун маънавий падар даражасидаги бир киши эканини англаймиз. Ана шу муносабат боис Отабек уни «ҳужрадан узоқлатиб», сўнгра кимлигини айтади. Шу ҳаракати унинг қалбидаги инсоний андишадан бизга далолат беради. Бу ҳаракатга «нима учундир» ажабланган Ҳомиднинг ҳолати эса унинг андиша кўчасидан ўтмаган бир кимса эканидан огоҳ этади.

Миллий ўзига хослик ифодасида ҳам Қодирий ҳаммаша андиша билан иш кўради. Юқорида эслатилган саҳна охирида диққатга молик бир жумла бор. Раҳмат Отабекни уйига — зиёфатга таклиф этади ва унинг розилигини олгач: «Саломат бўлингиз,— деди Раҳмат,— шунини ҳам сиздан сўрайин; ўтиришга бегона кишилар ҳам айтилса мумкинми, озор чекмасмисиз? Чақирилганда ҳам ўзимизга яқин ва аҳил кишилар бўлур».

Бу ҳам инсоний одоб — андишанинг юксак бир кўриниши, ота-боболаримиз маънавиятининг ифтихор этсак арзийдиган бир намунаси.

Худди шунингдек нозик бир руҳий манзарани Зиё шоҳичи билан Ҳасанали Мирзакарим қутидорнинг уйига совчиликка келганларида ҳам кўрамиз. Зиё шоҳичи маънодор тарзда сўз айлантириб муддаони қутидорга бир қадар англатгандек бўлади. Қутидор «Нима учундир яна ўзини тағофилга солиб», бек кимга кўнгил қўйганини сўрайди. Бунга жавобан Зиё шоҳичи: «— Сизнинг каримангиз,— деди. Қутидор ўзининг жойсиз саволидан ўкиниб ерга қаради. Ўртада тағин сўзсизлик, ўнғайсизлик бошланди».

Мана шундай ўнғайсизлик ҳолатини кўз олдингизга келтиринг-да, «сизнинг каримангиз» деган сўз ўрнига «сизнинг

қизингиз» деган сўзни тасаввур этиб кўринг. Нақадар қўпол, дағал ва хижолатли эшитилади қулоққа! Шунинг учун ҳам айни лавҳада хўб топиб сўзлаган Зиё шоҳичига, бинобарин, мумтоз адибингизга тасанно айтмай иложингиз йўқ.

Қодирий романларида андиша сўзини жуда кам — энг зарур ўринлардагина тилга олади, мен буни махсус ўрганиб чиқдим. Лекин шу сўз тилга олинган лаҳзаларда ҳар икки асар қаҳрамонларининг тақдирларида ҳам, тасвирнинг ифода йўсинларида ҳам муҳим сифат ўзгаришлари юз беради. Лев Толстой айтади: «Умр бўйи меҳнат қиладиган деҳқоннинг энг кам ишлатадиган сўзи — меҳнатдир». Худди шунинг сингари бутун ижоди давомида андиша деган муқаддас инсоний туйғунинг теран таҳлили билан машғул бўлган Қодирий ҳам бу сўзни ҳуда-беҳуда тилга олавермайди. Қодирий ва унинг олижаноб юракли қаҳрамонлари тасаввурларида одамзот икки тоифага бўлинади: андишали ва андишасиз. Уларнинг назарида оламда «андишасиз», «уятсиз» деган сўздан кўра кучлироқ ва огирроқ ҳақорат йўқ. Азизбек учун жон олиб жон берган Тошкент халқига кўрсатган садоқати эвазига ўттиз икки тангадан солиқ сочилади. Халқ жунбишга келиб исён кўтаради: «Ўттиз икки тангани яхшилаб берайлик биз унга! Ози бир ой ўтмасданми, андишасиз!»

Ёдингиздадир, «Меҳробдан чаён»да қуйидагича бир саҳна бор: Раъно хонга фотиҳа қилинган, Анвар бундан хабардор, не бир машаққатлар ичра сўнгги кечани ўтказмоқ учун Солиҳ маҳдум хонадонига келади. Қайғу дарёсига чўкиб бораётган Раъно Анвар билан меҳмонхонада видолашган каби маҳзун бир ҳолатда ўлтирганида отаси масжиддан қайтади ва уни қаттиқ койийди:

«— Ичкарига кир, Раъно, бевақт бу ерда нима қилиб ўтирибсан?!

... Раънонинг юзидаги қайғу белгилари йўқолиб, унинг ўрнини ғазаб, нафрат эгаллади:

— Андишасиз!»

Ёки яна «Ўтган кунлар»ни биргалашиб варақлайлик. Мана, Отабек Ҳомид уюштирган тўхматга қолиб, қутидорнинг қаҳрига дучор бўлади.

«Қутидор титроқ ва ҳаяжонли бир товуш билан:

— Уятсизга менинг уйимдан ўрин йўқ, уятсиз билан сўзлашишга ҳам тоқатим йўқ... Борингиз, эшигим ёнида тўхтамангиз!— деди-да, ўзини ичкарига олди...»

Манфур Ҳомид Отабек номидан битган сохта талоқ хатини ўқиб Кумушнинг қай ҳолга тушганини адиб шундай тасвир этади: «... У бу мактубни ўзининг сўнгги томчи кучи билан ўқиб

тамом қилди-да, жонсиз бир товуш ила: «Уятсиз!»— деб қичқирди ва ерга йиқилиб ўзидан кетди».

Бу воқеадан кейин орадан муайян фурсатлар кечиб, ота-она Кумушни қайта турмушга узатмоқ ҳаракатига тушадилар. Бироқ Кумуш ҳануз Отабекдан кўнгил узолмайди. Буни сезган Офтоб ойим дейди: «Мен сенинг ҳали ҳам ўша уятсиз эрингдан кўнгил узолмаганингни биламан... Сен яхши билки, бундан сўнг отанг у уятсизга ўз уйдан жой бермаганидек, уятсизнинг ўзи ҳам сени узил-кесил ташлагандир». Она шундай деб иккинчи сохта талоқ хатини қизига кўрсатади. Бироқ шунда ҳам Кумуш «кўз ёшини дув-дув тўкиб», қайта турмуш қурмоққа кўнмайди. Бу борада унинг келиб тўхтаган қарор ва мантиғи шундай: «Негаки мен ўзимнинг севган ва муҳаббат қўйган эримдан бунча уятсизлик кўрдим».

Ва ниҳоят, сир очилиб, Ҳомиднинг кирдикорлари фош бўлади. Бунга нисбатан билдирилган муносабат ҳам гоят диққатни тортади. Қутидор Ҳомиднинг ифлос қилмишларини бир-бир санаб чиқади: «Мен билан Отабекни қаматиб дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб бир-биримиздан жудо этувчи, Комилбекни ўлдирувчи, уйимиз орқасини тешиб Кумуш қасдида бўлувчи — ҳаммаси ҳам шу...»

Шунча жиноят! Шунча қабоҳатни амалга оширган кимсани сиз нима деб атаган бўлур эдингиз, муҳтарам биродар?

Келинг, қутидорга қулоқ тутайлик:

«... баттол Ҳомид экан...»

Ҳақиқий ўзбекона юракли инсоннинг — содда, тупроқдай хоксор, андишали ва шу боис номи қўрқоққа чиққан одамнинг гапи эмасми бу?

Қани, Офтоб ойим нима дер экан? Кўрамизки, унинг Ҳомидга нисбатан газаби эридан кўра кучлироқ экан: «Офтоб ойим титраган товуш билан:

— Уятсиз Ҳомид!— деди».

Хўш, нима учун Қодирий «андиша» ва «уят» сўзларига бу қадар урғу бериб, қайта-қайта, ҳатто баъзан бир жумлада икки-уч марталаб ҳам такрорлайди? Айни маънони ифода этувчи бошқа сўзлар адибнинг хаёлига келмаганмикин, деб тахмин қилиш бориб турган гумроҳлик бўлур эди, албатта. Гап шундаки, яқин-яқин кунларгача ҳам ахлоқий қоида йўсинларидан бири жамоат томонидан шундай белгиланар эди: «Уят фақат инсонга хос туйғудир. Ҳайвон уят пайдо қилолмагани учун инсонга яқинлашолмайди, аммо инсон уятини йўқотиб, ҳайвонга яқинлашиб қолиши мумкин» (Абдулла Қаҳҳор).

Қодирий ўз қаҳрамонларини мана шунингдек ахлоқ қонунларига кўра тоифаларга ажратади ва ана шу мезон асосида уларнинг қилмиш ҳам кечмишларини баҳолайди. Шу тариқа кўз ўнгимизда ҳаё ва одобни, маданият ва одамятти тирикликнинг асослари каби англаган бир қанча кишиларнинг беҳад жозибадор сиймолари намоён бўладики, бу жозибасирлари ҳақида сўз юритмоқ ҳам гоят мароқлидир.

Кумушбиби бир ўринда Тошкентдан Марғилонга — онасига йўллаган мактубида сўз орасида жумладан шундай деб ёзади: «...Сиз ранжисангиз ҳам айтай: қайин отамни ўз дадамдан ҳам яхши кўраман. Бу яхши кўришим куёвингизнинг дадаси бўлгани учун эмас, балки унинг нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймосини, «ойим» деб хитоб қилгандаги мулойим, беозор ва муассир сўзини яхши кўраман».

Қодирийнинг деярли барча марғуб қаҳрамонлари худди ана шу тарзда — нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймода, илоҳий бир қаламнинг қудрати билан яратилганлар.

Хусусан Юсуфбек ҳожи! Хусусан унинг Аббос Бакиров ижросидаги киноталқини!

Бу нуруний ва донишманд Шарқ падарининг инсоний жозибаси нақадар баланд бўлганини билмоқ учун Кумушнинг ўша мактубидан яна бир жумла ўқиш кифоя: «У насиҳат учун оғиз очса вужудим эриб кетгандек ва бир турли ухлаб ҳузурлангандек, қисқаси, Зайнаб билан жанжаллашишнинг ўзи бир ҳузур ва жанжалдан бўшалгач, қайин отамнинг қаршисига ўтириб насиҳат эшитиш ундан ҳам яхши ҳузур...»

Кумушбибидек ақли расо аёлнинг бу сўзлари Юсуфбек ҳожининг «ҳузурбахш насиҳатлари»га қулоқ тутмоққа бизда ҳам ғаройиб бир қизиқиш уйғотади. Кўрсакки, «...кундош ораси бузилиб, ўртадан сўз чиққанини гоҳ эшитса, Юсуфбек ҳожи иккала келинини ўз олдига чақиртириб уларни қатор ўтқазар эди. Аввало Кумушдан ўпка қилиб: «Ойим, ҳар нима қилганда ҳам сиз каттасиз, Зайнаб ёш, каттадан кичикка шафқат лозим, мундоғ яхши эмас!» ва Зайнабга қараб: «Болам Зайнаб отин! Сиздан ҳали ёшлик ғурури кетмаган, лекин менинг болам бўлганингизни сиз ҳам унутманг!» дер ва... кейин иккисини дуо қилиб, бир-бирисига салом бердирар — «ана шундоғ бўлсин, опоқ қизларим!» деб кетишга рухсат берар эди». Баъзан ўйлаб кетаман: букунги безовта, асабий турмушда — ҳар уч оиладан биттаси бузилиб, тирик етимлар сони кун сайин кўпайиб бораётган носоз бир муҳитда бизга Юсуфбек ҳожидек табаррук оталар ва уларнинг малҳами жон ўғитлари қанчалар етишмайди...

Бу нуроний сиймони эл ўртасида бунчалик баланд эҳтиром мақомига кўтарган фазилатлар — собит иймон ва инсоний андиша уни ҳаргиз тарк этмайди. Юсуфбек ҳожи умр бўйи аждаҳо комида маош айлагандек таҳликали бир вазиятда манфаатпараст ҳукмдорларни қўлидан келганича адлу инсоф сари чорлаб ўтади, юрт андишаси ҳеч қачон хотиридан кўтарилмайди. Ниҳоят, алал-оқибат салтанат эгаларидан бисёр разолат ва мунофиқликлар кўради. «Бу соқол шу эл қайгусида оқарди,— дейди у ранжу алам билан.— Бу кўнгил шу манфаатпарастлар таъсирида қорайди». Узоқ, азобли мулоҳазалардан сўнг ул зоти шариф аччиқ, аммо чин бир хулосага келади: «Мен биз халқнинг одам бўлишимиздан тамом умидимни кесиб қўйдим...» Шундан сўнг Юсуфбек ҳожи тахт талашиб қирпичоқ бўлиб ётган кимсаларга этак силкиб, узлатга чекинади — хунрезлик майдонида қолишга юрагидаги инсоний андиша асло йўл бермайди.

Юсуфбек ҳожи ижтимоий фаолият саҳнасида қанчалик улуғвор, донишманд ва солиҳ қиёфада кўринса, ўз хонадо-нида, кундалик турмуш муносабатларида ҳам шунчалик ваз-мин, сипо ва нуроний бир қиёфада намоён бўлади.

Бир неча мисол кўрайлик.

Юсуфбек ҳожи Ўзбек ойимнинг зўри билан Зайнабга уна-шилганлик хабарини Отабекка маълум қилар экан, огир мушкулот ичида қолади, бироқ шунда ҳам бу мураккаб ва-зиятдан ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам шаънига доғ тушир-май чиқа олади: «Биз ҳозир андишанинг бандаси, ўғлим... Бизнинг оиладан лафзсизлик чиқиши менга маъқул кўринмайди».

Ҳукм каби янграган бу сўзга бирор нима деб билдиргали энди Отабекда ҳад қолмайди — ота олдидаги андиша йўл қўймайди.

Мана, ниҳоят Юсуфбек ҳожи уч йилдан сўнг марғилолик келини билан илк бор юз кўришиб турибди: «Кумуш уялиб зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб, бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Кумушнинг манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди». Албатта, Юсуфбек ҳожидек мўътабар, киром бир шахсга нисбатан бу ўринда бошқа ҳар қандай тасвир унинг сийратидаги поклик, улуғворликни бу қадар ёрқин очиб беролмаслиги шубҳасиз. Аммо иш ҳали ҳолатнинг баёни би-лангина битмайди-да, ҳожининг энди нимадир дейиши ҳам тақозо этилади. Лекин бу «нимадир» шундай бир сўз бўлиши керакки, у мазкур ҳолат ифодасидаги бадий таъсир қудра-тини яна ҳам юқорироқ поғонага кўтариши лозим. «Бек

ота»нинг фавқулудда закоси бу сўзни ҳеч қийналмай топади ва соф, содда, самимий бир йўсинда баён этади: «Бизнинг Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да!— деб теварагига қараб кулинди ва қўлини дуога очди».

Мана шу бир жумла билан ўртадаги уч йиллик хижолат, гина-кудуратлар ҳам бирданига кўтарилиб кетади-да, Кумуш қатори китобхоннинг ҳам ҳожига нисбатан бўлган ихлоси яна бир карра ортади.

Юсуфбек ҳожининг муносиб зурёди бўлган Отабек ҳам ҳар бир қадамини юз бир андиша ва мулоҳаза билан босади. Шу андиша туфайли у Тошкентдан Зайнабга унашилганлик хабарини олиб қайтгач, Кумушга, унинг ота-онасига бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмайди, ҳатто Тошкентга қайтиб бор-масликка ҳам аҳд қилади. Фақат сирдан хабардор қутидорнинг қийин-қистовлари остидагина Тошкентга қайтишга мажбур бўлади, бироқ Зайнаб билан тўйи ўтгач, «чарлар»ни ҳам кутмай Марғилонга ошиқади, онасининг терс сўзларига жавобан шундай дейди: «Хотинимнинггина эмас, унинг ота-оналарининг андишасида шошаман...»

Маълумки, ота-она орзуси қаршисида ожиз қолган Отабек тўй арафасида уларга қарата: «...оладирган келинингиз қаршисида мени жонсиз бир ҳайкал деб тасаввур қилингиз», деган бир сўзни айтади. Бу гапнинг шунчаки айтилмаганини биз тўйдан кейин кўрамиз — Отабек тунларини меҳмонхонада ёлғиз ўтказа бошлайди. Хўш, ўша кезларда у уят, андишани унутган эдими? Ўзбек ойим айтмоқчи, «ин-софсиз, адолатсиз» бир кимсага айланган эдими? Йўқ, Отабек бу чоғларда оғир виждон азоби ичра қолган эдики, буни ўз сўзлари билан қуйидагича эътироф этади: «Сиз билган ин-софни мен ҳам биламан. Бир бечорани фақат сизнинг кай-фингиз учун азоб эмас, чеккан хўрлигини ўйлаб ҳар кунини бир қат этдан тушаман...» Зукко китобхон сўз Зайнаб хусусида бораётганини англаган бўлса керак. Бироқ айтилган дамда Отабек иккинчи бир андишанинг ҳам бандаси эдики, биз буни жуда яхши биламиз. Мана шу туйғу Отабекни қўрқинч жасоратларга ҳам ундайди — ҳеч кимни воқиф этмай, ҳеч кимдан мадад сўрамай бир ўзи уч каллакесар билан мардларча олишади.

Отабек билан отаси ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзаро теран эҳтиром ва одоб-андиша асосларига қурилгандир. Шу боис ҳам Отабек фироқ аламида баъзан сарҳуш қайтган кезларида отасига кўринмасликка тиришади, эртаси Ҳасаналининг юзига бош кўтариб қараёлмай уялади. Бу

жиҳатдан ушбу мисол айниқса ўринлидир. Кумушнинг кўзи ёриб Отабек йўлакда шу хабарни эшитиб турган пайт. Шунда у «... йўлакдан киргувчи дадаси билан Ҳасанали шарпасини олди ва ўйланиб тўхтади. Айниқса, ҳозирги пайтда дадаси билан тўқнашиш унинг учун бир оз ўнғайсизроқ туюлган эди... ичкарига томон юрди...»

«Меҳробдан чаён» романининг иймони пок қаҳрамонларидан бири Анвар мирзо ҳам андиша ва ахлоқнинг мужассам тимсоли бўлиб китобхон кўз ўнгида қад ростлаб туради. Ёшлик чоғларидан етимлик нонини тотиб, киши эшигида елка қисиб ўсган ғариб бир йигитнинг табиатига бу сифат бениҳоя мос келади. Шуниси айрича эътиборга моликки, Анвар ҳарчанд сермулоҳаза, серандиша одам бўлмасин, бу ҳол унинг ўз инсоний ғурури, шаъни шавкатини муносиб бир ўринга қўйишга тўсқинлик қилмайди. Диққат билан қараган киши мирзо Анварнинг устози Солиҳ махдумга асарнинг бошидан охиригача чин шогирдлик ҳурматида бўлиб келишини, ҳатто устози томонидан вафосизлик содир этилганида ҳам на бир сўз, на бир ошкора ҳаракат билан қоралашини кузатиши мумкин. Қодирийнинг адиблик андишаси шу даражадаки, у Солиҳ махдумнинг табиатидаги манфий хислатлар ҳақида Анварнинг тилидан сўзламайди, Анварнинг нуқтаи назари орқали баён этмайди-да, бу нохуш мажбуриятни муаллиф сифатида ўз зиммасига олади. Шу тариқа мирзо Анварни шоирона хаёллари билан юксак бир нуқтага кўтаради.

Мирзобоши Муҳаммад Ражаббек марҳум ўғли туфайли ўспирин Анварга алоҳида илтифот кўрғазмоқчи бўлади:

«— Агар мен бир домла тайин қилсам, ҳисоб ўқийсизми? — Устозим рухсат берсалар, албатта ўқийман».

Андиша туйғуси Анвар мирзонинг бутун борлигини мунаввар қилиб туради. Қодирий қаҳрамони қалбидаги бу одамийлик сифатини алоҳида таъкидлаб, романнинг 17-бобини «Анварнинг андишаси» деб атайдики, биз бунда фикримизга равшан бир далил кўрамыз.

Анвар ўз номзедининг (дарвоқе, биз «номзод» деб хато ёзар эканмиз, Қодирий ҳамма ўринларда «номзад» деб ишлатади — Х.С.) мирзобошиликка кўрсатилишига кўнмай оёқ тираб туриб олади. Сабаби — яна ўша андиша. Шаҳидбек билан Солиҳ махдум уни кўндиролмай кўп овора бўладилар. Орада махдум ҳатто қизишиб ҳам олади, Анвар ночор розилик беришга мажбур бўлади: «Башарти сиз бу фикримни маъқул кўрмасангиз... албатта...»

Мана, Анвар мирзобошилик ёрлигини ҳам олди, девонда қутловлар ҳам бошланди. Султонали уни уйига бориб, му-

боракбод қилгани келувчи кишиларни кутиб олишга даъват этади. Анвар бунга жавобан яна андиша қилади: «— Аввало менинг уйим йўқ. Ундан кейин мени муборакбод қилатурғон танишларим ҳам йўқ...»

Мирзо Анварнинг кўнглида бу ноёб инсоний туйғу нақадар барқарор эканлиги қоровул Тойир ака билан боғлиқ саҳнада тагин ҳам яққолроқ кўринади. Сўққабош, ғариб бу кимса билан гурунг қилиб, унинг тақдирига ачинган Анвар қоровулга оз бўлса-да, ёрдам бермоқ ниятида бир тилло ҳады этади. Аммо маърифатли юрак эгаси бўлганидан бу ишни бениҳоя одоб билан, Тойир акага зигирча ҳам малол келтирмай амалга оширади: «Тойир ака билибми-билмасданми, ҳар ҳолда тиллони қўлига олгандан сўнг яна тез қайтариб берди:

— Уят, уят бўлади.

— Бу пул ўзимга деб ўйламанг,— деди Анвар Тойир аканинг қўлини итариб,— сиз бу пулга ўтин, майиз, ортиб қолса, чой олинг. Султонали акам билан келганимизда гулханни бундан ҳам катта қилиб берасиз».

Анвар мирзо маънавиятининг табиий бир фазилати бўлмиш бу хусусият уни таҳликали кунларда ҳам тарк этмайди. Эслайлик: акаси Қобил кўп йиллик айрилиқдан сўнг Бухородан икки жўраси билан уни излаб Қўқонга келади. Анварни Раъно билан бировнинг уйида қочиб яширинган ҳолда топади ва жўралари ёнига қайтгач, уларга бир тиллодан пул беради: «Иним, қочиб ётқон ҳолда уларни меҳмон қилолмадим, деб сенларга шу икки тиллони бериб юборди..»

Раъно... Раънонинг бу борадаги хатти-ҳаракатларини таҳлил этганимизда инсон руҳиятининг ғаройиб тугёнларига дуч келамиз. Бу жасур, комила қиз Анварга йўллаган мактубларининг бирида: «Андиша ва эҳтиёт юзасидан бу хатни алоҳида ёзиб, китоб ичига солдим...»— дейди. Мана шу икки хусусият Раъно сийратида ҳамиша бирлашиб кўринади. Тўрт девор ичида, зиқна отанинг доимий сиқувлари остида вояга етган, ниҳоят падари тарафидан хонга мол каби сотилган бу Шарқ қизининг асар сўнггида қўрқмас исёнчига айланиши, «муҳри худо»— фотиҳани бузиб, ота-онаси, уй-жойини ташлаб ўлимни бўйнига олган ҳолда мирзо Анварга бирга қочишни таклиф этиши... бу бизнинг андиша ҳақидаги бояги мулоҳазаларимизга сиғишадими? Юзаки қараганда «йўқ», деб жавоб бериш мумкин. Бироқ Раънонинг юрагидаги бошқа бир андиша — «Мен хоннинг ифлос тўшагига ётмайман!» деган зўр инсоний қадр туйғуси, муҳаббат ва маърифат эътиборга олинса, «Ҳа!» деб жавоб қайтариш лозимдир.

Умуман, Қодирий қаҳрамонларининг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам бевосита мазкур тушунча билан, унинг идрок этилиш даражаси ва миқёси билан боғлиқдир. Ҳатто Ўзбек ойим ҳам барча можароларни шу туфайли — ёлғиз ўғлини «марғилонлик анди»нинг сеҳридан қутқариб, ўз истагича келин кўриш орзуси туфайли бошлайди. Уни ҳаракатга келтирадиган куч ҳам эл-юрт, Тошкентнинг тўрт даҳасида ўзининг оғзига қараган хотин-халаж олдидаги андиша туйғусидир.

Бу туйғу ва унинг беқиёс теран тасвири романнинг сўнгги саҳифаларида айниқса тенгсиз бадиий маҳорат билан намён бўлади. Кумуш заҳарланган, дунёга алвидо айтиб, жон таслим қилиб кетаётибди:

«Ҳожи Кумушнинг бошига келиб ўтирди. Отабек ва онаси оёғ устида эдилар. Кумушнинг кўзи юмуқ, сочлари юзи устида паршон эди. Ҳожи ўз қўли билан сочларини тузатиб Кумушнинг кўкимтир товланган юзини кўрди ва манглайини босди...

— Ойим... Ойим!..— деди ҳожи. Кумуш кўзини очиб бесаранжом унга назар ташлади ва таниб... қўзғалмоқчи (!) бўлди.

— Қўзғалманг, ойим... қўзғалманг!

Кумушнинг кўз ёши чаккасидан оқиб тушди... Ҳожи ҳам ўзини тўхтатолмай, Кумушнинг ёшини артиб, бошини силади:

— Худо шифо берар, болам!

Кумуш жомга қўзғалди, Отабек келиб қўлтиқлади, ҳожи ҳам унинг бошини тутди... Кумушнинг... кўзи ярқиллаб очилиб кетди ва теварагига бетоқат қаради».

— Ойи... дада...— сўнгра (!),— бегим!— деб ингради... Эрининг юзига юзини қўйди, уялгансимон (!) кўзини юмди...»

Бу саҳна романнинг энг баланд чўққиси бўлганидек, андиша туйғуси ифодасининг ҳам энг юксак нуқтасидир. Кумуш... шу хонадонда завол топаётибди, хонадон соҳибларидан ҳар бирининг бунда озми-кўпми ҳиссаси бор, бироқ Кумуш жон талвасасида ётиб ҳам буни зинҳор-базинҳор сездирмаяпти. Аксинча, қайин отаси ҳурматиға ўрнидан қўзғалолмагани учун чексиз изтироб чекяпти, қайин ота-қайин онаси ҳузурда эри билан видолашгани ҳам истиҳола қилаётибди...

Андиша!

Кумуш умрининг сўнгги лаҳзасига қадар андиша билан яшади. Фақат ўлимгина андишадан зўр чиқди, холос...

Мулоҳазаларимиз ниҳоясида икки оғиз сўз мумтоз санъаткоримизнинг адиблик андишаси ҳақида. Бу хусусда юқори-роқда қисман тўхталган ҳам эдик, яна қуйидаги фикрларни қўшимча қилмоқ жоиз: Қодирий баъзан одоб-ахлоқ тақозосига кўра айрим тафсилотларни китобхонга баён этишни раво кўрмайди — андиша қилади. Масалан, Абдураҳмон домланинг ифлос ўтмиши хусусида ҳикоя қилиб, сўз маълум бир чегарага етгач, ундан нари ўтмайди-да, «Унинг бу учинчи даврдаги аҳволини ёзишга қалам маъзурдир», деб ўз андишасини изҳор этади. Ёки бошқа бир ўринда шундай деб ёзади: «Мен — ёзувчи, «Ўтган кунлар» ҳикояларини отам марҳумдан неча қайталаб эшитсам ҳам зерикмас эдим, фақат бир жойида мени зериктирарди. Бу кун мен шу «Ўтган кунлар»ни қаламга олганимда ҳам ўша ўзимни зериктирган фаслни ташлаб ўтишга мажбур бўлдим? Дарҳақиқат, ўз ора-мизда кундош жанжалини ким билмасин? Арзимаган гап устида дунё бузган кундош тўполонлари кимнинг қулоғига ёқсин? Ўқувчининг қимматли вақтини аяганимдек, қаламни ҳам бу ғиди-бидидан озод қилишни мувофиқ кўрдим...»

Албатта, нимани ёзиш ва ёзмаслик — ёзувчининг ўз иши, ўз ҳаққи. Бироқ Қодирийдек андишали китобхон адиб ҳурматини, унинг қаршисидаги масъулиятини жуда теран тушунади: «Мени кечирсинлар»,— деб ёзади у фикрини давом эттириб.

Келтирилган бу икки мисолдан сезиладики, Қодирий нафақат китобхон олдида, ҳатто қалам олдида ҳам андиша сақлаган, ҳар нарсани унга раво кўра бермаган. Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик: нима учун бу фасл ёзувчини зериктиради? Менинг назаримда, шундай туюлади: адиб бу фасл воқеаларини ҳам илоҳий қаламининг қудрати билан моҳирона тасвирлаб беришга қодир эди, аммо шу кундош тўполонлари, арзимас ғиди-бидилар Кумушбибининг «нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймоси»га соя ташламаслиги мумкин эдими? Одоб, ҳусн ва заковатнинг юксак осмонидан уни бир қанча поғона пастига тушириб қўймаслиги мумкин эдими? Чоғимда, шунингдек, бир хатарни сезгани учун ҳам ёзувчи бу фаслни ташлаб ўтишга қарор берган бўлса, ажаб эмас.

Абдулла Қодирий инсон шарафининг гултожи бўлмиш андиша, ор-номус, уят каби муқаддас туйғуларни одамизот қалбидан абадий маскан топишини орзу қилган, бутун ижоди, бутун умри билан шу мақсад сари чорлаб ўтган улғу санъаткор эди. Афсуски, энди андиша деган тушунчанинг кундан-кунга биздан узоқлашиб, орамиздан кўтарилиб бора-

Ўтгани ҳеч кимга сир эмас. Турмушимизда юз берган ва юз бераётган барча фожиаларнинг асосий сабабларидан бири ҳам, эҳтимол, шундадир. Хусусан ошкоралик замонида беандиша кимсаларнинг таъма ва манфаатга қурилган саъй-ҳаракатлари туфайли бу қадимий туйғу қарийб ўтмиш сарқитига айланиб қолди. Куни кеча турғунлик деб аталмиш ижтимоий қарахтлик даврининг фаол арбоблари бўлган беандиша кимсаларнинг бугун бир думалаб пешқадам қайта қурувчи бўлиб олганликлари, яқин ўтган кунларда партбилетли хонларнинг тантиқ шаҳзодалари бўлган валломатларнинг ўша замон жабрдийдалари сифатида яна амал поғоналари сари ўрмалашлари... буларнинг бари андишали кишилар кўнглида фақат истеҳзо уйғотади, холос.

1990

ШОИРОНА, ДАРБЕШОНА БИР МАЪНО

Улуғ санъаткорларга ҳамиша башорат туйғуси ёр бўлади. Мумтоз ўзбек адиби Абдулла Қодирий ана шундай санъаткорлар сирасига киради.

Унинг ўлмас даҳосига мансуб асарларни эл аро машҳур ва севикли қилган фазилатлар бисёр. Тасвирдаги донишмандлик, нуруний ақл ва соддалик, андиша, ҳур фикр ва инсоний жозиба ёғдуси шу хил фазилатларнинг айрим белгилари, холос. Шу боис ҳам, мана, олтмиш йилдан ошибдики, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» китоблари халқ қўлидан тушмайди, авлоддан авлодга, наслардан наслларга суюкли, ардоқли бир маънавий мерос бўлиб келади. Ҳолбуки, бу олтмиш йиллик тарих мобайнида адабий қарашлар, санъат асари ҳақидаги тасаввурлар бизнинг жамиятимизда кам деганда олти юз маротабалар ўзгаргандир...

Биз ҳозир ниҳоятда галати жумбоқ бир даврни бошимиздан кечирмоқдамиз. Бундай мураккаб, алғов-далғов вазиятда адабиётнинг, соф сўз санъатининг қадри тушиб кетиши ҳеч гап эмас экан. Бир неча вақтдан буён шундоқ хавфу хатар мавжуд эди, бугунга келиб у тўла тасдиқ топди.

Адабиёт билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди — на китобхонларнинг, на ёзувчиларнинг. Сўз санъати ўрнини гап санъати эгалламоқда, теран, зиддиятларга йўғрилган, изтиробли фалсафий мушоҳадалар ўрнини олди-қочди воқеалар — сиёсий жанжаллар, жиноятлар тарихи, тўшак тафсилотлари, кимўзарга битилган арзон-гаров чақириқлар босиб кетмоқда. Адабиёт майдонида адабиётдан бошқа ҳамма нарса жавлон урмоқда. Ҳатто минг бир азоб билан китобхонга қайтарилаётган жабрдийда ёзувчилар ижодига нисбатан ҳам тўла лоқайдлик кузатилмоқда. Қаламкашлар орасида бир пайтлар ўзи сув ичган маънавий булоқларга туфуриш адабий ва ижтимоий жасорат сифатида урф бўлиб бораётгир. Аввалги романларида катта-катта сув омборларини қуриш билан банд

бўлган забардаст билакли адиблар бугун ёзаётган асарларида ўша омборларни бузиш билан овора...

Адабий жараён оқимида ҳам ғалати ҳоллар кузатилаётир. Бир томондан, адабиётни сиёсат чангалидан қутқариш йўлида қўрқа-писа дастлабки уринишлар бўлаётир. Айни пайтда адабиёт ташкилотлари ҳар қачонгидан ҳам кўра сиёсийлашиб бормоқда. Буни, лоақал, Ёзувчилар уюшмасининг депутатлар уюшмасига айланиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Бир томондан, социалистик маданият ҳақида бот-бот, қулоч-қулоч мақолалар эълон бўлиб турибди. Иккинчи томондан, ҳаётнинг барча жабҳалари қатори маърифат, санъат соҳаларига ҳам бозор муносабатлари ўктам қадамлар билан кириб келаётир. «Маданият» пардаси остида баъзи бир даргоҳларда қандоқ ишлар содир бўлаётгани ёлғиз оллоҳнинг ўзига маълум. Хуллас, аҳвол мавлоно Завқий ҳасрат ила ёзганларидек:

«Шеър эшитмайди биров,
даврон қулоғи қар анга,
Бир ҳовуч олтин-қумушнинг
куш жаранг овози бўл...»

Энди хаёлан бошқа бир манзарани тасаввур қилиб кўрайлик: бундан олтмиш йиллар муқаддам бу ҳолат қандоқ бўлган бўлса экан? Бундан кўра ўн чандон мураккаб, оғир, мубҳам ва мавҳум бўлмаганмикан? Ижтимоий инқилоб, гражданлар муҳорабаси, қулоқларни синф сифатида янчиш, маданий инқилоб жанги, ички душманларга қарши кураш... Ва бу ҳаракатларнинг барчасидан пировард-натижа ўлароқ тўкилган дарё-дарё қон, топталган тақдирлар, чалкаш ва фожиали қисматлар, маданият ришталарининг узилиши, юз йиллик тарихий анъаналарнинг инкори, адашган авлод армони... Мана шунингдек маънавий аросат майдонида туриб ҳам юрагига шеър ишқи, тоза, муқаддас сўз муҳаббатини сиғдира оладиган киши қалбан қанчалар юксак, руҳан қанчалар неқбин бўлиши лозим! Абдулла Қодирий ана шундай шароитда — сохта ва машъум адабий андазалар кўплаб ноёб истеъдод эгаларини синдириб-букиб, қул қила бошлаган бир пайтда адабий башорат билан майдонга чиқди: юрагида ўз замонасининг «Лайли ва Мажнун»лари, «Тоҳир ва Зуҳро»лари, «Баҳромгўр» ва «Чордарвеш»ларини яратиш заруратини англади. Давр тақозоси, унинг бешафқат бўрон ва алдамчи эпкинлари кўплаб қалам соҳибларини узоқдан мунаввар бўлиб кўринган, лекин охири берк кўчаларга бошлаб кетганида Абдулла Қодирий санъатни илоҳий бир мўъжиза деб

билди, сўзга сизинди, сўзни муқаддас ялов каби юксакка кўтарди.

«Эҳтиёж кишини буюк кашфиётчига айлантиради», дейди Робинзон Крузо, Абдулла Қодирий дилидаги тўйғу юракдан англанган бадий эҳтиёж эди — у кашфиётчига айланди. Кўҳна ўзбек тарихининг, сокин, мудроқ қўрғонлар бағридаги сирли ҳаётнинг, муаззам ўрдалар қўйнида кечган фитна-фужурларнинг, қашшоқлар кулбасидаги соф, одми, ҳалол муносабатларнинг, жаҳондаги қайғули ишқ қиссаларидан бирининг, инсон руҳиятининг мураккаб ғалаёнларининг мислсиз кашфиётчисига айланди у.

Руҳий таҳлил бобида Қодирий ўзига хос мактаб ва анъана эратган санъаткор эканлиги кўндан эътироф этилган ҳақиқат. Унинг таҳлили негизида инсонга ҳамдардлик, шафқат, жозоба туйғулари мужассам. Услубдаги шу жозибаторлик боис Қодирий тасвири ҳамиша қават-қават маъно касб этади, китобхонни турфа хил ўйларга толдиради. Ёдингизда бўлса, «Меҳробдан чаён»нинг «Ғариб кўнгли» деган фаслида адиб маҳалла қоровули Тойир аканинг «тутун билан қоп-қорайган, пастгина қоронғи ҳужрасини» тасвир этади. Сеҳрли қаламнинг жозоба қудрати шунчаларки, Анвар шу ҳужрага кириб келгач, ярим бетли тасвирдан сўнг бу пасқам ошиён китобхон кўз ўнгида бағоят шинам бир гўша каби гавдаланади. Ёзувчи бунга ҳеч қандай зўракиликсиз, соф реалистик ифода йўли билан эришади, бирор лаҳза бўлсин, ҳаёт ҳақиқатидан чекинмайди:

«Тойир ака қозикдаги тугунни ечиб тўрт-бешта нон, бир ҳовуч каттақўрғони майиз олиб, кичкина баркашчага солди. Баркашин Анвар олдиға келтириб узр айтди:

— Камбағалчилик, тақсир, олдингизга дастурхон ёзолмадик...»

Бу сўзларда қанчалар ўкинч, кўнгил синиқлиги, армон ва инсоний ҳасрат мужассам... Бу жумлани ўқиган чоғларимда нигоҳим қаршисидаги ҳужра яна ҳам қоронғилашиб, яна ҳам паст тортгандек туюлаверади. Шифтни қорайтирган аччиқ тутун томогимни баттарроқ бўғаётгандек бўлади. Аммо буюк санъатнинг жозоба кучи билан шу лаҳза мўъжиза рўй беради — бунинг учун мирзо Анварнинг икки оғиз сеҳрли сўзи кифоя:

«— Нима айби бор,— деди Анвар,— мен шундай қоронғи уйда, гулхан ёнида ўлтиришни ва шу ҳолда чой ичишни жуда яхши кўраман».

Нима учун? Қоронғи уйда, гулхан ёнида ўлтириб чой ичишда қандоқ хислат бор?

Бу саволга Анварнинг ўзи каби юраги пок дўсти Султон-али жавоб қилади:

«— Бу ўлтиришнинг бир нашъаси бор...»

Лекин қандай нашъа бу? Бир лаҳзалик сукутдан сўнг нимқоронги ҳужра ичра мирзо Анварнинг ўйчан товуши эшитилади:

«— Бор... Шоирона, дарвешона бир маъноси бор. Мен ёш, етим чоғим, опамнинг уйида шу ҳолни кўрар эдим. Язнам қашшоқ косиб эди. Қиш келди дегунча гулхан ёқар ва шу йўсин, гулхан ёнида ўлтириб чой ичар эдим. Шу гулхан ҳаёти ҳануз менинг эсимдан чиқмайди ва шу ҳаётга ҳамиша кўнгилда бир муҳаббат сақлайман...»

Бу дардчил, ҳароратли сўзлар жозибаси кўп нарсаларни ёдга солади. Китобхон кўз ўнгида беихтиёр қоронги ҳужра ёруғлашгандек, сирли бир ёғду билан файзиёб бўлгандек туюлади. Энди бу хилват кулбани мирзо Анварнинг маърифатли қалбидаги зиё шуъласи мунаввар эта бошлайди. Қандоқдир бир куч таъсирида кишининг шу ҳужрага кириб боргиси, гулхан атрофида жимгина хаёл суриб ўлтиргиси келаверади.

Қодирининг донишманд ва ўткир нигоҳи ҳаёт ҳодисалари замирида ҳамиша шоирона, дарвешона бир маъно кўради. Ва ана шу бадий маънони шоирона, дарвешона бир йўсинда — тенгсиз жозиба билан тасвир этиб беради. Мумтоз адибимизнинг ҳар сўзи, ҳар бир жумласида олам-олам ботиний маъноларга нозик ишоралар англаш ва улардан чексиз баҳра топиш қанчалар завқли. Мазлум қоровул Тойир аканинг умр дафтарини пича варақлаган мирзо Анвар бу ғариб кимсага таскин бермоққа, уни ёлғизлик балосидан қутқармоққа уриниб сўрайди:

«— Уйлантириб қўяйликми сизни?

Тойир ака миннатдор оҳангда кулди.

— Э, жонингдан тақсир,— деди,— энди бўлмайди.

— Нега бўлмайди?

— Соқолга қаранг, ўлим иси келади...»

«Соқолга қаранг, ўлим иси келади...» Саводсиз, қашшоқ бир қоровулнинг хаёлига бу пурҳикмат сўз қаёқдан, қай йўсин кела қолди экан? Ахир, бу иборанинг тарихи-беҳад узун, қадим эмасми? У жаҳон кезган, китоб кўрган соҳиби илм табиатига кўпроқ хос эмасми? Зеро, «соқол» ва «ўлим»ни ҳазрати Алишер Навоий мислсиз бир поғонада муқояса этганлар:

«Соқол оқи ўлимга пешравадир,
Тириклик сабзаси узра қиравадир...»

Ғарибкўнгил Тойир ака ана шу ҳаёт фалсафасини халқчил тарзда, соф, содда, мардона бир алфоз билан ифода этади. Шу йўл билан Қодирий энг оддий, энг хоксор, ҳатто айтиш мумкинки, ўткинчи бир қаҳрамони вужуди ва юрагида ҳам ўша шоирона, дарвешона маънони топа билади. Сўққабош қоровулнинг кейинги сўзлари бу маънони янада чуқурлаштиради, янада кучайтиради:

«— Кўнгил қариган, тақсир, кўнгил,— деди Тойир ака, кўлини кўкрагига тегизиб олиб.— Энди кўнгил ҳеч нарса ҳам тиламайди, фақат тинчлик тилайди. Тинчлик қачон бўлади — унисини билмаймиз-да...»

Бу сўзларнинг маъносига диққат қилинган бўлсак, уларнинг ҳам бежиз айтилмаганига амин бўламиз. «Тинчлик» орзуси — дунё ишларидан этак силташ нияти сўфийлик таълимотининг таянч тушунчаларидан бирига — «хилват дар анжуман» деган фалсафий ақидага бориб тақалади.

Айни хусусият — қаҳрамонларнинг сурат ва сийратидан шоирона, дарвешона маънолар қидиришга интилиш ҳатто салбий кимсалар қиёфасини чизган чоғларида ҳам Қодирий қаламини асло тарк этмайди. Зиқналикда, мумсиқликда Гобсекдан, Қори Ишкамбадан зинҳор қолишмайдиган Солиҳ махдум тасвирини эслайлик. Ҳатто ўзининг оқида қизи Раъно томонидан «Ерга ёғлар тўкилса, ётиб ялар тақсирим», дея ҳажв қилинган, хотини Нигорхоним билан «қовоқ сомсага ёғни кўп солиб таъмини бузибсан», деб жанжаллашадиган Солиҳ махдумнинг адабий сиймоси мазкур икки қаҳрамондан фарқли ўлароқ, кишида жирканиш ҳазар ҳиссини уйғотмайди. Махдумнинг турфа қилиқларига гоҳ куласиз, гоҳ аччиқланасиз, гоҳ раҳмингиз келиб, ҳамдард-хайрихоҳ бўлиб қоласиз. Халқона қилиб айтганда, махдум — ўзи хунук бўлса ҳам, истараси иссиқ бадий сиймодир. Бу ҳол айниқса «Адрас тўн ва иссиқ нон «фожиаси» фаслида яққол намоён бўлади. Мирзо Анварнинг ёрлиқ олгани муносабати билан Солиҳ махдум хонадонига ўрдадан севинчига киши келади. Таомилга кўра севинчига тўн бериш керак. Ана шу масала устида махдум учун кутилмаган «фожа» юз беради. Махдумнинг буйруғи билан сандиқдан бўз тўн олган Нигор ойим иккиланиб қолади: «Ўрдадан келган кишига шу тўнни бериб бўлармикан?» Раъно ҳам бу эътирозга қўшилгач, «махдум ўйланиб қолди. «Бўлмаса,— деди иккиланиб,— жўнроқ адрасдан ол-чи!»— Нигор ойим бир адрас тўн олиб, махдумнинг кўлига берди. Махдум тўнни ёруққа солиб кўрди:

— Йўқ, адрас ҳайф, Раъно,— деди тўнни тахига солиб,— ҳалиги бўзни беравер!»

Аммо бу таклиф яна қаршиликка учрайди, махдум танг аҳволда қолади:

«— Ҳайф-да, ҳайф!— деди махдум, адрас тўнни салмоқлаб кўриб. Бояги шошилиш ҳолати ҳозир йўқ, аммо юзида ачи-ниш вазияти бор эди.— Увол-да, увол, қизим, ипаги жуда қуюқ экан!

— Ипаги қуюқ бўлса, ҳеч нарса қилмас!— деди Раъно асабийланиб.— Кишининг иззат-нафси ундан ҳам қуюқ!

— Хайр, хайр!— деди махдум, адрас тўн билан видолаш-гандек...»

Тўн можароси шу тариқа махдум учун «кўнгилсиз» ҳал бўлгач, яна бир ишқал — «бозордан иссиқ нон олдириш» муаммоси кўндаланг бўлади. Махдум сўнгги умид билан хотинидан уйдаги суви қочган нонни «жуда қаттиғми?» деб сўрайди ва илинж билан жавоб кутади. Аммо... «жавоб яна фалокатлироқ эди...» Муаллиф шу пайтдаги махдумнинг ҳолатини тасвир этсину сиз билан биз томоша қилайлик: «Хўп, нон олдираман», дейишга ҳам махдумнинг мажоли қолмаган ҳолда бошини қуйи солиб, жавобсиз, ташқарига жўнади. Меҳмонхона саҳнида кутиб ўтирган йигитга ўз қўли билан адрас тўнни кийдирди. Йигит дарвозадан чиққунча ҳам махдумнинг кўзи «ҳайф кетган» адрас тўнда, қатто йигитдан Анварнинг келаётган хабарини сўрашни ҳам унутган эди...»

На илож, мол аччиги — жон аччиги!

Аммо махдумнинг бу «жон аччиги»даги тўлганишлари, унсиз изтироблари одамда фақат беозор кулги қўзғайди, холос. Унинг қилиқларини кузатганингиз сари завқингиз ошиб бораверади, бироқ мийғингиздаги табассум ҳеч вақт заҳарханда ёки ёвуз нафратга айланиб кетмайди. Беихтиёр ич-ичингиздан: «Э, буям худонинг бир бандаси-да», деган хаёл кечади.

Чинакам санъаткорга хос жозибанинг қудрати ана шундай бўлади.

Мулоҳазаларимизни давом эттириб, махдумнинг яна бояги ҳолатига қайтадиган бўлсак, уни янада кулгили вазиятларда учратамиз. Адрас тўн аламини ҳовли супураётган ва меҳмонхонага жой қилаётган ўқувчи болалардан олгандек бўлиб, лекин хусури қонмаган махдум бари бир осонликча таслим бўлишни истамайди, Нигор ойимни қийин-қистокқа олади: «...қани, менга уч-тўртта нонингдан олиб кўрсат-чи!» Бунга жавобан Раъно қутидан беш-олти дона нон олиб, отасининг қўлига беради. «Дарҳақиқат, бир-бирига ўхшамаган нонлар тарашадек қотиб қолган эдилар. Махдум уриниб

кўриб, биттасини ҳам синдиришга кучи етмади. Раъно юзини четга ўгириб, кулиб турар эди. Махдум урина-урина, ниҳоят ўзи ҳам кулди:

— Зор қолгуринг жуда ҳам қотипти-да, кун ҳам иссиқ-а, Раъно?»

Мана шу ердаги «ўзи ҳам кулди» деган сўз Солиҳ махдум табиатидаги ўзига хос инсоний жозибани очишга бир калит бўлиб хизмат қилади. Ўз қусурлари устидан ўзи ҳам кулишга қодир одам, маълумки, ўтакетган аблаҳ ва нобакор одам бўлмайди. Биз энди Солиҳ махдумни шу кўйларга солган ҳаётгий омиллар ҳақида ўйлаб кетамиз. Даврнинг мислсиз тўфонлари унинг қисматига етказган эиш-заҳматларни бор салмоғи билан идрок этгандек бўламиз.

Кўринадики, табиатан зарофатдан, шеъриятдан йироқроқ бўлган кимсалар юрагидаги милтиллаган эзгулик учқунларини ҳам аланга олдиришга беҳад моҳир бўлган Қодирий ўзининг суюкли, марғуб қаҳрамонлари сиймосини ҳамиша нурга, латофат ва нафосатга йўгириб тасвирлайди. Адибнинг сеҳрли қалами висол ва ҳижрон онларини ифода этганида, ўлим ва туғилиш лаҳзаларини баён қилганида, табиатнинг жаннатий манзараларини чизишга киришганида бамисоли булбул бўлиб сайрай бошлайди.

«...Кучли шамол кўзгалган эди. Шамол, гўё кўмаклашган каби орқадан эсиб, Раънони Анвар томонга майл этдирар эди. Терак орқасида қолган ой ҳам кучли елнинг кўмагида терак бошидан буларга мўралаб олди. Икки ёшнинг ҳозирги ҳолини яқиндан томоша қилмоқчи бўлган туссиз бир юлдуз кўк саҳнининг ерга яқинроқ қисмига учиб тушди...»

Қодирий романларини мутолаа қилар экансиз, унинг саҳифалари Шарқ оталарининг асрий ҳикматлари билан тўлуғлигини кўриб ҳайратингиз ортади. Эҳтимол, шунинг учундир бу асарга қаҳрамон бўлиб кирган ҳар бир шахс Шариф бир алфозда фикр ва сўз юритади, аксарият адабий сиймоларнинг тилидан Шайх Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Навоий ва ўзга донишманд аждодларимизнинг байту ғазаллари тушмайди. Бу ҳикматли байтлар асарларнинг бадиий тўқимасига узвий равишда бирлашиб кетади, гоҳо эса қаҳрамонларни ҳал қилувчи хатги-ҳаракатларга даъват этгувчи сеҳрли куч каби таъсир беради.

Мирзо Анвар, ноҳақ ҳибс этилиб, ўлим хавфи остида қолган дўсти Султоналини халос этиш учун хон ўрдасига ўзи таслим бўлиб келади. Худоёрхон билан Анвар ўртасида кескин тўқнашув содир бўлади. Анварнинг кутилмаган бемисл жасорати ҳаммани довдиратиб қўйган. Хўш, бу қўрқинч жа-

соратнинг боиси нимада? Қодирий буни мумтоз Шарқ шеърятининг қадим ҳикмати билан қуйидагича изоҳлайди: «Шайхи Саъдий айтганча, дунёда ҳаётидан қўл ювгувчидек тили узун киши бўлмас. Дарҳақиқат, инсонни разолатга солувчи унинг манфаати тақозоси, қолаверса, ўлимдир. Бу иккисидан кечгувчига эса на подшоҳнинг қаҳри ва на жаҳаннамнинг қаъри фарқсиздир...»

Ҳатто ўлим саҳналари тасвирида ҳам адиб даҳшат пардаси ичра мардоналик, шижоат белгиларини кашф қила олади. Жаллод, қўли боғлиқ Анварни дор томонга олиб бориб, ханжарини энгига яниб келган чоғда ҳам бу олижаноб қаҳрамон юрагини шоирона, дарвешона ҳиссиёт тарк этмайди:— «Менинг ҳолимни кўрингиз, домла,— деди Анвар кулиб, — қўлим боғланган, устимда ханжар ялтирайди. Лекин мен куламан... Нима учун бундай, тақсир? Чунки виждон роҳатда, жон тинч, юракда — ишқ!.. Дуруст, мен кўмилгач, қабрим устида кўкси доғлиқ қизил лолалар кўкараар... Нимадан бу? Бу — сизнинг каби тубанлар солган из!..»

Бу оташин сўзларга оломоннинг муносабати қандай эди? Афсуски, томошага тўпланган тумонат одам ночор, кару соқов эди. Бу ҳолат ушбу жумлада мухтасар ифода топган: «Томошабинлар тоқатсизлангандек кўриндилар».

Диққат қилиб қарасак, шу жумлада ҳам сир яширин. Томошабинлар нега тоқатсизлангандек кўриндилар? Улар Анварнинг фиғонли ва шоирона сўзларидан тоқатсизланган эдиларми ёки содир этилаётган манфур зулм, бедодликданми?

Бу сир икки жумладан кейин ошкор бўлади — яъни ҳаётдан ўзига хос бир юпанч, илинж ахтарган уч чапани ўртоқ — Шариф, Раҳим ва Қобилбойнинг саъй-ҳаракатлари билан Анвар жаллод қўлидан юлқиб олинади. Юқорида сўз юритганимиз дарвешона бир маъно мана шу уч дўст тимсолида айниқса бўртиб намоеън бўлади. Ўз тасаввурларидаги озод бир турмушни истаган, риндона хаёллар билан умргузаронлик қилаётган боши очиқ бу йигитлар Анварга нисбатан бўлаётган адолатсизлик, «Номусулмончилик»ни кўргач, асло тоқат қилолмай қоладилар. «Шу бевафо дунёга бир иш қиламиз», деган узил-кесил қарорга келадилар. Бу «бир иш»нинг маъноси шуки, «шу тунга учовимиз бориб ё ўламиз, ё шу бечорангни рўшноликка оламиз!» Қарор қатъий, уларни бу йўлдан, ҳатто ўлимдан ҳам қайтаргувчи куч энди оламда йўқ. Бунинг сабаблари эса қуйидаги содда мантиқ билан ифодаланади: «Ахир биз дунёга нима олиб борамиз, ҳай ўлук, дунёга ўн тилло пулимиз қолайдими, ё уйга сочини тараб тўхтаган хотунимиз қолайдими!»

Мана шу ерда энди бир оз диққатимизни жамлаб, мулоҳаза юритайлик. Бундан бир неча саҳифалар муқаддам биз мирзо Анварни мана шундай ҳаёт-мамот муаммоси гирдоби ичра кузатган эдик. Ва унинг қандай қарорга келиб тўхтаганини ҳам кўрган эдик. Шайх Саъдийнинг ўша сўзалари ҳозирги вазиятда ҳам ниҳоятда ўринли эмасми? Демак, шу нуқтада ҳаётдан қўл ювган кимсалар сони тўртгага етди. Энди булар учун «на подшоҳнинг қаҳри, на жаҳаннамнинг қаъри фарқсиздир...»

Сухбатимиз аввалида биз башорат туйғуси ҳақида сўзлаган эдик. «Меҳробдан чаён» мутолааси чоғида киши ақлини фавқулодда шошириб қўйгувчи бир башорат учрайди. Романнинг «Ўпка ва ҳазил» деган дастлабки бобларидан бири. Асар воқеалари ҳали бениҳоя осойишта кечаётир. Истиқболдаги хавфу хатардан ҳеч бир нишона сезилмайди. Раъно ва Анвар ҳазил-ҳузул билан сўзлашиб ўлтирган чорбоққа кўланка солгувчи ҳеч қандай булут асари йўқ. Сўз айланиб келиб, кутилмаганда шундай оҳанг касб этади. Раъно бу кун оқшом меҳмон келиши кутилаётганини айтади: «Фотиҳага кишилар келар эмиш, деб эшитдим». Унинг бу гапига жавобан «Анвар ўйланиб яна кулимсиди:

— Сенинг фотиҳанг бўлмасин?
— Менинг қандай фотиҳам бўлсин: мен ҳали тирикман.
— Тескарига бурма, Раъно, балки сени эрга бермоқчидирлар?

Раъно қизариб турди-да, яна гапни кулгиликка олди:

— Мени кимга берар эмишлар?
— Сеними?— деди кулиб Анвар.— Сени хондан бошқа (!) ким олсин!..»

Ўйнаб айтилган шу бир оғиз ҳазил гапга шу лаҳзада фаришталар омин деб юборган бўлса, не ажаб! Менинг назаримда, романда бундан кейин юз беражак барча руҳий тўқнашувлар, фожиалар мана шу биргина жумла билан чамбарчас боғлиқдек туюлади...

Қодирийнинг маҳорат сирлари ҳақида тўхтовсиз ва узоқ ҳикоя қилиш мумкин. Аммо фақат бу тенгсиз санъатга маҳлиё бўлиш билангина кифояланмасдан, ундан маънавий-иждодий сабоқлар олиш вақти ҳам етгандир. Улуғ адибимиз ҳамиша, ҳамма асарларида ҳаётдан шоирона, дарвешона маънолар қидиргани бизга аён бўлди. Бунда теран бир ҳикмат бор. Чунки ҳаёт қанчалар оғир, қанчалар уқубатли бўлмасин, бари бир гўзалдир. Гўзаллик эса, маълумки, шеърятдир, соф, озода, юксак инсоний хаёл ва орзулардир. Кўп чалғиган ва чалғитилган бизнинг бугунги жафокаш адабиё-

тимиз эса, афсуски, мана шу қудратли сафарбар руҳдан — ҳаётдан шоирона, дарвешона маънолар топа билиш ва уни бадийий йўсинда ифодалай олиш хислатидан тобора узоқлашиб бораёттир. Аксарият асарларимизда кўнгил дардлари, инсон руҳиятининг минг бир сирли жилваларидан заррача ҳам нишон кўрмаймиз.

Киши баъзан кундалик икир-чикирлардан, ҳадеб қайта-қайта қураверишдан ҳам чарчар экан. Ана шундай кезларда унинг руҳи чинакам адабиётни, сўз санъатининг асл дурдоналарини соғинади. Не бахтки, тақдир ўзбек адабиёти манг-лайига ҳам оз бўлса-да, ана шундай асарларни битган...

1991

МУНДАРИЖА

ҚИССАЛАР

Кўнгил соодадур ✓	4
Саодат соҳили	73
Ёзнинг ёлғиз ёдгори ✓	110

ҲИКОЯЛАР

Ғулумгардиш	186
Олис «Артек» ҳақида хотиралар	195
Ой ботган паллада	204
Нуқта	217

ЭССЕЛАР

Бобурнинг тушлари	230
Тавба	240
Андиша	249
Шоирона, дарвешона бир маъно	261

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Литературно-художественное издание

Хайриддин Султанов

СНОВИДЕНИЯ БАБУРА

Повести, рассказы, эссе

Художник Юлай Габзалилов

Ташкент, издательство Литературы и искусства им. Г. Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

Хайриддин Султонов

БОБУРНИНГ ТУШЛАРИ

Қиссалар, ҳикоялар, эсселар

Муҳаррир М. Аҳмедова

Расмлар муҳаррири А. Кива

Техник муҳаррир В. Барсукова

Мусаҳҳиҳ Ш. Собирова

ИБ № 4517

Босмахонага 12.12.91 да берилди. Босишга 27.04.92 да рухсат этилди. Бичими 84×108/32. 2-нав босмахона қоғози. Тип Таймс гарнитура. Юқори босма. 14,28 шартли босма тобоқ, 14,7 бўёқ нусхаси. Нашр босма тобоғи 18,0. Жами 15000 нуска. 284 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида. 37—91 рақамли шартнома.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитаси хузуридаги Тошкент китоб-журнал ишлаб чиқариш фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.